

Истиқлол қаҳрамонлари

Абдурауф
ФИТРАТ

ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР



Истиқлол қаҳрамонлари

Абдурауф
ФИТРАТ

**ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР**

V жилд

ИЛМИЙ РИСОЛАЛАР

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2010

Таҳрир ҳайъати:

*Тўра Мирзаев, Наим Каримов, Дилором Алимова,
Нажмиддин Комилов, Суннат Аҳмедов*

Абдурауф Фитратнинг қўлингиздаги V жилдига ўзида фалсафий қарашларни мужассам этган «Бедил» («Бир мажлисда»), «Мухтасар ислом тарихи», «Нажот йўли» («Раҳбари нажот») ҳамда аруз вазни тадқиқига бағишланган «Аруз ҳақида» илмий-маърифий рисолалари киритилди.

Масъул муҳаррир

филология фанлари доктори, профессор Н. Каримов

Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи
филология фанлари доктори, профессор Ҳ. Болтабоев

84(5Ў)6
Ф71

Фитрат, Абдурауф.

Танланган асарлар: 6 жилдлик / А. Фитрат; нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. — Т.: «Маънавият», 2010. — (Истиқдол қаҳрамонлари.)

Ж. V: Илмий рисолалар. — 304 б.

ББК 84 (Ў)6

Ф 4702620204-03
M25(04)-10

ISBN 978-9943-04-111-0

© «Маънавият», 2010



БЕДИЛ

(*Бир мажлисда*)

— Мумкинми?!

— Ў... Рустамми, кел, ўртоқ, кел!

Рустам: Оврўпача тўшалган бу кичкина бўлмага киргач, ўртоғи Қутлуғни чиройлик лампанинг ёруғида бир-бирининг устида очилиб ётган мусулмонча, русча китобларга тикилган бир ҳолда кўрди. Кўрушиб ўтирдилар.

— Янами мутолаа! Масковда шунча ўқуғанинг етишмадими?!

— Таътил пайтини Бухорода ўткармак учун келганимнинг биринчи сабаби юртимизнинг тарихий, иқтисодий, адабий ҳолларини яқиндан текширмақдир. Бухоро тарихини текшириб тураман¹.

— Ўртоқ! Таътилни Бухорода ўткармоқчи экансан, ҳар ҳолда бир-икки ой бунда қолсанг керак. Бунда қолганинг чоғда салла-чопон қилиб юрсанг яхши бўлмасми?

— Хўш, бу сўз қаердан чиқиб қолди?!

— Бизнинг элнинг қандайлигини биласан. Сенинг бундай юрушинг ҳеч кимга ёқмайди.

Масковда мактабнинг сўнг синф имтиҳонларини юқори даражада битириб, таътил пайтини Бухорода ўткармак учун қайтган Қутлуғ деганимиз бу йигит: Бухоро мадрасаларида ўқуғани пайтларда ҳам шерикларида кўрилмаган бир эрк, бир озодлиқ кўрсатиб юрар эди. Масков тарбияси эса, бунга айрича озод, мустақил бир тушуниш берган эди. Ўртоғи Рустамнинг бу сўзига кулибгина қўйди. Жавоб бермади.

— Чой ичасанми? — деди.

— Йўқ, ичмайман. Нега кулдинг? Меним сўзимнинг сабаби бор-а!

— Қани, сабабини онглайлиқ-чи?

— Бугун «...»ни кўрдим. Айтдиларким: Қутлуғнинг бундай юриши элнинг ихлосини биздан² қайтарадир. Унга айтинг, Бухорода салла-чопон қилиб юрсин. Яна Масковга боргач, ўз кишиликларин кияр.

– Сиз «...» жаноблариға айтинг: элнинг ихлосини ўзларидан қайтармоқ истамасалар, унга фойда еткузмоқ йўлини топсунлар. Элни ўзунгизга ишонтирмоқ учун унга салла-чопон эмас, фойда кўрсатингиз. Сиз ҳам элни салла-чопон билан алдаб тутамиз десангиз, эски ҳукумат одамлари билан орангизда айирма қолмайди.

Рустамнинг чиқарган папирўс қутисидан бир папирўс олди. Қалин бир китобнинг остинда қолган гугурт қутисини топиб Рустамнинг-да, ўзининг-да папирўсини ёқди. Рустам Қутлуғни бир оз гапуртмак истар эди, сўзини битирмади-да:

– «Афкори умумия»ни³ кўзга олмасдан қайдан ишлаб бўлади?! – деди.

– Мени гапга солма! Бизда «афкори умумия» йўқдур. Бу ясама жумла: ишдан қўрққан бир тўда эл ходимларининг оқсоқ, ялқов мантиқлариндан бошқа нарса эмасдир. Унларга янги бир йўл, янги бир иш кўрсатсанг, мантиқий бир суратда сўзингни қайтара олмай, ҳалиги ясама жумлани лўп этиб олдингга қўйиб, кўзларини кўзларингга тикиб ўтуралар. Сўнг кунларда эса бу жумлани жуда ўз йўлинда чиқардилар. Бутун ялқовлар буни ўзлариға қурол қилиб олдилар. Ҳар қандай бир ишни истамасалар, «афкори умумия»га тўғри келмайди, деб ўзларини қутқаралар. Ўртоғим, шунга ишонким: бу қора жумланинг бизга берган зиёни истибдод ҳукуматининг берган зиёнларидан ортиқроқдир.

– Сен кўп қизиқ гаплар гапурасан! Модомики, умум бордир, унинг афкори ҳам бўлмоғи керак. Жаннат, жаҳаннам каби диний фикрлар эл орасинда умумий эмасми?

– Янглишингиз шунда... Элимизда афкори умумия йўқ. Бошлиқларға эргашмоқ хусусияти бор. Бошлиқлари нима десалар, эл шунга ишонадир. Бизни элга ёмон кўрсатган ҳам унинг бошлиқлари – муллолар, беклар, ҳокимлар эдилар. Қачонким шунлар эзилиб, иш бошидан йўқолдилар, шу кундан бошлаб, биз эл кўзига яхши кўрундик. Жаннат, жаҳаннам каби диний фикрларни ҳам элимиз ўз фикри қилиб сингдириб олган эмас, бошлиқларнинг сўзлариға эргашибгина қабул этган.

– Эл шуларға ишонадирми?

– Ишонадир.

– Масъала битди. Шулар фикр этса, эл шуларға ишонса, демак бизда «афкори умумия» бор.

– Азизим! Биз шул «афкори умумия» деган сўзни Оврўпани таниғандан сўнг ундан олдиқ. «Афкори умумия»-дан ҳуркмакни ҳам шундан ўргандиқ. Оврўпада «афкори умумия» деган кучли қурол чиндан-да бор ҳамда оврўпалилар ундан кўрқалар. Оврўпада эл бир фикрнинг теграсинда тўпланса, уни яшатмоқ йўлинда жондан, молдан кечадир. Мана сенга бир мисол: Русиянинг ишчи халқи «ижтимоий инқилоб» фикри умумиясини майдонга қўймоқчи бўлди. Бутун Оврўпа, Америка жаҳонгирларининг бутун ҳийлалари, тадбирлари, таҳдидлари, кучларига қаршу турди. Кўкрак берди, йўққа чиқарди-да, ўз фикрини яшатди, ўз тилакларига эришди. Мана «афкори умумия» деб, бунга дейлар, бу билан жаҳаннам каби фикрлар бўлса ҳам, улар бу фикрлар учун жонлари нари турсин, нонларини-да бермайлар. Мен бундан кўркүб, энг сўл фикрларимдан ҳам бир одим кейин қайтмоқ истамайман. Сен эсанг, менга салла-чопон кийгизмак савдосинда юрасан, қўй, ўртоғим, қўй! Элни алдаб, қоринларини тўйдирганлар салла-чопон қилиб, тасбеҳ қайтара берсинлар. Меним энг сўнг фикрим шу: Инсон ўзини бўлгани каби кўрсатсин, ё кўрсатгани каби бўлсун!

Рустам сўзни бундан ортиқ чўзмакнинг маъносиз бўлу-рини сезди.

– Қутлуғ! Кўб чарчадинг. Кел сени бир жойга олиб бораин, – деди.

– Қандай жой?

– Сўраб нима қиласан? Шу кечани яхши ўтқарайми, йўқми?

– Кимникига борамиз?

– Ҳамидникига. Жуда яхши адабий мажлислари бор.

Қутлуғ папирўс қутисини киссасига солиб, жойидан турди. Кичкинагина фонусни олиб ёқди, телпагини бошига қўйди.

– Салла-чопон қилайми? – деб қўйди.

– Қўйинг эмди, калтак қилманг, бизда «афкори умумия» йўқ экан, истаганингиз каби юра беринг!

Кулиб уйдан чиқдилар. Ташқари қопқани бекитиб, кўчада юра бошладилар. Кўчалар жимжит. Кимса йўқ. Хуфтон намозини ўқуб, уйларига кирган «мўмин бандалар»нинг ҳаммалари ухлаган, ора-сира бу йўлчиларнинг оёқ товушларига қаршу ғуру(л)лаб қўйган ит товушлариндан

бошқа ҳеч бир ҳодисага учрамаган бу икки ўртоқ бир-бирларига гапирмасдан эркисизча юрар эдилар. Бир оз юргач, Рустам бир қопқа олдинда туриб тақиллатди.

— Ким?!

— Ошна.

— Қопқа очилди. Икки ўртоқ кирдилар. Қопқани очган кишининг ким эканига қарамайин юрдилар. Тор, қоронғу бир йўлдан юриб, яна тор, қоронғу, эгри-бугри босқичларга эришдилар, қўлларидаги фонус ҳам томдаги лампанинг ёруғи билан болахонага чиқдилар. Болахонанинг айвонида кўноқлари билан ўтурган Ҳамид буларни кўргач, ирғиб турди.

— Ў...марҳамат. Қутлуғ ўртоқ, марҳамат! Бизни сўраганингизга қуллуқ.

Кучоқлашиб кўришдилар.

Бухоро муллолари орасинда форсча гўзал шеърлар ёзмоқ билан машғул бўлган мулло Қурбон, ёш тараққийпарвардан Ҳалимбой Қутлуғнинг эски мактаб ўртоғи бўлуб, бугунларда Бухорода янги мактаб ўқитғучилари бўлган Шариф билан Эгамберди ҳаммалари Қутлуғ билан кўришдилар. Қутлуғ бу эски танишлари билан кўришиб сўрашгандан сўнг, тубанда қўл қовуштириб турган, ёнларида узаниб тиклаб ёстанган танбур, даф⁴, рубобдан чолғучи эканлари онглашилган кишиларга салом берди-да, ўтиб жойига ўтирди.

— Ҳамид ўртоқ, мен бу кеча сизнинг уйингизда ўзимнинг тарихим билан кўришдим, жуда қувондим. Буларнинг ҳаммалари меним эски танишларим, — деб қўйди.

Ҳамид «хуш келдингиз» дегандан сўнгра кўноқларга чой берди. Чолғучиларга қараб:

— Бизнинг кўноқларга биринчи зиёфатни сиз бера-сиз, дегач, узунча соқоли оқарган, бутун ҳаракатларидан Бухорода мусиқийнинг буюк устозларидан бўлгани онглашилган бир чол танбурни олди, қулоқларини юқоритубан бураб қўйди. Бир-икки йўла чертиб-да тинглади. Сўнгра танбурнинг чаноғини қўйди-да, кўзларини юмиб, бошини кўкрагига тўғри букиб, «Ироқ»нинг «Буюк сақийли»ни⁵ чала бошлади.

Танбур адабий, ишқий бир рўмон ўқир экан каби оғир бир муқаддимага киришди. Унинг титрак товуши ёлғуз ҳавони эмас, сингирларни-да⁶, юракларни-да титратиб,

ойнинг соф, тиниқ нурига аралашиб йўқолар эди. Чолнинг ўйноқи бармоқлари танбурнинг авж пардаларига яқинлашгач, рўмоннинг фожиали ёнуқ бўлumi бошланди. Танбур ўзин бутунлай йўқотди. Қайнади, ингради, талпинди, ялинди. Ондан сўнг юқори пардаларга чиқди-да, ўзи-ўзини бир оз овутди, сўнгра тўхтаб қолди.

Букулган бошлар кўтарилди. Юмулган кўзлар очилди.

— Раҳмат, ота, раҳмат, — деб чолни мақтаб-да қўйдилар.

— Қутлуғ ўртоқ, қалай, шарқ мусиқийсини ёқтира-сизми?!

— Албатта, ёқтираман. Шарқнинг қайғусинда виқор, виқоринда ҳасрат борлигини бизга мусиқийси онглата-дир. Шарқ мусиқийсини ёқтирмай бўладирми?

— Кечирасиз, ўртоқ, бизнинг мажлиснинг иккинчи бўлumi бошланади. Ул ҳам «бедилхонлик»дир. Биласизким, Бедил Шарқнинг энг буюк шоиридир. Биз ҳафтада бир кеча шунда тўпланиб, бир оз мусиқий тинглагандан кейин Бедил ўқиймиз. Сизга оғирлиқ қилгудек бўлса, айтингиз, бу кеча «бедилхонлик»ни қолдирамиз.

— Йўқ, ўртоқ, йўқ. Менга сира оғирлиқ қилмайдир. Ўзим ҳам Бедилни кўб сева-сева ўқийман. Ўтунаман, Бедилни келтириб ўқингиз. Мен жуда шодлиқ билан тинглайман.

Ҳамид уйга кирди. Бир курсича билан катта қўлёзма бир китобни кўтариб чиқди. Китобни мулло Қурбонга берди. Курсичани ҳам шунга яқин ерлаштириб, лампани унинг устига қўйди. Мулло Қурбон китобни бир ёстиқ узра қўйди. Қутлуғга қараб:

— Бедилнинг «Нукот»⁷индан ўқиймиз, — деди.

Ўқий бошлади.

«Тобоиъро тақлиди авзои якдигар роҳзани таҳқиқаст ва таъбияти одот ва русум монези сарманзили тавфиқ». «Аксари истеъдодҳо дар ҳижоби қувва аз феъл маҳрум монд ва яке аз онҳо инони хаёл ба арсаи вуқуъ нагардо-над». «Фурсати сари зону он қадардур натохта, ки ба саъи дастҳои барҳам шуда овозаш тавон дод ва кулфати тазйези авқот бар рӯи ҳақиқат деворе барнайоварда, ки ба чокҳои гиребони надомат роҳе тавон кушод». «Жамъияти дил ба шарти узлат ҳамаро муяссар аст, агар ҳамсўҳбатон маъзур доранд ва мутолааи нусхаи тасалли ҳар кас дар бағал дорад, агар ҳамди расон ба ҳоли худ вогузоранд».

«Об дар ҳар табъеки роҳ ёфт, моили таклифи тарий намудан аст ва оташ бар ҳам мижозе ки ғолиб омад, саргарми дўкони ҳарорат кушудан».

«Дайриёро ба ҳукми тасаллути русум сар аз жайби тафаккур барнаёварда дар хуруши ноқус ғўттаҳўрист ва масжидиёро сарҳисоби идроки нафс ногардида, ҳамон таълиқаи сабҳашумори». «На бараҳманро аз кашокаши доми ихтилоти зуннор тааллуқ гусехтан, то ба тааммул кушад, ки ноқуси дайристонии фитрат чи оҳанг дорад ва на шайхро аз офати ружўи халқ ва ба ҳисори танҳои гурехтан, то фаҳм намояд, ки лаббайки тапидангоҳи каъбаи дил чи сабҳа мешуморад».

«Ночор нақде ки дар гиреҳи худ набастаанд, аз кисан ғайр мешуморанд ва саре, ки ба хаёли худ надуздидаанд, аз гиребони дигарон мебароранд».

«Аз гулгулободии офатқадаи ину он магар дар паноҳи хомўши гурези, то бе тақлиди забонҳо ҳарфе тавони фаҳмид. Ва аз садамазори гулистонии ваҳму зан ғўши илтижо ба қари бари, то аз пардаи ғайб навое тавони шунид».

*«Инкори ғайр бош, тасдиқ ин аст.
Во қард ба дил далили тавфиқ ин аст.
Табиати халқ аз ҳақат ботил қард
Тарки тақлид гир таҳдиқ ин аст»⁸.*

Мулло Қурбон Бедилнинг бу муҳташам, оғир сочинини⁹ кўноқларнинг «бай-бай»лари, «вой-вой»лари, «офарин»лари орасинда битирди. Ҳалимбой Бедилнинг буюклигини сўзлади. Мулло Қурбон эса:

— Каромати бор, — деди. Ҳамид бу сўзларнинг таъсирини онгламоқ учун Қутлуғнинг кўзларига тикилиб қолди.

Мулло Қурбон: Совутан чойни ичиб олгандан сўнг яна бир нарса ўқумоқчи бўлуб, китобга тикилди. Бироқ Қутлуғнинг очиқ, шод товуши уни тўхтата қолди:

— Бедил шарқнинг энг буюк шоири, улуг файласуфидир. Бедил кўб муҳим, теран масъалаларини тушуниб, тугунларини ешмак истаган мутафаккир бир адибдир. Унинг сўзларида биз учун унумли кўб фикрлар бор. Бироқ Бедил бу фикрларни сўзлағанда сўз ўйунлариға бериладир. Жуда ингичка муносабатлар топиб мажозлар, истиоралар, жинослар¹⁰ ясайдир. Ингичка, оғир, бир оз-да қоронғу сўйлайдир. Шуниси ҳам борки, Бедилнинг мажоз, истиора каби

ўйунлари кўб шоирларимизда кўрулганидек жумлани безатмак, сўзга адабий бир тус бермак каби хизматлар билан қолмайди. Булар Бедилнинг фикр билдиришларига ёрдам қилади. У 20 сўз билан айтатурган фикрни мажоз, истиора ёрдами билан 10 сўзда айтиб битиради.

Ҳар нарсага юзадангина қараб ҳукм қилғувчи бизлар бунга ҳам юзадангина қараймиз. Унинг сўздаги усталикларига, кучига, ҳунарига, ўйунларига бериламиз. Бутун «вой-вой»ларимиз, «офарин»ларимизни Бедилнинг сўзлари учунгина айтаемиз. Унинг туб фикрларини эса ҳеч тушунмаймиз, ё тушунмак истамаймиз. Бедилнинг биз учун-да, ўзи учун-да муҳим бўлган фикрларини ажратмоқ, тортиб кўрмоқ, сараламоқ, муноқаша қилмоқни керак топмаймиз. Бу ишимиз тўғри эмас, ўқуғандан сўнг унинг фикрлари билан машғул бўлишимиз керак. Мана шунда Бедилнинг чиройлик бир парчаси ўқулди. Ҳаммамизга ёқиб қолган каби бўлди. Бироқ Бедилнинг шул сочимдаги фикрларини онгладиқми? Албатта, йўқ. Бизнинг бутун «вой-вой», «бай-бай»ларимиз унинг сўздаги усталиклари учун эди.

Қутлуғнинг бу сўзларига мулло Қурбон жавоб берди:

— Бедилнинг китоби катта бир тенгиздир. Ҳар ким ўз идишига яраша бундан сув кўтаради. Биз бунинг сўзларини тўғрулаб ўқиймиз. Эшитғучилардан ҳар бири онлаганидан кайфланади. Ҳар кимнинг нима онлаганини сўраб ўтурмоқ биз учун оғирдир.

— Тузук. Ҳар ким бир нарса онгласун. Бироқ унинг бу онлагани тўғрими? Бедилнинг фикри шуми? Фикри шу бўлса, Бедил тўғри тушунганми, янглишганми? Модомики, бир шоирни ўқиймиз, мана шуларни сўрашиб, охтаришиб, бир қарорга келишимиз керак эмасми?

Ҳамид сўзга қотишди:

— Жуда тўғри айтасиз, ўртоқ. Бедилнинг фикрларини ўзаро муҳокама қилишимиз фойдалидир. Қани, биринчи галда ўзунгизни тинглаймиз. Сиз шу парчадан нима онлаганингизни бизга билдиригиз.

Шу сўзни кўбдан бери кутиб турган Қутлуғ қабул қилиб, сўзга киришди:

— Менинг онглаганим шул: Бедил тақлидга, яъни инсонларнинг ҳар масъалада ўзларидан юқориқоққа эргашиб борганларига қаршудир. Шунга ҳужум этмак истайди. Айтадирким: «Инсонларнинг табиатларида ерлашиб

қолган бир-бирларига эргашмак ҳақиқат йўлининг қароқчисидир. Расм-одатларга бўйинсунмоқ эса тилакларнинг тўсуғидир».

Эргашмаклик одатчиликнинг ёмонлигини шу икки қисқа жумла билан сўйлагандан кейин инсоннинг улуг бир куч эканини, эргашмакдан, одатчиликдан қутилгач, буюк ишлар қила олғусини, бироқ энди бир оз кеч қолганини мунгли, армонли бир тил билан билдирмак истайдир: «Инсонлик дунёсидаги кўб истеъдодлар «шул тақлидчилик сабаби» ишга қўйилмай қолдилар. Ўз юганларини хаёл кўлидан қутқариб, вуқуёт¹¹ майдониға чиқмадилар!»

«Бошини тиззага қўймоқ (ўзунча тушунмак) фурсати бу одамлардан шунча узоқларга қочғандирким, қўлларини бир-биринга уруб эссиз, афсус демак билан уни қайтара олмайлар. Вақтларини тақлид орқасинда йўқотмоқлари сабабли булар билан ҳақиқат орасинда шундай бир қалин девор тикилгандирким, тониб ёқаларини йиртмоқ билан унинг томонга йўл оча олмайлар».

Бироқ бунинг билан умидсизланмак тўғри эмас. Яна йўл бордир: «Кўнгулнинг тинчғина тушуниши бу тақлидчилар орасинда чекилмак шарти (билан) ҳар ким учун қулайдир.

Бироқ бунлар билан бирга юрганда бўлмайдур, чунки бунлардан ҳар бирисини ўз фикрига тортадир».

«Сув ҳўлламакни ёқлайдир, олов эса ёндирмоққа ундайдир».

«Дайр*чилар ёқларига бош солмай (ўз бошинча тушунмай) кўнғироқ товушлариға боқмоқдадирлар. Мачитчилар ўз виждонлари билан санашмай тасбеҳ санамоқға осилмоқдадирлар. Бараҳман теграсиндагилар тақилиш зиннорини узмайдирким, табиат ибодатхонасидаги кўнғироқнинг оҳанглари тинглай олсин. Шайх муридларнинг бориш-келишлари балосиндан қутилмайдирким: кўнгул каъбасиндаги толпинишлардан чиққан «лаббайк»¹² товушларининг ҳисобини онгласин. У билан-да гапурма, бундан-да қоч, ўзунг ўз виждонинг билан тушун. Мана шу вақт ҳақиқатға эришарсан». Бедилнинг тизимлари сочимларидан очикдур, енгилдур. Буни ўзи ҳам биладур. Шунинг учун бу оғир мақоланинг сўнгида бир «тўртлик» (рубойи) билан ўз фикрини шундай онглатадир:

* Дайр — зуҳд ибодатхонаси.

«Ёлғизғина ўз йўлингга қайт. Бошқа ҳеч нарсани қабул этма. Ҳаммасидан тон. Сенинг учун тасдиқ-да шул, таҳқиқ-да шулдир.

Одамларга эргаша-эргаша ҳақиқатдан узоқлашдинг.

Энди бошқаларга эргашмакни қўй, ҳақиқат шудир».

Рустам: Эй... бу қизиқ бўлди-ку. Ҳеч кимга ишонмасак, ҳеч кимга эргашмасак ёмон бўлмасми? Шариф: – Шайхларни Худо урди. Ҳамид: – Масжидни демай-санми?

Эгамберди: Бутхона билан бирга тутди-я?

Мулло Қурбон: Булар қазойи шеърядир. Буларга ишониб бўлмайди.

Қутлуғ: Булар энг буюк Шарқ шоирининг биз учун энг кераклик фикрларидир.

Мулло Қурбон: Биз учун нима кераклиги бор?

Қутлуғ: Бедил шу мақолада уч муҳим нуқтани олиб сўйлайди. Биринчи нуқтада у инсонда энг улуғ, энг юқори ўрунли куч борлигини сўйлайди. Инсон ўзига ишонса, ўз виждонига эргашса, ҳар ишни қилар, ҳар ҳақиқатга, ҳар тилакка эришар, дейди.

Бедил инсонни кўб кўтаради, кўб юқориларга чиқаради. Шайтоннинг Одамга топинмагани учун малъун бўлгани тўғрисида бир ҳикоят бор: ҳаммамиз биламиз, Бедилга кўра, бу ҳикоят инсоннинг мартабасини кўрсатмак учун бир рамз, бир киноядир. Бунинг туб маъноси шудирки: ҳазрати инсонга топинмаган кимса, ким бўлсада, малъундир:

Шеър:

*Хуше ки рамузфаҳми чанду чун аст,
Донад, к-иблис аз чи раҳ матъун аст?
Яъне, он кас, ки ҳазрати инсонро
Масжуд тасаввур накунад, малъун аст?*

Бедил китобининг кўб еринда инсоннинг ўз кучини онгламайин тубанликларда қолганини сўйлаб қайғуради. Бу байт ҳам шу маънодадир.

*Хок шуд фитрат бо насти, лек мижгон барнадошт,
В-арна аз мо то ба боми осмон як зина буд.*

Бедилнинг бу сўзи, ундан бурунроқ яна Ҳиндустонда ўтган Файзийнинг¹³ «Маърифати нафс» отли қасидасидаги шул байтни эсга келтиради:

*Бунёни туст мустаъди нақши улувву сифл
Хоҳ осмону хоҳ замин шав, мухайярӣ*.*

Бедилнинг ҳам Файзийнинг «Маърифати нафс» қаси-
дасига ўхшатиб ёзган бир қасидасида:

*Мухтори сад уружу нузуласт ҳимматат
То сар зи олами чи ҳақиқат баровари, —*

деганларким, фикримча, Файзийнинг юқоридаги сўзини
Файзидан кучсизроқ қилиб айтган бўлади.

Бедилга кўра, инсон мана шундай улуғ бир куч экани-
ни билмагани учун ожизликка тан берадир. Ожиз қолғач,
бутун балолар унинг бошига ёғиши табиийдир. «Тиш ҳар
замон ост ирингни яралайдир».

Инсонни ўз кучидан хабарсиз сақлаган, уни табиий
тараққиётлариндан тута қолган сабабларнинг биттаси тақ-
лидир. Шунинг учун Бедил боя ўқуғанимиз мақоласинда
иккинчи нуқта қилиб тақлидни олгандир. Бедил тақлид-
нинг ёвидир. Ўз виждониндан бошқасига ишонмайдир. У
«Тушуниш бозорини ахтармиш, тоши виждондан оғир
келатурган бир тарози топа олмамишдир»:

*Ба чор суй тааммул наёфтам, Бедил,
Тарозу ки гарантар бувад зи дили сангаиш.*

«Расм, одатларга бўйинсуниб, тақлид билан яшамоқ
ўлумдир. Чиндан яшамоқ истаганлар учун бу сеҳрли, қо-
ронғу зиндонни бузиб қутулмоқ лозимдир»:

*Зиндаги дар банду қайди расму одат мурдан аст,
Даст дасту туст, бишкан ин тилисми торро.*

Бедилнинг кўнгли, виждони қайси ёқни кўрсатса, ул
шул тарафга қараб йўл, манзил демасдан юраверадир,
чунки уни шу ёққа олиб борғувчи «шавқ»дир. Тақлидчи-
лар каби бошқалардан киралаб¹⁴ олинган эшшаги йўқ-
дир:

*Ба ҳар тараф кашадам дил, якест жодаву манзил,
Савори маркаби шавқам, хари кироя надорам.*

«Кўнгул, виждон китобидан онглаганинг фикрлар, бир
нуқтагина ҳам бўлса, кўз қораси каби тўфонлар, тошқин-

* Файзий айтадурким: Эй инсон, сенда кўтарилмак учун-да, тушиб
қолмоқ учун-да истеълод бор. Истасанг кўк бўл, истасанг ер бўл. Ихти-
ёр ўзингдадир.

лар билан сийланмайдир. Ташқаридан тақлид билан тўплаганинг фикрлар, китоблар, дафтарлар тўла бўлса ҳам, кўзунг очилгач, кирпичлар каби тарқалиб кетадир», дейдир:

*Он чи аз нухаи дил фаҳм куни, агар ҳама нуқтаест
Чун мардумак тўфонаш аз жо наме барад.*

*Ва ҳар чи аз хориж жамъ намои, ҳар чанд дафтар –
Ҳост, дар чашм кушудане чун мижа барҳам мехӯрад.*

Тақлидчиликни инсонларнинг табиатинда бунча беркитиб бирлаштирган сабаб — Бедилга кўра, диндир. Шунинг учун ўқуғанимиз мақоласинда учинчи нуқта қилиб динни олган, унга ҳам тегиб ўтган. Ёлғуз бунда эмас, Бедил ёзувларининг кўб еринда бу «фикр»га учрамак мумкин дир.

«Ҳақ», «ботил»¹⁵ сўзларини эшита-эшита қулоқларим қар бўлди. Синсин бу чолғулар, мен кўнглумдан бир нарса эшитмак истайман» деб қичқирадир:

*Қар шудам, то чанд шўри ҳаққу ботил бишнавам,
Бишканад ин созҳо то чизе аз дил бишнавам.*

«Мингларча Каъба билан унда ўқулғуси дуоларни ўз кўнгли теграсинда айланган кишига қурбон» қилиб-да юборадир:

*Ҳазор Каъбаву лаббайк маҳви шавқнарасте
Ки гирди дил чу нафс як-ду бор гардаду нолад.*

«Тошдан ясалган Каъба билан бутхонани бир-бирига урмоқ, ушатмоқ, бу икки тошнинг урилишиндан ҳақиқат учқуни чиқармоқ» истайдир:

*Гў: Каъбаву дайр бар сари ҳам шикананд
Аз жанги ду санг оташам матлуб аст.*

«Ҳақиқатни Каъба билан бутхонадан излаб, унга-бунга югуриб юрганларни ҳар ёқдан тош билан урилмоқда бўлган девоналарга ўхшатадир:

*Гоҳе ба Каъба мадаваму гаҳ ба суйи дайр,
Девонаам зи ҳар тарафам санг мезананд.*

«Бедил каби виждон пучмоқларини кезиб «тавоф» қилғучи кишилар Каъба билан бутхонани ўз йўлларини тўсиб турган тошлар» деб биладир:

*Санги роҳи худ шуморад Каъбаву бутхонаро,
Ҳар ки чун Бедил тавофи гўшаи дилҳо кунад.*

Унга кўра, «Каъбаси-да, бутхонаси-да ҳақиқат уйлари эмас, йўлчилар қаерда йўлдин адашган бўлсалар, шунда бир манзил ясаб» кетганлар:

*Каъбаву бутхона нақши маркази таҳқиқ нест,
Ҳар кужо гум гашт раҳ сарманзиле оростанд.*

«Каъба билан бутхонанинг томошаси мени жамият орасиндан қочтириб, чўлларга овора қилди. Чунки бунларнинг қисмоғи (тазйиқи) билан меним жойимнинг (жамият орасининг) ҳавоси бузулган эди» деб зорланадир:

*Сайри дайру Каъба жуз овораги ҳоям нахост,
Шуд ҳавогир аз фишори ин маконҳо жойи ман.*

Бедилнинг бу сўзи ҳам қизиқдир:

*Найранги Каъбаву дайр маҳмилкаши давас чанд
3-он жо ки маскани уст у ҳам хабар надорад, —*

«Тангрига эришмак учун Каъба, бутхона ўйунларига берилиб қачонгача ҳар томонга югурамыз. Жойининг қаерда эканини унинг ўзи ҳам билмайдир!» демак истайдир.

Қутлуғнинг сира қутилимаган бунча очуқ, узун сўзлари ҳаммани шоширттирган эди. Мулла Қурбоннинг кўзлари олайган, ўзини зўр билан тутадир. Шариф билан Эгамберди қаёнга боришини сездирмай йўлнинг ўртасинда турган одашганлар каби тонғиб туралар. Ҳалимбой билан Рустам Қутлуғнинг сўзини кесмак учун йўл охтаралар. Қутлуғнинг бу сўзларини қувониб тинглаб турган ёлғизгина Ҳамид эди.

Ҳалимбойнинг сингирли товуши Қутлуғни тўхтатди:

— Қутлуғ ўртоқ! Жуда ошиб кетдингиз эмди.

Рустам: Эски ҳукумат замони бўлса эди, сени шул ўтирганинг жойда уруб ўлдирар эдим.

Қутлуғ: Менга нима дейсан?! Бедилингнинг сўзлари-да!

— Эй... Шу Бедилни ҳам ўлдураар эдим. Қўй, бас-э. Маърифатингни онгладиқ!

— Бедилнинг фикрларини кўтара олмай экансиз, нега мажлис қилиб уни ўқийсиз?!

— Қўй-э... Бедилинг қурсин. Мажлисинг ҳам қурсин. Сен ҳам қуриб кет. Тур, кетамиз эмди!

Ҳамид мажлисининг тартибсизлана бошлаганин кўргач, орага кирди:

— Рустам, ўртоқ, нега бундай қиласиз! Мажлисни бузмангиз. Бу кишининг сўзлари сизга ёқмаган бўлса, жавоб қайтарингиз, мана домулло ҳам ўтирибдилар. Қутлуғ ўртоқнинг айтганлари янглиш эса, гапурсинлар, тинглаймиз. Қайсиларининг сўзлари тузукроқ чиқса, шуни қабул қиламиз.

Ҳамиднинг бу сўздан кейин ҳаммалари мулло Қурбонга қарадилар. Мулло Қурбон эса бир ёқдан Бедилда шундай сўзларнинг борлигини билар эди, бир ёқдан замоннинг нозик бўлганини онглар эди. Шунинг учун бу жанжалга аралашмасликка бошдан қарор берган эди. Ҳамиднинг сўзи уни қийин бир ҳолга туширди. Шунча одам қараб қолгандан кейин бир нарса айтмоғи керак эди:

— Қутлуғ ўртоқ, сиз кўб узун сўзладингиз, — деди. — Сўзингиз шунча узоққа чўзилиб бордики, тилагингиз орада йўқолиб қолди.

— Қандай йўқолди?

— Сиз Бедилнинг мақоласинда уч муҳим нуқта кўрсатиб, биз учун жуда кераклигини сўйлаган эдингиз. Мен шуларнинг қандай кераклигини сўрадим. Шунга жавоб бермадингиз.

— Шул уч муҳим нуқтада Бедилнинг фикрларини очиб кўрсата олганимни Рустам ўртоқнинг аччиғланишидан онгладим. Мана эмди бу фикрларнинг биз учун кераклик эканини кўрсатаман.

— Ҳеч кераклиги йўқ!

— Сиз сўнг икки «мўлчар»* орасинда Оврўпани бир йўла кўриб қайтган бўлса эдингиз, «ҳазрати инсон»нинг «мўъжиза»ларини, «қудрат»ларини кўриб, Бедилнинг нима демоқ истаганини онглар эдингиз. Унда инсон буйруқлариға бўйинсунган, табиий кучларнинг қилган хизматларини кўрганда, ўзингизнинг ожизлик, кучсизлигингиздан уялар эдингиз, уялар эдингиз эмас, ўзингизнинг инсон бўлганингизга ҳам ишонгингиз келмас эди.

* Турк халқлари замоннинг ўн икки йиллик бир даврини «мўлчар» дер эдилар. Бу сўз бугун ҳам Туркистонда бордир. Мен бу ерда «мўлчар»ни 100 йил учун ишлатдим. Қабул этилса, усмонлича «аср», тоторча «юз» демакдан ўнфайроқдир.

Бу сўз Ҳалимбойга оғир келди чоғи, бирдан сўзга киришди:

— Оврўпани мен кўрдим. Дунё каби шаҳарларини, шаҳар каби фабрикалари, айрўплонларини, симлиқ, симсиз телеграм, телефонларини томоша қилдим. Ўзимнинг инсонлигимдан шубҳа қилганим-да йўқ, катталаримизнинг сўзларига ишонмаганим ҳам йўқ. Сиз бу сўзларни қайдан чиқарасиз?

— Тузук. Сиз Оврўпани кўрдингиз, тамошо қилдингиз. Бироқ Оврўпадаги жамиятларнинг қандай асосларга қурилганин кўра билдингизми? Бизнинг ҳам оврўпалилар каби табиат кучларини ўзимизга бўйинсундиришимиз, оврўпалилар каби тараққий этишимиз керакми, йўқми? Керак бўлгач, мумкинми? Мумкин бўлгач, қайси шартлар билан бўлур? Жамиятимизни қандай қуриш мумкин? Шуларни ўйладингизми? Албатта, ўйламадингиз, ўйламаганингиз учун қайтиб келиб, катталаримизга эргашамиз, деб ўтирдингиз.

Бу ҳол ёлғизгина сизда эмас, бутун элимизда бордир. Бу сўзимнинг тўғрилирини онгламоқ учун сўнг бир «мўлчар» (аср)даги тарихимизни кўздан кечирсангиз бўладир. Сўнг «мўлчар»ларда Оврўпанинг бойлиги ўз уясига сигмади. Девсаройларига ўхшаган фабрикаларида ҳам мол ясаб чиқарган товарларига бозор керак эди. Буларни излаб юртидан ташқарига қаради. Бошдан бизни, мусулмон дунёсини кўрди. Бу дунёнинг хом молларини, маъданларини, бозорларини қўлга олгач, ўз ишларининг йўлга қўйишини ўйлади. Тўплари, милтиқлари, бомбалари, бутун жаҳаннамлари билан бирга юзланди. Биз эса уларнинг бу келишларининг ҳақиқатини онглай олмадик. Нечун келар, қандай куч билан келадилар, келишларидан нималар туғилар, қандай сабаб, қандай йўл, қандай шартлар билан уларни тўхтатмоқ бўлар? Буларни тушуна олмадик. Оғизларимизни очиб, кўзларимизни юмиб, кутибгина турдик. Келдилар, ўлкаларни олдилар, бозорлар очдилар, табиий хазиналарни таладилар. Энг сўнг ҳисобларининг янглиш чиққанини кўрдилар. Шарқ Оврўпа жаҳонгирларининг қоринларини тўйдирмоғидек кўринди. Уларнинг ҳирслари қайнади, томоғлари титради, кўзлари қонга тўлди. Шарқни ўзаро бўлишмак, улашмак устида келиша олмадилар. Жанжал чиқди, ўзаро умумий уруш очдилар.

Уч-тўрт йил урушдилар. Биз бундан-да бир нарса онглай олмадик. Бир ёқ енгди, бир ёқ енгилди. Энг сўнг ярашдилар. Бедилнинг «тиш ости ирингни яралайдир» деган сўзи ўзининг тўғрулигини яна кўрсатди. Ярашдан сўнг бутун оғирлиқ мусулмон Шарқи устига тушди. Чунки мусулмон Шарқи кучсиз эди, ёлғиз эди.

Умумий урушда енгганлар мусулмон Шарқ дунёсини ҳаммадан бурун улашмоқ, чайнамоқ, ютмоқ плонларини чиздилар. Ишга ҳам киришган эдилар. Бироқ яна ҳисоблари янглиш чиқди. Оврўпада бурунғидан улугроқ яроқ, ундан бутунлай бошқача бир умумий кураш¹⁶ чиқди. Бу кураш Оврўпанинг бойлари ҳам бойлиқ ҳукуматлариға қаршу унларнинг қўли остинда эзилиб қолган меҳнаткашлар томонидан очилди. Бу курашнинг бошланғич ҳаракатлари Оврўпанинг ҳар томонида қайнаб турган бўлса ҳам, энг кучли иш майдони Русиядир. Русия меҳнаткашлари Русияда қурилган бойлик ҳукуматини бутун қуйруқлари билан, қолдиқлари билан, излари билан супуриб ташладилар. Оврўпанинг жаҳонгирлик, бойлиқ ҳукуматлариға қаршу белгили очиқ бир йўл тутдилар, кураш давом этмакдадир. Биз эса бунга ҳам оғзимизни очиб қараб турамиз. Дунёни ост-уст қилғучи бу инқилоб курашининг нималигини, нечунлигини, инсонлик дунёсинда қандай бир таъсир қилишини тушунмаймиз, онгламаймиз. Бунинг ҳам ўз орамиздаги кичкина жанжаллар каби бир жанжал бўлганига қарор бериб оёқларимизни узатамиз-да, ким қандай кўкнор хаёлларига берилиб ётамиз. Тушунмаймизким, бугун биз: ер юзининг буюк бир улушини олиб ўтирамыз. Инсонлик жамиятининг буюк бир бўлаги, деб биз кўрсатамыз. Бутун ер юзига, бутун инсонлик жамиятига боғлиқ бўлган масалалардан, жанжаллардан қочиб чиқишимиз билан бизни қўймайлар. Ё инсоний масалаларга қатнашамиз, ё инсонлиқ ҳуқуқиндан айриламиз. Туя қуши каби туя-да эмас, қуш-да эмасмиз, деб юришимизга бундан сўнгра йўл йўқ. Бедилнинг айтгани каби: «Ҳаёт тенгизи кун сайин тўлқунланиб, кенгайиб боргани учун бутун қирғоқларини, соҳилларини ютиб юборган, эмди кемани синдириб тўлқунлар орасиға кирмак, тўлқунларға аралашмоқдан бошқа нажот соҳили йўқдир».

*Ба жуз кишти шикастан соҳили амне намебошад,
Ки ин даре фуру бурдаст аз вусъат каронҳоро.*

Мана биз шуларни тушуна олмаймиз. Биз хурофотга, диний таассубга, тақлидчиликка, расм-одатчиликка шундай боғланиб қолганмизким, бу масалаларни тушунишга вақтимиз-да, кучимиз-да қолмагандир!

Бедилнинг айтгани каби ҳавоси бузилган бу қоронғу зиндонни бузиб ташқариға, очиқ ҳавога чиқишимиз керакдир. Бутун табиий кучларни ўзимизга топиндирғучи «ҳазрати инсон» эканлигимизни билиб, унга кўра ҳаракат қилишимиз лозимдир.

— Мулло Қутлуғ, сизда жуда қизиқ бир мантиқ бор экан. Бир киши сиздан бир нарсани сўраса, жавобига гапураберасиз, гапураберасиз. У бечора нима сўраганини, нечук сўраганини унутмагунча, сизнинг сўзингиз тўхтамайди.

— Қани, яна нима бўлди, тақсир, сўраганингизнинг жавобини бермадимми?!

— Жавоб берганингизни билмадим, бироқ кўб гапурдингиз.

— Истарсангиз...

— Йўқ, йўқ... қўйингиз. Сиз билан масъалани бу йўлда олиб бора олмаймиз. Бошда бир тугунни ешиб қўйушимиз керак.

— Марҳамат қилингиз!

— Сизча, Бедил мусулмонми, эмасми?

— Бедил мусулмон. Исломдаги сўл «ваҳдати вужуд»¹⁷-чилардан. «Ваҳдати вужуд» мазҳабининг мусулмонлиқ билан қандай муносабати бор, «илоҳ» фикри билан қандай муносабати бор, бу тўғруларда бу мажлисда гапирмайман. Бундаги ёш мияларни бу масалалар билан булғатмоқ тўғри эмасдир.

Бедил ким бўлса бўлсин, ўз замониндаги инсонлик жамиятининг қурилишиндан ризо бўлмаган, инсонларнинг қўбчилигини «саодат»дан узоқ кўрган ҳамда шунинг учун қайғурган бир файласуфдир.

«Ҳар бир гул қон томиб турган бир ярадан бошқа нарса эмас, Бу боғчанинг юрагинда қандай бир тикан синдирилган экан!»:

*Ҳар гул, ки дидам, обилаи хун чакидан аст,
Ё раб, чи хор дар дили гулшан шикастаанд?*

деб ҳам қайғурадир¹⁸, ҳам бу ҳолнинг сабабларини излайди. «Йўқлик чегарасигача бутун борлиқ дунёсининг алам,

қайғу томонидан ўралиб олинганини» кўради-да, шунда туриб биргина фарёд эшитмаганларга «Қулоқсизлар!» деб қичқиради:

*Хужуми дард печидаст, ҳасти то адам, Бедил,
Ту ҳам гар гўш дори нолае хоҳи шунид ин жо.*

Бедил дунёнинг бу ҳолига қайғурғани каби сабабларини-да охтаради. Тақлидчилик, расм, одатчилик, дин таассубларига учрайди. Бунларга юқорида кўрганимиз каби ҳужумлар қилади. Халқнинг ишга эмас, хаёлга берилганини, охират, жаннат, жаҳаннам хаёлларига ботиб, ҳақиқатдан узоқ тушганларини кўради. Бунларга-да кўб ҳужум қилади:

«Кўб узоқларни ўйлаб ўзумдан йироққа тушдим, охират фикриндан қайтиб, бир озда ўзумни тушунайин эмди», – дейди:

*Магар аз фикри уқбо боз гардам то ба худ оям
Ки аз худ сахт дур афтодаам аз дурбиниҳо.*

Бедилга кўра, «тириклик, ҳаёт иккинчи йўла қайтмайди. Бу учқуннинг кўруниши бир дафъагина бўлади»:

*Зиндаги маҳруми такрор асту бас,
Ин шарарро жилва як борасту бас.*

«Бу жамиятнинг нари томонида мавҳумотдан бошқа нарса йўқдир. Кўр эмассан, кўзинг бор, бошқа олам қайда?»:

*Он сўи анжуман нест ба жуз ваҳму занн
Чашми напўшидаи олами дигар кужост?*

«Эй шайх! Қаландарона бир сўзум бор, айбга буюрма эмди, сен жаннат деган шундай бир жойга бормоқ билан катталиқ қиласанки: у... ўрни ҳам эмасдур!»:

*Қаландарона ҳадисест, зоҳидо, маъзур,
Туғарра ба биҳиште ки жои р...дан нест.*

Мана шундай жиддийлашиб, кулиб сўйлангандан сўнгра, «Жаннат шу кунги эрк, озодликдан бошқа нарса эмасдир.

Воиз, сен менинг бошимни оғритма. Мени кўрқутиб, умид дунёсиндан ҳалок қила олмайсан!»:

*Биҳишти нақди озодист, воиз, дарди сар камтар,
Ҳалоки олами уммед натвон кард аз бимам.*

Бедил жаҳаннам, жаннат фикрларин пардаси орқасида туриб, эл нони билан қоринларини тўйдуриб турган шайхлар, зоҳидларга учрайдир. Унларга-да жон аччиғи билан ҳужум қиладир.

«Хонақога борма! Унда жаннат ваҳимасига берилиб ҳозирдан жаҳаннам пучмоғига тикилганларнинг кулгили ҳолларига кишининг қарағуси келмайдир»:

*Марав ба савмаа, к-он жо наметавон дидан
Ба ваҳми хулди жаҳони гирифта кунжи жаҳим, —*

дегандан сўнг шайхларни яна масхара қила бошлайдир.

*Ту аз сарриштаи тадбир, зоҳид, ғофили, в-арна
Надорад фисқи хилватхонае жуз порсоиҳо.*

«Сен шайх ҳйласининг учини қўлга тушурган эмасан. Йўқса, фосиклиқнинг «тақво»дан бошқа бир хилватхонаси йўқдир».

*Шайхо, аҳади гари муборак бошад,
Карру фаҳри худсари муборак бошад,
Имруз ба эътиқоди ҳайвоне чанд,
«Одам» шудаи, хари муборак бошад!*

«Эй шайх, зикр-дуо мажлислари қутлуғ бўлғай, ўз бошингча катталиқлар, дабдабали юрушлар қутлуғ бўлғай. Бу кун бир неча ҳайвон олдинда «одам» бўлубсан... эшаклик қутлуғ бўлғай».

*Зоҳид набарад як сари мў бўи инфиол
Дар шона ҳам ҳазор даҳан ришханд буд.*

«Шайхимизнинг ўзи уялмоқни билмайдир. Йўқса, унинг соқолига тароқ ҳам минг оғиздан кулиб турган эди».

*Маҳўр аз покии домони зоҳид,
Фиреби нури беимони зоҳид.*

*Чу субҳи козиб аст ин теги жонгоҳ
Ҳалоки корвонери камингоҳ.*

*Чу мисвокаш хабосат тар забони,
Асовораш ҳамон хушки равони.*

*Чу оташ зоҳиру ботин табоҳи,
Ба сар хокистару дар дил сиёҳи.*

«Шайхнинг этагини кирсиз кўриб, нурсиз имонига алданма! Бу жонлар қийғучи қилич ёлғон тонгга (субҳи козибга) ўхшайдир. Бунга ишониб йўлга чиққанларни ҳалок қиладир. Тили мисвокининг тилига ўхшаб ҳўл бўлса-да булғоқдир. Юруши қўл таёғининг юруши каби қуруқдир. Сиргинда кул, юрагинда кўмир сақлаган оловга ўхшайдир».

*Зоҳид аз бас фусурдана ш сохта шайх
Мушқил, ки кунад иложи табъаш дўзах.
Ин мазғаи замҳарир дар оташ ҳам,
Гар меафтад, чу байза, мебандад ях.*

«Шайх ўзининг совуқлиғидан музланиб қолгандир. Буни жаҳаннамга солиб, тузатиб (эритиб) бўлмайди. Бу «чайналган қор, оловга тушса ҳам юмurtқага¹⁹ ўхшаб қотиб қоладир», деб шайхларни ислоҳ қилиб, йўлга кетирмакнинг мумкин бўлмаганини билдирадир.

Яна шундай эл устинда яшаганлар, элни талаб қорин тўйдирганлар қаторинда подшоҳларни кўради. Ўзлари аҳмоқ бўла туриб элнинг бутун ишларини қўлга олганларини бир турли онглайолмайди.

Подшоҳларнинг бошдағи «жиғаларини», тожли кулоҳларини фонусга ўхшатади. Унларнинг мағрур бошлариндаги ақлни «фонус ичра ўчиб қолган чироқ» дейди:

*Ин ақл, ки дорад сари пурнахвати шоҳон,
Шамъест, ки афсурдаи фонуси кулоҳ аст.*

Бойларни кўради, ҳужум қилади, унга кўра инсонлар аро муҳаббат, қардошлиқ сезгуларини йўқ эткан нарса хусусий бойлиқдир.

Подшоҳларнинг қуйруқлари бўлган беклар, буюк маъмурларни кўради. Золимлар, йилонлар, чаёнлар деб сўкади.

Бу қаҳрамон файласуф бунларнинг ҳаммасини қаторлаб эзгандан сўнгра қаршусинда халқни кўради. Халқ... мана шунча тартибсизликлар, зулмлар, алданишлар, бахтсизликлар қаршусинда бир ҳаракат қилмасдан, тан бериб, таваккал қилиб, ожизлик, чорасизлик билан ётган халқ...

Ортуқ бунлар билан-да гаплашмак замони келган. Бедил бунларга қарайдир-да, «ҳўкиз билан эшшак бир оз

воқиф (хабарлик) бўлмоқ билан инсон бўлмасалар-да, инсон бир оз хабарсизлик билан эшшак бўладир», дейди:

*Гову хар аз оғаҳи инсон нахоҳад гаит, лек
Одами гар андаке гофил шавад хар мешавад.*

Бедилга кўра, «ҳаёт бир денгиз, биз унинг толғаларимиз²⁰. Толғанинг табиатиндан ҳаракатни чиқариб бўлмайди. Ҳаёт бор экан, бизнинг-да ҳаракатсиз, таваккал этиб ўтуришимиз мумкин эмасдир»:

*Аз тинати амвожи тараддуд натавон бурд,
То ҳаст нафас фикри маҳол аст таваккул.*

«У ерда кўлканинг сиртинда йирик қалам билан ёзилган шу сўзни ўқуған ким ишсиз, ҳаракатсиз ётганлар бутун дунёнинг оёқлари остинда қолурлар»:

*Зи лавҳи соя жуз ин ҳарфи сарҳате надамид
Ки поймоли жаҳонанд аҳли бекори.*

Мана, Бедилнинг кўрганлари, тушунганлари, сўйламак истаганлари шунлардир. Ортуқ унинг мусулмон бўлуб, бўлмагани тўғрусида қандай бир ҳукм берсангиз сиз биласиз. Бедил эса, ҳеч кимнинг ҳеч сўзидан кўрқмайди. Унинг фикри шудирким: «кенг бир даланинг этаги тиканларга қаршу шундайгина қайғусиз турса, маслак эгалари ҳам кишиларнинг сўзларига қаршу шундай қайғусиз туралар»:

*Аҳли машраб аз забони таъни мардум фориғанд
Домани сахро чи рам дорад зи заҳми хорҳо.*

— Яна узайиб юбординг, Қутлуғ, домланинг айтганлари тўғри экан.

Рустамнинг кулиб айтган бу сўзини мулла Қурбон кесди.

— Йўқ, кулманг ўртоқ — деди, — бу киши чиндан-да Бедилни кўп ўқуған эканлар. Эмди, биродар Қутлуғ, ўзингизнинг айтганингиз каби Бедил сўфийлардан бўлган. Сўфийларда шундай сўзлар кўб бўладир. Бироқ биз бу сўзларни устозларимиздан эшитмадик. Бунларнинг ҳақиқатини онглай олмаймиз. Бунинг тўғрусинда кўб сўйлашмакка ҳам ботурлик қила олмаймиз.

Рустам кулди.

– Биз, – деди, – Бедилнинг сўзларини онгладик. Сенинг ҳам масхара бир одам эканингни ишондик. Эски замонлар бўлса эди, Бедилнинг билан сени ён-ёнга қўйиб, устингизга қора мой тўқиб, ёндиради эдик. Ҳамид..! «Бедил, яна Бедил» деб мақтаб юганининг шуми? Бу бизнинг Қутлуғдан ҳам масхарароқ экан-ку!

– Рустам, сен ҳар мажлисни шундай тентаклик қилиб ўтказасан, қўй эмди, мажлисни бузма, бир оз ўқуйлик.

– Янами? Ҳай, ўқунгиз, қани. Яна нималар чиқар экан?!..

– Қутлуғ ўртоқ, қайси еридан ўқутайлик?!

– Менга бўлса «Ирфон»²¹дан «етмиш тўртинчи тизим»ни ўқусинлар.

Мулло Қурбон «Ирфон»дан етмиш тўртинчи тизимни топиб очди. Қутлуғнинг олдига қўйди.

– Мен сўрар эдим: буни Қутлуғ биродар ўзлари ўқусунлар, – деди. Бошқалар ҳам бу сўзни ёқладилар. Ҳамид туриб лампани Қутлуғқа яқин қўйди. Қутлуғ ўртоқларининг сўзларини қайтармади. «Ирфон»нинг етмиш тўртинчи тизимини ўқий бошлади:

*Пеш аз он дам к-аз ошёни хаёл,
Шўҳии мову ман занад пару бол.*

*Одам он тухми мазраи имкон,
Решае дошт дар риёз чунон.*

*Беасар бохаёл мезад жўш,
Ҳамчу фарёд бар лаби хомуш.*

*Охир афтод он баҳори фунун,
Чун ниҳол аз тилисми дона бурун.*

Рустамнинг тентак товуши Қутлуғни тўхтатди.

–Тўхтатинг, ака! Бошингизни кўтармай ўқиб кетаб-расизми? Эмди бизнинг сўзларимизга жавоб берасиз.

– Қани, нима дейсиз?!

– Бедил ҳам одамнинг жаннатдан чиққанини сўйлаб ўтди. Бунга нима дейсиз?!

– Бедил уни айтган эмас. Айтса ҳам қабул қилмаймиз. Мен сизга Бедилнинг «ваҳдати вужуд»чи сўфийлардан бўлганини сўйлаган эдим. «Ваҳдати вужуд» фикрини қабул қилган сўфийларнинг ҳеч биттаси, Одам Ато деган бир кишининг бошда жаннатда юганини, унинг чап қовур-

ғасиндан Ҳаво она деган бир хотун чиққанини, сўнгра бугдой еб жаннатдан қувилганини қабул қилмайдир. Унларнинг дунё яратилиши тўғрисида «давр» назарияси деган ўз назариялари бор.

«Давр» назариясининг энгил бир бўлагинда унсурларнинг бирлашмагиндан «жамодот» (жонсиз жисмлар) унган, жамодотнинг юксалиш йўлиндаги тебранишлариндан «наботот» (ўсимликлар) ўсган, унларнинг етишмаги билан «хайвонот» (жониворлар) чиққан, уларнинг такаммул этишидан инсонлар пайдо бўлганлиги сўйланади.

Сўфийларнинг «давр» назарияси билан бу кунги табиат олимларининг «такаммул»²² назариялари орасинда сиртдангина бир турли ўхшаш бор, ҳам бу икки назария тубдан бир-биридан айрилади. Мен бу ерда «давр» назариясининг ҳақиқатиндан ҳамда унинг такаммул назарияси билан бўлган муносабатиндан сўйламайман. Чунки узундир, бизни тилагимиздан узоққа тушурадир.

Бедилнинг ўзи ҳам китобида бу «давр» назариясидан узун сўйлайдир. Унсурларнинг тўпланишидан инсонлик-кача ҳаракатини мана шу йўлда кўрсатадир:

*Жамъ то шуд жамод ном гирифт,
Раст аз он жо наботу жом гирифт.*

*Ба равоне расиду хайвон шуд,
Ба сухан лаб кушоду инсон шуд.*

Бедилга кўра, инсон жаннатдан ерга тушмади. У бу кунги ҳолига кирмасдан бурун хайвонлар қаторинда худди шунлар каби юргувчи бир хайвон, маймун эди. Чунки табиатда ҳар бир шакл «модда»нинг устига тушадир. Шаклдан бурун модданинг бор бўлуши керакдир:

*Ҳеч шакле бе ҳаюло добили сурат нашуд,
Одами ҳам пеш аз он к-одам шавад бўзина буд.*

Бедилнинг бу тўғридаги фикрларини онглаб олдингиз. Мана энди боя ўқулган сўзларига маъно бермак қулайлашди. Боя ўқулган сўзлар билан Бедил шуни айтмоқчи бўладир: мен – биз (яъни, шахслик, кимсалик)нинг ўзи эмас. Бор бўлмоқ ҳаваси ҳам хаёл уясиндан қанот қоқиб чиқмаган замонларда: табиат боғчасида одамнинг (Одам Ато эмас, одам навъининг) уруғи, томири бор эди.

Майдонда бир изи йўқ, хаёл билангина қайнашиб ту-

рар эди. Унинг ул чоғдаги борлиғи — жим турган бир оғизда фарёднинг борлиғи каби эди.

Фан, ҳунарнинг баҳори бўлган олам энг сўнг табиат юзасига ёғоч уруғдан чиққани каби чиқди.

Мана, Бедилнинг бу сўзлариндан «Одам Ато» деган бир кимсанинг хотуни билан жаннатда ўйнаб юргандан сўнгра ерга тушгани сира онглашилмайди. Инсон табиат юзасига чиққандан сўнг нималар бўлган экан, уни тинглангиз энди:

*Хуш чашме ба имтиёз кушуд,
Ёфт асрори эҳтиёжи вужуд.*

*Дид: сози нафас задан нон аст,
Маркази даври «мову ман» нон аст.*

*Ҳар ки чашме дар ин чаман во кард,
То мижа во кунад, дахан во кард.*

*Жустужуҳои олами хаму печ,
Талаби рӯзист, боқи ҳеч.*

Инсоннинг эси (хуши) имтиёз учун кўз очғач, борлиқнинг нимага муҳтож бўлганини онглади. Яшамоқ қуролининг «томоқ» эканини билди.

Бедилга кўра, «инсоннинг ушбу онглайиши тўғридир. Чунки бу ерда ҳар ким кўз очмоқ истаса, киприклариндан бурун оғзини очадир. Ҳаётнинг эгри-бугри кўчаларидан бунча чопиб юрмак — озиқ топмоқ учундир, бошқаси бўшдир».

*Гашт ишқаш далел деҳқони,
Кард ночор донаафшони.*

*Оламе пай ба он насақ бардошт,
Нусхаи айш 3-ин варақ бардошт.*

*Дар ки дасте ба жаҳд обила кард,
Хирмане чиду назри ҳавсала кард, —*

«Инсон озуқ ишқи билан экинчиликни топди. Экин ишлари билан машғул бўлди. Бун кўрганлар ҳам ёқтирдилар, шунга берилдилар. Шундай бўлуб, ҳар ким қўлини қадатиб²³ ишлаб, ўз қорнини тўйдирди».

Бедилнинг шу сўзидан инсоннинг энг биринчи иши экинчилик, қўшчилик бўлгани онглашилади. Бу фикр эса

янглишдир. Инсонлар бир қўб замонлар овчилик, подачилик билан юргандан сўнгра қўшчиликда эришгандирлар.

*То зи афроди тухми инсони
Даста шуд решаи парешони.*

*Рехт маъмураҳо ба ин тадбир,
Ҳар тараф ранги улфати таъмир.*

Бора-бора инсонларнинг тарқалиб юришлари йўқола бошлади. Кўчманчиликдан ўтроқ ҳолига кирдилар. Маданият бошланғичлари кўрула бошлади. Инсонлар орасинда иморатлар пайдо бўлди.

*Буд ҳар қатра фориғ аз каму беш,
Чун гуҳар сер чашми қисмати хеш.*

*Ожизон низ илтижо бурданд,
Тўхфа дасте ба сад дуо бурданд, —*

«Ҳаёт денгизининг томчилари бўлган инсонлардан ҳар бири инжу каби соф, қорасиз эди. Ҳар кимнинг кўзи ўз улуши билан тўйган эди. Ораларинда озлик-кўплик жанжаллари йўқ эди. Ишдан ожиз қолганларнинг ҳам узатилган қўллари қуруқ қайтмас эди».

*Ҳушачинони кишти бекори
Мекашиданд заҳвати хори...*

*Ҳар қадар саъй нотавон гардид,
Ҳирс ғолиб шуду ҳасад болид.*

«Ишсизлик хирмониндан бошоқ териб юрганлар, яъни ялқовликдан, дангасаликдан тиланиб яшаганлар, албатта, хўрлик чекдилар. Бунлар тиришмакдан кечган, дангасаланган сайин ҳирслари ортиб, ҳасадлари ўса борар эди». Булар нима қилдилар?

*Жамъ гардид жоҷхое чанд,
Мухталифхосия ҳавое чанд,*

*Ки дар ин мазраи аламҳосил
Чанд хирмон кунем уқдаи дил?*

*Ин даҳоқин, ки коми дилсамаранд,
Аз бисоти замона муфтбаранд...*

*Офати хирмани вуҷуд шавем,
Ё ба ҳосил шарики жуд шавем, —*

«Хосиятлари бир-бирига ўхшамаган бўш сўзлик бир тўда сар-сари уюшдилар. Бу қўшчилар тилакларига эришиб, ҳаётини текин қилиб турадилар. Қачонгача бизнинг қайғуларимиз, юракларимизда тугунланиб қолар. Бундан сўнгра борлиқ ҳаёт хирмониға офат ўлуб чиқамиз. Бунларнинг тинчликларини бузамиз. Фойдаларини биз билан улашсалар, унумлариндан бизнинг ҳам улушимизни берсалар, биздан қутулалар. Йўқса, қўймаймиз, дедилар».

Мана шундан сўнгра:

*Аз ҳасад оламе ҳужум ангехт
Жола гардиду бар зироат рехт.*

*Киштҳо поймоли ғорат шуд,
Суд сармояи хисорат шуд.*

Ажзу илҳоқ ҳеч суд надошт,
Оташи нола ғайри дуд надошт, —*

«Уюшган ялқовлар ҳасад юзасидан ҳужум этдилар. Экин ерларига (қўкдан ёққан жала каби) тушиб хароб этдилар. Экин ерларини таладилар. Бечора қўшчининг унумлари зиёнға айланди. Қўшчининг бутун ялинишлари унумсиз қолди. Ўтли фарёдлари тутундан бошқа бир нарса қолдирмади».

*Дастгоҳи ғано варақ гардонд,
Жуз қабули хирож чора намонд.*

*Донасон коҳ дар дахан рустанд,
То ба чандин замон амон жустанд, —*

«Қўшчининг хўжалиги бузулди. Талончиларға солиқ бермоқдан бошқа чораси қолмади. Қўшчилар буларнинг балосиндан бир оз қутилиб қолмоқ учун бутун хирмонларини бунларға солиқ деб бердилар-да ўзлари буғдой донасиға ўхшаб оғизларида сомон олиб яшадилар».

Бу йўлда мол топмоқ албатта қулай:

*Халқе аз нақши кори ин унвон
Хонд мазмуни манфаат осон.*

*Фатвии ҳирсу ғафлати худком
Бар жаҳоне ҳалол кард ҳаром.*

*Он чи як сола саби деҳқон буд,
Музди як дам талоши эшон буд, —*

* Илҳоқ — тазарру, зорланиш.

«Бундай қулай, енгил бир фойдани кўргач, кўб киши бунларга қўшулди. Кўз очлиғининг фатвоси билан ҳар ерда мана шундай талаб емакни ўзлариға ҳақ ҳалол кўрганлар кўпайдилар.

Кўшчининг бир йил тер тўкуб тўплаган ҳосилларини бир дақиқалик ҳаракатлари билан солиқ деб ола бошладилар (ҳар томонда кўшчилардан солиқ олғувчи кичкина беклар уюшдилар, демакчи)».

*Хирманорои айш гардиданд,
Аз дили жамъ хўшаҳо чиданд.*

*Меъда нур гашту киса пиро шуд,
Киса болиду махзаноро шуд, —*

«Шунда, бунда кўшчидан солиқ юлиб яшамоқ учун беклар бирикиб кўшчини талаб, тирикчиликларини тузиб безадилар. Ишларини йўлга қўйдилар-да, тинчгина яшай бошладилар. Қоринлари тўлғач, киссаларига ошди. Киссалари тошиб хазиналариға оқа бошлади».

Мана шундан сўнг:

*Ин дам андози фитнажушиҳо,
Гашт гарми шарарфурўшиҳо.*

*Оташе к-обрўи деҳқон сўхт,
Чашм бар рахти шўлакорон дўхт, —*

«Яна инсонлар орасинда фитналар қайнади. Ҳар томонға учқунлар — алангалар сочди. Бундан бурун кўшчининг уйини куйдирган олов энди олов ёққан кишиларнинг уст-бошларини ёқмоқ учун кўзини унларға тикди». Нечун дедингизми?

*Рашк ҳам домани хаёл гирифт,
Мулки дил фикри жамъи мол гирифт, —*

«Чунки бунлар бир-бирларини кўра олмадилар. Қизгандилар. Ҳар бири ўзгасиндан ортиқроқ мол тўпламоқ савдосиға тушди».

*Сар зад аз шўлакорию тадбир
Риштаи мавжи ханжару шамшер.*

*Ҳар тараф лашкаре ғубор ангехт
Хоки тасхир бар сари хам рехт, —*

«Мана шу йўлда қурулган ўтли чоралар сўнгинда қилич,

ханжар тўлқунлари ип учини кўрсатди. Ҳар бири ўзи учун қўшун тўплади. Бир-бирларининг устиларига истило тупроғи сочмоққа киришдилар!»

*Ҳар кужо иттифоқ сомон чид,
Офати бибизоатон гардид.*

*Он ки бар дигаре шикаст овард,
Ҳосили ғайр ҳам ба даст овард.*

*Кард тўфон зи сози якдигар
Шўри ҳангомаи шикасту зафар, —*

«Бу кичкина беклардан тўрт-бештаси биргалашиб ёлғуз қолганларининг бошига бало бўлдилар. Енгган томон енгилган томоннинг молларини тортиб олди. Мана шунлар орасинда бўлган тортишмалар сабабли енгмак, енгилмак хангомалари борлиқ дунёсига тошқинлаб чиқа қолди!»

*Ба тасаллут расид саъи камол,
Салтанат ёфт шуҳрати иқбол.*

*Дастгоҳи ғурури султони
Сар зад охир зи ажзи деҳқони, —*

«Мана бу кичкина беклар чиндан-да тиришдилар. Бир-бирлари билан курашдилар. Енгганлар енгилганларни ютдилар. Бир неча бекликни ютган бир беклик кенгая-кенгая султонлик бўлди²⁴. Султонларнинг бугунги катталиклари қўшчининг кучсизлиги, ожизлигидан майдонга чиқа олди».

*Чун ба сомон шуд интизоми фасод,
Чашм бар асли эътибор афтод.*

*Хост то пояи бинои ғурур,
Напазирад ҳалал ба ҳукми қусур, —*

«Фасоднинг (салтанатнинг демак истайдир) негизлари қурулиб тартибга солингач, бунлар қайта бошдан ишнинг тубини текшира бошладилар. Ўз биноларининг қўшчи моли устинда қурулганини эсларига олдилар. Ғурур уяси бўлган подшоҳлиқнинг негизлари бузулмасин учун қўшчи молларининг тарқалмасдан, таланмасдан тўғри ўз хазиналарига оқиб туриши керак эди».

*Ҳирс жўшиду адл шуд номаш,
Баст саъи хиросат эҳромаш,*

*Ки ба деҳқон касе ситам накунад,
Яъне аз моли шоҳ кам накунад, —*

«Ҳирслар қайнади, адолат атадилар. Ўзларини қўшчининг қоровули каби кўрсатдилар. Қўшчиға ҳеч ким зулм қилмасин, деган қонунлар чиқардилар. Бироқ бунларнинг бу қонунларининг чин маъноси «подшоҳ киссасига киратурган молларни бошқалар олмасунлар», демак эди».

*То ба жое расид саъи ғурур,
К-аз музореъ намонд жуз муздур.*

*Пои тадбир бар сари хирман,
Лек яксар чу гов баста даҳан.*

*Ғайр соғар ба мавж мегирад,
Соҳиби чашма — ташна мемирад, —*

«Адолат пардаси остинда бўлатурган бу мағрур ҳаракатлар натижасида қўшчи дунёси таланиб битди. Қўшчилар ҳосилдангина эмас, ерлариндан ҳам айрилдилар. Ҳаммалари «мардикор»гина бўлиб қолдилар. Бояқиш қўшчи экадир, ўрадир, хирман қиладир. Бироқ хирман бошидаги ҳўкизлар каби оғзи боғлангандир. Бир нарса емаги мумкин эмас.

Ётлар косаларини сувнинг тўлқунли еридан тўлдирдилар-да, булоқ эгаси сувсизликдан жон берадир!»

Бедил бу ерга келгач, қайнаб кетадир. Исён қиладир:

*Сурати адли хусравон ин аст,
Зулм дар олами ғараз кин аст.*

*Адл аз ин ранг тухми раъфат кошт,
Вой агар зулм тиғ мебардошт.*

*Ҳама зулмаст, адлу эҳсон ку?
Худнараст аст нафс, имон ку? —*

«Подшоҳларнинг адолат деганлари мана шудир. Бунлар зар эгалари, зулм бунларнинг динидир. Адолатларининг марҳамат уруғлари эҳкани шу экан, зулмлари қилич чекса эди, нима қилар эдик?

Бунларнинг бутун ишлари зулмдир. Адолат, яхшилиқ кутма бунлардан! Бунлар ўз фойдаларига топиналар. Имон излама бунлардан!»

Мана шу ерда бир тизим битадир. Масала онглашиладир, бироқ Бедилнинг сўнг дақиқадаги исёни етишмай-

дир. У яна сўйламак, қичқирмоқ қайнамоқ, ҳужум этмак истайдир. Қисқагина бир ҳикоят сўйлайдир. Подшоҳликнинг адолат, қонун деган ҳийлаларининг юзидан пардани олиб ташлайдир. Мана, ҳикояси:

*Гурбаеро зи табъи ҳирсгузин
Буд вайронае бисоти камин.*

*Он яке гуфташ: «Эй паланг хисол,
Дар чи олам фушурдаи чангол?»*

*Гўфт: «Ин жо заиф мушонанд,
Нотавон кешу ажз кўшонанд.*

*То набинанд офати каргас,
Ман дар ин варташон панохаму бас!» –*

«Оч табиатлиқ, очкўз бир мушук бир харобада писиб турган экан. Бир киши уни бу ҳолда кўргач нима қилиб турганини сураган. Мушук бунда кучсиз, кимсасиз, ожиз сичқонлар бор, шунларни қарға тутмасин деб қоровуллик қиламан, бу ерда мендан бошқа ҳомийлари йўқ, деган».

Бедилга кўра, подшоҳларнинг элни сақлаш адолат, қонун деганлари кўз бўямоқдан бошқа нарса эмас, ҳақиқатда эса манзара бошқачадир:

*Ҳирс – инсоф душман аст ин жо,
Парвариш – номи куштан аст ин жо.*

*Зада дар хуни зер дасте чанд,
Қадаҳи нози худпарасте чанд.*

*Ожизонро диҳанд гута бахун
То шавад хилъати ҳавас гулгун, –*

«Бунларнинг оч кўзлари инсофнинг душмани. Бунларнинг дунёсинда бир турли ўлдирмак борким: унга ўзлари «боқмоқ» деб от қўйганлар. Бир неча қорин бандалари ожизларнинг, кучсизларнинг қонларини чоғир еринда ичиб туралар. Ўзларининг ҳавас чопонларини бўямоқ учун кўб ожизларни қонға бўяйлар».

Бедилга кўра, бунча зулмнинг, бунча инсофсизликнинг бош сабаби «маздур» (меҳнаткаш) қўшчининг юмшоқлиги, кучсизлигидир.

*Сел дасти тасарруфест расо,
Лек дар хонаҳон нест бино.*

*Гар ба кўҳсор во кунанд дараш,
Ҳаст хар санг пеш пои сараш.*

*Нарми офатнасиби дигар аст,
Хирмане панба назри як шарар аст.*

*Обро аз чи мебаранд фуру?
Устухоне надидаанд дар ӯ.*

*Гар зи сахти алам намебурданд,
Сангро ҳам чу об мехўрданд, —*

«Тошқин (сел) ҳар томонни йиқитмоқ учун узун бир қўлдор. Бироқ ўз хунарини эскирган, негизи чуруган уйларга кўрсатадир. Тоғлиқлар, тошлиқлар орасинда йўли очилса, тошдан бошиға бир таёқ ейдир. Юмшоқлиқнинг насиби офатга учрамакдир. Бир хирмон пахта кичкинагина бир учқуннинг қурбони бўладир. Сувни қулайгина юталар, чунки унинг суяги йўқдир. Қаттиқлиғидан қўрқмаса эдилар, тошни ҳам сув каби ютар эдилар».

Шу ерда Бедилнинг тизими битди. Қутлуғ китобни секингина ёпди. Ҳамид узатган чойни олиб ичди-да, сўйлади:

— Шунинг учун — деди, — зулмдан қутилмоқ истасак, куч тўламоқ керак. Кучли бўлмоқ лозим. Бошқа йўл йўқдир.

Бедил мана шундай қилиб, «мазкур» қўшчиларга подшоҳлиқнинг зулмлариға қаршу кучайишни кўрсатмак билан қолмайдир. Бир кун бир ўзгариш бўлушини, бу бузуқ ташкилотнинг туташ шу шаклда қолмаслиғини сўйлайдир.

«Туташ ҳолимиз мана шундай қоронғулик экан деб қайғурма, сен яшаган бу оламда инқилоб тўкулиб турадир» — дейдир:

*Абас ба фикри кумоши сабот жома мадар,
Ба оламе ки туи, инқилоб мебофанд.*

Бир кун эмас-бир кун бўлатурган инқилобнинг мазлумлар фойдасига бўлишини хабар берадир.

*Мақоми золим охир бор заифонаст арзони,
Ки чун оташ зи по афтад ба хокистар диҳад жоро, —*

«Золимларнинг ўрни энг сўнг мазлумларга қоладир. Олов оёқдан йиқилғач, жойини кулга қолдирадир».

– Мана, Ҳиндустонда етишкан Шарқнинг энг буюк файласуф шоирларидан Бедилнинг фикри шудир.

– Ҳамид ўртоқ! Бу кеча мени мажлисингизга олганингиз учун ташаккуримни қабул қилингиз.

– Ў... Биз сизга ташаккур қиламиз. Сиз бу кеча мажлисимизга бир руҳ бердингиз.

– Эмди жавоб берсангиз, кетайлук.

Қутлуғ билан Рустам турдилар. Ҳамиднинг ёқиб берган фонусини олдилар.

Мажлисадагиларнинг «Хайр, хўш», «яна келасиз» деган товушлари орасинда зинапоядан тушдилар. Эшикдан чиқиб ўлуклар дунёсига ўхшаган жимжит кўчаларга кириб юра бошладилар²⁵.



МУҚАДДИМА

ТАРИХ ТАЪРИФИ

Тарих: миллатларнинг ўтмишини, тараққиётини ҳамда таназзулининг сабабларини ўргататурган илмдир.

ТАРИХ ТАҚСИМИ

Тарих икки қисмдан иборатдир: умумий тарих ва хусусий тарих. Умумий тарих шундай тарихки, ҳамма миллат ва жамиятларнинг аҳволини ёзатурган илмдир. Хусусий тарих ёлғиз бир миллат ва бир жамиятнинг тарихини ёзади. Ислом тарихи ҳам хусусий тарих бўладир¹. Ислом тарихи Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг дунёга келишларидан ва ислом динининг тарқалиши хусусинда баҳс қилиб, ислом оламининг тараққиёти ва таназзулини бизга онглатадир. Бинобарин, уни билиш ҳар бир мусулмон учун лозимдир.

1 қисм. САОДАТ АСРИ

Рум² ва Эроннинг ислом пайдо бўлишидан аввалги аҳволи

Исовий (насроний) тарихнинг беш юзинчи йиллари дунёда икки улуғ давлат мавжуддирки, бунларнинг бири Рум, иккинчиси Эрон бўлган. Уларнинг подшоҳларидан бирлари доимо иккинчисининг устига лашкар тортиб, узоқ муддатлар бир-бировлари билан жанг қилганлар. Оқибат улар қувватдан қолиб, ҳар бир мамлакат тобора заифлашиб, бор кучи билан яна лашкар ва пул йиғар, яна бир-бировлари билан жанг қилмоқ пайида бўлганлар. Бошқа тарафдан бу икки мамлакатнинг халқи ҳам турли ахлоқ-сизликлар ва беандишаликларга мубтало бўлган, гоҳида сабабсиз диний ихтилофлар, гоҳида подшоҳларни йиқитиш баҳонасида халқ устига қилич тортиб келардилар. Фисқ ва фужур, зўравонлик ва босқинлар, жабр ва зулм кабилар бу юртларда кенг тарқалгандир. Бинобарин, бу юртлар кундан-кун хароблашиб, халқининг сони камайиб борган.

Араб ярим ороли ва ер халқининг аҳволи

Бу икки мамлакатнинг жануб томонида бошқа бир қитъа борки, уни Араб ярим ороли (Жазирату-л-араб)³ деб аташган. Бу ернинг халқи араблардир. Араб ярим ороли Рум ва Эрон юртлари каби обод эмас, балки кўп ерлари кумликдан иборат бўлиб, баъзи қитъалардагина обод манзиллар мавжуд. Бу қитъалардан энг машҳури ва мубораги Ҳижоздирки, бу қитъада Макка ҳам Мадина жойлашгандир. Харитага қарасангиз кўрасизки, бу Ҳижоз қитъасининг бир тарафи Қизил денгиз ва бошқа бир тарафи чўлдир. Бинобарин, бу ерларни Рум ва Эрон давлатлари эгаллай олишмаган. Бу ерликларнинг ўзлари-да Рум ва Эрон давлатлари каби ўз ҳукуматларига эга бўлмай, қабилла-қабилла, яъни тўп-тўп бўлиб яшаганлар. Ҳар қабиланинг ўз сардори бўлиб, ҳамма араблар жоҳил ва бадавий (сахройи) эдилар. Чўпонлик ва қароқчилик билан кун кўрганлар, ҳар бир қабилла бошқаси билан ҳар йили бир неча маротаба жанг қилиб, қон тўккан. Уларнинг дини бутпарастлик бўлган. Макка шаҳридаги Каъба хонасида уч юз олтмиш бут (санам) ўрнатилган бўлиб, ҳар қабилла буларнинг бирига-да сажда ва ибодат қилганлар. Шунингдек, қиморбозлик ва шаробхўрлик улар ичида тарқалган эди. Агар уларнинг хотунлари қиз туғса, ор қилиб, бегуноҳ гўдакларни тириклайин гўрга кўмар эдилар. Шундай қилиб, у вақтларда Рум, Эрон ва Арабистон халқи бу ҳолда-да, бошқа юртлар улардан ҳам ёмонроқ ҳолдадилар: ер юзи тамоман хароб ҳолга келган эди. Буюк Ҳазрати Парвардигор бу дунёнинг харобалиklarини хоҳламас эди, истадики: бир пайғамбир тайин қилинсун-да, одамлар аҳволи яхшилансун. Пайғамбарни бу Рум ва Эрон миллатларининг ичидан тайин қилмади, чунки улар кўп беахлоқ, беандиша ва беғайрат бўлиб келган эдилар. Ҳижоз араблари-да ҳеч вақт Рум ва Эрон подшоҳлариға тобеъ бўлмаган ва у мамлакатлар халқи билан ҳамроҳлик қилмаган: улардан яхшироқ эдилар. Баъзи яхши одатлари: мусофирпарвар, ростсўз, ғайратли, сўзамол ва шоирмижоз бўлганлар. Бинобарин, Худойи таоло у буюк Пайғамбарни араб қавмидан тайин қилдики, ул жаноб бизнинг пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом бўлдилар.

Ҳазрати Расули акрам алайҳиссаломнинг дунёга келишлари

Юқорида айтдикким, араблар қабила-қабила бўлиб яшаганлар. Ҳижоз араблари ҳам шу каби бир неча қабиладан таркиб бўлган. Уларнинг ичида энг улуғ ва эътиборлиси Қурайш⁴ қабиласидирки, зеро Каъбага хизмат этиш уларнинг қўлида бўлган. Қурайш қабиласининг бир сардори бўлиб, уни Абдулмуталлиб деб аташган, унинг Абдуллоҳ исмли ўғли бўлиб, Абдулмуталлиб бу ўғлини бошқаларидан кўбрак яхши кўрардилар. Омина исмли бир араб қизини Абдуллоҳга никоҳлаб бердилар. Омина Абдуллоҳдан ҳомиладор бўлди. Етти ойдан сўнг Абдуллоҳ савдогарлик важҳидан Мадинага бориб, у ерда вафот қилдилар. Яна икки ойдан сўнг исовий сананинг 570 йилида Раббийул-аввал ойининг 12-сида душанба куни Аллоҳнинг раҳмати билан бизнинг пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом бинни Абдуллоҳ Макка шаҳрида Оминадан дунёга келдилар.

Ҳазрати Пайғамбарнинг тарбиялари

Чунончи, юқорида ўқуғанимиз каби Ҳазрати Пайғамбар дунёга етим келдилар, оталари оламдан ўтган эдилар. Бинобарин, уларнинг боболари Абдулмуталлиб ул Ҳазратнинг тарбияларини ўз бўйнига олдилар. Макка халқининг бир яхши одати бор эдиким, янги туғилган гўдакларни саҳройи энагаларга бериб, шаҳар ташқарисига чиқариб юборар эдилар. Абдулмуталлиб ҳам ул ҳазратни Ҳалима исмли дояга бериб, шаҳардан ташқарига чиқариб юбордилар. Ҳалима бир йил ул ҳазратни тарбия қилди, сўнгра қайтариб топширди. Ҳазрат олти ёшга тўлганларида оналари дунёдан ўтдилар ва саккиз ёшга тўлганларида боболари ҳам вафот қилдилар. Амакилари Абу Толиб ул Ҳазратни ўз ҳимоясига олдилар. Ўн уч ёшга тўлганларида Абу Толиб билан Шом шаҳри томон йўлга отландилар. Йўлнинг ярмида Бухайро исмли бир насроний роҳиб ул Ҳазратни кўриб, уларнинг баъзи аломатларидан Пайғамбари охурзамон эканин пайқади ва Абу Толибга дедиким: «Бу йигитни Шомда яҳудийлар таниб қолсалар, анда зарар етказарлар». Абу Толиб Бухайронинг сўзларини қабул қилиб, Макка қайтиб кетдилар.

Пайғамбарнинг хотун олишлари

Ҳазратнинг ахлоқ ва одоблари бисёр мақбул ва комил бўлган: ҳеч вақт ёлғон гапурмаганлар, ҳеч кимга хиёнат қилмаганлар, ноинсофлик, мурувватсизлик ва беҳаёликдан йироқ эдилар. Бинобарин, ул Ҳазратнинг эътиборлари кундан-кунга ортиб зиёда бўлган, Макка халқи ул ҳазратни Муҳаммад Амин⁵ деб атади. Ул ҳазрат йигирма тўрт ёшга тўлганларида маккалик Хадича исмли молдор аёл унга молин бериб Шомга юбордилар. Бу дафъа ҳам йўлнинг яримда Настуро исмли бир насроний роҳиби кўриб, унга Шом сафарини манъ қилган. Шу сабабдин молларни ўша жойда катта фойда эвазига сотдилар ва қайтиб кетдилар. Хадича ул Ҳазратдан жуда мамнун бўлди. Йигирма беш ёшларида эканида Хадичани ўз никоҳларига олдилар.

Ул ҳазратнинг пайғамбар бўлишлари ва ваҳий келиши

Юқорида Ҳазратнинг яхши одоб-ахлоқи ҳақида озроқ ўқуған эдик. Уларнинг одоблари кундан-кун зиёда бўлган. Ул ҳазрат маккалик кишилар каби бутларга ибодат қилмаганлар, уларни ёмон кўрардилар. Қирқ ёшга етганларида Аллоҳ томонидан Жабройил орқали «Икраъ, бисми раббика» ояти⁶ нозил бўлди ва сўнгги уч йил ичинда ҳеч бир оят келмаган. Сўнгралари «Йа аййуҳа-л-мудда-с-сиру кум фаанзир» ояти⁷ келган ва ул ҳазратни пайғамбарликка амр қилдилар. Ул Ҳазрат бу хабарни аввал Хадичага, сўнгралари Ҳазрати Абу Бакр ва (Ҳазрати) Алига етказганлар: уларнинг ҳаммалари мусулмон бўлишган. Ҳазрати Али бу вақтлар ёш бола бўлган. Бинобарин, айталарким, энг аввал мусулмон бўлган кимсалар: аёллардан Ҳазрати Хадича, эркаклардан Ҳазрати Абу Бакр, гўдаклардан Ҳазрати Али мусулмон бўлдилар. Бундан сўнг Ҳазрати Абу Бакрнинг далолати билан Макканинг бир неча улуғлари мусулмон бўлдиларки, мусулмонларнинг сони йигирмата бўлган. Ҳазрат бу янги мусулмонлар билан пинҳона ибодат қилиб, суҳбат қурадилар. Лекин янги динни яратмоқ буюк ишдирки, яшируб бўлмас. Ҳазратнинг Пайғамбарлиғи Маккага овоза бўлди, ҳамма эшитганки одамлар бу воқеадан ҳайрон бўлдилар ва улардан баъзилари келиб сўрадилар, ҳазрат уларга-да англатдилар. Шундай қилиб,

ислом дини уларга маъкул бўлди. Одамларни покизаликка, Худодан кўркушга, эзгу ишларга амр бердилар, одам-хўрлик ва беҳуда ишларни манъ қилдилар. Араблар бу динга рағбат кўрсатдилар. Вале Макканинг айрим улуғлари, масалан, Абу Жаҳл ва Абу Сўфён: «Агар биз мусулмон бўлсак, Муҳаммадга тобеъ қолуб, улуғликни қўлдан берурмиз», – деб мусулмон бўлмадилар. Мусулмон бўлган одамларга-да кўп азоб бердилар, ул ҳазратнинг ўзларига ҳам кўп азоб етказганлар. Ҳазрат кофирларнинг берган азобларидан хафа бўлмадилар. Доимо Худо амрини жойига қўйганлар, яъни уларни-да ислом динига даъват этдилар.

Ҳазрати Ҳамза, Ҳазрати Умарнинг мусулмон бўлишлари

Ҳазратнинг доимий сабот ва ҳаракати орқасиндан арабларнинг атоқли баҳодирлари жаноб Ҳамза ва Умар мусулмон бўлдилар. Мусулмонларнинг диллари қувватланди. Ҳазрати Умарнинг далолати билан ул ҳазрат ўз ёронлари ила Каъба масжидига бориб ошкора намоз ўқидилар, одамларни мусулмонликка даъват қилдилар, кишилар бирмабир, аста-аста келиб мусулмон бўлдилар.

Пайғамбар ёронларининг Ҳабашга боришлари

Ул Ҳазрат пайғамбарлигининг бешинчи йилида мусулмонларнинг сони уч юзга етди. Мусулмонларнинг сони орта бориши билан кофирларнинг зулми бисёр ортаётганидан тараҳхум қилиб, ёронларига дедиларким, ҳар ким истаса, Ҳабашга кўчиб борсун. Пайғамбарнинг олий ҳиммати бирла бир неча асҳоблари⁸ Ҳабаш юртига кетдилар ва у ернинг подшоҳидан мурувват кўрдилар, сўнгралари Ҳазратнинг хизматларига қайтиб келдилар.

Ҳадича, Абу Толиб вафоти ва муносабатларнинг узилиши

Кофирлар кўрдиларки, уларнинг изза ва ҳақоратлари одамларга таъсир қилмаган, ҳар кун бир неча кас мусулмонликни қабул қилмоқда эди. Уларнинг улуғларидан бир нечаси машварат қилиб, пайғамбар ва унинг ёронлари билан муносабатни узишга қарор қилдилар. Ҳамма иттифоқчилар аҳднома ёздиларки, бундан буён ҳеч кас му-

сулмонларга хотунликка қиз бермайдир ва улардан хотун олмайдир. Улар билан саломлашмайдир, суҳбат қуриб, савдо-сотикқа қўл урмайдир. Адҳномага имзо қўйдилар ва Каъба уйининг дарвозасига осдилар. Бу адҳнома уч йил жорий бўлди. Кўпгина мусулмонлар қийинчилик тортдилар, оқибатда бу ишдан ҳам наф йўқлигини кофирлар кўрдилар. Уларнинг ўзлари мазкур адҳномани йиртдилар ва улоқтирдилар, натижада аҳли ислом ҳам ундан халос бўлди. Ул ҳазрат пайғамбарлигининг ўнинчи йилида уларнинг хотунлари Хадича ва амакилари Абу Толиб дунёдан ўтдилар. Макка аҳли Абу Толибнинг ўлим фурсатини ғанимат билиб, жавру жафони бисёр қилдилар. Айни пайтда Расули Акрамнинг меърожи воқеъ бўлиб, ул Ҳазрат бу моддий оламдан маънавий оламга сафар қилдилар. Меърож туни⁹ дан беш вақт намоз фарз бўлди.

Ул ҳазратнинг Маккадан Мадинага ҳижратлари¹⁰

Кофирларнинг жабри ҳаддан зиёд бўлгани сабабидан Расули акрам баъзан атрофдан келган мусофирларни ислом динига даъват қилиш ва ўз тарафдорларини бисёр кўпайтириш учун шаҳар ташқарисига чиқар эдилар. Пайғамбарлиқнинг ўн иккинчи йили бир куни Мадинадан келган бир неча одамни мусулмон қилгани шаҳар ташқарисига чиқдилар. Улар дедиларки, агар Сиз Мадинага келсангиз, биз ўз мол ва жонимизни Сизга кўмак йўлида фидо қилар эдик. Ҳазрат буни қабул қилдилар ва уларнинг қасамларига ишондилар. Бу учрашув Ақоба мавзеъида содир бўлганидан уни «Ақоба иттифоқи» атаганлар. Кейинги йили-да бир неча мадиналик улуғлар келдилар ва ўтган йилги Ақоба иттифоқини янгилаб қайтдилар. Маккалик кофирлар бу хабарни эшитиб, ўз жавру зулмларини янада кучайтирдилар. Ҳазрат ўз асҳобларига буюрдиларким, Мадинага ҳижрат қилинсин. Асҳоблар бир-бир ва икки-икки бўлиб Мадинага кўчиб бордилар. Маккада Ҳазрат ёронларидан Абу Бакр ва Алидан бошқа ҳеч кас қолмади. Кофирлар Пайғамбарнинг ёлғузлик фурсатини ғанимат билиб, тунда уларни ушлаб, қатл қилинажани маслаҳат қилдилар. Ул ҳазрат кофирларнинг бу маслаҳатидан огоҳ бўлиб, Ҳазрат Алини ўз ўрнига қўйдилар ва тунда Ҳазрати Абу Бакр билан Маккадан чиқиб кетдилар.

Кофирлар Али Саҳҳоб Пайғамбарнинг кетганидан воқиф бўлиб уни кўп қидирдилар, асарини ҳам топа олмадилар. Ул Ҳазрат Ҳазрати Абу Бакр билан саломат Мадинага бориб етдилар. Улар келган кунни Мадина аҳли катта байрам қилди. Ҳазрат Али ҳам орадан уч кун фурсат билан етиб келдилар. Ҳижрат Пайғамбарликнинг ўн тўртинчи йилида, исовий 622-санада содир бўлдики, бу санани мусулмонлар ўз тарих ҳисобининг ибтидоси деб биларлар.

Масжиднинг қурилиши ва қибланинг тайин бўлиши

Ҳазрат Мадинага келганларидан сўнг аввалан Мадина ҳудудидаги Қўбо даҳасида бир масжид қурдилар, сўнгралари Мадина шаҳрининг ўзига ҳам бир масжид бино қилдилар. Ҳануз Аллоҳ тарафиндан қибла тайин қилинмаган эди. Мусулмонлар намоз ўқиған пайтларида юзларини яхудийлар қибласи бўлмиш Байту-л-муқаддас томонга қараб ўқиғанлар, бинобарин, бу икки масжиднинг қибласи ҳам Байту-л-муқаддасга қараған эди. Мусулмонлар бир қанча вақт шу тариқа намоз ўқиғанлар, сўнгралари Каъба уйи тарафига қараб намоз ўқуш тўғрисида оят¹¹ келди. Ўша замонлардан буён биз мусулмонларнинг қибламиз Каъба уйи тарафиндадир. Бу воқеани ислом тарихида қибланинг тайин бўлиши, яъни «Таҳвили қибла» атағанлар. Аллоҳнинг ҳар бир амрлари бир неча фойда ва ҳикматга моликдирлар. «Таҳвили қибла»нинг ҳам шундай улуғ ҳикмати бордирким, муҳожирлар шундан сўнг ҳар намозда юзларини Каъба тамон қаратарлар ва ўзларининг асл ватани Маккани ёд этарлар. Шу сабабдан тезроқ қувватланиб Маккани кофирлар қўлидан халос қилиш учун саъй ва ғайрат қилсинлар.

Жиҳот¹²га амр қилиниши

Юқорида ўқиған эдикким, қибланинг тайин бўлиши ислом муҳожирлари кўнгулларида ватанга муҳаббат ҳисларини ҳосил қилғандир. Сўнгралари улар доимо жанг қилиш ва Маккани эгаллаш орзусида бўлғанлар. Ҳижратнинг иккинчи йилида Аллоҳдан амр келдики, жиҳод фарз бўлди. Шундан сўнг ислом аҳли кофирларга қарши кўпги-

на жанглар қилдилар. Ул ҳазрат иштирок қилган ҳар бир жангни ғазот деб атаганлар ва ўзлари иштирок қилмай, лашкар юборган жангларни «сураййа» номлаганлар. Мусулмонлар ичида қарийб йигирма ғазот ва эллик сураййа жанги бўлган. Улардан машҳурлари: Бадр, Уҳуд, Ҳандақ, Ҳибар ва Макканинг олинишидир. Сўнгралари улар ҳақинда озроқ ёзармиз.

Бадр¹³ ғазоти

Дастлабки ғазот бу Бадр юришидир. Ул ҳазрат бу жангга уч юз ўн уч нафар билан келганлар. Макка кофирлари эса, қарийб минг киши бўлиб келдилар. Икки лашкар Бадр аталган мавзеъда тўпланиб, жанг қилдилар. Мусулмонлар Ҳақ йўлида яқдил бўлиб жанг қилдилар ва ўзларидан уч баробар зиёд бўлган кофирлар лашкарини енгдилар. Бу жангда мусулмонлардан ўн тўрт нафар, кофирлардан етмиш нафари ҳалок бўлди. Исломнинг улуғ душманларидан бўлган Абу Жаҳл ҳалок бўлганлар ичида бўлиб, етмиш нафар бошқалари ҳам мусулмонлар қўлларига асир тушдилар. Ул ҳазрат Мадинага қайтгач, баъзи асирларни пулини олиб, озод қилганлар. Пули йўқларини эса қамаб, улардан ҳар бирига мусулмон болаларидан ўн нафарини юбордиларки, асирлар уларнинг хат ва саводларини чиқарсунлар ва ундан кейингина озод қилинсунлар. Бу ғазот ҳижратнинг иккинчи йили воқеъ бўлди.

Уҳуд ғазоти

Кофирлар Бадр жангида мағлуб бўлиб, Маккага қайтдилар. Бир ой азадорлик қилиб, сўнгралари қасос олиш истагида жангга тайёргарлик қила бошладилар. Кейинги йил уч минг лашкар билан Мадинага қараб йўл олдилар. Ҳазрат Пайғамбар кофирларнинг лашкарлари келганини эшитиб, асҳобларидан мўътабарларини йиғиб машварат қилдилар ва душманларнинг лашкари кўп экан, агар биз шаҳар дарвозаларини беркитиб, ичкаридан жанг қилсак, яхши бўлар дедилар. Асҳобларининг ғайратманд ёшлари бу маслаҳатга қулоқ осмай шаҳардан ташқарига чиқиб душман билан юзма-юз жанг қиламиз дедилар. Ҳазрат уларнинг ташқарига чиқиб, жанг қилиш тарафдорлари эканини кўрдилар ва ҳеч нарса демай етти юз нафар мусул-

монлар билан шаҳар ташқарисига чиқдилар. Мадина шаҳри ташқарисидаги Уҳуд тоғининг тагида душман билан юзма-юз келдилар. Ислом лашкарларининг чап томонида бир дара бўлиб, ул ҳазрат эллик нафар ўқ отувчиларни ажратиб, сизлар шул жойда туринглар, асло бошқа жойга кўчманглар, агар душман бу ерга келиб ҳужум қилса, ишимиз мушкуллашадир, дедилар. Жанг бошланди, мусулмонлар ҳужум қилдилар, кофирлар ютқаза бордилар, лекин бояги эллик нафар ўқ отувчи ул ҳазратнинг фармонини ёддан чиқардилар, кофирларнинг молини олиш учун дарадан келдилар. Бир қанча душман лашкари бу фурсатни ганимат топиб, ана шу дарадан ислом лашкарига ҳужум қилдилар. Мусулмонлар мағлуб бўлдилар, етмиш нафар мусулмон шаҳид бўлиб, Пайғамбарнинг амакилари Ҳамза ҳам шулар қаторида ўтдилар. Ул ҳазратнинг ўзи ҳам ярадор бўлди. Муборак тишлари синди, гарчанд бу жангда кофирлар мусулмонлар устидан ғолиб келган эса-да, лекин ўзлари ҳам яна куч тўплаб, мусулмонлар бизларни енгмасинлар деб, зудлик билан кўчиб кетдилар.

Ҳандақ ғазоти

Ҳижратнинг бешинчи йили Макка аҳли яҳудийлар билан иттифоқ тузиб, ўн минг кишини тўплаб, Мадина томон йўл олдилар. Ул ҳазрат бу хабарни эшитиб, асҳоблари билан машварат қилдилар ва Салмон Форсий уч минг киши билан шаҳардан ташқариға чиқиб, шаҳар остонасида ислом лашкарининг атрофида чуқур қазидилар. Кофирлар ислом лашкарлари рўбарўсига келиб, саф тортдилар, лекин ҳандақдан ўта олмадилар, ночор қолиб, ҳандақнинг нариги томонида туриб ўқ отдилар. Мусулмонлар ҳам бу тарафдан ўқ отиб, жавоб қайтардилар. Оқибатда душман ҳеч қандай натижасиз қайтиб кетишга мажбур бўлди. Мусулмонлар музаффар ва масрур бўлиб Мадинага қайтдилар.

Худайбияҳ сулҳи

Ҳижратнинг олтинчи йилида ул ҳазрат беш юз нафар саҳобалари билан Каъбани зиёрат қилиш ниятида йўлга тушдилар. Жанг қилиш нияти бўлмаганлиги сабабли қиличдан бошқа жанг қуролларини олмасликни буюрдилар.

Макка яқинидаги Худайбияҳ мавзеъига жойлашиб, Макка аҳлига элчи юбориб, ўз ниятларини маълум қилдилар. Лекин улар эски гина-қудуратлари билан ул ҳазратга Каъба зиёратиға рухсат бермадилар. Дарҳол одамларни тўплаб, жангга ҳозирлик кўра бошладилар. Мусулмонлар ва улар ўртасида қарийб жанг бўлишига сал қолди, лекин баъзи кишилар ғайрат қилиб, улар ўртасида сулҳ ва аҳднома туздилар. Унга кўра Ҳазрат бу йил Каъбани зиёрат қилмай қайтдилар ва кейинги йил зиёратга келадиган бўлдилар. Мусулмонлар ўн йил Макка аҳли билан жанг қилмайдилар. Маккадан Мадинаға қочган ҳар бир касни мусулмонлар қайтариб Маккага юбордилар ва Мадинадан Маккага қочган ҳар бир касни эса Макка аҳли қайтариб жўнатмайдилар. Ҳар икки томон ушбу аҳдномага қўл қўйдилар, ул Ҳазрат Мадинаға қайтдилар ва кейинги йили Каъба зиёратиға бордилар. Бу воқеъни Худайбияҳ сулҳи атаганлар.

Ҳайбар ғазоти

Шом ва Мадина орасида Ҳайбар отлиғ қалъа бор эди. Бу жойга яҳудийлар тўпланган эдилар. Ул Ҳазрат ҳижратнинг еттинчи йилида шу қалъани олмоқ учун минг нафар ислом аҳли бирлан келдилар. Яҳудийлар шаҳар дарвозасини беркитиб, ичкаридан туриб жанг қилдилар. Ислом лашкарлари ўн кун шу қалъани қатъий қамал қилдилар, натижада уни олишга нойил бўлдилар. Бу шаҳардан ислом лашкарлари қўлига беадад мол-дунё тушди.

Ул Ҳазратнинг элчи юборишлари

Бу ғалабадан сўнг мусулмонларнинг овозаси ҳар тарафга ёйилди. Турли қавмлар ислом аҳлининг қувватидан ҳайратга тушдилар. Ул Ҳазрат фурсатни ганимат билиб, атрофдаги подшоҳларга элчи ва номалар юбордилар, уларни мусулмон динига киришга таклиф қилдилар. Ул Ҳазрат қуйидаги олти подшоҳга ўз номаларини юбордилар: аввал Эрон подшоҳига¹⁴, иккинчиси Рум подшоҳига, учинчиси Ҳабашистон подшоҳига, тўртинчиси Миср ҳокимиға, бешинчиси Яман ҳокимиға, олтинчиси Билқо ҳокими(ға мактуб юборилган) эди. Уларнинг баъзилари ул Ҳазрат элчисини иззат ва икром қилдилар, совғалар бердилар, айримлари эса таҳқир қилдилар.

Макканинг олиниши

Аввалги дарсларда Худайбиях сулҳи воқеасини ўқиган эдик. Шу аҳдномага биноан мусулмонлар ўн йил жанг қилмадилар. Лекин икки йилдан сўнг, яъни ҳижратнинг саккизинчи йили Макка аҳлининг ўзи мазкур аҳдномани бузди. Ул Ҳазрат бу фурсатни ғанимат билиб, ўн минг нафар лашкар билан Макка тарафга юриш қилдилар ва шаҳарнинг ташқарисига келиб, ҳар қайси одамга ўз чодирда олов ёқишни буюрдилар. Макка аҳли ҳамон мусулмонлар келганидан беҳабар эди. Воқеан шаҳар ташқарисидаги бунча ўтни кўриб, бирданига қўрқиб кетдилар. Абу Суфён хабар олгани келиб, мусулмон бўлиб қайтди ва уларга воқеани англатди. Улар ҳозирлик кўра олмай, ҳамма ҳар тарафга қочди. Ул ҳазрат жангсиз келиб Маккани олдилар ва Макка аҳлини афв қилдилар. Улар-да гуруҳ-гуруҳ бўлиб мусулмон бўлдилар.

Ҳунайн ғазоти

Макка фатҳи борасидаги хабар ҳамма тарафга тарқалгач, баъзи мусулмон бўлмаган араб қабилалари ғазабга келдилар, Ҳунайн аталган мавзёда тўпландилар ва ислом лашкарига ҳужум қилишни хаёл қилдилар. Ул Ҳазрат бу хабарни эшитиб, ўн икки минг киши билан уларнинг устига қараб юрдилар. Ҳунайн мавзёида жанг қилиб, уларга қаттиқ шикаст етказдилар ва (ўз) мамлакатларини эгалладилар. Бутун Араб ярим ороли мусулмонобод бўлди ва ул Ҳазрат Мадинага қайтдилар.

Табук ғазоти

У замонлар Шом вилояти Рум императорининг қўлида бўлган. Ул Ҳазрат императорнинг фармони билан Шом вилоятида жуда кўп аскарлар жамъ бўлганини ва Мадинага ҳужум қилиш фикрида эканини эшитдилар ва дарҳол лашкар тўплаш фикрига тушдилар. Лекин Рум императорининг лашкари билан жанг қилиш мушкул иш эди. Албатта, жуда кўп лашкар тўплаш лозим бўлиб, лашкар харажатлари учун пул топишнинг имконини қилолмадилар. Бунинг устига Мадинада қимматчилик рўй берди. Бинобарин, миллатга мурожаат этиб, ёрдам сўралди. Ҳар кас қўлидан келган нарсасини берди. Шу тариқа лашкарга ло-

зим бўлган нарсалар (анжомлар) йиғилди. Ҳазрат ўттиз минг лашкар бирлан Шом ва Мадина ўртасидаги Табуқ мавзеёга етиб келдилар. Душмандан асар ҳам кўринмади. Лашкарнинг улуғларини тўплаб, машварат қилдилар. Абу Бакр Сиддиқ сўзладилар: агар шомликлар жанг қилишни ният қилганларида бирор белгиси бўлур эди. Ҳозир эса улардан ҳеч бир асар йўқ. Маълум бўладики, улар жанг қилиш фикрида бўлмаганлар. Бизларнинг бу ерга келганимиз ҳам уларни қўрқитиб юборган бўлиши мумкин. Бунинг устига Шомда вабо тарқалган, агар шу ердан ортга қайтсак, маъқул бўлар эди, деб маслаҳат бердилар. Ҳазрат бу маслаҳатни тўғри топиб, Табуқ атрофидаги қабилаларни бош тўлашга мажбур қилдилар ва Мадинага қайтдилар.

Видолашув ҳажи

Ҳижратнинг ўнинчи йилида ул Ҳазрат ҳаж қилиш ниётларини бутун мусулмонларга англади, қирқ минг киши билан Маккага кирдилар. Атрофдаги мусулмонлар ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб кела бердиларки, уларнинг сони юз минг нафарга етди. Ул Ҳазрат хутба ўқиб, ўзининг дунёдан ўтишлари яқинлигини одамларга англади. Уларга насиҳат қилдилар ва сўнгралари Мадинага қайтиб кетдилар. Бу ҳаж ул Ҳазратнинг охириги ҳажлари бўлиб, уни тарихда «видолашув ҳажи» атаганлар.

Ул Ҳазрат (Муҳаммад) алайҳиссаломнинг дунёдан ўтишлари

Воқеан уч ойдан сўнг ҳижратнинг ўн биринчи йилида Раббийул-аввалдан бир кун олдин Ҳазрат хасталандилар, асҳобларини жамъ қилиб, шу тариқа насиҳат қилдилар: мен дунёдан кетяпман, Қуръонни сизнинг ихтиёрларингизда қолдирурман. Сизлар доимо Қуръонга амал қилинглар, бир-бирингизни севинглар, бир-бирингизга мадад бўлинглар, асло эзгу ишлардан жудо бўлманглар, дунёни обод ва ислоҳ қилишга куч-ғайрат қилинглар. Шундан сўнг ул Ҳазратнинг хасталиғи кучайиб, Раббийул-аввал ойнанинг ўн иккинчисида ҳижратнинг ўн биринчи йили олтмиш уч ёшида¹⁵ дунёдан ўтдилар.

Ҳазрати Пайғамбарнинг сифатлари

Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом энг олий хулқ ва раҳмли сифатларга эга бўлганлар, раҳм ва шафқат, карам ва саховат, мадад, ақл ва илм бобларида оламда машҳур бўлганлар. Беҳуда ғазабга келмас эдилар, дин ишларидан бошқа масъалаларда бир қадам ҳам ташқарига чиқмас эдилар. Ҳар каснинг билими ва имкониятига қараб иш буюрардилар. Ҳеч касдан ҳеч нарсада тамагир бўлмаганлар ва садақа ҳам олмаганлар. Ўз хотунлари ва хизматкорларига доимо тавозеъ ва очиқ чеҳра билан муомала қилганлар.

Ул Ҳазратнинг хотунлари ва фарзандлари

Ҳазрат алайҳиссалом ўн бир хотун олганлар. Улардан икки нафари ул Ҳазратнинг ҳаётлиғ вақтларида дунёдан ўтганлар ва тўққуз нафари ул Ҳазратнинг вафотларидан сўнг ҳам (яшаб) қолганлар. Хотунларидан энг машҳурлари: Хадича, Ойша, Ҳафиза ва Маймунадирлар. Уч ўғил ва тўрт қизга эга бўлганлар. Ўғиллари: Қосим, Абдуллоҳ ва Иброҳим. Қизлари: Фотима, Зайнаб, Руқия, Умми Гулсумдирлар. Лекин Ҳазрати Фотимадан бошқалари Ҳазратнинг ҳаётлиғида вафот қилганлар.

II қисм. БИРИНЧИ ТЎРТ АСЛ ХАЛИФАЛАР

Ҳазрати Абу Бакр халифалиғи

Ул Ҳазрат ҳаётлиқ чоғларида ҳамма мусулмонлар ул жанобларнинг фармонлариға тобеъ эдилар. Лекин улар оламдан ўтганларидан сўнг, албатта, мусулмонларға бир йўлбошчи зарурати туғилди. Ҳазрат дунёдан ўтганларидан сўнг асҳоблар йўлбошчи тайинлаш фикрига тушдилар. Тўпланиб, машварат қилдилар. Улар ўртасида озгина ихтилоф туғилиб низо чиқишига сал қолди. Ҳазрати Умар ғайрат ва шижоат кўрсатдилар, Ҳазрати Абу Бакрни аҳли ислом сардорлиғига тавсия қилдилар ва аввалан, ўзлари ул жанобни тан олдилар. Шундай қилиб, Ҳазрати Абу Бакр халифа, яъни Пайғамбаримизнинг ўринбосари бўлдилар. У киши минбарга чиқиб, халойиққа қараб дедиларки: «Ё мусулмонлар, мен халифалиққа лозим бўлмасам-да, орангизда низо ва душманлик туғилмасин учун уни қабул қила-

ман. Менга Расулulloҳнинг айтганлариға амал қилишда ёрдам беринглар ва улар сўзларидан чиқсам, менга итоат қилманглар».

Ҳазратнинг вафоти ҳақидаги хабар ҳар тарафга кетгандан сўнг кўпгина араб қабилалари диндан чиқдилар, яъни исломдан қайтдилар. Бир неча киши сохта пайғамбарликни даъво қилишди. Мадина аҳли бу воқеани эшитиб, ғамгин ва ҳайрон бўлди. Ҳазрати халифа ғайрат қилиб, аввалан ҳамма диндан қайтганларға қарши жанг қилдилар ва уларни тор-мор келтирдилар. Сўнгралари барча сохта пайғамбарларға қарши қўшин тортиб, уларни тугатдилар.

Қуръоннинг жамъ қилиниши

Қуръони карим Ҳазрат Пайғамбаримизға Аллоҳ томонидан оз-оздан нозил қилинғандир. Ул Ҳазрат ҳаёт вақтларида Қуръон оятлари жамъ қилинмаган эди. Баъзи асҳоблар ҳамма юборилған (Аллоҳ томонидан) оятларни ёд билғанидан уларни ҳофизлар, яъни Қуръонни ёддан айтувчилар атағанлар. Қолғанлари эса баъзи оятларни ёд билар, баъзиларини ёзиб сақлардилар. Ҳазрати Абу Бакр халифа бўлғанларидан сўнг кўплаб ҳофизлар ғайри динларға қарши курашда шаҳид бўлдилар. Ҳазрати Абу Бакр кўрдиларки, иш шу тариқа кетса, бирмунча муддат ўтиб ҳамма Қуръон ҳофизлари дунёдан ўтиши ва Қуръоннинг баъзи оятлари йўқолиб кетиши мумкин. Шу сабабдан ҳамма юборилған оятларни жамъ қилиб бир жойға тўпладилар.

Ироқ ва Суриянинг фатҳ қилиниши

У замонлар дунёда икки улуғ давлат — бири Эрон ва иккинчиси Рум борлигини юқорида ўқиган эдик. Араб ярим оролидаги барча одамлар мусулмон бўлғанларидан сўнг ислом аҳли энди бу икки буюк мамлакат сари бориб, уларнинг одамларини-да мусулмон қилишни лозим топди. Шундай қилиб, Абу Бакр Сиддиқ ушбу фикрга келғанларидан сўнг Халид бинни Валидни ўн саккиз минг нафар кишига бош қилиб Эрон тарафиға ва Обид бинни Жарроҳни бисёр лашкар билан Рум мамлакати чегарасига қараб юбордилар. Жаноб Халид бинни Валид Эрон лашкарлари билан қаттиқ жанглар қилиб, араб Ироқи номли кенг бир вилоятни қўлга киритдилар, сўнг Абу Обид Жарроҳға

ёрдам бергани келди. Бу икки йирик саркардалар бир-бирлари билан ҳамкорликда Румнинг кўп лашкарлари билан жанг қилиб, ҳар дафъа зўр келдилар, уларнинг бир қанча шаҳарларини эгалладилар. Шу вақтлар Ҳазрати Абу Бакр бетобланди, ўзларининг ўринларига Ҳазрати Умарни халифа қилиб, дунёдан ўтдилар. Ҳазрати Абу Бакрнинг ёшлари олтмиш учда эди, халифалик даври икки йил уч ойу ўн кун бўлди.

Ҳазрати Абу Бакрнинг фазилатлари

Ҳазрати Абу Бакр Пайғамбаримизнинг энг биринчи ёронларидан ва маслаҳатдошларидан эдилар. Ҳижратга ҳам бирга борган эдилар. Эркак кишилардан биринчи бўлиб мусулмон бўлган ҳам шу жанобдирлар. Ҳам шижоатли, ҳам тавозели ва мадорга эга эдилар. Ул Ҳазрат замонларида дини исломнинг кучга кириши учун кўп ишлар қилганлар ва барча мол-дунёларини шу йўлда сарф қилгандирлар.

Ҳазрати Умар халифалиги. Эрон жанглари

Ҳижратнинг ўн учинчи йилида Ҳазрати Умар халифалиққа ўтдилар. Мусулмонлар бу жанобга «амир ал-мўъминин», деб тахаллус қўйдилар. Амир ал-мўъминин, энг аввало, Ҳазрати Абу Бакр васиятларига асосан катта қўшин тўплаб, Саййид бинни Ваққос бошчилигидаги қўшинни Эронга юбордилар. Бу лашкар эронлилар билан кўпгина жанглар қилиб, бир қанча шаҳарларни қўлга киритдилар. Бу жанглардан энг қаттиғи ва машҳури Қуддус учун жангдир. Бу жангда ислом лашкарларидан қирқ минг киши ва Эрон лашкарларидан бир юз йигирма минг киши ҳозир бўлдилар. Тўрт кун жанг бўлди, бешдан бир мусулмон лашкарлари шаҳид бўлдилар. Натижада Эрон лашкарлари ҳам шикаст едилар. Бундан кейин ҳам бошқа жанглар қилиб Мадойин номли Эрон пойтахтини эгалладилар. Бу жангларда мусулмонлар қўлига бисёр мол-дунё тушди.

Шом ва Қуддуснинг фатҳ қилиниши

Ислом лашкарлари Эрон билан жанг қилаётган пайтларда Ҳазрати Умар Рум мамлакати чегарасида жанг қилаётган лашкарларга мадад юбориб, Абу Убайд бинни Жарроҳни барча лашкарларга амир қилиб тайин қилдилар.

Ислом лашкарлари Шом ва Ҳалабни Рум лашкарлари қўлидан тортиб олдилар, уларнинг бир қисми бориб Байту-л-муқаддас шаҳрини қамал қилдилар. Ҳазрати Умарнинг ўзи қамалга келиб, Байту-л-муқаддасни сулҳ қилиб олдилар ва бу шаҳар насронийлар ҳақиқа кўп адолат ва мурувват кўрсатдилар.

Миср ва Фарбий Троблуснинг фатҳи

Шундан сўнг улар Умар бинни Ос исмли сардор бошчилигидаги тўрт минг кишини Мисрға юбордилар. Улар келиб жанг билан Мисрни қўлга киритиб, Искандарияга келдилар. Уч ой қамал қилиб, Искандарияни ҳам олдилар. Шундан сўнг, Фарбий Троблусға ўтиб, бу мамлакатни ҳам қўлга киритганлар.

Тарихни тайин қилиш

Ҳазрати Умар замонларида мусулмонларнинг шуҳрати ёйилди ва ислом мамлакати ғоят кенгайди. Халифалиқ марказидан ҳар тарафга хатлар ва буйруқлар юборилар эди. Бу хатлар ва буйруқларда бир муайян тарих ёзиш даркор бўлиб, бинобарин, Ҳазрати Умар мусулмонларнинг муайян ва умумий тарихини ёзишни лозим топдилар ва асҳоблари билан машварат қилдилар. Шу маслаҳат давомида Ҳазрати Али тарихнинг бошланиши Пайғамбаримизнинг ҳижрат қилганлари давридан, яъни Муҳаррам ойидан бошлашни таклиф қилдилар. Бу воқеа ҳижратнинг ўн еттинчи йилида рўй берди.

Ҳазрати Умарнинг шаҳодати

Ҳазрати Умар ислом динининг авж олишига ва мусулмонларнинг шавкатини кўтаришга ғайрат қилдилар. Лекин ҳижратнинг йигирма учинчи йилида бир кун ногаҳон бир насроний қул ул жаноблариға пичоқ уриб шаҳид қилди. Амир-ал-мўминининг ёшлари олтмиш учда ва халифалиқ даврлари ўн йилу олти ой бўлди.

Ҳазрати Умарнинг фазилати

Ҳазрати Умар жуда қаноатли, одил, низомпарвар ва ғайратли эдилар. Ўзлариға юклатилган вазифаларни бажаришдан бошқа ишлар билан шуғулланмас эдилар. Ул

машхур киши бўлиб, Эрон ва Румни ларзага солганлигиға қарамасдан ямоқ кийим кийиб юрар эдилар. Байту-л-муқаддасға сафар қилган пайтларида бир қул билан туяни навбатма-навбат миниб борганлар. Ҳатто Байту-л-муқаддас дарвозасиға кириб борганларида ҳам азбаройи гуломнинг навбати келгани сабабидан уни туяға миндириб, ўзлари пиёда кириб борган эканлар.

Ҳазрати Усмоннинг халифалиғи

Ҳазрати Умар хасталиқ даврларида ҳеч кимни халифа қилмадилар, балки асҳобларининг улуғларидан олти кишини тўплаб дедиларки, ўзларингиз ўз ичларингиздан кимни лойиқ билсангизлар, ўшани халифа қилингизлар. Ҳазрати Али, Ҳазрати Усмон ва Абдулрахмон бинни Авоф шу олти нафар қаторида эдилар. Булар Ҳазрати Умарнинг дафнларидан сўнг бир уйға йиғилиб, машварат қилдилар. Абдулрахмон бинни Авофдан ташқари ҳаммалари Усмонни халифалиққа лойиқ топдилар. Ҳазрати Абдулрахмон кўрдикки, вазият бўлакча. Ҳамма каслардан фарқланиб, халифа бўлишдан чўчиди. Бинобарин, эртанги кунни одамлар масжидға тўпланганларида жаноб Абдулрахмон минбарға чиқди, аввалан, Ҳазрат Алини олдиларига чақириб, баланд овозда сўрадилар: «Ё Али, мен сени халифалиққа лойиқ билурман. Шу шарт биланки, Пайғамбаримиз ҳазратлари ва аввалги икки халифа тутган йўлдан чиқмағайсан». Бу мушкул шарт эди. Ҳазрат Али жавоб бердиларки, мен бунинг уддасидан чиқолмайман. Жаноб Абдулрахмон бу дафъа Ҳазрати Усмонни чақирдилар ва яна ушбу шарт билан халифалиқни таклиф қилди. Ҳазрати Усмон қабул қилдилар. Йиғилганлар ҳам тан олдилар.

Фатҳлар

Ҳазрати Усмон замонларида ҳам ислом лашкарлари ҳар тарафға музаффарона юриш қилдилар. Эрон ерида бўлган лашкарлар ҳамма Эрон мамлакатини эгалладилар ва Туркистонға бориб етдилар. Рум давлати билан жанг қилаётган лашкарлар Сурияни эгалладилар. Жанубда Африка ҳам шу тариқа зафарли ва голибона юришлар натижасида мусулмонлиққа ўтди. Ҳазрати Усмон замонларида ислом мамлакатлари жуда кенгайди.

Денгиз жанги

Ҳазрати Пайғамбаримиз замонларидан Ҳазрати Усмон замонларига қадар ислом аҳли қанча жанг қилган бўлса, ҳаммасини қуруқликда ўтқарган бўлиб, денгизда ҳеч жанг қилмаган эдилар. Бу халифа замонларида ислом лашкарлари жанг кемалари ясаб, Родос ва Қибрис оролларини олдилар. Рум императори бу хабарни эшитиб, газабга келди ва ҳамма кемаларини ҳозирлаб, мусулмонлар билан денгизда қаттиқ жанглар қилди. Мусулмонлар кучли келиб, императорга шикаст етказдилар. Мусулмон аҳлининг дастлабки денгиз жанги ҳам шу тарзда воқеъ бўлди.

Фитна зоҳир бўлиши. Ҳазрати Усмоннинг шаҳодати

Ҳазрати Усмон халифалиққа ўтирғач, Ҳазрати Абу Бакр ва Умар тарафидан тайинланган вилоятларнинг аксар волийларини бекор қилдилар. Уларнинг ўринларига ўз қариндошларидан волий қилдилар. Ҳазрати Усмон қариндошларидан баъзилари уларнинг замонларида қора ишлар билан машғул бўлганлар. Бунга қўшимча равишда ушбу волийлар вилоятларида зулм қилар эдилар. Бинобарин, мусулмонлар Ҳазрати Усмоннинг бу ишларини олдинги шартларга муҳолиф билиб, унга қарши чиқдилар ва натижада фитна зоҳир бўлди. Миср, Кўфа ва Басра халқи гуруҳ-гуруҳ бўлиб Мадинага келди ва Ҳазрати Усмонга юзланиб дедикки, сизлар шартингизга вафо қилмадингиз, энди халифаликни тарк қилинг. Бизлар бошқа кишини халифа қилур-миз. Ҳазрати Усмон қабул қилдилар. Одамлар уларнинг уйларига ҳужум қилиб, ул жанобни шаҳид қилдилар.

Шундай қилиб, бу фитна мусулмонлар учун кўп ёмонлик келтирди. Бу фитна бошқа фитналарга сабаб ҳам асос бўлди. Сўнгралари ислом аҳли ички фитналар билан машғул бўлиб, жаҳонгирликдан қолиб кетди. Агар шу фитналар бошланмаса эди, мусулмонлар аввалгидек ҳамжиҳат бўлиб, исломни ёйиш билан машғул бўлганларида бугун бутун олам мусулмонобод бўлган бўлур эди.

Ҳазрати Алининг халифалиғи. Жамал жанги

Фавғочилар Ҳазрати Усмонни ўлдирганларидан сўнг одамлар Ҳазрати Алини халифа қилдилар. Лекин Ҳазрати Усмоннинг қабилаларидан бинни Уммийа Ҳазрати Али

халифалигини қабул қилмади. Шом вилоятида Муовия Суфён атрофда жамъ бўлдилар. У ҳам бинни Уммийа қабиласининг улуғларидан эди. Бошқа тарафдан Забир ва Талха — икки улуғ саҳобалардан эдиларки, Ҳазрати Алининг халифалигини улар-да қабул қилмадилар. Ва Ҳазрати Ойша билан бирликда Басра шаҳрига келиб, Ҳазрати Алига қарши жанг қилишга ҳозирлик кўра бошладилар. Ҳазрати Али аввалдан, уларга хат ёзиб, насиҳат қилдилар. Улар қабул қилмадилар. Ночор Мадинадан лашкар тортиб, улар устига юрдилар. Қаттиқ жанг қилиб, бу жангда Талха ва Забир ўлдирилди, Ҳазрати Ойша асир олинди. Бу жангни Жамал жанги атаганлар.

Сиффин жанги

Гарчи Ҳазрати Али Жамал жангида музаффар бўлган бўлсалар-да, олдиларида улуғ иш бор эди. Зеро, Шом волийси бўлган Муовия бинни Уммийа қабиласини атрофига тўплаган эди. Булар Ҳазрати Алини Ҳазрати Усмоннинг кушандаси деб, унинг халифалигини қабул қилмадилар. Муовия Шом аҳлини ҳаяжонга солиб, ўзини халифа эълон қилди. Ҳазрати Али ночор унинг устига лашкар тортдилар. Сиффин номли мавзеъда икки ислом лашкари рўбарў бўлиб, тўқсон кун жанг қилдилар. Ҳар икки тарафдан саксон минг нафар мусулмоннинг қони тўкилди.

Ҳакамларнинг тайин қилиниши

Ҳазрати Али қарийб зўр келай деганларида Муовия лашкари ҳийла ишлатиб, сулҳ талаб қилдилар. Икки лашкар жангдан қўл тортдилар. Халифалиқ масаласини ҳал қилмоқ учун икки тарафдан икки ҳакам, яъни оқсоқолларни тайин қилишга киришдилар. Ҳазрати Али тарафидан Мусо Аъло Шаърий, Муовиядан эса Умар бинни Ос тайин қилинди. Бу икки оқсоқол бир жойда ўлтириб, машварат қилдилар. Умар бинни Ос Абу Мусоға фириб бериб, икки лашкар олдига келиб, Ҳазрати Алини бекор, Муовияни эса халифа тайин қилди. Ҳазрати Али тарафдорлари бу воқеадан ғамгин бўлиб, ул жаноб ҳамроҳликларида Кўфага қайтдилар.

Хорижийларнинг пайдо бўлишлари. Ҳазрати Алининг шаҳодати

Ҳазрати Алининг баъзи тарафдорлари Сиффин воқеасида фириб егани сабабидан қаттиқ ғамгин бўлиб, ўзларича Ҳазрати Алидан гина қилдилар. Нахравон шаҳрида жамъ бўлишиб, Ҳазрати Алининг ўзлари билан жанг қилиш ниятида бўлдилар. Амир ал-мўъминин бу хабарни эшитиб, улар устига юриш қилдилар ва шикаст бердилар. Улар бу воқеадан дарғазаб бўлдилар ва бора-бора Ҳазрати Алига душманроқ бўлиб қолдилар. Бу жамоани хорижийлар, яъни хавориж атаганлар.

Ҳижратнинг қирқинчи йилида Абдулраҳмон бинни Балжом Кўфа масжидида Ҳазрати Алини шаҳид қилди. Мусулмонлар бу тўрт халифани «хулафойи рошидин», яъни асл халифалар атаганлар.

Имоми Ҳасан

Ҳазрати Али шаҳодатидан сўнг унинг тарафдорлари Имоми Ҳасанни халифа қилдилар, лекин Имоми Ҳасан кўрдиларки, Муовия билан баробар келиб бўлмас, халифалиқни баҳридан ўтиб, уни Муовияга бердилар.

III қисм. УММАВИЙЛАР ВА АББОСИЙЛАР

Уммавийлар халифалиғи

Ўтган дарсларда фаҳм қилганимиздек, Ҳазрати Пайгамбарнинг вафотларидан сўнг Муовия замониға қадар халифалиқ махсус бир кишининг ҳаққи эмас эди. Мусулмонлар кимни хоҳлашса, ўшани халифа қилар эдилар. Имом Ҳасан истеъфосидан сўнг Муовия халифалиққа муқаррар бўлиб, халифалиқда наслий сулолани расм қилиб, ўз ўғли Язидни валиаҳд қилди. Шундан сўнг халифалиқ уларнинг хонадонларида қолди. Улар бинни Уммия қабиласидан бўлганлари учун уларни уммавийлар атаганлар. Бу жамоадан ўн тўрт нафар киши навбатма-навбат халифалиқ қилдилар. Уларнинг халифалиқ даврлари тўқсон етти йил давом этди, пойтахти Шом шаҳри бўлган. Уммавийларнинг машҳур халифалари: Муовия, Язид, Валид бинни Абдулмалик ва уларнинг энг охиргиси Мирвон бинни Муҳаммад бўлганлар. Энди уларнинг қисқа ҳолларини баён қилурмиз.

Муовия бинни Абу Суфён

Муовия уммавийлар давлатининг асосчисидир. Ҳазрати Умар замонларида Шом вилоятининг волийси қилиб тайинлаган эди. Ҳазрати Усмон қатл қилинганларидан сўнг Ҳазрати Алига қарши исён қилиб, Ҳазрати Усмоннинг хунини даъво қилган ва Сиффин жангига сабаб бўлган. Ҳазрати Али шаҳодатидан ва Имоми Ҳасан истеъфосидан сўнг халифалиқ тахтига эришган. Кўп тавозекор ва тадбиркор бўлган. Ҳар вилоятларнинг улуғларини пул зўри билан ўз тарафдори қилган. Унинг замонида ислом лашкарлари баъзи шаҳарларни қўлга олдилар, ҳатто Истанбул шаҳрини ҳам мухосара қилдилар, лекин ола билмадилар. Биринчилардан бўлиб ислом вилоятларига қози ва муфтийларни юборган, янги йўллар қурдирган, почта таъсис қилган мана шу зот эди. Ўзи тириклигида ўғли Язидни валиаҳд қилиб, ҳижратнинг олтмишинчи йилида вафот қилган.

Язид ва Карбало ҳодисаси

Язид бинни Муовия отасининг ўрнига ўтирди. Бу ишдан Макка ва Кўфа аҳли ғазабга келди. Кўфа аҳли Имоми Ҳусайнға хат қилдиларки, биз Язиддан безормиз, келинг, Сизни халифа қилурмиз. Имоми Ҳусайн уларнинг сўзларига алданиб, Байт аҳли ва ўзларига мутааллиқ етмиш нафар билан Маккадан Кўфа сари равона бўлдилар. Язид бу воқеани эшитиб, лашкар юборди. Язид лашкарлари Карбало мавзеида Ҳазрати Ҳусайнға рўбарў бўлишди. Ул ҳазратни тобеълари билан баробар ўлдирдилар. Мусулмонларнинг дили раҳмсизона жиноятдан пархун бўлди. Бу ҳодисадан хурдсол (балоғатга етмаган) Имом Зайнобиддин бинни Имоми Ҳусайндан бошқа ҳеч кас халос қолмади. Бу хабардан Макка аҳли ғазабга келиб, Абдуллоҳ бинни Забирни халифа қилдилар. Мадина аҳли ҳам унга тобеъ бўлган. Язид уларнинг устига ҳам лашкар юборди. Унинг лашкарлари, аввалан, Мадинани жанг билан олдилар, сўнг-ралари Маккага келиб, уни мухосара қилди. Шу ҳангомда Язиднинг ўлганидан хабар топиб, сўнгра қайтдилар.

Валид бинни Абдулмалик

Валид отаси ўлгандан сўнг, саксон олтинчи йили халифалиқ тахтига ўлтирди. Бу халифа замонида мусулмон-

лар кўпгина мамлакатларни қўлга киритганлар. Унинг Муҳаммад бинни Қосим исмли сардори Ҳиндистоннинг баъзи шаҳарларини, Қутайба бинни Муслим исмли бошқа бир сардори Туркистон ва Қашғарни забт қилди.

Андалус фатҳи

Андалус Оврўпанинг ғарбий-жанубий чеккасида жойлашган. Харитага қарасангиз кўрасизки, бу мамлакат жуда кенгдир. Бизнинг замонамизда Испониё ва Португал номли икки давлат бу ерларда ҳукмронлик қилади. Андалус мамлакати шимол тарафидан Франсиё, жануб тарафдан Форс мамлакатига ҳамсоядир. Форс ва Андалуснинг ораларида бир бўғоз бўлиб, уни Сабата бўғози¹⁶ атаганлар. Шундай қилиб, ушбу мамлакат ҳам Валид бинни Абдулмалик замонида мусулмонлар қўлига ўтди. Шу тариқа Мисрдан Форсга қадар бўлган ҳамма мамлакат ислом аҳли қўлида бўлди. Бу жойларнинг Мусо бинни Насир исмли волийси Валидга мактуб ёздики, агар халифа ижозат қилсалар, мен Андалусни фатҳ қилурман. Валид ижозат қилди. Мусо бинни Насир ўз ғуломи Ториқ бинни Зиёдни озгина лашкар ҳамроҳлигида Андалус аҳволидан хабар олмоққа юборди. Ториқ бу озгина лашкар билан Сабата бўғозидан ўтиб, Андалус хокига келди. Бўғоз яқинидаги тоғ этагида тўхтаб, аввалан, кемаларга ўт қўюб ёқиб юборди ва ҳамроҳларига айтдики, энди бизга қайтмоққа йўл қолмади. Файрат қилингизлар, олдинга юрурмиз ва ул обод мамлакатни қўлга олурмиз. Сўнгралари тоғ этагидаги йўлдан юрдилар. Андалус ҳукмдорлари билан жанг қилиб, уларнинг шаҳарларини олдилар. Ушбу тоғни ҳозирга қадар Жабау-л-Ториқ¹⁷, яъни Ториқ тоғи атаганлар ва Сабата бўғозини ҳам бўғози Жабау-л-Ториқ, яъни Ториқ тоғининг бўғози атаганлар. Мусо бинни Насир бу хабарни эшитиб, ўз лашкарлари билан Андалусга келди. Иккала сардор қўшулдилар, биргаликда Андалус аҳлига қарши жанг қилиб, ул мамлакатни-да олдилар.

Марвон бинни Муҳаммад. Уммавийлар давлатининг заволи

Валид бинни Абдулмалик вафотидан сўнг аксар халифа бўлган кишилар золим, хунрез ва фосиқ эдилар. Араб бўлмаган мусулмонларга жавру зулм қилдилар. Зотан,

мусулмонлар ҳодисасидан бошлаб (бошқа диндагилар) улардан безордирлар, нафрат қилардилар. Лекин у пайтлар уммавийлар давлати зўр бўлган. Одамлар ўз нафратларини очиқ баён қилишдан қўрққанлар. Ҳижратнинг бир юз йигирма еттинчи йилида уммавийларнинг сўнгги подшоҳи бўлган Марвон бинни Муҳаммад халифалиқ тахтига ўтирди. Бу одам кўп ғайратли ва илмли бўлган. Лекин не фойдаки, уммавийлар давлатининг асоси аввалги ҳукмдорларнинг бахтсизликлари, зулм ва фисқлари билан қоплангандир. Уни ўнглаб қолиш мумкин бўлмай қолгандир. Халқ ҳар тарафдан исён қилиб, Марвонни Абу Муслим Хуросоний зоҳир бўлган замонга қадар саргардон қилдилар. Абу Муслим эронли миллатпарварлардан бири эди. У ўз миллатини уммавий халифалар зулмидан халос қилмоқ истади. Ўз атрофига одамларни тўплаб, уммавийлар тарафдорлари билан қаттиқ жанглар қилди. Абу Муслим айтар эканларки, бинни уммавийлар халифалиқни (ноҳақ) эгаллаб олганлар, улардан халифалиқни олиб, асл соҳиблариға топшиурмиз. Абу Муслимни бу сўзлари мусулмонларға маъқул бўлган. Унинг атрофиға жамъ бўлишиб, кундан-кун қувват топдилар ва ҳижратнинг бир юз ўттиз иккинчи йили Марвон лашкарларини тамоман шикаст қилдилар. Марвон қочди. Абу Муслим Ҳазрати Аббос авлодларидан бўлган Абу Аббос исмли кишини халифа қилди. Шу тариқа халифалиқ бинни уммавийлар хонадонидан бинни Аббос хонадонига ўтди.

Аббосийлар халифалиғи

Ҳазрати Аббос Ҳазрати Пайғамбарнинг амакилари эдилар. Аббосийлар Ҳазрати Аббоснинг авлодларидирлар. Абу Муслим Хуросонийнинг саъй-ғайрати билан халифалиқ уммавийлардан уларга ўтди. Уларнинг аввалги бирикки халифалари уммавийлардан қасос олмоқ ниятида кўп хунрезликлар ва ноинсофликлар қилдилар. Бу икки-уч халифадан сўнг бошқа халифалар мусулмонларни илм ва санъатли бўлишга, ислом мамлакатларини обод қилишга кўп ҳаракат ва хизмат қилдилар. Қолганлари завқ ва сафо билан машғул бўлганлар. Уларнинг замонида ислом олами парча-парча бўлди. Ҳар тарафдан подшоҳлар ва амирлар пайдо бўлдилар. Аббосийлар жамоасидан ўттиз етти нафари халифалиқ қилди. Халифалиқ муддати беш юз

йигирма түрт йил давом этди ва уларнинг пойтахти Бағдод бўлган. Уларнинг машхурлари: Хорун-ар-Рашид, Маъмун, охиргиси Мустаъсим Биллоҳ бўлганлар. Уларнинг аҳволи ҳақида сўнгида озроқ ўқинг.

Хорун-ар-Рашид

Хорун-ар-Рашид бир юз етмиш учунчи йили тахтга ўтирди. Аббосийларнинг бешинчи халифаси бўлган. Хорун-ар-Рашид исломнинг буюк подшоҳларидан биридир. Унинг замонида кўпгина мадрасалар, кутубхоналар ва шифохоналар қурилган. Бу халифа ҳақиқатдўст, маорифпарвар, азамат ва шавкатли бўлган. Кўпгина илм-фан китобларини Эрондан, Румдан ва Ҳиндистондан келтириб, араб тилига таржима қилдирган, санъатни ҳам ривож топтирган. Унинг замонида мусулмонлар зангдор соатни ихтиро қилганлар. Хорун ўша соатлардан бирини Фарангистон подшоҳларидан бирига юборган. У ернинг одамлари бунгача зангдор соатни кўрмаган эдилар. Бинобарин, мазкур соатни сеҳрли ва жодули деб кўрққанлар. Хорун-ар-Рашид Рум императори билан жанглар қилиб, уни ўзига бож тўлайдирган қилди. Унинг вазири Яҳё бинни Холид Бармакий бўлган. Яҳёдан сўнг ўғиллари Фазл бинни Яҳё ва Жаъфар бинни Яҳё ҳам Хорунга вазирлиқ қилдилар. Бу учала вазир ҳам жаҳонда одилликлари, инсофликлари, хайру эҳсонпарварлиги билан машхурдирлар. Тарихда уларни ал-Бармакий, яъни бармакийлар сулоласи атаганлар.

Маъмун

Маъмун Хорун-ар-Рашиднинг ўғли ва аббосийларнинг еттинчи халифаси бўлган. Илм ва маърифатнинг тараққийи хусусинда отасидан ҳам кўпроқ ҳаракат қилган. Қаерда бирор олим ёки донони эшитса, уларни мамлакатга келтириб асрар ва қаерда ҳикматли китоблар ҳақидаги хабарни эшитса, келтириб араб тилига таржима қилдирган. Барча илм олимлари дин ва мазҳабидан қатъи назар унинг атрофида жамъ бўлганлар. Бағдодда кўп билимли табибларни тўплаган ва олий даражадаги шифохоналар бино қилган. Мусулмонларнинг санъати, тижорати ва зироати Маъмун даврида бошқа ҳамма ажнабий мамлакатлардан кўпроқ тараққий қилгандир.

Мустаъсим Биллоҳ. Аббосийлар давлатининг заволи

Маъмундан сўнг аббосийлар жамоасидан бошқа йигирма нафар киши халифалиқ қилди. Лекин уларнинг аксарияти беобрў, сусттабъ ва уларнинг баъзилари бадахлоқ эдилар. Бинобарин, аббосийлар давлати кундан-кун таназзул топди. Бора-бора ислом мамлакатларининг ҳар тарафидан бир подшоҳ, кетидан иккинчиси пайдо бўла бошлади. Аббосий халифалар эса Боғдодда ўтириб, бу подшоҳлар фармонларининг тобеъига айланиб қолдиларки, олти юз қирқинчи йилда Мустаъсим Биллоҳ халифа бўлган. Мустаъсим аббосий халифаларининг охиригиси бўлуб, сусттабъ одам бўлган. Ун беш йил халифалиқ қилган. 656 йили Ҳалокухон келиб, Боғдодни олди ва халифани ўғли билан ўлдирди ва китобхоналарни ёндирди. Жаннатобод Боғдодни қон ва оташ орасига қўйди. Аббосий давлати барҳам еди. Мустаъсимнинг амакиси Ҳалокунинг қўлидан қочиб, Мисрга борди. У ернинг амирига ўзини танитди. Сўнгралари Мисрда ун тўрт аббосий халифалиқ қилган. Лекин уларнинг халифалиғи подшоҳлик қилиш бўлмай, балки шайхлик эди. Усмония давлати халифалиқни шулардан олғандир.

Андалусдаги уммавийлар давлати

Юқоридаги дарсларда бир юз ўттиз иккинчи йили Абу Муслим Хуросонийнинг саъй-ҳаракати билан халифалиқ уммавийлар хонадонидан олиб, аббосийлар хонадонига берилгани ҳамда аббосийларнинг биринчи ва иккинчи баднийат халифалари ўч олиш мақсадида кўпгина уммавийларни ўлдирганини айтган эдик. Шу замонда Абдулрахмон бинни Муовия бинни Ҳишом исмли киши Андалусга қочиб кетган. Андалуслиқ мусулмонлар уни ўзларининг подшоҳи қилдилар. Абдулрахмон бир юз ўттиз бешинчи йилда Андалус тахти салтанатига ўлтириб, у мамлакат ободлиғи йўлида кўп хизмат қилди, масжидлар ва мадрасалар қурдирди, каналлар ва йўллар очғизди. Ул мамлакат тижорати ва зироатини тараққий қилдирди. Шундай қилиб ушбу тариқа Андалус мамлакатаида ҳам бир ислом салтанати таъсис қилинди. Андалус подшоҳлигининг энг катталари Малик Абдулрахмон Солисдирки, икки юз тўқсон биринчи йили подшоҳ бўлиб, Андалус қитъасини илм ва маданият соҳасида дунёдаги энг олий мамлакатлар қаторига қўшди.

У замонларда Фарангистон одамлари Андалусга келиб, мусулмон мадрасаларида илм ва фан ўрганиб, қайтиб кетар эдилар. Шу сабабли олам тарихининг билувчилари Андалус мусулмонларини Фарангистоннинг устозлари атаганлар. Андалус давлати тўрт юз йигирма иккинчи йилга қадар шу тариқа шавкатли ва қудратли бўлиб турган. Сўнгралари кўзгалонлар, мардумлар нифоқи, подшоҳлар андишасизлиқлари натижасида мамлакат парча-парча бўлди ва ҳар парчаси бир амирнинг қўлига ўтди. Бу амирлар мусулмон эканликларига қарамай бир-бирлари билан доимо жанг қилганлар. Ва насронийлар уларнинг ўзаро ихтилофларидан фойдаланиб, баъзи вилоятларни эгалладилар. Иш шу жойга етдики, Андалуснинг охириги подшоҳи бўлган Абу Абдуллоҳ Сағир замонида Андалус олти қисмга бўлиниб, бир қисмигина унинг қўлида қолган, бошқалари эса насронийлар қўлига ўтган. Андалус насронийларнинг Фердинанд исмли подшоҳи Абу Абдуллоҳ Сағир шаҳарларини ҳам аста-секин эгаллаб, пойтахти Гранадани мухосара қилди. Абу Абдуллоҳ чора топмай, тожу тахтини Фердинандга топшириб, баъзи нарзалари, қариндошлари ва аёлларини олиб кўчиб кетган. Ушбу тариқа Андалус ҳукумати 870 йили ўша ернинг насронийлари қўлига ўтган.

Андалус мусулмонларининг оқибат-аҳволи

Мусулмонлар Андалусда ҳукмрон бўлган замонларда ул ернинг насронийлари кўп осуда ва роҳатда бўлганлар. Улар-да ҳеч вазҳдан зулм ва жабр қилмаганлар. Лекин Ислом ҳукумати ул ерда тугатилгандан сўнг ва мамлакат Фердинанд қўлига ўтгач, ислом аҳли учун зулм ва мурувватсизлиқ дарвозалари кенг очилди. Уларни зўрлик ва жабр билан насронийликка ўтказдилар, уларнинг додларини сўрамаганлар. Масжид ва мадрасаларни вайрон қилдилар. Мусулмонларнинг баъзиларини ўлдирганлар, баъзиларини ўтда ёққанлар, қолганларини ҳийла қилиб, мамлакатдан чиқариб юборганлар. Шундай қилиб, мусулмонлар ул ерда кўрган зулмларини ҳеч қайси ғолибдан кўрмаганлар. Шу сабаб бўлуб Андалусда мусулмонлар зўрлик билан барҳам топгандир. Ҳозирги кунда тамом Андалусда (яъни Испаниё ва Партуғазда) бир мусулмон ҳам қолмагандир.

НАЖОТ ЙЎЛИ



(Раҳбари нажот)

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Аммо баъд¹, ўтмишдаги ҳол-аҳволларни билган доноларга маълумким, бизнинг ота-боболаримиз ҳар бобда, айниқса, илм ва маърифатда олам аҳли учун ибрат ва намуна бўлганлар. Уларнинг илму маърифатлари «қийлу қол»нинг такрори ва ҳошияхонлиги бўлмай, балки улар ҳар бир илмнинг асосий моҳиятини яхши билиб, ундан яхшигина истифода ва истеъмол қилардилар. Улар тезда малага ва маҳоратга эга бўлиб, мўътабар китобларнинг таълиф ва таснифига қодир бўлганлар. Баъзилари ўнга, йигирмата ва ҳатто юз адад китоб тасниф қилганлар. Уларнинг кўпи (жаҳон) илми хазинасини тўлдирган.

Муаллифлар эса асарларини валинеъматлари бўлмиш аср подшоҳлари номига ҳам ҳадя қилардилар. Шу баҳона билан улар мамлакат ва миллатларини илмий асарлари билан баҳраманд этиб, ўз навбатида, катта мукофотга лойиқ бўлардилар ҳам подшоҳлари номини яхшилик билан келажак учун қолдириб, уларнинг мукофотлари шукурини бажо келтирардилар.

Бориб-бориб замон ўзгарди, саъйу ҳаракатлар, илмга бўлган интилишлар сусайиб, талқинчиликка айланди, «ижод қилмоқ» (деган тушунча) зарарли ва алоқасиз манзумалар чордеворида қолиб кетди. Фазл арбоблари ҳам подшоҳ номига бирор-бир ёлғон қасида ёзиб пешкаш қилмоқдан бошқа бир ҳунар топмадилар. Агарда эллик йилда бирон-бир қалам соҳиби чиққан бўлса ҳам, у ё «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар зикри») ёки девон ёзган бўлиб чиқардики, асарини ўқиган одам на динига ва на дунёсига фойда оларди². Мамлакатимизда бундай тушкунлик давр узоқ муддат давом этди.

Худога шукурким, ҳазрати подшоҳи амир Саййид Муҳаммад Олимхон³ даврида Бухоро мамлакати халқи ҳам рўзномалар орқали олам аҳволидан хабардор бўлиб, шуни билдики, бошқа мамлакатларда йилида бир-икки китоб

ёзиб халққа манфаат келтирадиган минглаб ёзғучи олимлар яшар эканлар. Шулар сабабдан Бухоро соҳиб қаламлари ҳам ҳаракатга келиб, тиришқоқликларини кўрсатиб, икки-учта фойдали китоб ёзиб нашр қилдилар.

Банда шуларнинг энг камтаринларидан бири бўламан. Бу навбат ҳам ушбу ахлоқия мажмуасини тартиб бериб, «Раҳбари нажот» («Нажот йўли») деб номладим.

Абдурауф Фитрат

Шаббону-л-муаззам, 1332 йил⁴

АҲВОЛИМИЗ БАЁНИДА

Ҳаётнинг (яккама-якка) кураш майдонида ва жаҳон халқлари орасида ислом оламининг фарсах-фарсах⁵ орқада қолганлигини баён қилишга эҳтиёж йўқдир. Биз туркистонлилар эса бошқа исломий жамиятларга нисбатан дунёи жаҳон паришонликка тушиб, йўлимиздан адашганмиз. Ажабо, бу паришонликнинг сабаби недир?

Туркистонлиларнинг аксарияти бу саволга жавоб беришда икки тоифага бўлинадилар! Миллат ва ватанлари учун қайғурган бир тоифа бу паришонликни илмсизлик ва танбаллик оқибати деб билади. Ҳақиқатан ҳам, тушкунлик ва хароблигимизнинг сабабларидан бири илмсизлик ва ҳаракатсизликдир. Лекин буларнинг ҳам асл сабаби, ана ўша тушкунлигимизнинг асосий сабабидир. Ажабо, бу сабаб нима экан?

Бу масала хусусида иккинчи тоифа туркистонлиларнинг нуқтаи назарини баҳс мавзуйига киритсак, уларнинг нима дейишлари маълум бўлади. Орқада қолганлигимиз хусусида бу томоннинг асосий қисми қуйидаги фикрларни келтирадилар:

1. Паришонлигимиз ва тушкунлигимизга сабаб йўқ, бу илоҳий хоҳишдир.

2. Худо бу дунёни кофирлар учун жаннат, мўминлар учун дўзах қилиб яратгандир.

3. Қиёмат яқиндир, мусулмонлар бу дунёда аста-секин камайиб бормоқдалар.

4. Ҳазрат Пайғамбаримиз «кулли явмин бадтар»⁶ деб айтганларидек, мусулмонларнинг куни кундан баттар бўлиб бормоқда.

Маълумки, бу мулоҳазалар билкул пуч ва ботилдир⁷.

Унга жавоб бериш у ёқда турсин, балки уларни эшитмоқлик ўзи тўғри эмас. Банда ҳам маълум муддат халқ ва миллатнинг хароблиги сабабларини излаб топиш учун ҳар тарафга югуриб, кўп кишини сўроққа тутдим, аммо ҳеч кимдан қониқарли жавоб ола билмадим. Оқибат, биз туркистонлиларнинг мусулмонлигимиз ва муқаддас Китобга эга эканлигимиз ва шу Китобни ягона раҳнамоимиз деб тасдиқлашимиз хотирамга келди. Энди шу муаззам ва мукаррам дастуруламал бўлмиш Китобга таважжух⁸ қилишдан бошқа чора қолмади. Бу хусусда У (Қуръони карим) бизга раҳнамолик қиладими-йўқми деб, камоли қалб ва вужуди бебизоат⁹ ила Қуръони азим мутолаасига машғул бўлдим ва матлабимга эришдим. Қуръони карим аввал менинг саволимга шу тариқа жавоб берди: «Албатта, неъмат берилган қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас»¹⁰.

Инсоф юзасидан ислом оламига диққат билан қарасак: оз сонли араб қабилалари Расули айлайҳиссалом ҳидояти билан шараф топгувчи ислом динига кириб, 23 йил мобайнида, яъни Ҳазрати набий замонларидан то ҳазрати Умар вафотларигача¹¹ бўлган муддатда дунёнинг икки йирик давлати бўлган Эрону Румни мағлуб қилдилар¹². Шундан бани Умайя халифалиги асригача¹³ ислом салтанатининг ҳудудлари Чин (Хитой)дан Ҳиндгача, Мисрдан Андалусиягача чўзилди¹⁴. Уммавий ва аббосий халифалари¹⁵ Бағдоду Андалусияда ажойиб мадрасаю файзлик мактаблар очдилар. Ўз замонасининг олим ва фан арбобларини дину мазҳабига қарамай бир жойда жамладилар. Қисқа вақт орасида бу икки улуғ ислом пойтахтлари дунёдаги илм ва маърифат марказига айланди. Нафақат туркистонли мусулмонлар, балки фарангистонли насронийлар ҳам илм таҳсили ва билим олиб яшаш учун Бағдоду Андалусияга кела бошладилар.

Ажабо, шунча буюклик (не ҳолда?). Шунча азимат ва улуғлик қаерга йўқолди? Нечун аҳли исломнинг дунёи жаҳон дониши илмларининг шарофати шу қадар бахтсизлик ва жаҳолатга дучор бўлди?!

Ҳозир умумий ислом оламининг аҳволидан ўтиб, ўзимизнинг (шу кунги) ҳолимизни тадқиқ қилсак. Бир вақтлар мамлакатимиз маданият куёшининг мабдаи¹⁶, маърифат дарёсининг манбаи сифатида танилган эди. Форобий-

лар, Бухорийлар, Абу Али ибн Синолар, Улуғбеклар мамлакатимизни жаҳон саҳнасига чиқарган эдилар. Бизнинг мамлакатимиз минглаб машҳур олимларни чор-атрофга етказиб бериб, қўшнилариинг ҳам шарафини овоза қилиб, дунёга таратган эди. Саноатимиз шу даражада эдики, халифалар шунча азимат ва шавкатли бўлишларига қарамай, либос, кийим-кечакларини бизнинг мамлакатимиздан олиб кетардилар.

Ажабо, бу меросу саодатнинг баланд чўққисидан қандай қилиб тушиб қолдик? Бу хусусда ўзимизнинг уламоларимиздан сўрасак, «кулли явмин бадтар», «бу хоҳиши илоҳий» ва «қиёмат яқиндир» деган гаплардан бошқасини айтмайдилар. Лекин Қуръони каримга мурожаат қилсак, тўғри, яхши жавобга юзма-юз қилиб, бизга уни кўрсатиб кўяди. Агар шунга ҳам қаноат қилмасак, унда мана жавоби: сабаб шуки, ўтган қавмларнинг бошларига азоб юборилди. (Негаки) ҳар қавм солиҳ амалларини ёмон одатларга алиштирар экан, Аллоҳ ўз неъматларини улардан тортиб олиб, ўрнига азоб юборар¹⁷.

Хўш, ҳозир қайси далилни қабул қиламиз? Уламоларимизнинг сўзларини қабул қилиб, бошимизга келган ва келаётган ҳар балони илоҳий ризо деб кетаверамизми, ё Қуръони карим фармойишларини жон қулоғимиз билан эшитиб, шу бахтсизликларимизга сабаб ёмон амалларимиздан деб ҳисоблаймизми?!

Бу саволга ҳам Қуръони карим камоли қатъият ва маҳобат билан жавоб беради: «Аллоҳ одамларга зулм қилмайди, балки улар ўзлари ўзларига зулм қилувчилардандир...»¹⁸ «Сизларга етган ҳар бир мусибат ўзларингизнинг носоз феълу амалларингиздандир, гуноҳларингизнинг кўпларини Аллоҳ афв этади. Агар гуноҳларингиз эвазига мусибатлар юборилса, ҳолингизга войдир! Сизларнинг амалингиз туфайли бу дунё мусибатлардан халос бўлмас эди. Сизларга Аллоҳдан ўзга ҳимоячи мададкор, балоларни даф этувчи йўқдир»¹⁹.

Чунончи, тарих китобларида мана бу воқеа муфассал келтирилган: «Уҳуд жангининг бошланишидан олдин ислом лашкари тоққа чиқиб кофирларга қарши юзма-юз туриб саф турдилар, ислом аскарининг чап тарафида бир ингичка дара (йўл) бор эди. Ҳазрати Расули алайҳиссалом жанг қизиган пайтда кофирлар шу дарадан ҳужум

қилмасин, деган мулоҳаза билан Абдуллоҳ ибн Жобир бошлиқ 50 нафар камончиларни даранинг бошига қўйиб, амр қиладиларки, «шу жойдан қимирламанг, душманга дарадан йўл берманг» деб. Бундан сўнг кофирлар лашкарига бир оз шикаст етган эди, камончиларнинг кўплари Пайгамбарнинг амрларини эсдан чиқариб, турган ерларини ташлаб, мағлубларнинг чодир ва анжомларини талон-торож қилиш билан машғул бўлдилар. Ҳали мусулмон бўлмаган Холид ибн Валид²⁰ бу фурсатни ғанимат билиб, 200 та суворийси билан ўша дарадан ўтиб Абдуллоҳ ибн Жобирни шаҳид қилиб, мусулмонларга ҳужум қилди ва ислом лашкари шикаст топди. Саҳобалар бундан дилгир бўлиб, ўзаро: «Аллоҳ, бизга нусратни ваъда қилган эди, нима учун биз шикаст топдик» деган гапларни айта бошладилар. Уларга жавоб тариқасида қуйидаги оят нозил бўлди: «Вақтики, Уҳуд кунда, Бадр кунда кофирларга етган мусибатга ўхшаш мусибат сизга етди, сиз бир-бирингизга бизга бу мусибат қаердан етди, дедингиз. Айт, эй Муҳаммад, бу мусибат сизга ўзингиздан етди, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир»²¹.

Чунончи, шу оятдан ҳам англашиладики, бизнинг эътиборсиз ва хору зор эканлигимизнинг ҳақиқий сабаби ўзимизнинг носоз аъмолимиздандир. Ўзимизни мусулмон деб биламиз-у, лекин муҳим ислом аҳкомларини тамоман тарк қилганмиз. Агар илоҳий даргоҳга ружуъ қўйиб, аҳволимизни ислоҳ қилиб, Қуръони карим аҳкомларини ўзимизга ягона раҳбар деб билсак, тараққиётга умидвор бўлиш мумкин, илло бизни бу паришонликдан ҳеч бир авлиёнинг каромати халос этмайди! «Сенга етган яхшилик Аллоҳдандир, мусибат эса ўзингдан»²² дейилади Қуръони каримда.

Аллоҳ берган неъматларнинг энг буюги АҚЛдир, шу ақл одамларни махлуқлар орасида мукаррам ва мушарраф қилгандир. Худованди таборак ва таоло бизга ақлни ҳақни ботилдан, манфаатни зарардан ажрата олиш учун, нимаики ҳақ ва фойдали бўлса, ихтиёр этиб, нимаики зарар ва ботил бўлса, тарк этиш учун берган. Бас, сен ақлу донишнинг раҳнамолигида фойдага эришсанг, у фойдани (ақл берган) Аллоҳдан кўр. Зеро, фойда ақл маҳсули бўлиб, уни Аллоҳ сенга бахшида этгандир. Агар ақлга хилоф йўлга юриб зарар кўрсанг, у зарарни ўзингдан кўр. Зеро, сен

Аллоҳ раҳнамо қилган ақлга муҳолиф бўлдинг ва шундан зарар топдинг. Буни ифодаловчи ояти карима шудир: «Яхшилик ва тақво қилганлар (яъни Аллоҳ ризолиги йўлида юрганлар)га мукофотимизни зиёда қиламиз, фақиру залил қилмаймиз, улар жаннат аҳлларидан бўладилар. Ва куфрга кетиб, зулм қилганлар (яъни Аллоҳ ризолигига хилоф юрганлар) жазоларини олурлар, фақиру залил юрарлар, уларни Аллоҳнинг ғазабидан ҳеч ким халос қилолмайди»²³.

Албатта, ушбу масала хусусида кўплаб оят ва ҳадислар келтириш мумкин, биз «хонада бўлса бир кас, унга битта ҳарф ҳам бас» мақолига мувофиқ шулар билан кифояландик. Қани, шундан кейин ҳам кўҳна рафторимизни давом эттираверсак, бадбахтлик ва бесаодатлигимиздан керакли ибрат ололмасак ва Аллоҳ ризолиги учун юрмасак, нима бўлар экан?!

«Биз шаҳарларнинг ҳалок бўлишини истаганимизда ўша катта шаҳарларга амримизни юбордик, улар бизнинг фармонимизга амал қилмадилар, бинобарин, бизнинг ғазабимизга мустаҳиқ бўлдилар. Бас, ўша шаҳар ва унинг аҳолисини хароб қилдик»²⁴.

«Кўп қавмлар менинг ризолигимга хилоф иш қилдилар, муҳлат бердим, шояд тавба қилсалар деб, улар тавба қилмадилар. Кейин ғазабимга дучор қилдим. Бутун оламлар менинг фармонимга тобеъдир. Айтгин, эй Муҳаммад, мен сизларни Аллоҳнинг ғазабидан огоҳлантириш учун юборилганман...»²⁵

Ёки «Вақти келиб Фиръавн қавми ғазабимизни келтирган эди, биз интиқом олдик ва уларни батамом ғарқ қилдик, уларни бу оламдан йўқ қилиб юбордик, саргузаштларини ўзларидан кейин келувчиларга ибрат қилдик»²⁶, — дейилади муқаддас Китобда. Бу ояти карималардан маълум бўладики, илоҳий амрга итоатсизликнинг оқибати ҳалокат экан. Дарвоқеъ, ислом оламининг қайси бир жойига фалокат етган бўлса, унинг сабаби илоҳий аҳқомларга тажовуз қилинганлигидадир. Аббосий халифалар вақтларини исрофгарчилик ва сафоҳат²⁷ билан ўтказмаганларигача маҳв бўлмаган эдилар. Андалусия (мусулмонлари) низо ва нифоқни ўзларига касб қилиб олмагунларигача салоҳиятларидан тушганлари йўқ эдилар. Эронлилар Қуръон ҳукмлари чегарасидан чиқмагунлари-

ча даврадан тушган эмас эдилар. Ҳинд мусулмонлари ислом ҳақойиқларини хурофот ва бани Исроилнинг афсоналари²⁸ эвазига фидо қилмаса, мажусийлардан ҳам баттар ҳолга тушмас эдилар...

Ахир инсоф ва тааммул²⁹ қилиб айтиш керакки, биз ўзимизни мусулмон деб биламиз-у, лекин ислоҳот амрларини кўриб, билиб туриб кўпларига амал қилмаймиз, илоҳий ҳукмлардан камоли бебошлик билан чиқиб кетамиз, иттифоқимиз йўқ, такво қилмаймиз; ўртамизда ўзаро ёрдам йўқ, ҳақ талабини бажариш йўлида бирга қадам босмаймиз; рибохўрлик³⁰ қиламиз, шароб ичамиз, гийбат ва ҳасад қиламиз. Шариат манъ этган барча ишларни қиламиз ва (шунинг учун ҳам) ахлоқий разилликларга гирифтормиз. Вужудимиздаги шунча нуқсон билан ўзимизни комил мусулмон деб биламиз, биров бизни бу инсофсизликлардан манъ қилса, уни кофир деймиз. Ҳар нафасда 70 марта мусулмонман, деб лоф урамиз-у, хаёлимизга эса, «бир комил мусулмончалик амал қилайлик» деган ўй келмайди.

Бир мулоҳаза қилинг: мусулмон киши Аллоҳ таолонинг ягоналигига, анбиёларнинг нубувватига, самовий китобларга ва қиёмат кунига иймон келтирган бўлса, яъни буларнинг барчасига ишонса, биз ҳаммамиз буларнинг барига иймон келтирганмиз, дейди. Ҳа, биламиз, сиз буларнинг барчасига иймон келтиргансиз ва арабча «оманту биллоҳи ва малоикатиҳи» (яъни Аллоҳ ва унинг малоикаларига иймон келтирдим)ни яхши уқиб тушунасиз. Лекин афсуслар бўлсинки, мен сизнинг иймонингиз самарасини кўрмайман, яъни иймонингизга мувофиқ амал қилмайсиз. Ваҳоланки, ҳазрати Пайғамбаримиз буюрганлар: «Иймону амал бир-бири билан яқиндир (вобастадир), бири иккинчисиз тўғри бўлмайди» («Ал-жомеъ ас-сағир»дан)³¹.

Шу масала юзасидан яна бир мисол келтирайлик. Сиз Бухорода миршаб борлигига ва унинг амрига хилоф борган ҳар бир кишини ҳибсга олишига шубҳасиз ишонасиз. Энди қаранг, шу миршаб «кечки вақт уйдан чиқманглар», – деб буйруқ берса, сиз мазкур ҳукмга қарши кечқурун уйдан чиқасизми ёки йўқ? Албатта, чиқмайсиз. Зеро, миршаб ва ҳибсхонани ҳақ деб биласиз. Ҳар ким унинг ҳукмига қарши борса, қамоқ жазосига мубтало бўлишига

ишонасиз. Мусулмонлик лофини уриб юрасиз-у, назарингизда, ёмон кўринган одамни кофирликда айблайсиз. Агар Ҳақ таолога, қиёматнинг ҳақлигига шу миршабга ва ҳибсхонага иймон келтиргандек иймон келтирсангиз, агар илоҳий ҳукмларга шу миршаб ва ҳибсхонага эътибор берганчалик эътибор қилсангиз, нега илоҳий амрларга хилоф иш қиласиз?!

*Тарсам караси ба Каъба эй аъроби,
К-ин раҳ ки ту мерави ба Туркистон аст.*

*[Эй аъробий, қўрқаманки, бу йўл билан Каъбага етмассан,
Бу сени элтаётган йўл Туркистон йўлидир!]³².*

Банданинг бадбахтлигимиз сабабларига бағишлаб айтган шунча маърузасидан кейин муҳтарам ўқувчилардан бирон фикр чиқишига шубҳа қиламан. Лекин бу хасталикларимизга қарши қандай чора кўриш керак? Бу харобот ва жаҳлу ғафлат гирдобидан халос бўлиб, тараққиёт, саодат ва тинчликка эришмоқ учун нима қилмоқ керак? Бу хусусда ҳам катта-катта уламоларимиздан баъзилари «аҳли ислом бу ҳолатдан халос топмайди, зеро бизнинг замон – ислом заифлашган охир замондир» деб айтадилар. Улардан гапларига далил келтиришларини сўрасак, дарҳол «кулли явмин бадтар» иборасини пеш қиладилар. Лекин биз уларнинг гапларига қулоқ солмай, масала ечимини Қуръони каримдан излайлик.

«Ушбу Қуръон икки дунё саодатидан баён қилгувчидир. Бу очиқ-ойдин Китобнинг далолат ва маъвизалари³³-дан баҳра олганлар, ана ўшалар Аллоҳдан қўрқувчилардир. Сизга ҳар бир мусибат етса, ўзингизни ҳақир сананг (ҳисобланг, яъни ўзингизга ишончсизлик қилманг, беътибор бўлманг) ва маҳзун бўлманг (хафа бўлманг), агар Аллоҳга иймонингиз комил бўлса (Қуръон амрларига мувофиқ амал қилсангиз) икки карра саодати аълога эришасиз»³⁴. «Эй иймон келтирганлар, (менинг томонимдан) Пайгамбар келтирган ҳар бир амрни қабул қилинг ва сизларга манъ қилинган нарсаларга яқин борманг, амри илоҳийга хилоф иш қилишдан қўрқингки, зеро, Аллоҳнинг азоби қаттиқдир»³⁵. Бу ояти карималардан маълум бўладики, агарда биз Қуръон ҳукмларига амал қилсак, паришонлик ва тарқоқликдан Аллоҳ ризолиги билан халос бўламиз.

Гапни мухтасар қилсак, бугун бошимизга келган фалокат ва бадбахтликларнинг ягона сабаби шуки, ҳикматли ҳукмлардан ва Қуръон натижаларидан узоқлашиб кетдик. Агар биз дунё ва охират саодати талабида бўлсак, барча ғаразли ва фасод ишларимизни бир тарафга қўйиб, самимий қалб билан унга мутеъ бўлиб, Қуръон ҳукмларига бўйсуниб, ижтимоий ҳаётимизни шунга мувофиқ тарзда тартиблайлик. Бандаи ожизнинг кучсизлиги ва бу (хабарларни) билмаганлигидан юқоридаги мақсад учун Қуръон ҳукмлари ва ҳадисларни жамъ қилиб, шу варақлардан бир рисола тартиб бердим. Агарчи бу рисола (менинг ожиз қаламимга мансубдир) эътиборсиз бўлса ҳам, бироқ Қуръон оятлари ва ҳадислардан иборатлигидан арбоби диёнат назарига тушади, деб умид қилурман.

Мен танийдиганлардан баъзилари шу жойга етганда кулиб: «Сен хоҳлаганингни ёзиб, қудратинг етгунча додфарёд қилсанг ҳам Туркистонимизда сенинг сўзларингга эътибор берадиган одам топилмайди», — дейдилар. Бу биродарларимга берадиган жавобим ҳам Қуръони каримдандир: «Кофир ва гуноҳкорлар Қуръони карим оятларини ўқиб, уни тушуниб, шундан кейин ҳам такаббурлик қилиб, (айтилганларга) писанд қилмай қулоқларини қар қилиб олсалар ва шу гуноҳларида (қаттиқ) туриб олсалар, хабар бергинки, эй Муҳаммад, уларга шиддатли азоб бордир»³⁶.

Шу билан банда (Аллоҳ, барчамизга тавфиқ берсин) ўз вазифамни адо этишга киришаман.

МУҚАДДИМА

ҲАЁТ ВА ҲАЁТ ҒОЯСИ

Коинотнинг ҳаётдан иборатлигига ҳеч шубҳа йўқдир. Ҳаёт бўлмаса, бошқа бирор нарса ҳам бўлмайди. Ўзи коинотнинг асл биноси ҳам ҳаётдир. Шунинг учун ҳам биз рисоламизнинг биринчи баҳсини ҳаёт мавзусига бағишладик.

Ҳаёт нима?

Мутакаллимлар (калом) мазҳаби³⁷га қараганда, ҳаёт ҳис ва ҳаракатни талаб қилувчи сифатдир. Қадимги ҳукамо фикрига биноан, ҳаёт бу мизожга тобеъ, ҳис ва идрокнинг навъи ва табиатидир.

Асримиз ҳукаمولари ҳам айтадиларки, коинот ҳаётдан иборат. Ҳеч бир нарса йўқки, унда ҳаётдан бир асари

бўлмаса. Аммо мутакаллимлар мазҳабда бўлган қадимги ҳукамолар қайси бир жисмда ҳис ва ҳаракат бўлса, унда ҳаёт ҳам бўлади, қайси бир жисмда шу иккаласи бўлмаса, ҳаёт ҳам бўлмайди, деб айтадилар. Аслида ҳис ва ҳаракати бор нарсани «тирик» дейдилар. Лекин бу ҳаёт махлуқий ҳаёт деб аталади. Инсон ҳам аксар махлуқлар билан шу маънода бир хил, фарқ қилмайди. Лекин биз инсон ҳаёти ва аксар махлуқларнинг ўртасида катта фарқ борлигини мушоҳада қилар эканмиз, қуйидаги фикрларга келамиз.

Агарда ҳозирги ўтаётган ҳаётимиз устидан мушоҳада қилсак, жавоб ҳам осон бўлар эди. Лекин ҳаёт маънавий бир соҳадир, уни кўриб ва кузатиб бўлмайди. Шунинг учун бу фарқлар сабабини инсоният тарихи ва ўтмишидан қидирамиз. Башарият олами ибтидосидан бошлаб ҳозирги шаклда эдими? Яъни бани Одам ҳозиргидек шаҳарлар, қалъалар, мадрасалар, шунча илму санъат ва салтанатлари билан оламга келганмикан? Ҳеч қачон! Бечора ибтидоий одам кучсиз, заиф бир махлуқ эди. Баъзан совуқдан титраса, баъзан қуёш нурида қоврилиб, яшин ва чақмоқдан, ёмғир ва қордан, зулмат ва ваҳший махлуқлар ҳамла-ларидан кечаю кундуз қўрқиб жони ҳалқумига келар эди. Бунинг устига соатма-соат очлик ва чанқоқликдан қийналар эди. Иссиқ-совуқдан муҳофаза қиладиган бир чодири ё чайласи, қоронғуда ёритувчи бир чироғ, ваҳшийлар ҳужумидан муҳофаза этадиган қуроли ҳам йўқ эди. Хулоса шуки, одам халқ бўлишининг ибтидосида заиф ва мискин жондорлардан бири эди. Бошқа махлуқлар кучли чангал ва тишлари ёрдамида манфаатларини таъмин этиб, зарарларини даф қилардилар. Одам эса шунга ҳам қодир эмас эди.

Ажабо, ҳазрати Холиқи ҳаким инсонни шунчалик ожиз яратиб, бу бечорага ҳам бирор-бир қурол, аслаҳа ҳам берганмикан, токи у орқали ўзини ҳимоя этиб, яшаши мумкин бўлса? Албатта берган. Аллоҳ инсонга энг буюк ва энг қиммат қуролни берган. Инсон шу орқали оламни мағлуб қилиб шикастлаши мумкин. Бу қурол нимадан иборат? У АҚЛдир. Одамзод чорасизлигидан танг қолиб, ақлини ишлатишга мажбур бўлди, унинг соясида аста-секин манфаатларни қўлга киритиб, кўрган зарарларини даф қилди: уй қурди, табиат офатларидан қутулди. Қурол ясаб даррандалар ҳужумидан озод бўлди. Фақат шулар билан

чегараланмай, бора-бора яшину момақалдироқ, сув ва оловдан нажот топиб, уларни олимона панжаси билан тасхир³⁸ этди. Агар биз башариятнинг аввалги ожиз даври билан бугунги куч-қудратини солиштирсак, бу фарқнинг улканлигидан ларзага тушамиз ва инсоният оламининг ўзгаришини инкор этиш маҳол бўлади.

Инсоният оламидаги бу ўзгаришлар тараққиётми ё таназзул? Яъни инсоният олдинга ҳаракат қилибдими ёки орқага? Албатта, олдинга ҳаракат қилган ва ҳозирги кунгача бирор жойда таваққуф³⁹ қилмаган. Масалан, анча йиллар олдин оташароба (поезд)ни биз нақлиётнинг охириги воситаси деб ўйлар эдик. Бир оз ўтмасдан инсон илмининг кучи билан тайёрани ихтиро қилди ва ўйлаган ақилдамизни инкор этди. Бас, маълум бўладики, бани Одам ибтидодан то ҳозирги кунгача тараққий қилиб келган ва тараққий қилади ҳам. Шундай қилиб, одамда *ҳаёт ғояси* бор экан, яъни ҳазрати Холиқи ҳаким инсонлар учун бир баланд мартабани ва бир аъло манзилни кўрсатган экан, инсон ҳам унга қараб ҳаракат қилади, тараққий этади. Ажабо, бу ҳаёт ғояси, яъни бу аъло манзил нима экан? Бу савол жавобини шу муқаддимадан билса бўлади. Бу муддаони билиш учун тасдиқ назаримизни яна башарият тарихига ташлаймиз. Лекин бу дафъа бошқача усулда муҳокама қиламиз.

Китоби самовий (Куръон)да мазкур бўлганки, ҳазрати Холиқи ҳалим⁴⁰ одам яратишдан бошлаб фаҳру-л-мурсалин⁴¹ (Муҳаммад) алайҳиссалом замонигача ҳар бир қавм учун замонларига мувофиқ Пайғамбар ва динини юбориб турган. Масалан, аввал ҳазрат Одамни махсус дини билан юборди. Одам алайҳиссалом фарзандлари бир муддат ижтимоий ишларида бу динни қўлладилар. Бир неча муддатдан сўнг одамлар шу дин доирасидан чиқдилар. Ҳазрати Довари ҳаким⁴² янги дин ва бошқа Пайғамбарини юбориб, замона ва вақт тақозоларига риоя қилишни талаб қилиб, олдинги дин ҳукмларининг баъзиларини бекор қилди. Бу тартиб ҳамма самовий динларнинг камоли ва охири бўлган ислом дини зуҳур топган замонгача мавжуд эди. Шу ерда кишининг хаёлига бир савол келади: нима учун Худованд бани Одамни ҳамиша бир дин итоатига амр қилади? Нима учун одамларга махлуқларга ўхшаб ҳаракат қилиб яшаш учун эрк бермайди? Албатта, бу фар-

мон ҳикматсиз бўлмаган. Жаноби қодир ҳақим башарият ҳаётини олий бир ғояга вобаста қилиб қўйган, яъни одамлар учун бир даража тайин этган, токи улар ўзларини бу олий ғояга ва даражага етказсинлар. Башариятга бу йўлдан чиқиб кетмаслиги учун буюк Пайгамбарлар воситаси билан самовий динларни юборган. Бани Одам бу илоҳий шоҳқўчадан чиқиб кетганида янги раҳбар, яъни бошқа Пайгамбарини юбориб янгитдан тўғри йўлни кўрсатган.

Бу муқаддимадан одамзотнинг *ҳаёт ғояси* мавжуд бўлиб, самовий динлар унинг ҳаётида ғоявий раҳбари эканлиги маълум бўлади. Самовий динлар бизни қаерга олиб борадилар? Тадқиқ қилсак, маълум бўладики, самовий динлар бизни қаерга олиб борсалар, ўша жойда ҳаётимизнинг ғоясини топар эканмиз. Бас, самовий динлар бизни қаерга олиб борадилар, деб (қайта) сўрашингиз мумкин. Бу саволга диннинг таърифи жавоб беради. Дин нима? *Дин* ахлоқий ҳукмлардан иборат бўлиб, ўз тобеларини «саодати дорайн», яъни икки дунё саодатига етказди. Шундай қилиб, ҳаёт ғояси, яъни инсон ҳаётининг самараси шу «саодати дорайн» экан. Мана шу жиҳатдан инсон ҳаёти махлуқот оламидан фарқ қилади. Яъни одамлар икки дунё саодатига эришишга лойиқ ва қобилдирлар. Махлуқларда эса бундай истеъдод йўқ. Бу фарқ маълум бўлгач, кимки икки дунё саодатига етиш учун ҳаракат қилмаса, махлуқдан фарқи қолмайди, деб айтиш мумкин.

«Вал-қад каррама бани Одам»⁴³ ва «Лақад холақно ал-инсона фи аҳсани тақвим»⁴⁴ деган оятларнинг маънолари ҳам шундайдир. Демак, одам умрининг самараси, яъни инсоннинг ҳаёт ғояси икки дунё саодати экан, кимки ўзини одамлар қаторидан деб билса, бу дунё ва охирада ҳам ўзини бахтли ва тинч бўлиши учун ҳаракат қилиши лозим.

Мамлакатимизда икки гуруҳ бахтсиз одамлар борки, ҳаракатлари танқид ва танбеҳга сазовордир. Биринчи гуруҳ ҳаётларининг мақсадлари деб, еб-ичишни биладилар, улар бир луқма таом ва ётадиган жой учун инсоний вазифаларини эсларидан чиқарадилар, бирон-бир иш ҳақида ўйламайдилар ҳам. Кечаси эрта учун қоринларининг ғамида, кундузи эса ётиш тўшаклари ғамида бўладилар. Хулоса қилиб айтганда, улар бу дунё осойишталигини ўйлаб, бошқа нарса билан ишлари йўқдир. Аллоҳнинг ўзи сақла-

син, бу пасткаш жамоа ўзларини инсонийликнинг баланд мартабасидан махлуқийлик даражасига тушадилар. Бу жамоанинг асли жойи инсонлар ичида эмас. Бу жамоа жамиятга қўп зарар етказди. Худованд уларни охират саодатидан маҳрум қилган. «Баъзи одамлар Аллоҳ таборак ва таолодан бу дунёни талаб қиладилар. Уларга охират саодати насиб қилмайди»⁴⁵.

Иккинчи гуруҳ шундай жамоаки, ҳаёт ғоясини фақат охират саодати деб билладилар, бу дунё саодатига эришиш учун ҳеч ҳаракат қилмайдилар, балки бу дунё саодатини кофирларга хос деб билладилар, бошқача қилиб айтганда, дунёни кофирлар жаннатию мусулмонлар дўзахи деб билладилар. Булар ҳам инсонийлик вазифасини, башарият яратилишининг ҳикматини идрок қилмаганлар, уларнинг фикри ҳам илоҳий ҳукмга тўғри келмайди. Икки дунё саодатини талаб қилган инсонгина комил мусулмондир. Худованди ҳаким ҳам икки дунё саодатини талаб қилганларни мадҳ этиб, «Бақара» сурасида буюрган: «Баъзи одамлар, эй Худо, мени дунё ва охират саодатига етказиб, дўзах азобидан нажот бергин, деб дуо қиладилар. Бу одамлар ўз касбларига яраша, яъни амалига мувофиқ насиба оладилар, Худо сариъ ул-ҳисобдир»⁴⁶. Бу ояти каримада баъзи дақиқ ишоралар ва нозик нуқталар мавжудки, уларнинг зикри фойдадан холи эмасдир. Масалан, Худованди карим шу оятда жамоани дуо қилиб, «нимаики талаб қилсалар, топадилар» демасдан, балки «ўзларининг саъй-ҳаракатлари эвазига топадилар» деган. Шундан маълум бўладики, Аллоҳ олдида мустажоб бўладиган дуо биз туркистонлиларнинг дуоларига ҳеч ўхшамайди. Негаки, биз кечаю кундуз вақтимизни беҳуда ишларга сарфлаймиз. Баъд⁴⁷, фалон масжид ёки фалон мозорга бориб, мақсадимизни Худодан сўраймиз-да, яна чиқиб бемаъни ва нолайиқ ишларимиз билан машғул бўламиз, мақсадимизга етиш учун ўзимиз саъй-ҳаракат қилмаймиз. Бировнинг бирон-бир мақсади бўлса, энг аввал ҳиммат камарини белига маҳкам бойлаб, мақсадига етишиш учун саъй-ҳаракат қилиб, кейин дуо қилса, дуоси ижобат бўлади. Бу ерда баъзи муҳтарам ўқувчиларимиз айтишлари мумкинки, агар биз мақсадимиз ҳосил бўлиши учун саъй-ҳаракат қилсак, унда дуо ҳам керак бўлмай қолади. Балки саъй-ҳаракатларимиз соясида ўша мақсадимизга етармиз. Уларга жаво-

бим шуки, сизлар масъалани нотўғри тушунибсизлар. Кўпчилик мақсадларига етишиш учун ниҳоятда кўп ҳаракат қиладилар, бироқ мақсадларига эришолмайдилар. Саъй-ҳаракатлари натижасиз қолади. Шунда саъй-ҳаракатимиз фойдасиз ва зоеъ кетмаслиги учун дуойи хайр лозим.

Масъалани бир мисол билан шарҳлайман. Фалон бир деҳқоннинг икки таноб ери бор. Яхши ҳосил олишни у жуда хоҳлайди. Агарда бу киши баҳордан ҳўкизлари, кўш, омов, уруғ ва бошқа асбобларини экишга тайёр қилмай, фалон бир масжиднинг бурчагида ётиб, «Эй Худо, шу еримдан эллик ман⁴⁸ буғдой ҳосил бергин», — деса ҳам бу дуо қабул бўлмайди, яъни еридан ўзидан-ўзи буғдой кўкариб чиқмайди. Лекин экин асбоб-анжомларини тайёр қилиб, ерни яхши ҳайдаб, уруғни экса ҳам, сиз ўйламангки, деҳқоннинг иши шу билан тамом бўлди, энди у, албатта, яхши ҳосил етиштириб олади, деб. Бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, сел келиб мазкур ерни бузиши ёки чигиртка келиб кўқарган буғдойини еб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун деҳқон самодан келадиган бало ва офатларнинг олдини олиш учун дуо қилади, ҳазрати Воҳиб ал-атоё⁴⁹ унинг дуосини қабул қилиши ҳам мумкиндир.

Яна бир мисол келтираман. Фалон ёш йигит катта олим бўлишни орзу қилади, истеъдодли, қобилияти ҳам камолига етган. Агарда шу йигит мадрасага бормаса, пул сарфлаб китоб олмаса, меҳнат қилмаса, мударрислардан дарс олмаса, балки фалон мазорнинг бир чеккасида чин дилдан нола чекиб, Худо даргоҳидан илми ладуний⁵⁰ ни талаб қилса ҳам дуоси қабул бўлмайди, ўлимигача у жоҳил ва нодон бўлиб қолади. Аммо китоб олиб, мадрасага бориб дарс ўқиса ҳам уни катта олим бўлишига ҳали ишонманг. Мумкинки, у касал бўлиб ёки нафс ҳавасларига учиб, илм олиш йўлидан тойиб кетиб, охиригача жоҳил қолса. Агар бу йигит ғайбдан келадиган офатларни бартараф қилиш учун дуо қилса, дуоси ижобат бўлиши мумкин. Ҳазрат Пайғамбар (с.а.в.) ҳам шундай дуо қилар эдилар. Бадр урушида ул зот қурол-аслаҳани тайёрлаб, кўшин тортиб, кофирлар билан рўбарў келиб жанг қилди, сўнгра ғалаба учун дуо қилди. Мазкур ояти каримнинг маъноси ҳам шундадир. Худованди карим шу оятнинг охирида буюрган яъни, «...Худо дуо қиладиганларнинг ишлари ва феъл-

ларига ҳамиша назар қилади ва уларнинг ҳеч бир амаллари унинг назаридан четда қолмайди. Агарда улар дуоларига мувофиқ амал қилсалар, яъни мақсадларига етиш учун қаттиқ ҳаракат қилсалар дуолари қабул бўлади, бўлмаса қабул бўлмайди». Бу оятнинг ҳар бир сўзида, балки Қуръони каримнинг ҳар бир оятларида шундай олий сирлар ва буюк ҳикматлар мавжудки, ўқувчиларни ўзига шайдо қилади. Лекин уларнинг барчасини баён этишга имконимиз етмайди. Шунинг учун ҳам юқоридагилар билан кифояланиб, Қуръони карим сир-асрорини биладиганларга мурожаат қиламан, беҳуда сўзларни қўйиб, тезроқ Қуръони карим мутолааси билан машғул бўлинглар!

Энди яна мақсадимизга қайтсак. Айтган эдикки, комил мусулмон ҳам дунё саодатини, ҳам охират саодатини талаб этувчидир. Дунёни тарк этиб охират талабида бўлиш ҳам шаръий ҳукмларга мувофиқ келмайди. «Аллоҳ, ер юзида нимаики бўлса, сизларнинг фойдаларингиз учун яратган зотдир»⁵¹. «Эй одамлар, билмайсизларми, Худо ер ва осмонда бўлган ҳамма нарсаларга сизларни фармонбардор этиб тасхир этган. Худо зоҳирий ва ботиний бўлган неъматларини ҳам сизларга берган. Зеро, само ва ерда бўлган ҳамма мавжудот сизларнинг манфаатларингиз учун яратилди»⁵². Шу оятлардан маълум бўладики, Худо бу оламни бизларнинг фойдамиз ва манфаатимиз учун яратибди, оламда мавжуд бўлган ҳамма нарсани бизга маҳкум ва фармонимизга бўйсунувчи қилибди, бас. «Жосия» сурасида эса «Аллоҳ самодаги ва ердаги барча мавжудотни сизлар учун яратди, тасхир ва фармонбардор этди», — деб амр қилган⁵³.

«Дунёни мўъминлар дўзахи ва кофирлар жаннати» деб қайси теран ақлимиз билан айтиб, бу хом хаёлимизни илоҳий фармон деб биламиз? Ҳазрати фаҳри коинот (Муҳаммад) алайҳиссалом муборак умрларини саъй-ҳаракатда ўтказганлар. Аллоҳ ҳукмларини улардан ҳам яхшироқ биламизми? Ҳазрати фаҳри оламнинг Расуллигига бугун миллиардлаб мусулмон беш марта шаҳодат беради. Улар чўпонлик қилганлар, тижорат билан шуғулландилар, муаллимлик қилдилар, вазъ айтдилар, имомлик қилдилар, баъзан аскар, баъзан сартибб⁵⁴, баъзан хатиб, баъзан табиб бўлдилар. Булар ҳаракат бўлмай нима эди? Улар саъй-ҳаракатда бўлсалар, нима учун биз танбаллик ва ҳаракатсиз-

ликни ўзимизга шиор қилиб олганмиз? «Икки олам нажоти ва Аллоҳ ҳидояти иймон келтирган, намоз ўқийдиган ва садақа берувчи мўъминларга етади»⁵⁵ дейилган Куръони каримда.

Диққат қилсангиз, ҳазрат Парвардигор ҳидоят ва нажотни уч ҳолат эгаларига хос қилибдики, бири садақа ва закот берувчилардир. Маълумки, закот ва садақа бериш бойлик ва қудратнинг нишонасидир. Айтинглари-чи, қайси бир дин эргашувчиларини бой бўлишга даъват этади? Дунёни охират учун ва охиратни бу дунё учун тарк этувчиларнинг фикрларини хато эканини кўрсатиш учун «Ал-жомеъ ас-сағир»даги мана шу ҳадиси шариф кифоя қилади: «Сизлардан яхшиларингиз охиратини бу дунё учун тарк қилмаган ва бу дунёни охират учун тарк қилмай, оғирлигини бошқаларнинг устига ташламайдиганидир».

Энди бу иккала жамоа: бири дунёпарастлар ва бирлари охиратпарастларга даъволаримизни маълум қилганимиздан сўнг яна бир жамоани ҳам эсдан чиқаришимиз одобдан бўлмайди. Бу жамоа ҳам миллатимиз ўртасида катта мавқега эга. Бизнинг қолоқ ва бахтсиз бўлишимизда уларнинг хизматлари каттадир. Бу жамоа дунё ва охират саодатини талаб қиладилар. Лекин бу мақсадга эришиш учун ҳаракат ҳам қилмайдилар. Улардан шу ҳақда сўрасангиз, ноз-карашма билан «Аллоҳи карим» деб жавоб берадилар. Бу танбаллик ва ҳаракатсизликни улар «таваккал» деб атайдилар. Камбағаллик ва балолардан азоб чексалар дарров бирор масжид ёки фалон бир авлиёнинг қабрига бориб, қанча кучлари бўлса, бошларини ерга уриб дуо қиладилар. Биз бундай дуонинг ижобат бўлмаслигини юқорида баён қилдик. Шу ўринда бу азизларга «таваккал» сўзининг маъносини ва қабрни зиёрат қилишнинг фойдаларини айтиб ўтмоқчимиз.

Биз туркистонлилар суслигимиз, танбаллигимиз, ишбилмаслигимиз, нодонлигимиз, тажрибасизлигимиз, қисқаси, дунёда қанча ношойиста сифатлар бўлса, ҳаммаси «таваккал» деймиз. Шу сабабли буларни савоб ва машруъ⁵⁶ деб қабул қиламиз. Масалан, бир тожирдан «Нима учун ўйламасдан пахтани пўчоғини сотиб оласан?», деҳқондан «Баҳор келди, экиш ва иш асбобларинг қани?» ёки бирор косибдан «Нима учун ҳафтада бир марта дўкон очасан?» ё бир ҳаммолдан «Нима учун кундуз куни ухлай-

сан, ахир кечки овқатинг йўқ-ку», — деб сўрасак, ҳаммалари «таваккал Худога» деб жавоб берадилар. Минг афсус, шу жавобларнинг биронтасида ҳам таваккал йўқдир. Буларнинг ҳаммаси нодонлик, танбалликдан бошқа нарса эмас. Таваккал ҳам амал билан биргадир, ҳаракатсиз таваккал ҳам ҳаракатсиз дуога ўшаб фойда бермайди.

«...улар (яъни саҳобаларинг) билан машварат қил, азму қарор қилганингдан сўнг Аллоҳга таваккал қил, албатта, Аллоҳ таваккал қилувчиларни севади»⁵⁷, — дейилади Китоби самовийда. Ушбу ояти карима билан Худованд Расулига мурожаат қилиб: «Ишларда аввал саҳобаларинг билан маслаҳатлашиб, бир натижага келингач, бу ишни бажариш учун Худога таваккал қилиб бел боғла», — демоқда.

Албатта, бу ҳаёт жангу жадал майдонидир, унда ҳар бир шахс, ҳар битта қавм ўз турмушларини яхши таъминлашлари учун ҳаракат қилиб курашишлари лозим. Буларсиз бирор нарсага эришиб бўлмайди. Масалан, ҳар биримиз ҳам уйга кириб олиб, неча кун оч-наҳор ўтирсак ҳам, кўчага чиқиб ҳаракат қилмас эканмиз, уйнинг шифтидан бир лаган қабоб ўз-ўзидан келиб тушмайди. Оқибат эса очликдан ҳалок бўлишимиз мумкин. Ким буни инкор қилар экан, демак, тажрибаси йўқ экан. Агар ҳаракатсиз таваккалдан фойда бўлганда эди, Расули соллаллоҳи алайҳи васаллам кофирларга қарши бир жангда ўз қўллари билан ҳандақ қазимаган бўлар эдилар.

Энди эса авлиёлар қабрларининг зиёрати хусусида бир оз тўхталамиз. «Қабристонларни зиёрат қилиб туринглар, зеро, улар сизга охиратни эслатади», — дейилган «Алжомеъ ас-сағир» асарида. Бу ҳадисдаги ҳикматни тушуниш учун одам ҳолини диққат билан кузатайлик. Ажабо, одам нега гуноҳ қилади? Китобимиз аввалида ҳам бир баҳона билан баён қилиб ўтган эдикки, «комил иймон гуноҳ ишлар учун ягона тўсиқдир», — деб. Худойи таоло ва қиёматга иймон келтириб, уларнинг мавжудлигини билган одам ҳаргиз гуноҳ қилмайди. Агар билмай гуноҳ қилса ҳам дарҳол тавба қилишга шошилади. Баъзи шахслар жаҳлу гафлат ё кибру ғурур туфайли охират куни ва ҳисоб-китоб соатини эсларидан чиқарадилар, дилларидаги Аллоҳдан қўрқув ҳисси кўтарилади. Шунда улар гуноҳ қилишга қилиб, пушаймон ҳам бўлмайдилар, тавба ҳам қилмайдилар. Бу тоифа одамларга нисбатан кўриладиган

чора охират куни ва унинг қийинчиликларини эсларига солишдир. Зора шу баҳонада улар Худодан қўрқсалар ва турли фасод ишларга қўл урмасалар. Қабрлар зиёрати айнан шу мақсад учун кўзланади. Зеро, инсон ҳар қадар мағрур ва кибрли бўлмасин, қабристонга қадам қўйганда, қанчадан-қанча бани Одамнинг тупроққа қорилиб ётганини кўрганда, балки гурурини тарк этиб, охират фикрига тушар. Ҳазрати фахри коинотнинг ўз умматларига айтган ҳадисларининг ҳикмати ҳам шундадир. Аммо биз қилаётган зиёратлар эса бу матлабга мувофиқ эмас. Биз қабристонга эмас, балки авлиёлар мазорини зиёрат қилишга борамиз ва улардан ўзимиз учун мадад ва иноят сўраймиз. Билингки, бу зиёратлар бизга ҳеч фойда бермайди, ётган авлиёларнинг бизга ҳеч бир мададлари етмайди. Қуръони каримда «Сизлар учун Аллоҳдан ўзга соҳиб ва мададкор йўқдир». «Вақтики, Аллоҳ бир қавмга ёмонлик етказса, уни даф этиб бўлмайди ва у қавм учун Аллоҳдан ўзга нигоҳбон йўқдир»⁵⁸, — дейилгани ҳақдир.

Сониян, бундай зиёрат шаръан манъ қилиниб, ҳаром ҳисобланади. Биз бундай зиёратлардан фақат гуноҳ орттирамиз. Аллоҳ Пайғамбарларининг қабрини масжидга айлантирган (у ерда улар намоз ўқийдилар) яҳудий ва насронийларни лаънатлайди, — дейилган Бухорий⁵⁹ нинг «Китоб ал-салот»⁶⁰ ва Муслим⁶¹ нинг «Китоб ал-масожд»⁶² ида; яна «Пайғамбарларининг қабрини масжид қилган яҳудийларни Худованд ҳалок қилади», — деган ҳадис ҳам бизга маълум. Хушёр бўлинг! Сизлардан аввал ўтганлар Пайғамбар ва авлиёларининг қабрларини масжид қилдилар. Хушёр бўлинг! «Сизлар ҳеч кимнинг қабрини масжид қилманг, уларнинг қабрига бориб намоз ўқимангки, мен сизларга буни манъ қиламан», — дейилган Муслимнинг ўша китобида.

Баъзи икромли ўқувчиларимиз айтадиларки, биз авлиёларнинг қабрида матлабимизни ҳосил қилиш учун намоз ўқиймиз, улар Аллоҳ даргоҳида бизнинг матлабимиз ҳосил бўлиши учун шафиъ⁶³ бўладилар. Шу шафиъликни талаб қилиш ҳам улардан бир навъ мадад тилашдир. Бу каби шафиъ келтириб, тилак тилаш шаръан дуруст эмас, балки гуноҳдир. Зеро, Худованди таборак шунинг учун мушрикларга ғазаб қиладики: «Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларига зарар ҳам, манфаат ҳам етказа олмайдиган нарсалар-

га ибодат қиладилар ва: «Ана ўшалар бизнинг Аллоҳ ҳузурдаги шафоатчиларимиздир!» — дейдилар...»⁶⁴ Бошқа ўринда эса мушрикларнинг шу ишини ушбу тариқа ҳикоя қилиб, рад қиладики: «Шафоат қилиш фақат Аллоҳгагина хосдир, бандасининг унинг изнисиз бировни шафоат қилишга ҳаққи йўқдир»⁶⁵.

Бу оятлардан икки нарса маълум бўладики, бири мушриклар бутларини Худо деб атамас, балки шафоатчи ва воситачи деб билардилар. Бас, биз ҳам фалон-фалон авлиёларни шафоатчи деб гумон қилиб, таъзим қилсак, муваҳҳид⁶⁶ ва мушриклардан қандай фарқимиз қолади? Со-ниян, шафоат сифати фақат Аллоҳга хос экан. Мусулмонларнинг бу тариқа эътиқод қилишлари жоиз эмас, айтганларимизнинг ўзи бунга улкан далилдир. Бухорийнинг «Китоб ул-ҳаж»⁶⁷ ида Ҳазрати Умардан шундай ривоят бор: «Бир куни ҳаж маросимида ҳажарул-асвад⁶⁸ ни (қора тошни) тавоф қила туриб, ҳазрати Умар шундай деган эканлар: «Эй ҳажар-ул асвад! Сен бир фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмайдиган тошсан. Агар Пайғамбар сени ўпганини ўз кўзим билан кўрмаганимда, ҳеч қачон сени ўпмаган бўлар эдим».

Бу каби зиёрат ва восита қилишлик бизни икки дунё саодатига етакламайди. Унга етишиш учун ўзимиз ҳаракат қилишимиз керак. Бизда икки дунё саодатига етишиш учун майл бор экан, қай йўл ва усул билан унга етишиш мумкин? Бу саволнинг жавоби жуда осондир. Бахтга қарши, биз уни шу кунгача қулоғимизга олмаганмиз, икки дунё саодатига эришиш учун эса виждон амру вазифаларини адо этишимиз зарурдир. Виждон амри нимада? Бу — кишиларнинг ўзларига юкланган вазифа ва мажбуриятларини замон ва ўринга қарамай виждонан ва сидқидилдан бажаришларидир. Виждон амри вазифалари ичида ахлоқий вазифалар муҳимдир. Ахлоқ вазифаларини уч қисмга бўлиш мумкин: 1. Вазойифи нафсия. 2. Вазойифи оила. 3. Вазойифи инсония. Бу уч қисм бир-бири билан шу қадар боғлиқки, бирига ҳалал етса, бошқасида ҳам қусур намоён бўлади. Бу учала қисмни китобимизда бир-бир баён этамиз.

Натижа: 1. Аллоҳ, бизни барча махлуқлар каби бошқа жинслар манфаати учун эмас, балки икки дунё саодатига етишиш учун халқ қилган. 2. Дунё саодатини охират учун, охират саодатини бу дунё учун тарк этиш нотўғридир, бизга

икки жаҳон саодати даркор. 3. Икки жаҳон саодатини эса саъй-ҳаракат билангина топиш мумкин. 4. Саъй-ҳаракатсиз дуодан фойда йўқдир. 5. Авлиёлардан мақсад раво бўлишини тилаш фойдасизлигидан ташқари яна гуноҳ ҳамдир.

ВАЗОЙИФИ НАФСИА

Вазойифи нафсия — бу инсонни муҳофаза этиш ва тараққий топиши учун бажарилиши лозим бўлган вазифалардир, яъни инсон ўз нафсини (чунки бу одабийлик заруриятидир) камол топтириш даражасига етказиши лозим. Нафс камоли бу одамнинг ҳам ўзига ва ҳам ўз ҳамжинсларига фойда ва нафъ келтиришидир. Агарда нафс солиҳ амалларга улфат ва яқин бўлса-ю, ёмон (қабих) ишлардан нафратланса, шунда нафс камолининг мартабаси ҳосил бўлмай. Дини мубини ислом кўпроқ шу маънига аҳамият беради. Ҳазрати Парвардигор Қуръони каримда «амали солиҳ»ни иймон билан ёнма-ён зикр этади. Ҳатто аксар муҳаддис олимлар «амали солиҳ»ни иймоннинг бир жузъи, дея эълон қилганлар. Шунинг учун ҳам нафсни камол топтириш даражасига етиш биз мусулмонлар учун нафақат ахлоқ фарзи, балки дин фарзларидан ҳам ҳисобланади. Нафсимизни солиҳ амаллар билан улфат бўлиши учун нафсоний кучларимизни ислоҳ этишимиз лозим, акс ҳолда ҳеч қачон нафсимиз солиҳ амаллар билан улфат ва яқин бўлмайди.

Нафсоний қувват учга бўлинади: 1. Ақлий қувват. 2. Шаҳвоний қувват. 3. Фазаб қуввати. Ақл қувватини ислоҳ этишда шундай ҳикмат борки, унинг фойдаси ҳақни ботилдан, қабоҳатни эзгуликдан, манфаатни зарардан фарқ эта билишдир. Шаҳвоний қувватни ислоҳ этиш натижасида *иффат*га эришилади. Иффатнинг самараси саломатлик, ақлнинг ўткирлиги, қад-қоматнинг кўркамлиги, яхши амаллар ва ёмонликлардан чекинишда кўринади. Фазаб қувватини ислоҳ этиш *шижоат*га олиб келади. Шижоатнинг фойдаси инсоний шарафни ҳимоя этишда, миллат иззати ва нафс муҳофизатида кўринади. Агар инсон ана шу уч қувватни яхшилаб ислоҳ этса, яна бир фазилатга соҳиб бўлади. У эса *адолат*дир. Шуларни эътиборга олиб ахлоқ олимлари нафс фазилатини тўртга бўлганлар: 1. Ҳикмат. 2. Иффат. 3. Шижоат. 4. Адолат.

Буларни жой-жойларида муфассал арз қиламиз. Аввал *ҳикмат* ва унинг фойдаси ҳақида сўзлаймиз. Ҳикмат фазилати ақл қувватининг ислоҳи натижасида бўлади ва ақл қувватининг ислоҳи илм ўрганиш билан мумкин. Шунинг учун қуйида биз ақл ва илм ҳақида муфассал баҳс қиламиз, токи ҳикматнинг қай даражада аҳамиятлилиги ўз-ўзидан маълум ва намоён бўлсин.

АҚЛ

Шуни билиш лозимки, Аллоҳнинг энг буюк неъматидир ҳам, икки дунё саодатига бошлагувчи ҳам ақлдир. Юқорида биз батафсил баён қилганимиздек, одамзод махлуқлардан жисман кичик ва куч жиҳатидан заиф қилиб яратилган бўлса ҳам, аммо ҳазрати Холиқи ҳақим инсонни улардан улуғ ва қувватли қилиб яратган. Чунки инсонга ҳаёт майдонининг ягона қуроли бўлган АҚЛни берган. Одамлар даставвал даррандалар ҳужуми, иссиқ-совуқ, очлик ва чанқоқликдан ҳамиша кўрқиб, азоб чекиб изтиробда яшардилар. Бориб-бориб ақл йўлбошчилигида ҳаммадан устун ва голиб чиқдилар. «Инни жоилу фил арзи халифатун»⁶⁹ мазмунидаги ояти кариманинг ҳукми билан инсон ер юзининг мутлақ султонига айланди. Агар маозоллоҳ⁷⁰ ақл бўлмаганда инсон ҳаёт майдонида мағлуб бўларди. Мағлубият ва чекиниш эса йўқ бўлишнинг биринчи поғонасидир. Натижада инсон нобуд бўларди ва олам саҳифаларида одамдан ном-нишон ҳам қолмасди. Шундай экан, «дунё саодатининг раҳбари» ақлдир.

Арабистон ерлари бутпарастлик зулматига фарқ бўлиб кетган замонларда ҳазрат Пайғамбар алайҳиссалом Аллоҳ томонидан расуллик мақомига эришгандан сўнг у арабларни ақлий далиллар билан Худои воҳид – ягона Аллоҳ ибодатига далолат этди. Уларнинг ёлғон ва хато эътиқодларини тўғри ва қатъий сўзлар билан инкор этиб, ботилга чиқарди. Улардан баъзилари дарров расолатпаноҳга ишониб, ота-боболарининг динларини тарк этдилар. Булар хулафои рошидин⁷¹ ва баъзи асҳоби киромийлар⁷² эдилар. Ажабо, булар нима учун бир неча минг йиллик динларини тарк этиб, ислом динига кирдилар.

Ҳазрати Расули акрамдан улар пулу мол ёки мансаб талаб қилдиларми? Асло. Ёки Пайғамбардан кўрқдилар-

ми? Йўқ. Ёки ислом душманлари айтганларидек, ҳазрати Расул алайҳиссалом сохта Пайғамбар эди-ю, улар унинг шериклари бўлганми? Ҳеч қачон... Шундай экан, нима учун улар қадимий динларини тарк этдилар?

Жавоб: Сабаби шу эдики, ислом ҳақ дин бўлиб, уларнинг эътиқодлари ботил эди. Улар ёлғондан ҳақни ажратиб, ёлғонни тарк этдилар. Хўш, ҳақиқатни ёлғондан қандай қилиб ажратиб олдилар? Албатта, ақл воситаси билан!

Абужаҳл⁷³ ва Абулаҳаб⁷⁴ га ўхшаган араблар ҳазрат Пайғамбар таклифи ва даъватларини рад этдилар, зеро ҳасад ва адоват уларнинг ақл ва тафаккур ойналарини қоплаб олган эди, улар ҳақиқат ва ёлғон фарқига бормадилар ва жаҳолатда қолдилар. Худо кўрсатмасин-у, ақл бўлмаганда ё одамларнинг ақллари ҳасад ва адоват зулматида қолиб кетганда эди, бирон-бир одам ислом динини қабул қилмаган ва бугун ер юзида миллиўн-милйўн мусулмон ҳам бўлмаган бўларди. Шундай экан, охират саодатининг раҳбари ҳам ақл экан. Дунё ва охират саодатига бизни бошловчи нарса, албатта, Аллоҳнинг энг буюк неъматиди — ақл бўлади. Модомики, одамлар ва махлуқлар ўртасидаги фарқ шу саодати дорайнга етишишда экан ва икки олам саодатига ақл бошлар экан, айтиш мумкинки, агарда ақл бўлмаганда одам бундай саодатга муяссар бўлмасди ва ночор махлуқ даражасига тушарди. Дини мубини ислом фақат ақлга буюк мартабани берган. Агарда Қуръони каримни мутолаа этсангиз, ҳар саҳифасида ақлга, идрок ва тафаккур қилишга амр этилганлиги, мушрикларни эса ақлсизлик ва фикр юритмасликлари учун мазаммат қилинганлигини кўрамиз. Жумладан, «Аллоҳ ўз оятларини одамларга баён қилади, токи улар тафаккур этсинлар»⁷⁵.

«Аллоҳ ўзининг ҳукмлари ва далилларини баён қилди, токи сизлар тафаккур ва тааққул (идрок) билан фарқ қилинг»⁷⁶.

«Аллоҳ осмондан ёмғир юбориб, қуруб ётган ерларни кўкаламзор қилди. Шунинг ўзи оқиллар учун Аллоҳнинг борлигига етарли далилдир», — дейдилар⁷⁷. Бу оятдаги «фурқон» сўзига баъзи муфассирлар «Қуръон» деб шарҳ берганлар, лекин бу тафсир тўғри эмас, зеро оятнинг боши «Назала алайка ал-китоб»дан мурод Қуръондир»⁷⁸ деган маънини ифодалайди. Агарда «фурқон» сўзининг маъноси ҳам «Қуръон» бўлганда такрор келарди, бундай такрорлар

Қуръони каримнинг балоғатидан далолат бермайди. «Фурқон» сўзининг маъноси «фарқ этувчи»дир. Масалан, «Вама анзална ала абадна явм ал-фурқона»⁷⁹ деган оятдан мурод ёмон озуқадир. Бу оятда «фурқон»дан мурод ақлдир, ақл ҳақни ботилдан ажратади. Бу ҳолатда оятнинг маъноси қуйидагича бўлади: «Эй Муҳаммад! Аллоҳ Қуръони каримни сенга нозил қилди, ундан олдин Таврот ва Инжилни нозил этган эди. Буларнинг ҳаммасини одамларга ҳидоят учун юборди, одамларга ақл берди, ақл орқали ҳақ бўлган китобларни юборди, токи шу китобларга қараб ёлғон ақидаларнинг фарқига борсинлар. Шу китоблар ҳидоятига ва ўз ақлларининг далолатига илтифот этмайдиганлар эса қаттиқ азобга гирифтор бўладилар».

«Худо унга ақл ато этган киши нажот топади» («Жомеъ ус-сағир»дан). «Ҳар бир ишнинг фатвосини ақлингдан сўра, гарчи муфтийлар фатво берсалар ҳам (яъни муфтийлар фатволарини билиб-билмай ижро этмагин)». «Савоб иш – бу ақл рози бўлган ва виждон ундан сокин бўлган ишдир. Гуноҳ эса бу ақл ундан рози бўлмаган ва виждон ундан азоб тортганидир. Агар муфтийлар сенга фатво берсалар ҳам», – дейилган «Ал-жомеъ ус-сағир»да.

Энди сўзни фазилати ҳар бир кишига маълум бўлган ҳужжат ул-ислом Ғаззолий⁸⁰ га берамиз. Жаноби имом «Мезонул-амал» («Амаллар тарозиси») номли китобида ақлнинг шарафи ва буюклигини бир мақолада баён қилади. Имом сўзларини мухтасар келтирамиз: «Инсонийликнинг энг шарафлик ва буюклик даражаси унинг ақлидир. Ақлнинг шарафи ва азиматига ҳам ақлий, ҳам нақлий ва ҳиссий далиллар мавжуд. Аллоҳ ҳамма махлуқотлардан олдин ақлни яратиб, деди: «Яқин кел». Ақл яқин келди. Деди: «Орқага кет!» Ақл орқага борди (яъни фармонбардор эканлигини кўрсатди). Кейин Аллоҳ деди: «Эй ақл, жалолим ва иззатим ҳаққи қасамки, сендан карамлироқ махлуқ яратмадим. Мен одамларни сен сабабли забт этман, савобларини ва азобларини бераман».

Ақлий далил қуйидагича: Ақл саодати дорайннинг ягона раҳбаридир, шунинг учун у, албатта, аъзам ва шарафли бўлади. Ақл орқали инсон Аллоҳнинг халифасига айланди. Ақл орқали одам Аллоҳга яқинлашди, унинг ҳидояти орқали ўз динларини комил этди. Шунинг учун ҳазрат Пайғамбар айтадики, «кимнинг ақли йўқ экан, демак,

дини ҳам йўқ». Бошқа жойда буюради: «Ҳеч бир кишининг мусулмонлигига унинг ақлини текшириб туриб хурсанд бўлманг». Ҳазрат Пайғамбар алайҳиссалом ҳазрат Али разияллоҳу анҳуга буюрганки, агар одамлар ҳайрат мақомлари орқали Аллоҳга яқинлашсалар, сен ўз ақлинг воситасида яқинлик пайдо қил, токи бу дунёда одамлар орасида ва охиратда Аллоҳ ҳузурини мартабанг улуг бўлсин.

Ҳиссий далил шуки, инсон махлуқларнинг энг заифи бўлса ҳам, махлуқларнинг энг кучлиси ҳам ундан қўрқади. Инсонни ҳамма махлуқотдан ҳам ғолиб ва сарафроз этган қувват ақл бўлади. Имом Фаззолий «Иҳё ал-улум»⁸¹ китобида ҳам ақлнинг шарафи ва азимати ҳақида мақола битиб, уни ҳадис ва оятлар билан исбот этган.

Афсус, рисоламиз ҳажмига бу мақола сифмайди, бўлма-са уни бу жойда келтириб, муҳтарам ўқувчиларимизга ҳавола этардик. Жаноби Имом ақлнинг шарафини исботлаш учун санаб ўтган ҳадисларнинг иккитасини шу ўринда келтирамиз. Ойша разияллоҳу анҳу айтадиларки, ҳазрати Расули акрамдан сўрадим: «Ё Расулуллоҳ, бу дунёда одамнинг фазилати қай нарсада намоён бўлади? Дедиларки: «Ақлда». Яна сўрадим: «Охиратда-чи?» Яна «Ақлда!» деб жавоб бердилар.

Абу Саид ал-Хадрий⁸² дан ривоят қилинадики, Пайғамбар алайҳиссалом айтганлар: «Ҳар бир нарсанинг такягоҳи (суянчиғи) мавжуд, мўъминларнинг такягоҳи уларнинг ақллари дир. Демак, уларнинг ибодатлари ҳам ақлларига яраша бўлади. Эшитмадингизми, фожирлар дўзахга дохил бўлган вақтларида айтадиларки, агар биз ҳақ сўзларни эшитиб, ақлимизни ишлатганимизда бутун дўзахилар орасида бўлмаган бўлар эдик».

Энди яна мақсадимизга қайтсак. Шу муқаддимадан ақлнинг Аллоҳ ато этган шариф неъмат, Аллоҳга яқинлаштирувчи восита ва икки дунё саодатига етакловчи эканлиги маълум бўлди. Аммо ақл ўзи қанақа бўлади? Ақл икки хил бўлади: 1. Ақли фитрий. 2. Ақли касбий. Ақли фитрий — бу Аллоҳнинг инсон табиатига аввалдан берган ақлидир, яъни ҳар бир фард (индивид) аввалдан ҳақиқатни билиши мумкин. Аммо ақли касбий илм олиш ва тажриба ортириш жараёнида ҳосил бўлади, яъни одам ўзининг фитрий-табий ақлини илм қоидалари ва тажрибалар асосида кенгайтириб, зийнат берса, ақли касбий ҳосил қилади.

Масалан, бир эмизикли гўдакка эътибор берсак. Бу гўдак янги туғилган пайтида ҳам ёзиш истеъдодига эгадир, лекин амалда ёзолмайди. Бориб-бориб у улғаяди, саъй-ҳаракат қилади, фитрий истеъдоди кучини ҳаракатга келтириб яхши котиб бўлади. Ақли фитрий ва ақли касбий масъалалари ана шулардан иборат. Ҳар ким фитратан ҳақиқатни билишга қодир бўлади, лекин билим билан туғилмайди. Агар жаҳду ҳаракат қилиб ва илм ўрганиб тажриба ҳосил қилса, ақли касбий соҳиби бўлиши мумкин.

Натижа: Ҳар бир киши солиҳ амалларга машғул бўлиши лозим. Солиҳ амаллар эса ахлоқий фазилатларни тарбиялаш билан бўлади. Ахлоқ фазилатлари тўрт асос: *ҳикмат, иффат, шижоат, адолат*дан иборат. Ҳикмат ақлий қувватнинг ислоҳи натижасидир...

Энди биз илм, таҳсили илм ва унинг фойдалари ҳақида суҳбат қиламиз. Сизларга маълумки, одамларнинг ҳаёт ғоялари бу икки дунёнинг саодатидир, унга бошловчи эса ақли комил экан. Шунини ҳам билдикки, (киши) касбий ақлнинг таҳсили, унинг тарбияси орқали комил ақлга эришиш мумкин. Бас, илм олмоқ ва таҳсили илм қилмоқ зарурлиги ўз-ўзидан маълум бўлади. Ўз ақли ёрдамида икки дунё саодатига етмоқчи бўлган одам таҳсили илм қилмоқдан бошқа чораси қолмайди.

Зотан, мукамал динимиз ислом, биз эса унинг фармонларини бажармоққа мажбурмиз, бизга илм олишни амр этиб: «Жоҳиллар билан олимлар баробар бўла олмаслар»⁸³ деган (Қуръони каримда). Қози Байзовий бу оятни икки хил тафсир қилади. Аввал калиманинг тўғри маъносини келтиради, бунда оятнинг маъноси шуки, агар одам олим бўлса, Аллоҳдан кўрқади (зеро, кўрқув барча нарсанинг асли ва ғайри аслини фарқлаганда пайдо бўлади). Сўнг бу калимани кўчма маънода ўқийди, яъни бунда, албатта, Аллоҳ олимларга таъзим қилади (яъни уларни улуғлайди), деган маъно келиб чиқади. Шу ҳар икки тафсирни қай бирини ихтиёр қилсангиз ҳам илмнинг иззату шарафи ва ҳақиқий уламоларнинг юқори мартабада эканликлари кўз олдингизда зоҳир бўлади...

Эй Муҳаммад, «Ё Раббим, менинг илмимни зиёда қил!» — деб айт⁸⁴. Дикқат қилинг-а, Аллоҳ, ўз ҳабибига «илм талабини қил» деб амр қилмоқда. Бундан ҳам юқори шарафга эга бўлган нарса бўлса, айтинг-чи, ўша нима

экан?! «Илм олишнинг камайиб кетиши, жаҳолатнинг ўрин олиши, хамир⁸⁵ ичишнинг авж олиши, зинонинг қўпайиши қиёмат аломатларидандир», — дейилган Имом Бухорийнинг «Китоб ал-илм»⁸⁶ ида. Ҳазрати Расули акрам алайҳи-васаллам шу ҳадисда яна изҳор қилдиларки, оламнинг низоми ва интизоми ҳам ақл бўлмаганида хароб бўларди деб...

Ҳар ким илм талабида йўлга чиқса, Худованд унга жаннатга йўл очади. Ёки: «Эҳсонларнинг энг мақбули мусулмон кишининг илм олиши ва мусулмон биродарига илм ўргатишидир», — дейдилар Набий алайҳиссалом. Бу ҳадиси шарифни эса Али ибни Абутолиб (Анас ибни Молик⁸⁷), Ҳусайн ибн Ос⁸⁸, Ибн Умар⁸⁹, Ибн Масъуд⁹⁰ ва Абу Саид⁹¹ ҳазратлари, Аллоҳ улардан рози бўлсин, ривоят қилганларки, Пайғамбар (с.а.в.) «Мен илм фазилатини ибодат фазилатидан ҳам ортиқ кўраман», — деб айтган эканлар.

Олимнинг обиддан устунлиги мени орангизда камтаринларингиздан устунлигимга ўхшайди, зеро, ҳазрати Худованд, унинг малоикалари, само аҳли ва заминда маскан тутган жамики нарсалар одамларга хайрли илм ўргатган кишига раҳмат айтиб турадилар. Диққат қилинг-а! Ҳазрати Пайғамбар бу дунёда зарбу Зайд⁹² ғавғоси ни қилмоқдан бошқа ҳеч бир иш билан шуғулланмайдиганларни эмас, балки одамларни тўғри йўлга бошловчи олимларни мадҳ этарди. Бу ислом динида илмнинг мавқеи нақадар баландлигини кўрсатади ва мўъмин мусулмонлар илм таҳсили йўлида ҳаракат қилишлари лозимлигини исботлайди.

Аmmo: «Илмнинг турлари кўп, биз қайси бири билан машғул бўлишимиз жойиз?» — деб айтишингиз мумкин.

Жавоб бераман: ҳақиқатда илм турлари кўп, баъзиларидан нафъ ҳам йўқ. Бироқ мақсадимиз икки дунё саодати экан, бу дунё ва охираатда фойда келтирадиган илмларни талаб қилишимиз, бу дунё ва охираатда фойдаси бўлмаган ишларни тарк этишимиз лозим. Зеро, «Аллоҳдан фойдали илм талаб қилиб, нафъи бўлмаган илмдан омон қолиш учун Аллоҳдан мадад сўранг», — дейилади ҳадисда.

Энди биз фойдали илмлардан баъзиларини зикр этмоқчимиз. Илм умуман, икки қисмдан иборат: *илми нақлий ва илми ақлий*. Илми нақлий ҳам ўз навбатида *диний ва дунёвий* илмларга бўлинади. Аввал илми нақлийнинг биринчи қисми бўлган диний илмларни зикр қиламиз.

Маълумки, Қуръони карим араб тилида унинг шева-ларига мос ҳолда нозил бўлган. Саодат асрида яшаган араблар бу китобнинг таркиби ва жузъий маъноларидан хабардор эдилар. Улар «Қуръон» нозил бўлган вақтда яшаганлари учун нозил бўлиш сабабларини ҳам билардилар. Баъзи маъноларни тушунмай қолсалар, дарров соҳибшариат алайҳиссалом ҳузурига келиб мушкилотларини, иштибоҳларини ҳал қилиб кетардилар. Шу хусусда Расулulloҳдан эшитганларини ёдлаб ўзлаштириб олардилар. Ҳазрати Пайғамбар вафотларидан кейин ҳам бир муддат шу тариқа Қуръони карим ҳукмлари ва маъноларини тушунишга ҳаракат қилардилар. Лекин, бора-бора ислом уммати тафсир китоблари ва илмига эҳтиёж сездилар. Бунинг бир неча сабаблари бор эди. Биринчидан, араблар, бир томондан, Рум мамлакатлари, бошқа томондан, Ажам ўлкаларини фатҳ этиб, араб бўлмаган халқлар билан аралашиб кетдилар. Тиллари ҳам омукта бўлиб кетди. Шунинг учун ҳам араб оммаси Қуръоннинг баъзи маъноларини тушунмай қолди.

Иккинчидан, ислом дини оламга ёйилиб кетди. Рум, Эрон ва Туркистон халқлари тўда-тўда бўлиб дини мубинга кирардилар. Энди мусулмон бўлганлар араб тилини ўргансалар ҳам Қуръон ҳукмларини охиригача тушуниш бахтидан маҳрум эдилар. Ваҳоланки, ўзларининг муқаддас китоблари бўлмиш Қуръони карим ҳақиқатларини билиш орзусида эдилар. Ўша давр олимлари ҳам замон эҳтиёжига эътибор назари билан қарамасликлари мумкин эмас эди.

Учинчидан, халойиқ Пайғамбарнинг муборак забонидан узоқликлари сабаб Расули акрамнинг тарбияси таъсиридан четда қолиб кетардилар. Бошқача қилиб айтганда, одамлар ахлоқ салобатлари ва қалбларининг поклигини йўқотардилар. Ислом уламолари агар баъзи Қуръон оятларининг тафсирига айтилган ҳадислар ва хабарлар йиғиб олиниб, китоб шаклига келтирилмаса, ёлғон ривоятлар билан аралашиб, ислом миллатининг таназзулига сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмаслигини тушуниб етдилар. Ана шу учинчи мулоҳаза ислом уламоларини ҳиммат камарини белларига боғлаб, ҳазрат Пайғамбар томонидан Қуръон оятларининг тафсири учун айтилган ҳадис

ва хабарларни йиғиб олиб, таҳқиқ қилиб китоб шаклига келтиришларига мажбур этди. Лекин бу тафсирлар ҳам Пайгамбар ҳадисларидан иборат эди, холос. Яъни бундай тафсир соҳиблари бирор-бир оят ҳақида ўзлари бир сўз айтмасдилар, балки ҳазрати Расулнинг муайян бир оят ҳақида айтган гапларини ёзиб олардилар. Мазкур тафсирлар ҳадис китобларининг бир тури эди, олимлар бундай тафсирни «тафсир бар ривоят» (яъни ривоят ила келтирилган тафсир) деб атаганлар. Ибн Аббос⁹³ ва «Тафсири Табарий»⁹⁴ шундай тафсирлардан ҳисобланади. Исломуламулолари томонидан яратилган биринчи тафсир ана шу «тафсир бар ривоят» эди. Исломуламулолари аҳли бир муддат шу тафсирлар билан қаноатланди. Лекин бора-бора замона ўзгариб, омманинг эҳтиёжлари ҳам ўзгарди. Бир томондан, ғайришаҳиҳ ва мавзули ҳадислар тафсирлар таркибига кирса, бошқа томондан, исломуламулолари маданияти тараққий топиб, сарфу наҳв, баён, маоний ва бадиий илмлар ривожланиб, алоҳида фанлар сифатида шаклландилар. Аҳли исломуламулолари диний қоидалари ва ҳукмларини ақлнинг муаззам қонунлари асосида татбиқ қилишни орзу қилдилар. Бинобарин, исломуламулолари замона ўзгаришларини назарга олган ҳолда тафсир илмининг аввалги шаклини ўзгартирдилар. Энди улар Қуръон маъноларини шарҳлаш учун масъулиятни сезган ҳолда ақлларини ишга солдилар. Ҳар бир муфассир Қуръони карим маъноларини лисоний қоидалар ва ақлларининг кучи ёрдамида тафсир қилардилар. Бундай тафсирларни «тафсир бид-диroyat» (ақлий тафсир) дейдилар. Байзовий⁹⁵, Замаҳшарий⁹⁶, «Тафсири кабир»⁹⁷ ва ҳозирги кунгача бўлган тафсирлар шундай тафсирлардан ҳисобланади.

Энди кўрайлик-чи, тафсир илмининг таҳсилдан нима фойда бор экан? Биз мусулмонларнинг ҳамма диний аҳкомларимиз Қуръони каримда йиғилган. Мусулмон эканмизми, Қуръони каримга амал қилишимиз вожибдир. Мен юқорида Қуръон ҳукмлари бизни икки дунё саодатига етказди, деб муфассал баён қилдим. Қуръон ҳукмларини билмоқ ва уларга мувофиқ амал қилмоқ Қуръони карим маъноларини тушунишимизга боғлиқдир. Қуръони карим маъноларини билмоқ учун тафсир ўқимоқ шарт. Шунинг учун тафсир ўқимоқ ҳам бу дунё ва ҳам охирада бизга катта фойдалар беради. Бинобарин, тафсир таҳсили бизга

ниҳоятда зарурдир. Афсус, биз туркистонлилар азиз умримизнинг йигирма йилини илм олиш йўлида сарф қиламиз-у, аммо бу шариф фандан баҳраманд бўлмаймиз.

ҲАДИС ИЛМИ

Бу илми шариф икки қисмдан: 1. Ривоятул-ҳадис, яъни ҳадис ривоятлари илми. 2. Дироятул-ҳадис, яъни ҳадис усули илмидан иборатдир. Ҳадиснинг луғавий маъноси «сўз» демакдир, лекин дин уламолари ҳазрати Пайғамбар сўзлари, амаллари тақририни (ёзиб олинганларини) ҳадис деб айтганлар. Масалан, ҳадис китобларини ўқисангиз, Пайғамбар ҳазратлари фалон сўзларни айтганлар, бошқа жойда фалон саҳоба бир иш қилганда Пайғамбар манъ этмай сукут сақладилар, дея маълумот оласизлар.

Ҳадис илми саҳоба ва тобеъинлар замонларида бир мукамал илм шаклига кирмаган эди. Бу илм олимлари билган ҳадисларини санадлари⁹⁸ билан шогирдларига айтиб берганлар. Шогирдлари ўз навбатида ёдлаб, хотираларида сақлаганлар. Бора-бора замон ўзгарди, яҳудийликдан мусулмонликка ўтган одамлар ўзларининг хурофот ва қадим афсоналарини ҳам Пайғамбар ҳадислари суратида тузиб, одамларга ўқиб берардилар, баъзилари эса шахсий манфаатларини ўйлаб ҳадисларни ўзлари тўқиб чиқарардилар. Ислом олимлари бу ишнинг оқибати ёмон бўлишини тушуниб, иложини қидира бошладилар. Улар саҳиҳ (тўғри) бўлган ҳадисларни йиғиб, санад ва иснодлари⁹⁹ билан китоб шаклига келтирдилар. Ҳадис илмининг матни юзага келди. Уламолар бунга ҳам қаноатланмай, саҳиҳ ҳадислар мавзули ҳадислар билан аралашиб кетмаслиги учун ҳадис илми усулини ўйлаб чиқдилар. Бу олимларнинг энг буюк ва мўътабари — Абдуллоҳ Муҳаммад ибни Исмоил Бухорий бўлиб, 194-санада таваллуд топиб, 256 ҳижрий йили вафот этгандир. Имом Бухорий 62 йил муборақ умр кечирганлар.

Мазкур имомнинг маноқибни кўпдир. Ҳадис илмининг арбоби Ражоб ибни Маржий¹⁰⁰ «Имом Бухорийнинг фазилати эркакларнинг аёлларга бўлган фазилатларига баробардир», — дейди. Муҳаммад ибни Исҳоқ¹⁰¹ айтади: «Мен бу кўк гумбаз остида Имом Бухорийдек ҳадис олимни кўрмадим». Олимнинг ҳадислар китоби «Саҳиҳи Бухорий» номи билан машҳур. Имом Бухорий китобида етти минг

икки юз етмишта ҳадисни зикр қилган, лекин баъзи ҳадислар такрор келган. Агар ана шу такрор бўлган ҳадисларни ҳисобидан чиқариб ташласак, тўрт минги қолади. Имом Бухорий шу тўрт минг ҳадисни 16 йил давомида олти юз минг ҳадис ичидан ажратиб олиб китобига киритган». Барча олимлар ҳадислар китоби «Саҳиҳи Бухорий»ни Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар диний китоблардан, деб санаб келадилар.

Таажжублиси шундаки, ўша замонда Бухоро олимлари бу улуғ Имомни кофир деб Бухородан ҳайдаганлар, Имом жаноблари Самарқанд (нинг Хартанг мавзеи)га келиб қайғу ва алам билан вафот этганлар.

Алҳосил, ислом олимлари вақт ўтиши билан илми ҳадисни ривожлантирдилар, бу илми ўрганмоқ юқорида айтилган далиллар туфайли бизга зарур ва лозимдир.

ФИҚҲ ИЛМИ ВА УСУЛИ

Шуни билиш лозимки, бани Одам маданийут-табъ¹⁰²дир, яъни азалдан ўз ҳамжинслари билан бир қишлоқ, қасаба ёки шаҳарларда биргаликда жамоат бўлиб яшашга мажбурдир. Аксар махлуқларга ўхшаб тоғ ва чўлларда ёлғиз яшаб юриш инсон табиатига зиддир. Кўп махлуқлар ўзаро ёрдам ва мададга эҳтиёж сезмайдилар. Ҳар қайси махлуқ танҳо ўзи овқатини ёки ётиш жойини топа олади. Мисол учун қушларнинг энг кичиги ва заифи чумчуқни кўз олдингизга келтиринг. Бу ҳақир жонивор кичкина тирноқлари ва заиф қанотлари билан бир умр ўз ҳаётини бировнинг ёрдамисиз ўтказди.

Лекин биз одамлар уларга нисбатан ҳар қадамда бошқаларнинг мададларига муҳтожмиз. Масалан, дастурхонимиз устида турган мана шу нону чойни олиб кўринг-а: бировнинг ёрдамисиз шуларга эга бўламизми? Ёки булар осмондан тушганми? Асло бундай эмас!

Балки фалон тожир бир жойдан темир олиб келган, бир темирчи уни сотиб олиб, тер тўкиб омочу қўш ясаган, бошқа биров ҳўкиз ва омочни олган, бир неча киши кеча-кундуз меҳнат қилиб уруғни ерга сепган, вақт ўтгач, деҳқон буғдойни ўриб, хирмон қилиб, минг заҳмат билан буғдойни майдалаб ун қилган, бозорга олиб чиқиб сотган, биров сотиб олиб сўнг фалон нонвойга сотган. Нонвой кўкрагини оловга бериб нон қилиб сотганда сиз уни

олиб келгансиз... Энди сизнинг бир луқма нонингиз учун қанча ҳамжинсларингиз саргардон бўлганлигини тушунгандирсиз?! Агар бошқаларнинг ёрдами бўлмаса, шу нонни қаердан олар эдингиз? Биргина нон эмас, балки кийим-кечак, оилангизнинг бошқа эҳтиёжларини ҳам олиб кўринг-а. Қанча одамнинг меҳнати бир нарса учун сарф бўлган! Шуларни эътиборга олиб айтамикки, одамлар табиатан жамият бўлиб яшашга мажбурлар. Барча мамлакатлар, миллатлар, ҳукуматлар шу табиий қонун натижасида майдонга келгандир. Одамлар мамлакат ва шаҳарларда жамоат бўлиб яшаганларидан сўнг қавму жамоаларга бўлиниб кетдилар. Бу қавмларнинг аъзолари бир-бирлари билан муайян муносабат ва муомалада бўладилар. Масалан, мен сиздан фалон миқдорда қарз олганман, сиз молингизни фалон миқдорга сотасиз ва ҳоказо... шундай бўлиши ҳам мумкинки, бу муносабат ва муомала мобайнида бизлар бир-бирларимизга жаҳл қилиб, урушиб ва ҳатто ўлдиришдан ҳам тоймаслигимиз мумкин.

Мошоллоҳ! Бир мамлакат ичида шундай тартибсизлик жорий бўлса, шубҳасиз, бу жамият тарқоқ қолга келади ва миллат инқирозга учрайди. Бас, аҳоли ўртасидаги муносабат ва муомалаларни тартибга соладиган қонунлар лозим, токи ўртамизда тушунмовчилик пайдо бўлиб, жамиятимиз паришон бўлмасин. Қуръони каримнинг баъзи ҳукмлари ва Наби (с.а.в.) ҳадислари одамларнинг ўзаро муносабат ва муомалаларини тартибга соладилар. Бунинг мажмуасини «муомалот»¹⁰³ дейдилар.

Инсон табиат қонунларининг ҳукми сабаб ҳамиша ўз манфаатларини ўйлайди. Манфаатни таъминлаш учун ҳаракат қилади. Инсофли ва иқтидорли одамлар ўз манфаатларини шаръий (қонуний) йўл билан таъминлашни хоҳлайдилар. Аммо шундайлар ҳам борки, манфаатларини тўғри йўл билан эмас, балки жаҳл, ўғрилиқ ва ношаръий воситалар билан амалга ошириб, ахлоққа зид ишлар билан машғул бўладилар. Қайси қавм ичида шундай одамлар кўп бўлса, бундай қавм ҳалокатга маҳкумдир. Шундай экан, бундай ишлардан бизни манъ қилмоқ учун қонун лозимдир.

Қуръони каримнинг баъзи оятлари ва ҳадислар шундай ношаръий муносабатларни манъ қилиб, гуноҳкорларга жазо белгилайди. Буни олимлар истилоҳан «Уқубот»¹⁰⁴ дейдилар.

Маълумки, одамзотнинг умри чегараланган, ҳамма бирин-кетин ўзини ажал панжасига топширади. Шу тариқа миллиён-миллиён одам ҳар йили ўлимга дуч келади. Одамзот шу талафот ўрнини тўлдирмаса, ерда одамдан насл қолмас эди. Ҳазрати Парвардигори ҳаким бу талафотни таваллуд қонуни билан тартибга солади. Одамлар таваллул ва таносул¹⁰⁵ соясида абадий инқироздан сақланадилар. Улар ўртасидаги эр-хотинлик муносабатлари шу ҳикмат асосида жорий бўлгандир. Бироқ бу иш ўз ихтиёрларида қолсалар, ўзларининг нафсоний ҳислари боис фасод ва паришонликда қолиб кетадилар. Шунинг учун ҳам одамлар ўртасида муборак никоҳнинг фойдалари жорий бўлган. Никоҳ ҳақида нозил бўлган Қуръони каримнинг баъзи оятлари ва баъзи ҳадиси шарифлар шариат ҳукмларининг «Манкуҳот»¹⁰⁶ мажмуасини ташкил қилади.

Одамлар ибтидодан бугунги кунгача бир муқаддас гайбий кучга ибодат қилиб келганлар. Башарият жамиятида ибодатнинг кўп фойдалари мавжуд: ҳақиқий ибодат руҳга таскин беради. Ибодат ахлоқни муҳофаза қилади. Ибодат оламни низомга киритиш учун мадад беради ва башарият жамиятида унинг мавқеи жуда баланддир, лекин ҳар бир қавмнинг ўзига хос ибодати ва ҳукмлари мавжуд. Ибодатимизнинг шакли ва ҳукмларини тартибга соладиган оят ва ҳадислар «Ибодат» мажмуасини ташкил қилади. Аҳли ислом саҳобалар ва тобеъинлар даврида бу тўрт қонунларни (муомалот, уқубот, маноқаҳот ва ибодатни) Қуръони карим оятлари ва Наби (с.а.в.) ҳадисларидан келиб чиқиб тузган эдилар, лекин шу хусусда алоҳида китоблари йўқ эди.

Вақт ўтиши билан аҳли исломнинг ижтимоий аҳволи ўзгариб кетди, олимлар замон эҳтиёжидан келиб чиқиб, зарур бўлган ҳукмларни, Қуръон ва ҳадиси шарифдан қиёс¹⁰⁷ ва *ижмо*¹⁰⁸ усулини ишлатиб китоблар ёздилар, натижада *фиқҳ* илми юзага келди. Мусулмонлар турли хил тушунмовчиликларга дуч келмасинлар деб, уламолар ҳукм чиқариш йўлини кўрсатиши учун *фиқҳ* илми усулини ҳам кашф қилдилар. Бу илмда биринчи бўлиб қалам юргизган олим Имом Шофеий¹⁰⁹ бўлади. Мазкур имом *фиқҳ* илмига оид китобининг муқаддимасида *фиқҳ* усули қоидаларини зикр этиб ўтган.

Бора-бора фақиҳлар бу илмни ривожлантириб, муста-

қил бир илм шаклига келтиридилар. Ҳанафия¹¹⁰ ва Шофеия мазҳаби¹¹¹ фақиҳлари бир-бирларига муқобил асарлар яратдилар. Шундан маълумки, уламолар фикҳ илмини замона тақозоси билан тартиб берганлар.

Жамиятда ўзимизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни билиб муҳофаза қилмоғимиз, ибодатимизнинг қоидалари ва тартиботини билмоқ учун фикҳ илмига муҳтожмиз. Фикҳ илмини билмоқчи бўлган одам фикҳ усулини ҳам яхши ўрганмоғи зарур. Зеро, фикҳ ҳукмларини, фикҳ усулу қоидаларини ўрганмасдан туриб татбиқ этиш — бу кўр-кўрона тақлиддан бошқа нарса эмас.

КАЛОМ ИЛМИ

Бу дунёда кўз олдимиздан ўтиб турадиган жамики ҳодисалар, коинотдаги рўй бераётган ғаройиботлар томошаси бизни чуқур ўй-фикрларга солмаслиги мумкин эмас. Офтоб чўкиб, бутун оламни тун зулмати қоплайди, ой чиқиб заминга табассумини таратиб, латиф бир манзара ҳосил қилади. Баҳор келиб, атроф келинлик либосига бурканиб, сабза-гул ҳид таратади. Қиш етиб келадию буларнинг барчасини супуриб ташлаб, қор кўрпасини ёпади. Инсон ўзига ато қилинган илоҳий неъмат бўлган ақли билан буларни томоша қилишгагина қаноатланмай, балки ушбу ҳодисаларнинг сабабини таҳлил қилиб, қатъий қарорга келадикки, буларнинг бари бесабаб эмас, балки коинотнинг устози, бирор-бир Холиқи мавжуддир?! Бу оламнинг яратувчилиқ ва коинот устози ким ва унинг жойи қаерда? Шу саволга жавоб беришга инсоннинг ақли ожиз қолиб, одамларнинг баъзи гуруҳлари хатодан ўзларини махлуқ-парастликка, одампарастликка, оташпарастликка солдилар. Қуръони карим баёнотининг бир қисми шу фикримизни дафъ қилиб, Вожиб таоло¹¹² ва унинг сифатларини бизга баён қилиб беради: «Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни тақво эгалари бўлишингиз учун яратган Парвардигорингизга ибодат қилингиз. У зот сизлар учун ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўлсин, дея мевалар чиқарди. Бас, билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаштирманг. Агар биз бандамизга туширган нарсадан (Қуръони каримдан) шак-шубҳада бўлсангиз, у ҳолда шунга ўхшаган биргина сура келтиринг ва Аллоҳ-

дан ўзга гувоҳларингизни чақиринг, агар ростгўй бўлсангиз»¹¹³.

«Кофирлар гумон қиладиларки, Аллоҳнинг фарзанди бор деб. Унинг фарзанди ҳам, шериги ҳам йўқдир, агар шериги бўлганда, уларнинг ҳар қайсиси ўзи яратган махлуқотлар хайринигина ўйлаб бир-бири билан жанг қилар, бири ғолиб келардию, олам вайрон бўларди»¹¹⁴.

Қуръони карим шу икки оят билан Вожиб таолонинг мавжудлиги ва ягоналиги, шериги йўқлиги тўғрисида таълим бериб, бу оятлар орқали Худованднинг Ҳай(боқий)-лиги, Олимлиги, Эшитувчи ва Кўрувчи, Қодир ва Муридлигини бизга тушунтириб беради. Аммо шу ўринда Қуръон ҳукмларини Аллоҳ Расули орқали нозил қилган экан, биз, аввало, ҳазрати Пайғамбарнинг набилигига ва Қуръони каримнинг ҳақлигига иймон келтирган бўлишимиз шарт. Бу икки матлабни Қуръони карим қуйидаги оятлар билан исбот қилади: «Ушбу Қуръон Аллоҳдан ўзга биров томонидан тўқилган бўлиши мумкин эмас. Балки У бутун оламлар Парвардигори томонидан келган ва (ҳақ эканлигига) шак-шубҳа бўлмаган ўзидан аввалги (Таврот, Инжил каби) муфассал китобдир». Ёки «уни (Муҳаммад) тўқиб чиқарган», дейдиларми?! Айтинг (эй Муҳаммад): «У ҳолда агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб, шу (Қуръон)га ўхшаш биргина сура келтирингизлар!»¹¹⁵

Яна бир андиша ҳам борки, башарият доимо шу фикр билан машғулдир; одам ўзининг умри давомида ажал панжасига учраган дўстлари ва яқинларини кўп кўради ва ўзининг ҳам бир куни шунга гирифтор бўлишини тушунади. Сўнг ночор фикр қиладики, кетганлар қаерга кетадилар? Биз ҳам борсак қаерга борамиз? Бечора одам ана шу матлабни тушунишдан фикри ва ақлини тамоман ожиз топади!

Ҳазрати вожибул-вужуднинг ўзи бу саволга ҳам самовий Китоби орқали жавоб бериб, бизни ҳайрат ва баҳсдан халос қилади: «Ҳар бир жон фақат Аллоҳнинг изни билан ва аниқ белгилаб қўйилган муддатда ўлади. Ким дунё савобини истаса, унга ўша истаган нарсасини берурмиз. Ким охира савобини истаса, унга-да истаган нарсасини берурмиз. Ва шукур қилғувчиларни муносиб мукофотлаймиз»¹¹⁶.

«Улар айтадиларки, бизни ўлгандан кейин ким ҳам

тирилтира оларди? Айт, эй Муҳаммад, сизни йўқдан бор қилиб яратган Зот», — деб¹¹⁷.

Шу Қуръоний ҳукмлар мажмуасини «ислом ақойидлари» деб атайдилар. Буларни билиш ҳар бир мусулмон учун вожибдир. Аҳли ислом асри саодатда Ақойиддан Қуръони карим ва Пайғамбардан таълим олардилар. Рисолатпаноҳдан сўнг мазкур ҳукмларни саҳоба олимлар Пайғамбардан қай тарзда таълим олган бўлсалар, шундай қилиб бошқаларга ўргатардилар. Ушбу таълим силсиласи то тобеъинлар даврларигача шу хилда эди. Ҳижрий 100 санага ҳам етмасдан мўътазилийлар¹¹⁸ жамоаси пайдо бўлди ва эътиқод масъалаларини юнонларнинг фалсафий қарашлари билан аралаштириб аср олимлари билан баъзи масъалаларда ихтилоф чиқардилар. Ҳатто ораларида қаттиқ баҳслар ҳам бўлиб ўтди, натижада эса мўътазилийлар голиб чиқдилар.

Айтадиларки, эътизолия мазҳабининг асосчиси ва соҳиби Восил ибн Аъто¹¹⁹ деб, лекин бу ривоят саҳиҳ эмас. Бу мазҳабнинг ваъзхони, асосчиси имом Абуҳошим Абдуллоҳ ибни Муҳаммад ибни ал-Ҳанифа ибни Али ибни Абутолиб¹²⁰ бўладики, Ибн Аъто унинг бир шогирди эди. Восил ибн Аъто имом Абуҳошимдан сўнг имом Ҳасан Басрий¹²¹ га шогирд бўлиб, ундан фазлу маърифатни ўрганди. Лекин охирида унинг мажлисига эътироз билдириб, эътизол (гўшанишин, узлатий) лақабини олди. Восил ибн Аъто 51 йил умр кўриб, 131 санада¹²² вафот этди. Агар бу киши ҳақиқатан мўътазилий воизи бўлмаганда эди (лекин илгари бўлган эди), аҳли суннат олимлари бу ҳақида баҳс юритмас, эътиқодини рад этмас эдилар. Шундан сўнг мўътазилийлар тоифаси «Калом илми»ни яратдилар. Аҳли суннатга муҳолиф бўлган бу эътизол арбобларининг таълимоти ақлий далиллар асосида исботлаб, кенг ва атрофлича тушунтиришдан иборат эди. Эътизол арбоблари ўзларининг матлабларини ақлий далиллар билан исботларди, бинобарин, уларнинг сўзлари ҳар бир эшитувчига таъсир қилиб, маъқул келарди. Аммо аҳли суннат олимлари нақлий далиллар билан мўътазилийларни мулзам қилмоқчи бўлдилар, бу мумкин бўлмасди, чунки одамларда ақлий далилларга рағбат кучлидир. Зотан, Қуръони карим ҳам ўзининг матлабларини ақлий далиллар воситасида исбот қилади. Аҳли суннат эса буни эътиборга олмади, ўзининг

қадимий маслакларидан бош тортди, натижада мағлуб бўлиб, майдонда мўътазилий уламоларнинг ўзлари қолдилар. Мўътазилийларнинг ишлари кундан-кун ривож топиб шу даражага етдики, 220 санада¹²³ имом Аҳмад Ҳанбал¹²⁴ ни мўътазилий мазҳабига дохил бўлмагани учунгина халифа Муътасим Аббосий¹²⁵ амри билан таъқиб қилиб, ушлаб ҳибс қилдилар. Ал-Восиқ Биллоҳи Аббосий¹²⁶ халифалиги замонида (228 сана) аҳли суннат ва аҳли жамоанинг Аҳмад ибни Абу Наср номли улуғ бир олимани халифа амри билан қатл қилиб, калласини Бағдод дарвозасига осиб қўйдилар. Шундан сўнг аҳли суннат ортиқ мухолифлик қилмасдан хоҳлаб-хоҳламай мўътазилий мазҳабини қабул қилди.

Бу мазҳаб камол топиб ривожланиб кетаверди, то шайх Абул Ҳасан Ашъарий¹²⁷ майдонга чиқмагунча ҳеч ким мўътазилийларга ошкор гапира олмасди. Шайх Абул Ҳасан Ашъарий Абу Али Алжабойи Мўътазилий¹²⁸ нинг биринчи шогирдларидан эди. 40 йил мўътазилий мазҳабининг тарафдори эди, бироқ бир муносабат билан устози ва унинг ораларида ихтилоф пайдо бўлиб, устози ҳузуридан чиқиб кетди. 15 кун уйдан чиқмай, аҳли суннат ақойидига оид китоб ёзди. Бу китобда мўътазилийларнинг эътиқод ва таълимотини ақдан кескин рад этди. Китобни ёзиб тугатгач, бир куни халқ масжидга тўпланиб турган вақтда ғайрат билан минбарга чиқиб, тўлиб-тошиб мўътазилия мазҳабининг ботил эканлигини эълон қилди ва ёзган китобини одамларга ўқисинлар, деб тарқатди. Бу муҳим воқеа 300 санада¹²⁹ воқеъ бўлиб, мўътазилий мазҳабига кучли зарба берилди. Шундан кейин мазкур мазҳаб халқ назаридан қолиб, одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб Ашъарий мазҳабини қабул қилардилар. Шу шайхнинг ғайрати ва ҳиммати туфайли мўътазилий мазҳаби барҳам топиб, аҳли суннат тазйиқдан халос бўлди. Ажабланарлиси шуки, аҳли суннат жамоасининг баъзи бир олимлари ўша вақтда шайх Ашъарийни кофирликда айблаб, қатл қилинишини талаб қилдилар.

Мазкур муқаддимадан маълум бўлганидек, то 300 ҳижрий йилгача аҳли суннат ақойидларини мудофаа ва муҳофаза қиладиган илми калом йўқ эди. Илми каломнинг бу қисмини шайх Ашъарий илмий муомалага киритди. Бир муддат шайх Ашъарийнинг ушбу усули аҳли ислом орасида жорий қилиниб равнақ топди, бора-бора ислом ула-

молари юнон фалсафасини калом илмига киритдилар, юнон назариётидаги инкор ва раддиялар туфайли калом илми баҳсталаб бўлиб қолди. Бу тариқа илми каломни биринчи бўлиб имом Ғаззолий ёзди. Аста-секин замон ўтиши билан ислом уламолари калом илми таркибига юнон фалсафаси матлабларини киритиб, мураккаб бир маъжун¹³⁰ тайёрладилар. Бизнинг орамизда машхур ва мўътабар бўлган калом китоби шу қабилдаги асардир.

Энди мақсадимизга қайтсак, калом илми биз учун лозимми ё йўқми? Баъзи бир фақиҳлар калом илми таҳсили ҳаром дейдилар, ҳатто Имоми Аъзамдан¹³¹ ривоят қиладиларки, у ўғлига калом илмини ўқишни манъ қилган экан. Имом Абу Юсуфдан¹³²: «Калом илми олимларининг орқасидан туриб намоз ўқиш дуруст эмас» деган нақл мавжуд. Имом Шофеъий буюрган: «Мен калом илми олимларини жазолашга фатво бераман». Бошқа кўпгина фикҳ олимлари ҳам шу имомлар изидан бориб, калом илми ҳаққига шу каби ҳукмлар чиқарганлар. Лекин камина юқорида арз этган маълумотга кўра, махсус аҳли суннатга тегишли калом илмини имом Ашъарий 300 санада замон тақозоси билан тартиб бериб ёзган эди. Имоми Аъзам 150 санада¹³³, Имом Шофеъий 204 санада¹³⁴ вафот этганлар, бинобарин айтиш мумкинки, бу имомлар имом Ашъарий томонидан замона талабига биноан кейинчалик ёзилган калом илмини кўрмаганлар. Бас, уларнинг танқидлари бу илмга нисбатан эмас, балки улар манъ қилган илм мўътазилий жамоаси томонидан ботил мазҳаб билан тарқатилган ва унинг ривожини учунгина яратилган калом илмидир.

Қани кўрайлик-чи, бугун орамизда жорий қилинган калом илмини ўқишимиз зарурмикан ёки йўқ? Аллома Ибн Халдун¹³⁵ ўзининг машхур «Муқаддима»сида калом илми хусусида узун мақола битиб, шундай хулосага келдики, бизнинг замонамиздаги илм толибларига калом илми лозим эмас, зеро, Аллоҳни инкор этувчи даҳрий ва ибтидоий одамлар ҳозирда йўқдир. Калом илми эса шуларнинг фикрларини рад этиш учун вужудга келган илм эди¹³⁶. Агар бу илми ўрганишдан мақсад мўътазилийлар ва юнон фалсафасини рад этиш бўлса, бунга ҳам ҳожат йўқ, чунки бугунги кунда мўътазилийлар ҳам, Арасту¹³⁷ ва Афлотун¹³⁸ нинг мухлислари ҳам қолмаганлар¹³⁹. Бундан ташқари қадим сафсаталар ҳикматини эътиборга олган

кимса дунёга келишни хоҳламайди. Аммо бу илмдан мақсад Вожиб таолонинг зоти ва сифатлари, набилик амри ва қиёмат кунини ақлий далиллар ҳамда қатъий ҳужжатлар асосида исботлаш бўлса, уни ўрганиш лозимдир. Энди иккинчи қисм нақлий илмларнинг баёнига киришамиз.

ЛИСОНИЙ ИЛМЛАР

Такрор ва такрор айтдикки, диний ва ижтимоий таълимотимиз Қуръони карим ва ҳадисларда мавжуддир. Қуръони карим ва ҳадислар эса араб тилидадир. Яна шарифатта оид аксар китобларимизни олимлар араб тилида ёзганлар. Бинобарин, шуларни тушунмоқ ва билмоқ учун араб тилининг сарфу наҳвини ўрганишимиз зарур. Лекин бу етарли эмас, балки Қуръони карим маъноларини чуқур тушунишимиз учун *балоғат илми*¹⁴⁰, *илми баён*¹⁴¹ ва *илми бадеъ*¹⁴² ни ҳам билишимиз лозим. Бу илмларни ўрганишимиз зарур эканлигига шак-шубҳа йўқдир. Лекин, шуни ҳам унутмаслик лозимки, бу илмларни ўрганиш шундай (ҳиссий) лаззат олиш учун эмас, балки зарурат юзасидан, олий диний маълумот олиш учун керак бўлади. Араб тилини диний илмларга эга бўлиш учун ўрганиш зарур. Бир умр араб тилини ўрганиб, диний илмларни ўзлаштирмаган одамлар адашганлардир. Бундай кишилар намоз ўқиш учун таҳорат қиламан, деб, таҳорат билан овора бўлиб, намозини қазо қилган кишига ўхшайдилар.

Энди, ҳурматли ўқувчи, нақлий илмларнинг иккинчи қисмига шарҳ берамиз.

ТАРИХ ИЛМИ

Тарих илми ўтган қавмларнинг умумий аҳволини бизларга ибрат ва дастуруламал қилиб нақл ва муҳокама этади. Бу илм, аввало, икки қисмдан иборат: 1. Муқаддас тарих. 2. Маданият¹⁴³ тарихи. *Муқаддас тарих* — анбиёлар аҳволи ва ҳазрати Пайғамбаримиз сийратларини бизга тушунтиради. *Жамият тарихи* эса уч қисмга бўлинади: 1. Илм ва адабиёт тарихи. 2. Табиий тарих. 3. Сиёсий тарих.

Илм ва адабиёт тарихи олимлар ва шоирлар тоифаларини, илмларнинг турлари, даражаларини ва ўрганиш усулларини текширади. *Табиий тарих* махлуқотларнинг истеъдоду қобилияти ва жонзотларнинг хосиятлари ҳақида маълумот беради.

Сиёсий тарих икки қисмдир: 1. Умумий тарих. 2. Хусусий-маҳаллий тарих. *Умумий тарих* оламнинг яратилиш вақтидан ҳозиргача дунёда пайдо бўлиб йўқ бўлган давлатлар, халқу миллатлар, уларнинг ҳаёт кечиришлари, тузумлари, йўқолиб кетиш сабаблари ҳақида фикр юритади. *Хусусий тарих* бир давлат ёки халқ тарихининг пайдо бўлиб, инқирозга учраш сабабларини ўрганadi. Тарих жуда қадимий бир илмдир. Юнонлилар энг биринчи бўлиб тарих ёзган қавмлардан ҳисобланади. Ислому зухур топиб тараққий этгандан сўнг уламоларимиз бу илмда ҳам анча саъй-ҳаракат кўрсатиб китоблар ёзганлар. Ҳатто тарих илмини ислоҳ қилиб фойда бахш этувчи фанга айлантирганлар ҳам мусулмон олимлари бўладилар. Аҳли исломларнинг тарих илмида ҳам маҳоратлари юксак бўлган, улар фойдали ва қимматбаҳо, тарихга оид асарларни ёзиб қолдирганлар. «Тарихи Абулфидо»¹⁴⁴, «Тарихи Ибн Халдун»¹⁴⁵, «Тарихи Табарий»¹⁴⁶ шулар жумласидандир. Шу учта муаззам китоб ҳам араб тилидадир. Бу асарларни фарангликлар (оврўпаликлар) ўз тилларига таржима қилганлар. Қайси миллат яшашни (равнақу тараққиётни) истаса, тарихини билиши лозим бўлади. Зеро, тарих бир кўзгуга ўхшайди, ҳар бир қавм ўзининг аҳволи ва ижтимоий ҳаёт қоидаларини унда кўриб, яхшини ёмондан фарқ қиладиган бўлади. Равшанроқ тушунтирсак, яъни қайси миллат юксалиш фикрида бўлса, ўтган қавмлар тарихига мурожаат қилади, уларни ҳалокатга етказган сабабларни билиб, уларни тарк этиб, бирон-бир миллатнинг ривожини ва тараққиётига сабаб бўлган қонунлар бўлса, уларни қабул қилади. Шунинг учун ҳам Ҳақ жалла ва аъло Куръони каримнинг бир қисмида ўтган қавмларининг тарихини беради. Агар бу илмда зарар бўлганда эди, Худованди карим Куръонда унга жой бермасди. Тарих илмининг зарурлиги ҳақида мана шу оятни келтиришимиз кифоя қилади: «Эй Муҳаммад, уларга тарихдан ҳикоя қил, токи ўтган қавмлар ҳақида (одамлар) билиб олиб, ўйласинлар ва ибрат олсинлар»¹⁴⁷.

ЖЎҒРОФИЯ

Жўғрофия – ер юзи ва ундаги аҳолининг аҳволини ўрганadi. Бу илм ҳам жуда қадимдир. Ислому уламолари уни юнонлилардан ўргандилар. Кўп олимлар жаҳд ва ҳаракатлар қилиб бу илмни ислоҳ этиб ривожлантирдилар. Ис-

лом уламоларининг баъзилари бу илмнинг ривожи ва тараққиёти учун Бағдоддан Чингача саёҳат қилиб, маълумотлар йиғиб бу илмни бойитдилар. Шундай олимларнинг баъзиларини зикр этамиз. Аллома Абу Исҳоқ Истахрий¹⁴⁸ 340 йили олам бўйлаб саёҳат этиб, жўгрофия илмига оид «Китобул-ақолим» («Иқлимлар ҳақида китоб») номли асар ёзди. Фаранг олимлари қадимий жўгрофияга оид бу асарни энг муътабар ҳисоблаб, ўз тилларига ўтирганлар. Ибн Ҳавқал ал-Маъсулий¹⁴⁹ 28 йил саёҳат қилиб 350 йили «Ал-масолик ва ал-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар») номли хусусий жўгрофияга оид, яъни Арабистон қитъаси ҳақида баҳс юритувчи асарини ёзди. Алломай шариф Идрисий¹⁵⁰ 493 йили таваллуд топиб, 576 йили вафот этган, жўгрофия илмининг буюк намояндаларидан саналади. Рум, Миср, Андалус, Марокаш, Фаронса ва Ингилитар (Британия)га саёҳат қилиб Сажилиё (Сицилия)га келиб, шу ернинг подшоҳига кумушдан ер куррасини ясаб берган ва жўгрофияга оид «Нусхатул-муштоқ фи ахборил-офоқ» номли асар ҳам ёзган. Хулласи калом, ислом уламолари жўгрофия фанининг ривожига катта ҳисса қўшганлар, ислом алломаларининг кўплари бу илм билан шуғулланганлар. Биз шуларни зикр этганимиз кифоя.

Энди жўгрофия фани бизга керакми-йўқми деган саволга келсак, шуни айтишим лозимки, биринчидан, бир мулк тижоратини ривожлантириш учун бу илмни ўрганишимиз зарур. Иккинчидан, шу нарса маълумки, одамлар тараққиётга мойил бўладилар. Фитрату ақллари тақозоси билан икки дунё саодатига ноил бўлиш учун ҳаракат қилдилар. Шунинг учун ҳам одамлар аксар халқларнинг тарихи, ишлари ва ижтимоий қоидаларини билиб, ўзларига ибрат кўзгуси қилиб оладилар, миллатларнинг таназзул ва йўқ бўлишига олиб келган сабаблардан ҳазар қилиб, қайси қавм майдонга келиб тараққий этган бўлса, шу қавмнинг ривожланиш воситаларини билиб олиб, унинг йўлини танлайдилар. Шуни эътиборга олиб, Қуръони мажидда Худованди таоло ва аъло буюради: «Ўтган қавмлар қилмишларининг оқибатини билмоқ учун булар саёҳат қилмайдиларми?»¹⁵¹

«Эй мусулмонлар, албатта, сизлардан олдин қавмлар бўлган, ўрталарида қоида ва қонунлар бор эди, бас, сизлар саёҳат қилинглр. Пайғамбаримиз сўзларига кирмаган қавмларнинг ҳоллари нима бўлганлигини кўринглр»¹⁵².

Шундай қилиб, Аллоҳ таоло бу оятлар билан бизга ибрат олиш учун саёҳат қилишга буюради. Лекин бундай саёҳатларни жўғрофия илмини билмасдан амалга ошириш қийин. Иккинчидан, маълумки, саёҳат ҳар бир кишига ҳам тўғри келмайди. Шунда саёҳатга қодир бўлмаган киши бир жойда туриб Аллоҳ амрини бажараман деса, тарих ва жўғрофияни яхши билиши лозим.

Энди ақлий илмларнинг баёнига ўтамыз. *Ақлий илмлар* инсон фаолияти ва кашфиётларининг натижасидир. Бу илмлар умумий ва хусусий бўлмайди, яъни бу илмлардан бирини насроний илми, бирини мусулмонлар илми деб атаб ҳам бўлмайди. Бу илмлар инсоний-илмлар, ҳар бир инсон жинси ва мазҳабидан қатъи назар улардан баҳраманд бўлиши мумкин. Бу илмларнинг умумий ҳайъатини ҳикмат дейдилар, у уч қисмдан иборат. 1. Табиий илм. 2. Риёзий илм. 3. Фалсафий илм. *Табиий илм* ўз навбатида бир неча қисмдан иборат: 1. Табобат илми. 2. Табиий ҳикмат илми. 3. Наботот илми. 4. Махлуқот илми. 5. Маъданлар илми.

ТАБОБАТ ИЛМИ

Бу илмлар мажмуаси инсон аъзоларининг касалликлари ва уларнинг даволаниши йўллари билан бизга тушунтиради ва бир неча қисмга бўлинади:

1. Илмул-амроз (касалликлар ҳақидаги илм);
2. Илми муфрадоти адвия (доришунослик илми, дорилар ҳақидаги илм);
3. Илми ташриҳ (инсон аъзоларини ўргатувчи илм, анатомия);
4. Илми ансож (жисмоний тарбия илми);
5. Илми манофеъул-аъзо (инсон аъзоларининг манфатлари).

Илмул-амроз инсонда учрайдиган касалликларнинг шакли ва мушкilotларини ўргатади. *Муфрадоти адвия* илми дорилар тайёрлаш ва уларни истеъмол қилиш ҳақида баҳс юритади. *Ташриҳ илми* инсон аъзоларининг тузилиши, таркиби ҳақидаги фандир. Фарангларнинг бугунги кунда барчани ҳайрон қолдирган жарроҳлик фанлари ана шу илм соясида шакллангандир. *Ансож илми* инсон баданининг тарбияси тўғрисида сўз юритади. *Манофеъул-аъзо* илми эса ҳар бир аъзонинг вазифа ва хизматларини изоҳлаб беради. Тиббий илмнинг мазкур учта қисми бизга очиқ-ойдин

шуни кўрсатадики, Ҳазрати Холиқ инсон вужудидаги ҳар бир зарра ва узви беҳуда ва бефойда қилиб яратмаган ва қодир Аллоҳнинг ҳикматига иймонимиз комилдир.

Табобат илмини ислом уламолари юнон ва ҳиндлардан олиб, шу қадар ривожлантириб такомиллаштирганларки, бугунги донишманд фаранг ҳақимлари ҳам уларнинг номларини камоли эҳтиром билан тилга оладилар. Ифтихоримиз бўлган ислом оламининг собиқ табиблари ҳозирги Туркистон табибларига ўхшаб, катта оналаридан ўрганмаганлар, уларнинг табобати ҳозиргиларникига ўхшаб шарбатфурушлиқдан иборат эмасди, балки табобат илмини таҳсил олиш, тадрис қилиш орқали эгаллаганлар. Уларнинг фикри доим шу илм билан банд бўлган. Табиблар бу соҳада янги бир кашфиёт қилиш, ё янги даволаш усулларини топиш, ё шу илмда китоб ёзиш хаёлида юрганлар. Энди фикримизнинг исботи ва қориларимиз мулоҳазаларини ойдинлаштириш учун машҳур ислом табибларининг баъзиларини зикр қиламиз.

Аллома Абу Бакр Розий¹⁵³ ислом дунёсида табобат илмининг асосчиси ва сардорларидан бири. У 240 ҳижрий санада Рай, ҳозирги Эроннинг пойтахти Техронда таваллуд топиб, илм ва фан таҳсили учун Шом, Ироқ, Андалусия, Мисрга сафарлар қилиб, бир муддат Бағдодда, бир муддат Райда табиблик қилган. Бухорода ҳам амир Мансур ибн Исмоил саройида бош табиблик қилиб, шу ерда машҳур асарларидан бири «Ал-қуношул-Мансурий»ни Амир Мансур¹⁵⁴ номига атаб ёзган. Ҳақимлик илмининг ҳар бир соҳасида маҳорат соҳиби бўлиб, уларга оид китоблар ёзиб қолдирган. Розий чечак ва қизамиққа қарши тиббий тадқиқот олиб борган биринчи табиб бўлиб ҳисобланади, бу касалликларга оид ёзган рисоласи бугунгача Фарангистонда эътиборли ва машҳурдир. Бу аллома 180дан зиёд китоб ёзиб қолдирган. Китобларининг аксари тиб ҳақидадир. Машҳур асарларидан «Ал-ҳовий» (уч жилддан иборат) тиб илми ҳақида, «Ҳайъатул-олам» коинот илмига оид, «Ал-Мансурий» тибга оид китобларини фаранглар ўз тилларига ўйирганлар. Бу машҳур табиб 320 ҳижрий санада вафот этган. Бу олимни ҳам баъзи «азизлар» кофир деб эълон қилганлар.

Абулҳасан Али ибн Ризвон Мисрий¹⁵⁵ ҳам ислом (олами) табибларининг биринчиларидан эди. Отаси бир камбағал нонвой бўлган. Ибн Ризвон Мисрда таҳсили илм

қилиб, аввал нужум илмида маҳоратини тамом кўрсатиб дарс бера бошлади, шу илм орқасидан тирикчилик қилди. Кейин илми тиб таҳсилига машғул бўлиб, замонасининг буюк табибига айланди. Тиб илми, ҳикмат ва фалсафа илмларига оид 80 адад китоб ёзиб қолдирган.

Ибн Синонинг номи билан қиёматгача фахрлансак арзийди. У 370 йили¹⁵⁶ Ромитан туманида оламга келган. 18 ёшида замонасининг ҳамма илмларини ўрганиб, тиб ва ҳикмат илмида қўли баланд олим бўлган. Худо берган ақлу заковати бунга гувоҳдир. Юздан ортиқ ёзган китобларининг аксари тиб ва ҳикмат илмига оиддир. Баъзи асарларини оврўпаликлар таржима қилганлар. Хусусан, «Ал-қонун» асари яқингача тиббий мактабларида дарслик сифатида ўқитиларди. Бухоронинг баъзи муллоароқлари шундай фазилатларга эга бўлган инсонни ҳам кофир деганлар. Сино уларга жавобан айтибди:

*Куфри чу мане газофу осон набувад,
Маҳкамтар аз иймони ман иймон набувад.
Дар даҳр чу ман якеву он ҳам кофир,
Бас дар ҳама даҳр як мусулмон набувад.*

Яъни:

*Мани куфрим беҳудаю осон бўлмайди,
Иймонимдек маҳкам иймон бўлмайди.
Даҳр аро танҳо мену у ҳам кофир бўлса,
Бас, даҳр аро бир мусулмон бўлмайди.*

Ибн Сино 428 йили¹⁵⁷ рамазон ойида Ҳамадонда вафот этган. Мусулмонлар орасида табобат илмининг эътибор ва шарафи шу даражада бўлганки, нафақат ислом олимлари, балки Ҳазрати фаҳри коинот алайҳи афзал-уттаҳҳиёт ҳам бу илмга катта аҳамият берганлар.

«Худованд дард берган, илло унинг давосини ҳам бергандир», деган Саҳиҳи Бухорий «Китоб ат-тибб»да¹⁵⁸.

Муслим эса «Ҳар бир дарднинг давоси бор. Қачон давосини топса, Аллоҳ изни билан офият топажак», деб ёзган «Китоб ус-салом»¹⁵⁹ ида.

«Жомеъ ус-саҳиҳ»да (айтилишича) «Ҳазрати Расули акрамдан сўрадилар: «Модомики, ҳар бир иш қазо ҳукми ила содир бўлади, бас, беморларни даво қилиш нимага керак?» Ҳазрат жавоб бердиларки, «Даво ҳам қазо ҳукмида Худонинг амри билан нафъ беражак», деган ҳадис бор.

Бизда табобатнинг йўқлигидан бечора миллатимизнинг зое бўлиб кетаётгани (турли касалликларга йўлиқиши) йилдан-йил кўпайиб кетмоқдаки, бу андиша кишини ларзага солади. Минг хил касалликлар орамизда бемалол кўпайиб бормоқда. Жуда кўп ёшларимиз сил ва иситма ҳужумидан оёқдан йиқилиб, жаҳонни ҳайрон қолдирмоқдалар. Қанчадан-қанча дилкаш гўдаклар шамоллаш ва чечакдан жон бериб, ота-боболарининг юрагини порاپора қилмоқда. Айниқса, ёз ойларида шаҳарларда ва қишлоқларда даволаниш иштиёқида юрган, иссиғини (иситмасини) табибларга очиб кўрсатаётганларнинг қанчаси ширин жонларидан маҳрум бўлмоқдалар. Муҳаммаднинг юзлаб умматлари жароҳатларига малҳам бўладиган дори орзусидадирлар, уларнинг чеккан нолаи оҳларидан малоикалар қалбига ҳам изтироб тушади.

Сиз бир марта заҳмат чекиб Бухоро қишлоқларини кезиб чиқсангиз, баланд қасрлар, дилочар манзиллар, фараҳбахш боғлар, жаннатмакон ерларнинг одамсизликдан хароб бўлиб шўразорларга айланиб ётганини кўрасиз.

Нечун ҳам биз бухоролиларнинг аҳволига кўз ёш тўкилмасинки, қачон ҳар бир қозоқ ўзининг туялари, ҳар битта чўпон қўйларнинг ҳисобини, ҳолини билса-ю, бизнинг ҳукуватимиз эса раиятининг сонидан ва ҳолидан беҳабар бўлса?! Шунинг учун ҳар йили табобатнинг йўқлигидан зое бўлиб кетаётганларнинг ададини бизга маълум қилмайдилар. Аммо тараққий этган мамлакатларда одат бундай эмас, уларнинг ҳукувати махсус дафтарларда раиятнинг сонини ҳисоблаб, таваллуд топган ва вафот этганларни қайд қилиб турадилар. Ҳар йили бу ҳисобларни текшириб, рўзномаларда эълон қиладилар. Агар бу йил ўтган йилга қараганда кўпроқ одам ўлган бўлса, ё туғилиш камайган бўлса, шу давлатнинг катталари изтироб ва хавотирга тушиб, унинг сабабларини қидириб, бартараф этишга тушадилар. Биз бечора бухоролилар ҳар йили ватанимизнинг мингларча авлодини тупроққа топширамиз-у, аммо бир кишининг ҳам юраги куймайди...

«Сизларнинг ҳар бирингиз ўз тобеъларингизга нигоҳбондирсизлар. Сизларнинг ҳар бирингиз итоатингиздагилар аҳволи учун Аллоҳ олдида масъулдирсизлар», — деган Бухорий «Китобул-истихроз»¹⁶⁰ ида. Шу ҳадисдан маълум бўладики, ҳакимларимиз бу табибсизликдан бизга етаёт-

ган талафотлар учун Аллоҳ ҳузурида ҳисоб берадилар. Бас, бу жиҳатларни тезроқ эътибор назарларига олиб, мамлакатимизни ва миллатимизни табибсизлик балосидан халос қилиш уларга лозимдир.

Биз мамлакатимизда табибларни кўпайтириш хусусидаги фикрларимизни «Ҳинд сайёҳи»¹⁶¹ асаримизда ёзган эдик, бу жойда такрорлашни лозим кўрмадик.

КИМЁ ИЛМИ

Жисмлар ҳақидаги илмдир. Уларнинг табиати ва хосиятларини бизга тушунтиради. Бу илм фаранглар табобат илмининг ҳар бир соҳаларига ҳайратомуз катта дахли бор.

ТАБИАТ ИЛМИ

Коинотдаги жисмларнинг мавжудлик сабаблари ҳақида баҳс қилади. Фарангларда юзага келган ва келаётган ҳар бир фан шу илмга боғлиқ. Уларнинг онаси шу илмдир.

ИЛМИ НАБОТОТ

Ўсимликларнинг турли навълари, хосиятлари, уларни ўстириш ва озикланиши ҳақида баҳс юритади.

МАХЛУҚОТ ИЛМИ

Турли хил махлуқлар, уларнинг табиатлари ва хосиятлари ҳақида маълумот беради.

МАЪДАНЛАР ИЛМИ

Маъданларнинг келиб чиқиши, навълари ва хосиятлари ҳақида баҳс қиладиган илмдир.

Энди кўрайлик-чи, табиий илмларни ўрганиш бизга лозимми ёки йўқ? Асар(имиз)нинг бошиданоқ доим ва такроран айтиб келяпмизки, «Одамнинг ҳаётий ғояси икки дунё саодатига эришишдир». Қайси қавм шундай саодатга эришишни хоҳламаса, махлуқлардан фарқи бўлмас. Охира-т саодатига эришиш учун иймони комил ва солиҳ амал даркор, дунё саодати эса саъй-ҳаракатни талаб қилади...

Дунё саодатига эришиш учун қандай ҳаракат қилиш лозим? Оврўпа халқларининг аҳволи бизга ибрат бўладир. Улар ниҳоятда тез тараққий йўлига кириб бардам қадам

ташлайдилар; поездлар, тайёралар ишлаб чиқариб, бир ҳафталик йўлни бир неча соатда босиб ўтадилар. Телеграфлари орқали ер юзидаги ахборотни бир кечада билиб оладилар. Олдин телеграф учун ҳам сим ва ёғочга муҳтож эдилар. Бугун эса ҳеч қандай сим ва ёғочсиз кўзга кўринмайдиган воситалар билан олам аҳволидан хабардор бўладилар. Шундай кашфиётларни ҳам кам деб билиб, янги-янги ихтироларга қўл урадилар. Бизни ҳайрат ва таажжубда қолдирмоқдалар. Уларнинг энг кичик бойлари ҳам бизнинг бойларимиздан ўн баробар кўп бойликка эга. Улар орасида шундай давлатдорлар борки, хоҳласалар Бухорони сотиб оладилар. Шунча буюкликларга қарамай, улар билан юзма-юз ўтириб: «Сизлар роса тараққий этгансизлар» десангиз, жавоб берадиларки: башарият ҳали гўдаклик давридадир. Бу тараққиётимиз жуда нисбий, инсон қудрати кўп нарсаларга қодир. Олдинги одамлардан бизнинг фарқимиз шуки, улар ўзларини олим ва иқтидорли деб билган. Бизлар эса шунча таҳқиқ ва тадқиқдан сўнг ўзимизни жоҳил ва ожиз эканлигимизни билдик. Шундай экан, башариятни гўдаклик ва нодонликдан қутқариш учун ҳаракат қилмоғимиз зарур: Оврўпа халқларининг тараққиёт мартабалари шунчалик.

Шу нарса ҳам муқаррарки, инсон инсонлиги учун ҳам ё тараққий этиши лозим, ёки инқирозга дуч келиши даркор. Тараққий йўлидан юрмаган жамоа ўз ҳолида ҳамиша бир хил бўла олмайди, яъни кун сайин кўрсаткичлари пасайиб кетади. Айтишингиз мумкинки, биз бухоролилар тараққиёт йўлига кирмасдан ҳам яшаяпмиз-ку, деб. Жавоб берамиз: ҳаётимиз касалманд одамнинг ҳаётига ўхшайди. Кун сайин жисмимиз заиф ва қонимиз камайиб боради. Шу ҳолда бирон-бир билимдон табиб олдига бориб дору-дармон олмасак, бугун ёки эрта ўлим топишимизга шубҳа йўқ. Бугун ҳаммага маълумки, биз олам саҳнасида яшаяпмиз. Лекин яна юз йил шундай яшашимиз мумкинлигини ақлан ва амалан исбот қилиб берадиган одам борми? Бир мулоҳаза қилинглр-а, миллатимиздан ҳар йили минглаб одам турли касалликлардан нобуд бўлмоқдалар, наслимизнинг баракасиям қолмаяпти, ҳар йили бойларимизнинг кўпи касод бўлмоқдалар, тижоратимиз ўзгаларнинг қўлига ўтмоқда; ҳар йили минглаб таноб обод ерларимизни шўр босиб, қишлоқларимиз хароб бўлиб, укки-

ларнинг уяларига айланмоқда! «Ҳовуздан ҳам томчилаб сув олсалар қуриб кетади» деган машхур бир масал бор. Ҳар куни шунча зарар кўра туриб, яна юз йил яшай олишимиз мумкинлигини ким айта олади? Миллий ҳаётимиздан ё воз кечишимиз лозим, ёки бошқа миллатлар сингари тараққий қилишимиз керак!

Ажабо, қандай қилиб тараққиётга эришамиз? Тараққиёт йўлини излаб топиш ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Чунки бошқа миллатлар узоқ йиллар тажриба ва тадқиқ этиб башарият учун тараққиёт йўлини очганлар. Улар босиб ўтган йўл билан юришимиз керак. Диққат қилсангиз, уларнинг динларини қабул қилинг, демаймиз. Биз мусулмонмиз ва то абадгача мусулмон бўлиб қоламиз, фақат дунёвий ишларимизни тартибга келтириш учун уларнинг йўлидан боришимиз зарур, бошқа иложимиз йўқ. Сизга ҳам маълумки, тижорату зироат, фабрикалар қуриш, поезд яшашнинг ўрганиш дин ва эътиқодга ҳеч алоқаси йўқ. Улар ҳамма тараққий асбобларини табиий илмлар ёрдамида қўлга киритганлар. Бас, бизга ҳам табиий илмларнинг таҳсили лозим ва зарур. Бундан ташқари айтдикки, табиий илмлар диний эътиқодларимизни ҳам камол даражасига кўтарди.

«У ерни ёйиқ қилиб яратиб, унда тоғлар ва дарёлар пайдо қилган зотдир. У ердаги ҳар бир мевани иккитадан жуфт-жуфти (яъни, эркак-урғочи) билан яратди, у кечани кундуз устига ёяр. Албатта, бу (мисолларда) тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир»¹⁶². Бошқа оятларни ҳам келтириб, фикримни тушунтиришдан олдин ҳурматли қориларнинг диққатини шу оятнинг бир жумласига жалб қилмоқчиман. Бу шариф жумлаларнинг маъноси шулким, ўсимлик ҳам ҳамма махлуқлар сингари урғочи ва эркакдан иборат, бир-бирлари билан қўшилиб ҳомила пайдо қилади ва насл беради. Лекин ҳурматли муфассирларимиз (шарҳловчиларимиз) ўсимликларнинг таваллуди ва таносилини ақлларига сиғдира олмайдилар. Шунинг учун ҳам бу ояти каримани таъвил қилиб, зоҳирий маъносини берганлар. «Завжайн»¹⁶³ калимасини «синфайн»¹⁶⁴ деб тафсир қилганлар. Бу ҳолда ояти кариманинг маъноси қуйидагича бўлади: «Аллоҳ ҳар бир мева ва ўтларни навъ-навълари билан яратган, бири ширин, бири аччиқ бири оқ, бошқаси қора». Ақли солим эгалари озгина диқ-

қат қилиб бу тафсирнинг хатолигини тушунадилар. Аммо наботот илмидан хабари бор одам, яхши биладики, ўтлар ҳам махлуқларга ўхшаб ургочи ва эркак қилиб яратилган. Улар бу ояти карима маъносини зоҳирий маъносига қараб чиқармайдилар, бу эса табиий илмларнинг фойдасидандир. Ўз матлабимизга қайтиб бошқа оятларни зикр қиламиз: «Аллоҳ осмондан сув – ёмғир, қор ёғдириб, уни ердаги булоқларга чашмалар қилиб оқизиб қўйганини кўрмадингизми? Сўнгра у (сув)нинг ёрдамида ранго-ранг экин-тикин чиқарур, сўнгра у курур, бас, сиз уни сарғайган ҳолда кўрурсиз, сўнгра (Аллоҳ) уни хас-хашакка айлантирур. Албатта, бунда ақл эгалари учун эслатма-ибрат бордур»¹⁶⁵.

«Айтгин, эй Муҳаммад, ерда ва осмонда бўлган ҳикматларни кўриб ва илоҳий қудратнинг камолига иймон келтиринглар»¹⁶⁶.

Шу ояти карима бизга буюрадики, ер ва осмонда мавжуд бўлган илоҳий кучларни тадқиқ қилиб, уларнинг фитрий қоида ва қонунларини кашф этиб, Аллоҳнинг илм ва қудрати камолини мушоҳада этайлик ва шу восита орқали иймонимизни комил этайлик. Табиий илмлар бизларга хилқатнинг илоҳий қонунларини тушунтириб, иймонимизни комил қилади.

Бунча гапни ўзи тўқиб чиқаряпти, деб ўйламанглар. Кўпгина ислом уламолари шу хусусда анча китоблар ёзганлар. Лекин бизлар гафлатда қолиб, уларни ўқишдан маҳрум бўлганмиз. Жумладан, фазилатлари ошкор бўлган Имом Ғаззолий «Мезон ул-амал» китобининг бир муфассал мақоласида бизнинг мавзуимизни шарҳлаган. Хотирингизни жам қилмоқ учун уни (Имом келтирган оятни) қисқача таржима қиламан. Имом: «Агар сен табиий илмлар воситасида ўзингга тадқиқ назари билан қарасанг: гўшт, суяк, пай, томирларингни билиб олсанг, хизматингда бўлган жозиба, ҳазм қилиш, мосика (инстинкт), дофия қувваларингни мулоҳаза қилиб кўрсанг, уларнинг вазифалари қанақалигини, қай тартиб ва интизом билан бу вазифаларни бажараётганларини кўрардинг», – деб ёзади. Ояти кариманинг маъноси шулдир. Бу масалага бир мисол билан шарҳ берамиз. Тасаввур қилинг, икки кишидан бири олим ва фоқиҳ, иккинчиси жоҳил ва саводсиз. Фараз қилингки, уларнинг иккови ҳам Имом Аъзамга эътиқод қўйган. Лекин жоҳил киши Имом Аъзам фази-

латларини бошқалардан эшитиб эътиқод қилган. Аммо фоқиҳ одам Имом сўзларини китобларидан мутолаа қилиб, ҳарфма-ҳарф таҳлил ва тадқиқ қилган, муаллифнинг мартаба ва даражасини мушоҳада қилган. Фоқиҳ одамнинг Имом Аъзамга нисбатан эътиқоди жоҳилга нисбатан кучли ва тўғрироқ эканлигига шак-шубҳа қолмайди. Аллоҳга иймон келтиришда ҳам табиий илмлар уламолари бошқалардан шу билан фарқ қиладилар. Имом Ғаззолий сўзлари шу ерда тугайди... Табиий илмларнинг зарурлигига шубҳангиз қолмади деб ўйлаб, мен яна ўз мақсадимга қайтсам...

РИЁЗИЙ ИЛМЛАР

Илмнинг бу бўлими тўртга бўлинади. 1. Ҳисоб. 2. Жабр. 3. Ҳандаса. 4. Ҳайъат.

Ҳисоб илми сонларнинг ёзилиши, санаш, масалаларнинг ечиш усулларини тушунтиради. Бу илмнинг қанчалик зарурлигига ҳеч бир шубҳа йўқдир, зеро биз маданиятли бир халқмиз. Ваҳшийларга ўхшаб тоғу саҳроларда ҳаёт кечирмаймиз. Бинобарин, бир-биримиз билан муомала, олди-берди қилишга мажбурмиз. Бир жамоанинг муомала ва олди-бердиси ҳисоб илмисиз ғоят мушкулдир. Хусусан, тижоратда ҳисоб илми бўлмаса хатарлидир. Ҳар йили бизнинг тожирларимиз кўраётган зарарларнинг бир қисми дафтардорлик илмининг йўқлигидандир, чунки у ҳисоб илмининг бир қисмидир. Бизнинг мамлакатимиздаги кўп тожирларнинг ҳисоб дафтарларини на ўзлари, на мирзалари, на шериклари, алҳосил, Худодан бошқа ҳеч ким билмайди. Шунинг учун ҳам уларнинг давлатларининг бир қисмини мирзалари ва бошқа бир қисмини гумашталар чўнтақларига урадилар. Бой бобонинг ўзлари эса икки-уч йилдан сўнг ғалвир сувдан қуруқ чиққандек қуп-қуруқ бўлиб, ишдан қўл тортиб уйда ўтириб қоладилар. Биз Бухоронинг қанчадан-қанча тожирларини таниймизки, уларнинг мирзалари бутун хўжайинларидан кўра давлатмандроқ бўлиб юрибдилар! Буларнинг барига ҳисоб илмини ва фароиз илмини билмаслик сабабдир. Фараз илмини ҳисоб илмини билмасдан туриб ўрганиб бўлмайди.

Жабр илми ҳисоб илми қоидаларини умумий ва мухтасар ҳолда ифодалаб, ҳисоб ҳукмларини осонлаштиради. Бу илми Муҳаммад ибн Мусо¹⁶⁷ деган ислом олими кашф

этган. Оврўпалилар мазкур илмни мусулмонлардан олганлар. Бу илм ҳисоб илмининг охириг босқичи бўлиб, уни ўрганиш зарурдир.

Ҳандаса. Ашёларнинг шакли, масоҳати, узунлигини ўргатадиган илм. Маданий халқлар бу илмни ҳам билишлари шарт.

Ҳайъат (астрономия) — самовий буржларнинг шакллари, кучи, узоқ-яқинликлари, ҳаракатларини ўрганувчи фан. Ислом олимлари бу илмнинг тараққиёти учун жуда кўп ҳаракат қилганлар. Бу илмни билмоқ инсон иймони-ни комил қилади. Ҳатто бу хусусда баъзи уламолар: «Бу илмни билмаганлар илоҳий қудратнинг баркамоллигини тушунмайдилар», — деганлар.

«Кимки ташриҳ илми ва ҳайъатни билмаса Аллоҳни таниб олишда ҳам ожиздир. Зотан, Қуръони карим ҳам шу маънони таъкидлайди», — деб ёзади Имом Ғаззолий.

«Осмонлар ва ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун (бир яратувчи ва бошқариб тургувчи Зот мавжуд эканлигига) аломатлар борлиги шубҳасиздир»¹⁶⁸, — дейилган Қуръони каримда.

Самовий жисмларнинг яратилиши ҳақида фикр ҳосил қилиш ва илоҳий қудратнинг камолини англаш учун инсонга ҳайъат илмини ўрганиш зарурдир.

ФАЛСАФИЙ ИЛМЛАР

Энди ақлий илмларнинг учинчи қисми, илмлар мажмуасининг охири бўлган фалсафий илмлар хусусида баҳс юритамиз. Бу илм тўрт қисмга бўлинади: 1) руҳ илми; 2) ахлоқ илми; 3) илоҳиёт; 4) мантиқ.

Руҳ илми. Ҳазрати Парвардигор башар тоифасини неъмат азим бўлмиш ақлга мушарраф этган, шунинг баробарида инсоннинг дунё ва коинотдаги ҳамма ҳодисалардан бепарво, лоқайд қолиши мумкин эмас. Одам табиатан ҳар бир нарсанинг ҳақиқатини тамоман билгиси келади. Масалан, мен бир дўстимнинг ҳузурда ўтирган вақтимда, ўнта бир жойдан муҳрланган мактуб келсаю дўстим мендан пинҳона уни ўқиш билан машғул бўлса, мен у мактубнинг мазмунидан беҳабар қолиб, тасвирлаб бўлмайдиган изтиробда қоламан. Бундай ҳолат ҳаммада турли хил тарзда содир бўлади. Инсон биргина мактуб-

нинг мазмунини билмаганлигидан шунча изтиробга тушар экан, унинг рўпарасида содир бўлаётган бу дунё ҳодисаларидан изтиробга тушмаслиги амри маҳолдир. Масалан, ал-ассабоҳ¹⁶⁹ дунёнинг бир тарафидан доира шаклидаги бир жисм баландга кўтарилиб, оламини мунаввар қилади ва бир неча соатдан сўнг бошқа тарафга қараб ботиб кетади-да, дунёни ғариблар бахтидек қоп-қора қилади. Ажабо, бу доирасимон жисм нима эди? Бу қоронғулик қаердан?

Қиш фаслида ер юзини қаттиқ жисмлар қоплаб, қор ёғади. Кўз билан кўриб бўлмайдиган бир қувват аъзои баданимни титратади. Бир неча ўтин ёқиб, ўзимни оловга тутсам, асли ҳолатимга қайтаман. Бу қандай асрор экан? Кеча тануманд¹⁷⁰ ва соғлом эдим, еб-ичардим. Бугун вужудимда ҳарорат кўтарилган, қўлим ишдан, ўзим ейишдан қолдим. Бу ўзгаришнинг сабаби нимада?

Хулоса шуки, одам ҳар бир ҳодисани кўриб, савол бермаслиги ва унинг ҳақиқатини билиши учун майл, ғайрати бўлмаслиги мумкин эмас. Шу сабабдан башарият узоқ йиллардан буён оламдаги ҳодисаларни татбиқ қилиб, ҳосил бўлиш сабабларини билиб, бу саъй-ҳаракатларининг натижасида табиий илмлар вужудга келди. Лекин одамнинг мушкулларни писанд қилмас табиати булар билан кифояланмасдан, аввалгидек ҳаракат ва қидирувладир. Масалан, табиий илмлар жумласидан бўлган ташриҳ илми аъзои баданимизнинг тузилиши, таркиби, тартибини бизга ўргатади. Манофеъул аъзо илми эса ҳар бир аъзоимизнинг вазифа ва хизматларини баён қилади. Бу икки илм бизга одамнинг териси, гўшти, суяк ва томирлари ҳақида баҳс юритади. Агар одам фақат шу тери ва гўштлардан иборат бўлганида эди, мен манофеъул аъзо илми билан қаноатланардим. Ваҳоланки, шубҳасиз, одамнинг вужудида тери, гўшт ва суяклардан ташқари яна бошқа нарса ҳам борки, бизнинг тириклигимиз ҳам шундан, шу нарса баданимиздан парвоз қилиб чиқиб кетса, жисмимиз сасиб кетган бир лоша¹⁷¹ га айланиб қолади. Бу нарса руҳдир.

Ажабо, бу руҳнинг ўзи нимадир, у қандай ҳолда? Одамлар бу муаммоларни қайта-қайта кўриб чиқиб, тафаккур ва идрок қилиб изландиларки, бу тафаккурот ва изланишларнинг натижаси «Руҳ ҳолатининг илми»дир. Уламолар бу илмни шу хилда тушунтирадилар: *Руҳ илми* руҳдаги ўзгаришлар, ундаги ҳодисалар мавзуида баҳс қилади. Бу илм-

нинг фойдаси нафсни маърифатга етказди, нафс маърифати эса вожибдир: «Сизнинг нафсингизда ҳамма сир ва ҳикматлар мавжуддир, уларнинг ҳар бири вожиб Таолонинг исботига далил ва кифоядир. Бас, нега сизлар ўз нафсингизга тадқиқ назари билан қарамайсизлар?»¹⁷²

«Ўз нафсини таниган одам ўзининг илоҳини танибди. Лекин одам ўз нафсини таниш билан қаноатланмайди. Хотирасига бизга руҳни ким берган, бизнинг вазифамиз нимадан иборат, деган фикрлар келади. Шундай қилиб, илоҳий ақл илми ва ахлоқ илми шу саволлар натижасида шаклланган», — дейди Имом Али¹⁷³.

Илоҳиёт илми Вожиб таолонинг вужуди ва сифатларини бизга ақлан тушунтиради. Албатта, биз Вожиб таолонинг вужуди ва сифатларини ақлимиз билан билишимиз лозим.

Илми калом ва табиий илмлар хусусида юргизган баҳсларимизда келтирилган оятларнинг ҳаммасидан шуни тушуниш мумкинки, Вожиб таолонинг вужудини ақл кўзи билан билмоқ керак. Мақсадимизни шу бир оят билан исбот қиламиз: «Ахир Парвардигори томонидан аниқ-равшан ҳужжатга (яъни Куръонга) эга бўлган киши қилган ёмон амали ўзига чиройли кўринган ва ҳавойи нафсига эргашган кимсалар каби бўлурми?»¹⁷⁴ Ушбу оят бизга тушунтирадики, Аллоҳнинг ягоналигини, ваҳдониятини илм орқали, ақл ҳукми орқали билмоқ лозим!

Ахлоқ илми. Ахлоқ башариятнинг ҳақиқий вазифалари ҳақида бизга таълим беради. Одамзод маданий жамоа бўлганликларидан ўзларининг ҳамжинслари билан бир жойда яшашга мажбур. Улар бир-бирлари билан ночор муомала ва алоқада бўладилар. Лекин ҳар ким ўз шахсий манфаатларини юқори қўяди ва алалаксар¹⁷⁵ уларнинг манфаатлари бир-бирлариникига тўғри келмайди, хилоф келади. Масалан, фалончи шахс ўз манфаатини бошқа бир шахснинг зарари эвазига кўради, у шахс эса яна бошқа бир шахс манфаатини ўз зарари эвазига кўради. Бу манфаатларнинг бир-бирига хилоф келиши гина, адоват, ҳасад ва душманликка сабаб бўлади. Шу боисдан одамлар бир-бирларига душман бўлиб, уруш ва жанжаллар қилишиб, икки дунё саодатига эришишдан маҳрум бўлиб қоладилар. Бас, бу ерда одамларни бу хил бемуносабатликлардан манъ қилиб, ижобий фазилатлардан, инсоннинг бошқа вазифалари ҳам борлигидан таълим бериш учун бир қонун

лозим. Шу қонунлар мажмуаси ахлоқ илмидир. Бас, шундай экан, уни ўрганишга шубҳа қолмаган бўлса керак.

Мантиқ илми тафаккур тарзини ва муҳокама қилиш қоидаларини ўргатади. Маълумки, тафаккур этмаслик ва муҳокама қила билмаслик диний, ижтимоий ва шахсий ҳаётимизга жуда кўп зарарлар келтиради. Бинобарин, шу зарарларнинг биронтасига дучор бўлишни хоҳламаган одам мантиқ илмини билиши керак. Масалан, равшанроқ арз қилиб айтсам, инсоннинг ҳар бир қилган иши, албатта, бир муҳокаманинг натижаси бўлади, ҳеч бир аҳд, ҳеч бир иш муҳокамасиз ижро этилмайди. Бу матлабимни бир неча мисоллар билан тушунтирсам:

1-мисол. Таом емоқчи бўлган одам шундай муҳокама қилади: «Мен очман, оч одам таом ейиши керак, демак мен ҳам овқатланишим керак».

2-мисол. Ҳаёлида касбу кор бўлган одамнинг хотирасига бир муҳокама келади: «Менинг яшашга майлим, истагим бор. Ҳар бир одамга касб лозимдир, демак, менга ҳам касб лозим».

3-мисол. Ибодат илоҳий амаллардан ҳисобланади, илоҳий амрни адо этиш вожиб эканми, бас, ибодат қилиш лозимдир.

4-мисол. Ватан бизнинг валинеъматимиз ва мураббийимиздир, ҳар бир валинеъмат ва мураббийга хизмат қилиш лозим, бас, ватанга хизмат бурчдир.

Айтганимиздек, муҳокамасиз ҳеч бир иш бўлмайди, лекин баъзи бир одат тусига кирган ишларни муҳокама қилишдан одам ғофил қолади. Масалан, оч қолган одам дарҳол таом ейди. Биз келтирган мисолдаги муҳокама миясига келган-келмаганлигидан асло воқиф бўлмайди. Шубҳа йўқки, оч одамда муҳокама ҳосил бўлади, лекин ҳар кун неча бор оч қолиб, неча бор таом ейиши сабабли зеҳни бу муҳокамага одат бўлиб қолган. Шунинг учун у мазкур муҳокамадан беҳабар қолади.

Ҳеч бир иш муҳокамасиз бўлмаслигини билганимиздан кейин, нега энди одамлар баъзи носавоб ишларни қилиб, унинг натижасида бирор шахс ё бирор нарса зарар кўради, деган савол туғилади. Мисоллардан билдикки, муҳокама ҳеч бўлмаганда учта қазия¹⁷⁶ дан ҳосил бўлади. Биринчи мисолимизни таҳлил этсак: «мен очман» — биринчи собит ва маълум қазиядир; «ҳар бир оч одам таом

ейиши лозим» – иккинчи қазия, бу ҳам маълум нарса. Ва шу икки қазия ўртасида итоат мавжуд. «Шундай экан, мен таом ейишим керак» – бу аввалги қазиянинг натижаси, учинчи қазиядир. Бу қазия олдинги икки қазиядан олдин маълум бўлиб, улардан кейин маълум бўлган. Қазия – бу бир ҳукм бўлиб, у ҳеч бўлмаганда икки фикр ўртасида пайдо бўлади. Масалан, «мен очман» – бу бир қазияки, «мен» – бу биринчи фикр ва «очман» – иккинчи фикрдир. Бу изоҳлардан маълум бўладики, тўғри муҳокама қилиш учун учта шарт мавжуд бўлади: 1. Фикр ва ҳукмларнинг рост бўлишлиги; бу шартни *исбот* дейдилар. 2. Қазияларнинг тартибини билмоқлик. Бу шартни *истиқомат* дейдилар. 3. *Тартиб* тезлиги.

Хулоса

Шу шартларнинг бири бўлмаса ҳам одам ғалат муҳокама қилиб, хато қилади ва зарар кўради. Бу матлабимизни бир мисол билан изоҳлаймиз. Мисол исботи бўлмаган кишининг муҳокамаси.

1. Бухорода таҳсил усули бизга оталаримиздан қолган. Оталаримиздан қолган нарсани ўзгартириш нораводир. Бас, Бухорода таҳсил олишни ҳам ўзгартириш нораводир.

2. Бир тўйда 50 минг танга сарфлаш Бухоро бойларининг одати. Бухоро бойларининг ҳар бир одатига риоя этиш мен учун лозимдир. Бас, бир тўйда 50 минг танга сарф қилишим шарт.

Бу икки мисолда биринчи қазия тўғри. Аммо иккинчи қазия ботилдир. Шунинг учун учинчи қазия, ҳукм ҳам ботил бўлади. Ва унга амал қилса, албатта, зарар кўради. Бунинг чораси тўғри маълумотга эга бўлишдир.

Кейинги мисолдаги муҳокамада истиқомат йўқ. «Баъзи шайхлар валибуллоҳ¹⁷⁷дир. Ҳар бир валибуллоҳга мурид бўлиш савобдир. Бас, ҳар бир шайхга мурид бўлиш савоб». Бу мисолда биринчи ва иккинчи қазиялар тўғри. Лекин, уларнинг тартибида камчилик бор, яъни улар орасидаги алоқа, муносабат, боғланиш йўқ, бу эса учинчи ҳукм учун шартдир. Шунинг учун натижа, яъни учинчи қазия ботил ва ҳар ким унга амал қилса, зарар кўради. Бу жиҳатдан чораси мантиқни тушунишдадир.

Юқоридагиларга бир даража хулоса қилсак: одамлар бир иш қилсалар, муҳокама қиладилар. Муҳокамалари

нотўғри бўлса, носавоб ишларни қилиб зарар кўрадилар. Бас, ҳар ким муҳокамаси нотўғри бўлишини хоҳламаса, муҳокамаси тўғри бўлишига диққат қилсин. Унинг тўғри бўлиши учун учта шарт даркор: 1) исбот; 2) истиқомат; 3) суръат.

Исботни ўрганиш учун саҳиҳ маълумот олишни билиш зарур. Истиқоматни ўрганиш мантиқни тушуниш билан бўлади. Ҳар хил илмларни ўрганиб, саҳиҳ маълумотга соҳиб бўлсангиз, мантиқни ҳам тушуниб олсангиз, учинчи шарт *суръат* ўз-ўзидан ҳосил бўлади. Мантиқ илмининг лозимлиги учун шунча изоҳ кифоя қилади.

Шу ергача нодир илмларнинг асосийларини арз қилдик. Ҳозирги илмлар тамоман буларга ўхшамайди. Маданиятли мамлакатларда таҳсилга сазовор илмлар бисёр ва замон талабига қараб яна кўпаяди, зеро башар тараққиётининг онаси илм ва фандир.

Одамлар тараққий этарканлар, илмлар ҳам кўпаяверади. Аммо, сиз айтишингиз мумкинки, «биз фақатгина шу наҳв, сарф, мантиқ ва ақойид илмларини ўзлаштириш учун йигирма йил зўр берамиз, шунда ҳам бу тўрт хил илмни тамоман қўлга киритолмаймиз-ку, сен санаган илмларни биз қандай қилиб ўрганамиз?» Жавобим шуки, тўғри, сиз 20 йилда 2—3 та илмларни қўлга киритолмайсиз, лекин маданиятли мамлакатларда бир етти ёшлик гўдак мактабга бориб, 16 йил муддатида буларнинг ҳаммасини ўзлаштиради. Сабаб? Сабаби шуки, уларнинг илм олиш услублари мукамал, сизники эса ноқис!.. Албатта, шунча илмни ўзлаштириш учун махсус усул ва муайян чегара мавжуд. Лекин ҳозирча шулар билан кифояланман. Агар толеъ менга ёр бўлиб, саодат мададкор бўлса, сизни шу илмлар таҳсили билан машғуллингизни кўрсам, камоли мамнуният билан бу хусусда ҳам бир мақола ёзиб, бу масъалани сизга арз этаман.

ЧЕКИНИШ

Банда то нафас олар эканман, фарёд уриб таҳсил усулимиздаги нуқсонларни эътиборли арбоблар назарига ҳавола этаман, лекин, билмадим, бахтимга қарши ҳозиргача бирорта одам гапимга қулоқ солмади. Бунинг устига, айтсам, баъзи «ҳақиқатшунослар» мени кофир ҳисобладилар, баъзи соддадиллар эса девона дедилар. Мен бу бўҳтон,

ёлгон, бемаъни гапларга парво қилмайман, зеро, бу халқ хизмати йўлида қилаётган ҳаракатларим мадҳу сано, ҳурмат-эҳтиром, салла-чопон, давлату бойлик, эътибор учун эмас. Балки менинг мақсадим ягона бир нарсаки, мен уни дунёдаги барча нарсадан азиз ва муқаддас деб биламан. У нарса инсоният олдида турган вазифам, бошқача ибора билан айтганда, Аллоҳ розилигидир. Мен буларнинг ҳаммасидан фарёд чекиб, кичигу каттани, яхши-ёмонни ўзимга душман қилиб шу холиқ Аллоҳни розилигини топишдан ўзгани орзу қилмайман, «сен сўзимга хоҳ ишон, хоҳ ишонма».

Лекин мени маънос ва ғамгин қиладиган ҳолат шуки, илм толиблари, асли менинг мақсадим — уларнинг ҳушёрлиги; (улар) мендан нафратланиб, хафа бўлиб юрадилар. Чунончи, яқинда («Ҳинд сайёҳи» деган рисолам нашр бўлгандан сўнг) Бухоронинг бир нечта муллаваҷчалари менга юборган мактубларида сўрабдилар: «Нега ҳамма аҳли илмни ўзингга душман қиляпсан?» Бу саволдан мен таъсирланиб, ҳайрон қолдим. Шу учун муносиб мавқеъ борлигида, мен уларга аҳволларини баён қилишни хоҳладим. Аввало, шуни арз қилайки, менинг ўзим бир камтарин толиби илмман. Фақат илм талаби борки, мулкимда бу ғариб меҳнатларимни ортиқ баҳоламадим, кўп кўрмадим ва ўзимни яна шу сарзаминга ташладим. Бас, мени илмнинг ва уламоларнинг душмани деб ҳисобламоқ катта хатодир. Аммо илм толиблари менинг биродаларим ва ҳаммаслақларим. Мен ҳар куни улар орасида юриб, улар билан бирга таҳсил олдим. Бугун ҳам уларнинг тариқидан (йўлидан) четга чиққанам йўқ, зеро, илм таҳсили билан машғулман. Дунёда бирорта виждон ва иймон соҳиби йўқки, ўз биродар ва ҳаммаслақларига бесабаб душманлик қилса. Бу чеккан фарёдларим ва уларга раво кўрган бу маломатларим ҳаммаси дўстлигимдандир.

Мен ҳам улар каби ўқидим, ҳаракат қилдим, оқибат тушундимки, бизнинг таҳсил усулимизнинг ҳеч фойдаси йўқ, балки бора-бора ўз солиқ¹⁷⁸ларини катта фалокатларга дучор қилиши мумкин. Ночор ўзимни у ҳолат гирдобидан нажот соҳилига олдим ва ҳаммаслақларимнинг таҳсили учун бел боғладим. Шунинг учун, изтироб билан айтаманки, эй азиз биродарларим, сиз танлаган йўлнинг боши берқдир, қайтинг, токи сизни гирдоби (бу йўл) ҳалок

қилмасин! Ахир инсоф ва андиша лозимдир. Биз туркистонлилар 20 йил муддатида машаққат ва меҳнат қилиб таҳсил оламиз, у таҳсилимиз араб тилида жорий қилиниб, ўрганган барча илмимиз динийдир. Шундай экан, нега фикҳга доир бир масъалани фикҳ илмини қўллаб ечадиган бир олим орамиздан чиқмайди? Нега ақалли юз кишини йиғиб ҳадиси шарифдан дарс берадиган фозилимиз йўқ?

Нега оврўпали олимларнинг ботил ақидаларини рад қилиб, исботлайдиган мутакаллим (бир доно нотиқ)дан асар ҳам йўқ? Нега... Нега... Нега...?

Баъзи соддадиллар бу эътирозларимизни бежавоб қолдирмайлик деб айтишлари мумкинки, «биз ўрганаётган илмларнинг сабаб ва воситалари бор, иншооллоҳ, шу илмлар таҳсили тамом бўлгандан сўнг, сен айтган илмларни ўқишга киришамиз, ўша вақтда агар хоҳласак бошқаларга ҳам ўргатамиз» деб. Лекин, бу жавоб шу қадар пуч ва бемаъники, ҳатто эшитишга ҳам лойиқ эмас. Бу жавобни берган азизлар жуда содда ва беандишадирлар. Бизнинг орамизда илм таҳсилани тугатганига қирқ йил бўлган уламолар бор-ку, бисмиллоҳ... майдон холи... чиқишсин!.. Фармон беришсин, ҳадис тафсири мажлисларини ташкил қилсинлар, бизни ҳам динан, ҳам ахлоқан, ҳам маишатан қолоқ бўлган бечора миллатимизга ҳидоят йўлини кўрсатсинлар!

Уламо ҳазрати Расулнинг нойиблари ҳисобланади. Пайғамбарга нойиб бўлиш катта салла ўраб, уйнинг тўрида ўтиришдан иборат эмас. Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом ҳам ҳукмдор, ҳам лашкарбоши, ҳам хатиб, ҳам табиб, ҳам имом, ҳам муаллим эдилар. Замоналарининг тижорат қоидаларидан хабардор, умматларига ҳатто зироат усулларини ҳам ўргатардилар. Менинг орзуим бизнинг уламоларимиз ҳазрати Расулнинг ҳақиқий нойиблари бўлиб, миллатнинг барча мушкулотларига чора топиб берсинлар: тожирга тижорат қоидаларини, деҳқонга зироат йўлларини ўргатсинлар, ахлоқсизларга ахлоқдан, ҳукмдорларга сиёсат илмидан таълим берсинлар, беморларни табобат қилсинлар, гумроҳларни ҳидоятга бошласинлар!

Менинг фарёдларимга шулар ягона сабабдир. Лекин бирор одамга ҳеч бир важъсиз душманлик қилмаганман, қилмайман ҳам.

Хулоса

Илм ўрганиш мусулмонларга шаръан ва ақлан лозимдир. Анвойи хил илмлар кўпдир ва дунёю охиратга фойда берадиган илмлардан таҳсил олмасак, икки дунё саодатига эришишимиз мумкин эмас. Биз фойдали илмларнинг муҳим қисмини зикр қилдик ва (уларнинг) ҳар бирини ўрганиш лозимлигини далиллар билан арз этдик. Ҳозир асл мақсадимизни — ҳикмат ҳақидаги баҳсимизни бошлаймиз.

ҲИКМАТ

Арз қилган эдикки, ҳикмат бу илмий қувватнинг фазилати ҳисобланади. Толиб мазкур илмларни баҳоли қудрат эгаллаб, ақлини камолга еткизсагина диний ва дунёвий ишларида ҳақни ботилдан, манфаатни зарардан фарқлай оладиган бўлади. Яъни бирор илм ё эътиқодга дуч келса, уни ақл тарозусида ўлчаб, ҳақ ва фойдали бўлса қабул қилади, ноҳақ ва зарарли бўлса рад этади. Ҳикмат ана шундадир. Ҳар ким бу ақлий фазилатга эга бўлса, нафақат ўзини, ҳатто бошқаларга ҳам турли қийинчиликларда нажот йўлини кўрсатиб, ҳидоят йўлига бошлайди. Ҳазрати Парвардигор Қуръони каримнинг «Бақара» сура-сида юқори қўйган ҳикмати шудир: «Ҳикмат неъматни билан сарафроз бўлган кўпдан-кўп (кишилар) хайр-баракотга эришибди»¹⁷⁹.

Имом Ғаззолий ва бошқа қадимги уламолар ҳикматни икки тарафлама исбот қиладилар. Биринчи *ифрот*¹⁸⁰ тарафи ва *тафрит*¹⁸¹ тарафи. Ҳикматнинг ифрот тарафи макру ҳийла ишлатиш ва тафрит тарафи ҳикматнинг нуқсонли бўлишидирки, буни балоҳат дейдилар. Мен ҳикматни бундай тақсимлашни қабул қилолмайман. Зеро, модомики, ҳикмат ақл фазилати, ақл фазилати эса илм орқали пайдо бўлар экан, бас, таҳсили илм чуқурлашган сайин ҳикмат ҳам кўпайиб, камолот даражасига кўтарилаверади.

Маълумки, илмнинг ниҳояси йўқ. Ҳикматнинг ҳам ҳадди ва ниҳояси йўқ, демак, ифрот ҳақида гапириш ортиқча. Бинобарин, ҳикматга хилоф бўлган ҳар қандай нарса, хоҳ макру ҳийла, хоҳ жаҳлу нодонликни камина ҳикматдаги нуқсонлар деб ҳисоблайман ва баҳсимга шундай қарор чиқардим. Шулардан тушуниладикки, ақл фазилатининг камолидан, яъни ҳикматдан маҳрум бўлганлар икки қисмга бўлинадилар: биринчи жамоа ҳикмат фазилатидан

бутунлай маҳрум бўлганлар, уларнинг сифатлари балоҳат¹⁸²дир. Иккинчи қисм одамларнинг ҳикматида нуқсон борки, буни «ҳаб» деб атаймиз. Биз қуйида ахлоқдаги шу хусусиятларни ҳурматли ўқувчиларга арз қиламиз.

БАЛОҲАТ

Илм ўрганиш воситасида ақлий қувватларини камолга етказмайдиган ва оқибатда ақлий фазилатдан маҳрум қолган жамоага балоҳат сўзи қўлланилади. Яна шундай жамоа борки, ҳидоят излаб ҳаракат қиладилар, яъни билмаганларини уламолардан сўраб-суриштирадилар, лекин асли ҳақиқатни билишга майллари йўқдир. Бу сўнгги жамоа, яъни ҳар ишнинг ҳақиқатини билишга ва нодонликнинг зарарини йўқотишга ҳаракатлари бўлмаганлар инсонлар доирасидан ташқаридадирлар, махлуқсифат, балки махлуқдан ҳам баттар ва бешарафдирлар.

«Биз жинс ва инсдан кўпларини жаҳаннам учун яратганимиз муҳаққақдир. Уларнинг диллари бору англай олмайдилар, кўзлару бору кўра олмайдилар, қулоқлари бору эшитмайдилар. Улар чорвалар кабидирлар, йўқ, улар (беақл, бефаҳмлиқда) чорвалардан ҳам баттардирлар. Ана ўшалар ғафлатда қолган кимсалардир», – дейилган Қуръони каримда¹⁸³.

Дунёда қайси бир дин ўз тобеъларини ҳар бир нарсанинг ҳақиқатини билишга қаттиқ амр этади? Эй ўзингизга жажлу ғафлатни туну кун ҳамроҳ қилиб олган мусулмонлар! Қуръон ҳукмига қаранг! Келинг, уддалай олсангиз, ўзингизни шу илоҳий китобдан ташқари чиқарингчи. Лекин, ҳайҳот! Аввалги жамоа, яъни билмаганларини уламолардан сўрайдиганлардан уламоларнинг жавобини ақлу хирад мезонида ўлчаб, кейин қабул қиладиганлар ва уламолар сўзларини кўр-кўрона қабул қилувчи тақлидчилар ҳам бор. Аммо бундан ҳам халос бўлиш мумкин. Менинг назаримда, тақлидий ақлнинг зарари жаҳолат зараридан қолишмайди.

Ўтган бобларда камоли равшанлиқ билан исбот қилган эдикки, инсон табиат ҳукмига кўра тараққий этишга мажбур. Тақлид касаллигига гирифтор бўлганлар орқада қолиб, охири нобуд бўладилар. Худованди карим Қуръонда тақлид ва тақлидчиларни мазаммат қилади: «Қачон уларга «Аллоҳ нозил қилган нарсага эришинглар» дейилса,

улар «Йўқ, бизлар ота-боболаримизни ниманинг устида топган бўлсак (ана ўшанга) эргашурмиз» дейишади. Агар шайтон уларни ўт азобига чақириб турган бўлса ҳам-а?!»¹⁸⁴

Қози Байзовий айтганки, «шу ояти карима бизни тақлиддан очиқ-ойдин манъ қилади».

«Мен одамман, ҳар вақт сизни бирор-бир диний ишга амр қилсам, қабул қилинг, аммо сизни ўзимнинг рўпарамдан чиққан бирор ишга амр қилсам, билингки, мен ҳам одамман», – деб ривоят келтиради Муслим ўзининг «Китоби фазоилун наби» (номли асари)да¹⁸⁵.

Ҳазрати муборак Наби (с. а. в.) бу ҳадиси шарифда айтмоқчиларки: диний хусусдаги бирор иш мендан содир бўлса, қабул қилинг, зеро, мен диний амрларни ҳазрати Роббил иззатдан таълим оламан, аммо бошқа бир нарса хусусида гапирсам, уни муҳокама қилинг ва ақл тарозусида ўлчанг, зеро, мен ҳам одамман, хато қилишим мумкин.

Пайғамбар алайҳиссалом ўзлари бизни тақлиддан манъ қилганларидан кейин, нега биз бошқаларга тақлид қиламиз?! Аммо уламолар сўзини ақл билан текшириб, ҳақ бўлса қабул қилиб, ботил бўлса рад қилганлар. Шубҳа йўқки, улар дунё ва охиратда нажот топадилар.

«Гапларни тинглаб, ҳақни қабул қилганлар, улар Аллоҳ ҳидоятга солганлардир, улар соҳиби ақлдирлар»¹⁸⁶. Шу ояти каримадан далолатки, айтилган гапларга қулоқ солиб, кейин уларни ақл мезонида ўлчаб, мақбул бўлса қабул қилиб, ёмон бўлса рад қилганлар ҳақиқий нажот топгучилардир.

ҲАБ

Илмда ноқис кишилар ақлий қувватларини камолотга етказа олмайдилар. Бу эса ҳақиқий инсоний вазифалардан ғофил қолишга олиб келади, эгаллаган илмларини ҳам лойиқ ишларга сарф қилолмайдилар. Башарий фазилатларни махлуқий ҳаваслар натижаси деб билиб, бир тарафдан, тасбеҳ ўгириб, мисвок ишлатадилар, яна бир тарафдан эса, пора олиб, зулм қиладилар. Зоҳиран Аллоҳга иймон келтирадилар-у, лекин Аллоҳ ҳукмларига итоат қилмайдилар. Охиратнинг роҳат ва саодатини иссиқ уйлари эвазига фидо қиладилар. Агар уларга эртага фалончи 20 тангангизни зўрлаб олмоқчи, ё мазах қилмоқчи десангиз, туни билан беқарор бўлиб, юлдуз санаб чиқадилар.

Аммо, ватанимизни жаҳолат хароб қилди, гафлат динимизни заиф қилди, деб ҳар қанча фарёд урсангиз ҳам қилчалик гап чекмайдилар. «Гўр ёнса ҳам қозон қайнасин» деган гап уларнинг хатти-ҳаракатлари асосини ташкил қилади. Гоҳида меъдаларини тўйдириш учун минглаб фосуқу фожирларни қатор қилиб, жаннатий деб ҳукм чиқариб юборадилар. Қулоқлари ором олиши учун баъзан ҳақни гапирган юзлаб комил мусулмонларни қўл ва гарданларини боғлаб, дўзахга равона қиладилар. Шунда дин ҳийлаю тазвир¹⁸⁷ домида қолади, авомни худди махлуқлар каби ўз фойдалари учун ишлатадилар. Баъзан салом бермай қолсанг, ғазабга келиб, баъзан бир луқма нон берсанг, шукронаси учун мақтовингни келтирадилар. Ҳар бир миллатнинг орасида шу каби одамлар пайдо бўлса, мисоли омбордаги пахтага тушган оташдек шу қавмнинг ҳаётини тамоман ёндириб, куйдирадилар. Инсон ихтиёрларини шунақа одамлар қўлига топширган қавм икки дунё саодатини кўрмайди. Шунинг учун ислом дини бизни бу жамоага эргашишдан манъ қилади: «Эй мўминлар, ўша донишмандлар, рақиблардан кўпчилиги одамларнинг молларини ноҳақ (йўл) билан ейдилар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар, олтин-кумушини босиб, уни Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хушхабари»ни етказинг!»¹⁸⁸

Дин учун уч офат бор: 1) фожир фоқиҳ¹⁸⁹; 2) зулмкор ҳукмдор; 3) жоҳил мужоҳид. «Одамларнинг энг ёмони ёмон уламолардир», — дейилади «Ал-жомеъ ас-сағир»да. Вақтики, илм олиб, унинг воситасида балоҳат ва ҳабдек паст мартабадан халос бўлиб, ҳикматнинг баланд чўққисига эришсангиз, шу вақт ақлий қувватингиз комил бўлади ва сизни кўзлаган мақсадингиз, яъни икки дунё саодатига ҳидоят қилади.

Жуда яхши, энди фараз қилайлик, биз лозим бўлган илмларни ўқиб, ҳикмат фазилатини қўлга киритдик, унинг воситасида ақлимизни комил этдик, шу ақлий қувватимиз бизни бахтиёр (қилиб), икки дунё саодатига етказадими? Ҳаргиз етказмайди! Икки дунё саодатининг йўли шу қадар кўрқинчли ва хатарлики, ҳеч бир қувват (сизни) бу йўлдан хатарсиз ўтказолмайди, бу йўл тор ва қоронғу, ҳар қадамда минглаб жаҳаннамий ҳандақлар мавжуд. Худо кўрсатмасину агар бирор киши шу ҳандаққа тушиб кетса, икки дунё

саодатини хаёлига бошқа келтирмаса ҳам бўлади. Чунончи, биз айтдикки, инсонда ақлий қувватдан бошқа яна икки хил қувват бор: бири шаҳвоний, бири ғазаб қуввати.

Агар ақлий қувват сизга йўлбошчи бўлса, ҳукман лозимки, бу икки қувват унга ҳамроҳ бўлиб, унинг хизматида бўлиб, амрларига итоат қилиши керак. Ваҳоланки, бу икки қувват (яъни, ғазаб қуввати ва шаҳвоний қувват) ниҳоятда саркаш ва худбиндилар, ҳар дақиқада неча бор зўр бериб ўзларини ақл фармонидан чиқаришга уринадилар. Агар, Худо кўрсатмасин, бир марта ақл фармонидан чиқиб, ўзлари учун ҳаракат қилсалар, сизни икки дунё саодати йўлидаги мавжуд ҳандақларнинг бирига қулатишлари мумкин.

Шу жойда хотирангизга «модомики, бу икки қувват бизга зарар келтирар экан, уларнинг ҳамроҳлиги лозим эмас» деган фикр келади. Ва, аввало, шу икки қувватни маҳв этайлик-чи, яъни тарки дунё қилайлик, — дейсиз. Арз қиламизки, бу ҳам мумкин эмас, зеро, бу икки қувватни ўлдирсангиз, ақл сизга йўлбошчилик қилишдан ожиз қолади. Шунинг учун шу ерда айтсак, шариатимиз ҳам тарки дунё қилишни ҳаром қилганини ҳам эсга оламан. Бас, бу икки қувватга бутунлай бепарво бўлиб, озод ҳам қўйманг, шунингдек, ўлдирманг ҳам, балки мўътадил чегарада ушлаб туриб, ақлингиз фармонига тобеъ қилинг.

Ажабо, бу икки қувватни тамоман маҳв этган ё эркин қўйган суратда нима зарар кўрар эканмиз? Мўътадил чегарада ушлаб турган тақдиримизда кўрган фойдамиз қанақа бўлади? Кейинги баҳсларда ана шу саволларга жавоб берамиз. Лекин, аввал ушбу баҳсимизга хулоса қилсак.

Хулоса

Ҳикмат ақл камолотининг натижасидирки, илм орқали ҳосил бўлади. Одамлар унинг воситасида ҳақни ботилдан фарқлайдилар. Балоҳат ва ҳаб — худбинлик ақлий нуқсондан, яъни ҳикматнинг йўқлигидан ҳосил бўлади.

Балоҳат нодонлик ва тақлиддан иборат, буларнинг иккови ҳам шаръан қабиҳдир.

Ҳаб — олимона макрдан иборат, бу ҳам қабиҳ ва ёмон амалки, шариат бизни бунга эргашишдан манъ қилади.

Ақлий қувватнинг танҳо ўзи бизни икки дунё саодатига бошлай олмайди. Балки у ғазаб қуввати ва шаҳвоний қувватнинг ҳамроҳлигига муҳтождир.

Ажабланарлиси шундаки, бу йўлнинг хатари ана шу икки қувватнинг саркашлигидан зоҳир бўлади. Бу икки қувватни тамоман маҳв қилиш ҳам, унга нисбатан тамоман бепарво бўлиш ҳам зарар қилади. Бас, бу икковини эътидол¹⁹⁰ чегарасидан чиқармаслик зарур.

ШИЖОАТ

Юқорида арз қилганимиздек, инсоннинг ақлий куч-қудратидан ташқари яна ғазаб қуввати бўлиб, (унинг) вазифаси зарарларини дафъ этишдир. Лекин баъзан ўзининг ҳаққиға тажовуз қилиб, чегарадан шунчалик чиқиб кетадики, натижада манфаатимизни зое қилади. Бу ҳолатни ахлоқ тилида *таҳаввур*¹⁹¹ дейилади. Бу ғазаб қуввати ҳаддан ошишлигининг бир жиҳати бўлиб, баъзан ўз вазифасини адо қилишда сустлик қилади ва зарарни дафъ қилишга урунмайди, бу ҳолатни *жубун*, яъни қўрқоқлик дейдилар. Таҳаввур ва жубун ахлоқий нуқсон ҳисобланади, одамларнинг икки дунё саодатидан қайтариб туради.

Шу икки қабиҳ сифатлар ўртасида бир ҳолат мавжудки, мўътадиллик, мувозанат ҳолати, агар ғазаб қуввати шу ҳолатда боқий қолиб, ақлга тобеъ бўлса, фойдали хизмат қилиши мумкин. Шу ҳолатни, ғазаб қувватининг эътидол ҳаддини *шижоат* дейдилар. Шижоатда тўрт бўлим бор, ҳар қайси шижоат мавжуд бўлгач, ифрот ва тафриднинг ҳадди ҳисобланмиш таҳаввур ва жубундан иборатки, у ҳам тўрт қисмга ажралади. Биз бу қисм ва бўлимларни жадвалда тартиб билан кўрсатиб, сўнг уларни алоҳида баҳс мавзусига киритамиз:

Тафрит	Эътидол	Ифрот
жубун	шижоат	таҳаввур
бахиллик	карам	исроф
инхизол ¹⁹²	наждат	хасорат ¹⁹³
тазабзуб ¹⁹⁴	сабот	инод ¹⁹⁵
ҳилм (ҳиморий)	ҳилм (мулойимлик)	ғазаб

КАРАМ

Албатта, икромли ўқувчи-қориларнинг хотираларидан кўтарилгандирки, биз шу чоққача икки матлабни такрорлаб келяпмиз, бундан кейин ҳам такрорлаймиз. Зеро, на-

фақат бу китобнинг асоси, балки башарият ҳаётининг асоси ҳам шу матлабдан иборатдир. Биринчи матлаб шуки, Худованд одамларни икки дунё саодатига эришишлари учун яратган. Иккинчи матлаб эса, одамлар ҳам бу дунё ва охират саодатларига етишишлари учун бир-бирларини қўллаб-қувватлашга, мададга муҳтождирлар. Бас, икки дунё саодати орзусида юрган ҳар бир миллат намояндаси бир-бирларига мадад берсинлар, илло, бусиз мақсадларига эриша олмайдилар. Ўз осойишталигини ғанимат деб билган, бировнинг қўлига қарамайдиган, миллатига муованат¹⁹⁶ ва мадад кўрсатмайдиган одамларнинг на қавми, на ўзи икки дунё саодатига эришади.

Шу жойда қориларнинг баъзилари эътироз қилишлари мумкинки, «Туркистонимизда халққа мадад кўрсатмайдиган шайх ва муллалар жуда кўпдир. Мабодо, мулкимизга ўт кетса ҳам, шу ўт-ла ўз қозонларини андиша қилмай қайнатиб оладилар. Шуларга қарамай, яна ўзларини охират саодатига лойиқ, деб биладилар. Жуда кўп бойларимиз миллатимиздан бўлган бечораларнинг ғамини хотирларига келтирмайдилар ҳам бенаволарнинг нолаи зорларини мусиқий наволардан кўра яхшироқ деб биладилар, шунга қарамай, бу дунё саодатига эришганлар.

Бас, маълум бўладики, «сенинг гапларинг пуч, бемаъно». Уларга жавобимиз шуки, на ўша шайху муллалар охират саодатига эришадилар ва на бу бақувват бойлар бу дунё саодатига эришганлар. Агар далил керак бўлса, далил бор. Аввало, миллатнинг манфаати учун ҳаракат қилмаган одам охират саодатига эриша олмайди!

Бухорий ва Муслим «Китоб ал-иймон»да ёзганки: «Менинг жоним қудратли қўлида бўлган Зот номи билан қасам ичаманки, ўзи учун дўст тутиб, бошқа мусулмон учун шуни раво кўрмаган одам мўъмин бўлолмайди».

Биз ҳеч бир нарсани ўзимиз учун қилиб, унинг талабида югурсак, бас, бошқа мусулмонлар учун ҳам шундай югуриб, уларнинг ҳам ҳар бир нарсада талабини қондиришимиз керак. Хулласи калом, ўзимизнинг манфаатимиз учун қандай ҳаракат қилсак, миллатимиз манфаати учун ҳам шу тариқа ҳаракат қилишимиз лозим. Ҳар ким шундай қилолмас экан, ҳазрати Пайғамбар қасам ичганидек, мўъмин бўлолмайди. Бинобарин, охират саодатидан маҳрум бўлади.

Иккинчидан, миллатининг манфаатини кўзламаган одам бу дунё саодатига ҳам етишмайди; сиз айтган бойларнинг бирортаси бу дунё саодатига эришмаган. Бу муддаонинг исботини тафсил қиламан.

Авалло, таассуф қилиб айтаманки, мамлакатимизда бой йўқ. Ҳа, тўрт-беш нафар бой бўлиб, улар бир миқдор давлат ва пулга эгалар ва биз ғафлат босганлар назарида кўп бўлиб кўринадилар. Аммо Оврўпа ва Русия бойлари назарида уларнинг барчасининг давлатларини жамласа ҳам бир бош оғриғига сарф бўлолмайди. Шояд «Ойна» мажалласининг тўртинчи сонида ўқиган бўлсангиз, Америкадаги шаҳарларнинг бирида бир ширкат ўзининг иморати учун 25 миллион сўм ажратган. Бизнинг мамлакатимизда нечта тожир бўлса ҳам уларнинг сармояларини жамласа ўн миллионга етмайди. Шунинг учун биз айтишга мажбурмизки, мамлакатимизда замона хоҳишига мувофиқ давлати бўлган киши йўқ. Лекин шу икки-уч нафар номларини бой деяётганларимизнинг биздан кўра кўпроқ дабдабалари бор: масъалан, отга миниб, сувора жилва қилиб кўзни қамаштирадилар, турли таомлар еб, ранго-ранг кийимлар киядилар. Уларнинг ҳеч бирини дунё саодатига етган, деб айтиб бўлмайди. Зеро, улар бу дабдабаларини ўз шаҳарларида қиладилар. Аммо шаҳарларидан чиқиб оташ аравага ўтирсалар, ҳеч эътиборлари қолмайди. Иллат шундаки, миллатларнинг умумий ҳайъатининг эътибори уларда йўқ, миллатининг эътибор ва шарафи бўлмаган кишининг у қанчалик шарифу бой бўлса ҳам эътибори бўлмайди! Масалан, Бухоро бойларини назарда тутиб тадқиқ қилинг. Улар ҳар йили бир марта ярмаркага борадилар. Когондан чиққанларидан сўнг либосларини алмаштириб, салла-чопон ўрнига камзул ва шляпа кийиб оладилар. Сиз гумон қилаётган бўлсангиз керак, булар ҳаваслари келиб оврўпача кийиниб оладилар деб. Бундай эмас, балки бечоралар мажбуран либос алмаштирадилар, чунки агар Бухоро либосида сафар қилсалар, бошқа миллатлар уларни масхара қилиб, одам ўрнида кўришмайди. Сабаб? Чунки саллаю чопон биз туркистонлиларнинг аломати бўлиб, жаҳон халқлари орасида миллатимизнинг эътибори йўқлигини кўрсатади. Шундан бизни ҳар қаерда кўрган бегоналар масхара ва истеҳзо қиладилар. Бечора савдогарларимиз шунинг учун либосларини алмаштириб, ярмаркада

юрадилар, у ерда Оврўпа савдогарларидан кўрган муомалалари ё изтехзоли кулги, ё ҳийлакорона хушомадгўйлик бўлади! Нега бошқалар уларни масхаралаб изтехзо қилдилар? Чунки ўзларининг гуноҳлари бўлмаса-да, миллатлари тараққий этмаган, қавмларининг шараф ва эътибори йўқ. Бинобарин, уларнинг шараф ва эътиборидан ҳам фойда йўқ. Бас, маълум бўладики, мамлакатимиздаги ҳеч қайси бой бу дунё саодатига эришмайди, зеро бу дунё саодати бир хона бурчагида ўтириб истироҳат қилиш эмас. Бу саодатга дунё гўшасида нафақат шахси, балки номи эътиборли ва шарафли бўлган киши муяссардир.

Бизнинг савдогарларимиз бундай саодатга қачон эришадилар? Бизнинг миллатимиз жаҳон халқлари орасида ҳурмату эътиборга сазовор бўлсагина, бахтга эришишлари мумкин. Бундан олти ой муқаддам Истанбулга Но Камо номли ёш япон сайёҳи келган эди. У шайтон араваси (велосипед)да уч йил давомида олам кезиб, Чин, Ҳинд, Эрон, Арабистонларни айланиб чиқиб, бу ерга келганини ва бундан кейин шу икки чархли аравасида Фарангистонга сафар қилиш фикри борлигини эшитдим. Шу йигит билан учрашишни хоҳладим. Бир дўстим орқали хонасига бориб, у билан мулоқотда бўлдим. 26 ёшлардаги бир йигит курсида ўтириб хат ёзарди. Йўлдоши, яъни япон давлатини кафолати бўлган байроқча илинган шайтон-араваси ҳам рўпарасида турарди. Бизни эҳтиром билан кутиб олди, ўтирдик, уч йил муддатда исломий мамлакатларда кўрган ажойиботларини бизга сўзлаб берди. Суҳбат асносида дилим танг бўлиб сўрадим: — Биродар, бепул, ёлғиз, беаслаҳа бу икки чархли араванг билан Арабистоннинг жонни куйдирувчи чўлларида қандай ўтдинг? Фараз қилдикки, ўзингга таом топиб еб, ётар жой ҳам топдинг, лекин чумчуқни ҳам соғ қўймайдиган саҳройи араб чангалидан қандай халос топдинг?

Япон йигити менга қараб кулди-да, қўлини кўтариб Япон давлатининг байроғини кўрсатиб деди: — Шу байроқ мени сиз айтаётган хавф-хатардан, мушкулотлардан муҳофаза қилди! Бу кучли жавобдан титраб кетдим, бир лаҳза сукут сақладим, лекин бу қатъий мағлубият оғир ботди, қалбимда бир интиқом туйиб, йигитни гапнинг зўри билан мағлуб қилиш мақсадида дедим: — Биродар, аҳли ислом табъан меҳмондўст ва мусофирпарвар, шунинг

учун сени ҳурмат қилганлар, лекин сен Фарангистонга саёҳат қилмоқчисан, у ерда сенинг ҳолинг мушкул бўлади, зеро, оврўпалилар ҳеч бир мусофирнинг ҳолига қарашмайди.

Лекин Но Камо хотиржамлигини бузмай деди: — Бизнинг миллатимиз ўзининг буюклиги ва шарафини бутун заминга таратгандир, унинг бирор-бир вакили дунёнинг ҳеч бир нуқтасида мушкулотга дучор бўлмайди. Мен шундай қавм орасида ҳам бўлдимки, япон миллатидан бошқа нарсанинг номини билмайдилар. Кейин мен борган баъзи мамлакатларда одамлар бизни ифтихор билан тилга олиб мактабда ўз болаларига дарс берадилар. Албатта, улар мени араблардан ҳам кўпроқ эҳтиром қиладилар. Мана шуни дунёнинг шарафу саодати деса бўлади!

Ҳозир яна мақсадимизга қайтсак. Ҳа, одамлар икки дунё саодатига эришиш учун бир-бирларини қўллаб-қувватлашларига муҳтожлар. Лекин инсоннинг табиатида шахсий манфаатини устун қўйиш мавжуд бўлиб, бошқаларга мадад беришни унутиб қўяди, ҳар ким ўз истироҳатини ўйлаб, карам, жувонмардлик одамлар орасидан кўтарилади. Бунинг чораси нима? Нима қилиш керакки, одамлар жувонмардлик йўлидан четга чиқмасинлар? Ислом дини бунинг яхши чорасини топиб, карам ва жувонмардликни муҳим мавқега кўтариб, карам ва жувонмардларга мукофотлар ваъда қилади: «Албатта, Худованд каримдир, кариму сахийларни дўст тутади ва олий ахлоқлардан хушнуд бўлади, пастфитрат одатларни макруҳ ҳисоблайди», — деб ёзилган «Ал-жомеъ ас-сағир»да.

(Шу асарда яна) «Яхши кўрган нарсаларингизнинг бир қисмини бошқалар учун сарф қилмас экансиз, икки дунё саодатига эришмайсиз. Бир-бирларингизнинг муованати йўлида сарфланган ҳар бир нарсани Худо билади (яъни мукофотини беради)» (деб ёзилган).

Маълумки, ҳамма ҳам бой, давлатманд эмас, баъзилар пулдор, баъзилар олим, яна бирлари шогирд, бирлари хатиблар. Шу касбларнинг ҳеч бирига эга бўлмаган жамоа ҳам бор. Шубҳа йўқки, буларнинг ҳар бири ўзида бор нарсани севади. Масалан, бой одам пулни, олим илмини, шоир шеърини, хатиб ваъз айтишни... ва буларга эга бўлмаган одам ўз жону танини азиз деб билади. Юқоридаги ояти карима буюрадики, уларнинг ҳар бири нимани ўзига

дўст тутса, шуни бошқалардан аямаслиги лозим. Лекин бу вазифа кўпроқ давлатманд, бой одамларга тегишлидир, чунки инсоният оламига бошқа нарса билан эмас, пул билан хизмат кўрсатиш мумкин. Бу шуки, ислом дини бойларимизни эҳсону садақа қилишга амр этади, ҳатто садақанинг бир тури бўлган закотни бўйнимизга фарз қилиб қўйган. Закот фарздир, бериш керак, эҳсону саховат ҳам илоҳий амрдир, уни ҳам қилиш керак: «Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишилар мисоли худди ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттига бошоқни ундириб чиқарган бир донга донга ўхшайди (яъни қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда)»¹⁹⁷.

Шу хусусда, яъни хайру карам соҳибларининг охиратда олий даражаларга эришишликларига шак-шубҳа йўқ, лекин билинги, бу жамоа қилган эҳсонлари эвазига юз баробар зиёд мукофот олулар ва бу дунё мукофоти фақат мусулмонлар учунгина эмас.

Динидан қатъи назар ҳар ким миллатининг саодати учун молидан сарф қилса, унинг мукофотини бу дунёда кўради. Бутун дунё шу муддаонинг гувоҳидир, шу ахлоқий қонданинг азимат ва буюклик даражасини ўз кўзингиз билан кўришни истасангиз, туринг, йўл узоқ эмас, Русия давлатига саёҳатга чиқинг, рус миллатининг роҳат ва осойишини таъминлаганини томоша қилиб, ибрат олинг.

Агар сизлар Аллоҳга қарзи ҳасана берсангизлар (яъни, унинг мискин-бечора бандаларига инфоқ-эҳсон қилсангизлар) у зот сизларга бир неча баробар қилиб қайтарур ва сизларни (нг гуноҳларингизни) мағфират қилур. Аллоҳ ўта шукур қилгувчи (яъни, озгина яхши амал учун кўп мукофот ато этгувчи) ва ҳалимдир!»¹⁹⁸ «Аллоҳга қарши ҳасана (ихтиёрий қарз) берадиган ким борки, (Аллоҳ) унга бир неча баробар қилиб қайтарса...»¹⁹⁹ Ушбу ояти кариманинг икки муҳим жиҳати мавжудки, уларнинг ҳар бири каримларнинг баланд мартабаларига ва жавонмардларнинг саховатига гувоҳдир.

Аввалан, Аллоҳи карим ўзининг бу амрини сўроқ тарзида бериб «Ман заллазий?» яъни «қарз беради» фармони ўрнига, «Ким қарз беради?» деяпти. Қуръони карим мутолааси билан машғул бўлганлар яхши биладиларки, шу савол тарзидаги «ман заллазий» жумласи юксак ма-

қомлардан бўлиб, муҳим амрлар хусусида ишлатилади. Чунончи, фармон берадики, «ман заллазий яъсимакум миналлоҳ», яъни «Ким сизни Аллоҳнинг қаҳридан халос қилади?» «Ман заллази яфшу андаҳуилло биизниҳи», яъни «ким сизни Аллоҳнинг изнисиз шафоат қилади?» Кўрилган оятда караму саховатнинг улуғлиги даражаси кўрсатилиб, «ман заллазий» ишлатилган.

Иккинчидан, Ҳазрати таоло «қавмингиз саодати йўлида молингизни сарфланг» амри ўрнига, «менга қарз беринг» демоқда, яъни бу шуки, караму саховат юксак мартабадир ва карампеша, саховатпешалар, албатта, ўз мукофотларини кўрадилар. Бинобарин, Аллоҳ уларнинг садақаларини ўзига берилган қарз деб ҳисобламоқда.

Диққат қилинг-а, бу илоҳий марҳамат ва иноят махсус бой ва давлатмандлар учундир, агар фақир ва мискин кишилар бутун умр ибодат қилиб ё дунёи жаҳон илм олиб ўтсалар ҳам бу шарафу саодатга эришолмайдилар!

Бу борада Қуръони каримда ниҳоятда кўп оятлар келган, биз шулар билан кифояланамиз-да, Пайғамбаримизнинг икки-уч табаррук саҳиҳ ҳадисларини зикр қиламиз... Имом Бухорий «Китобул-илм»ида «Кишиларнинг мартабасига рашк қилмаслик керак, фақат икки хил мартаба бундан мустасно. Аввало, Аллоҳ мол ато этиб, ўша молни Аллоҳ ризолиги йўлида сарф этган кишининг мартабаси, сўнг Аллоҳ фойдали илм бериб, у шу илм асосида халқ орасида ҳукм қилиб, одамларга таълим берадиган кишининг мартабаси» деган.

Имом Муслим «Китобул васият»ида «Одам вафот этса, унга қилган уч амалининг савоби етиб туради: аввало, садақаи жорияси (кунда қиладиган хайру эҳсони)нинг савоби; фойдали илмининг савоби ва уни дуо қилувчи солиҳ фарзандининг савоби» деган ҳадисни келтирган.

Икромли ўқувчиларимиз шу ҳадисларга диққат қилган бўлсалар, икки ҳадис ҳам саҳий ва карампеша бойларнинг зикри олимларнинг зикридан ҳам олдин келган, бу ҳам уларнинг улуғлигининг аломатидир. Ҳа, карампеша бойлар улуғдирлар, уларнинг мартабалари бошқа одамларнинг мартабаларидан юқорироқдир, зеро, миллатнинг ҳаёти, унинг интизоми уларнинг ҳимматларига боғлиқ. Агар бизнинг бойларимиз ҳам шу илоҳий амрларга амал қилиб, шундай шарафу саодатга ўзларини харидор қилса-

лар, шу кундан бошлаб ватанимиз ободлик йўлига, миллатимиз саодату осойиш томон қадам қўйган бўлар эди.

Албатта, бу гапга баъзи одамлар эътироз билдириб: «Мамлакатимизда ҳар доим хайр-садақалар қилинади. Одамларимиз тез-тез Аллоҳ йўлига анча пул сарфлайдилар. Бас, нега биз тараққий этмаймиз?» — дейишлари мумкин. Жавоб бераманки, аввало, «одамларимиз анча пул сарфлайдилар» деган гап нотўғри, чунки бизнинг замонамизда фалончи гадойга ё фалончи хожаи назрхўрга берилган беш ёки етти танга «анча пул» эмас. Бошқа халқларнинг соҳибдавлатлари бу йўлда миллионлаб пул сарфлайдилар. Бизнинг одамларимиз эса ўша сарфлаган беш-етти тангаларини ҳам муносиб йўлларга сарф қилмайдилар. Масалан, бир киши етти тангасини фалон мазорга бериб юборади, у пул эса бирон бир ғайримустаҳиқ²⁰⁰ хожанинг чўнтагига тушади ёки фалон бир киши ўн бир тангасини фалон бир хонақоҳга берадию у пуллар икки-уч нафар одамнинг ошқозонини тўлдиради. Фалон бир назрхўр, ё фалон бир жаҳрийнинг... меъдасига кетган бир неча танга, албатта, миллатнинг мулкига фойда келтирмайди. Боз устига, бизнинг жойларда қилинаётган бу ҳудойилар икки жиҳатдан шаръан ҳаромдир. Аввало, назр беришнинг ўзи ножойиз. Чунки «Назрни истаманг, зеро, назр қадарни (яъни Аллоҳнинг қонунини) ва тақдирингизни ўзгартирмайди», деб ёзилган Муслимнинг «Китобун-назр»ида. Ундан кейин ҳеч бир назрхўр муҳтож эмас, муҳтож бўлмаганга садақа бериш исроф ҳисобланади.

Айтишингиз мумкинки, «лекин биз гадойларга садақа берамиз, улар эса муҳтож-ку» деб. Жавобим шуки, ислом узрсиз, сабабсиз гадойлик қилишни ҳаром қилган, узри бўлмаган гадойларга пул беришни манъ қилган. Биз мазкур рисоламизда шу жиҳатни узундан-узоқ исботладик. Бинобарин, бу жойда зикр қилишни лозим кўрмадик, иншооллоҳ, гадойлик масъаласини ҳам махсус бир фаслда мутолаа қилурсиз.

Шундай қилиб маълум бўлдики, бизнинг бойларимиз қуръоний амрлар бўйича хайру саховат қилмас эканлар, демак, уларнинг хайрлари ватанимизга фойда келтирмайди. Фараз қилайликки, ҳамма бойларимиз инсофга келиб, илоҳий фармонларга биноан хайру эҳсон қилдилар. Бас,

қандай қилинса, бу хайр-эҳсонлардан ватану миллатимизга фойда келади? Ҳозир шу баҳсга навбат келди.

Арз қилганимдек, караму саховат одамларнинг саодати йўлида сарфланган моллардан иборат. Бошқача ибора билан айтсак, караму саховат миллатга мададдир. Бас, миллатнинг эҳтиёжларини тадқиқ назаридан ўтказсак, маълум бўладики, ҳеч бир миллатнинг эҳтиёжлари бир хил эмас, бир миллатнинг турли хил эҳтиёжи бўлади: илмий эҳтиёж, деҳқончиликка эҳтиёж, тижоратга эҳтиёж, диний эҳтиёж ва бошқалар. Инчунин, миллатимиз ҳам ҳар хил ишларда бир нарсага бир жиҳатдан эмас, балки турли жиҳатлардан муҳтождир. Масалан, баъзилар экишга муҳтожлар, яъни ўзлари деҳқонлар-у, лекин экинга ерлари йўқ, ё ерлари бўлса ҳам, экишга асбоб-воситалари йўқ, экин экадилар, лекин эканларидан ўзлари баҳра олмайдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг бир қисми қўлларини ишга урмай ё гадойлик, ё ўғрилиқ қиладиларки, бу ишлар миллатларини беҳузур, ҳукуматларини безътибор, мамлакатларини хароб қилади... Илмга муҳтож жамоа эса истеъдодлари бўлатуриб, китоблари йўқ, китоблари бўлса ҳам, истиқомат қиладиган жойлари йўқ, турадиган жойлари бўлса ҳам, рўзгорга харажатлари йўқ ёки буларнинг ҳаммасига эга бўлсалар ҳам илм таҳсил қиладилар, аммо бу таҳсилдан фойда олмайдилар. Шу сабабдан бир қисм жамоамизнинг умрлари зое кетиб, оламнинг интизоми бўлган илм ўртамиздан кўтарилади. Ало ҳазал қиёс²⁰¹.

Шу эҳтиёжларнинг ҳар бири бир мулкни хароб, миллатни эса безътибор қилишга етарлидир. Бас, карам ва саховат арбобларидан лозимки, шу эҳтиёжларни дафъ қилсинлар, яъни миллатнинг ҳар бир вакили шарият ҳукми асосида, юқорида таржима қилинган оят каби, «ҳатто танаффақу мимо туҳиббун»²⁰² фатвосига кўра бойлар пуллари билан, олимлар таълим билан, шоирлар шеърлари билан, хатиблар ваъзу насихат қилиб бир-бирларига кўмак бериб, унинг соясида мазкур эҳтиёжларни йўқотиб, миллатларини саодат йўлига бошласинлар. Шунга эътиборан Қуръони каримда оятлар мавжуд. Имом Бухорий «Китобул-мазолим»ида «Ҳамма аҳли иймон бир-бирларига мададкорлар» деб ёзган.

Имом Муслим эса «Китобул-бар»ида «Мўъминлар бир

хонанинг деворларига ўхшайдилар ва бир-бирларининг ёрдамлари соясида устивор бўладилар», — деган.

Аmmo шуни ҳам билиш керакки, бир одам аксар ишларни тугатишда ожизлик қилади. Машхур мисолда айтилганидек, «бир қўлдан садо чиқмайди». Шунга биноан фараз қилайлик, миллатимизнинг ҳар бир шахси караму саховат кўрсатиб, ҳар ким ўзича, бир-бирлари билан кенгашмай ёрдам кўрсатмоқчи бўлсалар, буларнинг караму саховатларидан яхши натижа чиқиши амри маҳолдир. Масалан, тасаввур қилинг, сиз ўзингиз танҳо халқ хизмати-ни бўйнингизга олдингиз, биласизки, халқ экиш-теришга муҳтож. Фикр қиласизки, агар фалон бир деҳқонга бир миқдор пул берсангиз, мамлакатнинг деҳқончилигига фойда етади. Сўнг бир деҳқонни олиб келиб пул берасиз ва шу пулни олиб деҳқончиликнинг каму кўстига ишлатиб, экишга машғул бўл, дейсиз. Лекин, аввало, сиз шу деҳқоннинг ёрдамингизга муҳтож эканлигини қаердан биласиз? Иккинчидан, шу кишининг пулингизни олиб оз вақт ўтгач, еб кетиши ё нобуд қилиши мумкин эмасми? Ҳар икки тақдирда ҳам сизнинг бу эҳсонингиздан миллат фойда кўрмайди.

Агар шу масъалани тарбияга муҳтож бўлганларга татбиқ қилсак ҳам эҳсонингизни нобуд бўлиши зоҳиран маълум бўлади. Масалан, мамлакатимизда тарбияга муҳтож гўдакларнинг кўплигини биласиз. Улар тарбия олмасалар ҳам динга, ҳам ватанга зарар етказадилар. Сиз шу йўл билан динга ва миллатга фойда келтирай, деб азм қиласиз. Лекин қандай қилиб ёрдам берасиз? Агар бу болаларнинг ҳар бирига бир қанча миқдордан пул берсангиз, уни нобуд қиладилар, ахлоқлари эса баттар бўлади. Бир қанчасини уйингизга олиб келиб боқиб тарбияласангиз, умрингиздан бездириб юборадилар. Уларни олиб келсангиз, қандай қилиб таълим ва тарбия берасиз? Шубҳа йўқки, бу ишларнинг барчасини ўзингиз қилолмай, яна хайру эҳсонингиз зоеъ кетади, фойдасини кўрмайсиз. Бу шунга далолатки, бир мулкнинг ягона шахси ҳар қанча давлатманду олим бўлмасин, ҳар қанча саховат кўрсатмасин, бир ўзи бу ижтимоий ечимларни ҳал этиш уддасидан чиқолмайди!

Бас, чора нимада? Чора шундаки, миллатнинг карим ва саховатпешалари ватанга бермоқчи бўлган ёрдамларини бир-бирлари билан кенгашмай туриб беролмайдилар.

Шу тариқа ҳиммат соҳиблари гуруҳ-гуруҳ иттифоқлар тузиб, турли хил жамиятлар ташкил қиладилар, ҳар бир жамият миллатнинг бир навъ эҳтиёжини эътибор назарига олиб, шунинг учун ҳаракат қилади. Масалан, илм наشري жамияти, етимларни ҳимоя қилувчи жамият, деҳқончиликни ислоҳ қилиш жамияти, тижоратни ривожлантириш жамияти, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш жамияти ва бошқалар. Шундай жамиятларнинг бирини ташкил қилиш вақтида, аввало, унинг хатти-ҳаракати ва вазифаларини кенгаш қароридан ўтказиб, бу хусусда қонун қабул қилиб, у жамиятнинг маслак ва мақсадлари эълон қилинади. Масалан, шу тариқа мамлакатнинг деҳқончиликка эҳтиёжи бўйича жамият таъсис қилдик, номини «зироатчилик ислоҳи» деб атадик, мақсадини белгиладик. Бу мақсадларни амалга ошириш учун ҳаракат қиламиз. Жумладан, зироатчилик мактабларини очиш, турли мамлакатлардан экиш-териш машиналарини келтириб, деҳқонларга тарқатиб бериш, ҳозирги замон экиш усулларида уларга таълим бериш бизнинг вазифаларимизга киради. Шу тариқа эълон қилинган, жамият барпо бўлган, бир қути, яъни хазина тайёрлаймиз. Унга ёрдам беришни хоҳлаган ҳар бир киши пул ташлайди. Жамиятнинг жамғармаси етарли миқдорга етган, у ишини бошлаб юборади. Етимларни ҳимоя қилиш ва тижорат тараққий қилиши жамиятлари ҳам шу йўсинда қарор топади. Шу зайл миллат хайру саховати мунтазам бир шаклга кириб ватаннинг дардларига малҳам бўлади. Ислом дини бизни шу тариқа ҳаракат қилишга амр қилади: «Илоҳий амрларни қабул қилган одамларга Аллоҳнинг раҳмати чексиздир. Улар намоз ўқийдилар, ҳар бир ишни кенгашиб қиладилар ва биз берган ризқимиздан хайру эҳсон қиладилар»²⁰³.

Ҳазрати Худованди карим шу оятда бизни кенгашиб иш қилишга ва хайру эҳсон қилишга буюради. Бас, агар биз берадиган хайру эҳсонимиз хусусида ҳам кенгашсак, албатта, улкан ажрга эга бўламиз...

«Тўрт киши уч кишидан, уч киши икки кишидан, икки киши бир кишидан яхшироқдир. Бас, сиз ҳар бир ишингизни жамоат бўлиб ижро этингиз, зеро Аллоҳ менинг умматимни савоб ишнинг бошида жамлайди», — дейилган «Ал-жомеъ ас-сағир»да. Шу китобнинг бошқа жойида «Аллоҳ жамоатга нигоҳбондир», — дейилган. Мен амин-

манки, агар орамизда саховат ва карам арбоблари кўпайса, эҳсонларини шу айтилган тарзда адо этсалар, миллатимизни жаҳлу гафлат гирдобидан чиқариб, ҳам бизни, ҳам ўзларини икки дунё саодатига етказдилар. Акс ҳолда, фақат охиратда эмас, балки бу дунёда ҳам олам қавмларининг энг хору зор ва эътиборсизи биз бўламыз.

«Агар ҳокимингиз яхши амалли ва бойларингиз саховатпеша бўлиб, ишларингизни машварат қилиб бажарсангиз, ул вақт сиз учун ер остидан кўра ер усти яхшироқ бўлади, яъни яшаш, ҳаёт кечириш ҳаққига молик бўласизлар. Агарчи, ҳокимингиз бадкирдору бойларингиз бахил бўлсалар, ишларингизни хотинлар билан кенгашиб қилсанглар (яъни ўрталарингиздан машварат йўқолса), ул вақт сиз учун ер устидан тупроқнинг таги афзалдир, яъни яшаш ҳаққига соҳиб бўлолмайсиз, хор ва безътибор бўласиз», – деб ёзилган «Ал-жомеъ ас-сағир»да.

Шу билан ушбу мавзуда ёзганларим кифоя, бундан ортигини ёзишга на менда ва уни ўқишга на сизда тоқат бор. Аллоҳ барчамизга ҳақни кўрувчи кўз ва ҳақиқатни эшитгувчи қулоқ ато қилсин!

ИСРОФГАРЧИЛИК

Маълум бўлдики, карам Аллоҳнинг йўлида мол сарфлашдир. Бу ахлоқий фазилатдан маҳрум бўлганлар икки тоифа кишилари дир. Биринчи жамоа, умуман, мол сарфлашга рози бўлмайдилар, улар нафақат миллатларига, балки хешу акрабо, ҳатто хотин, болаларига ҳам фойда келтирмайдилар, оиладагилари доимо оч, муҳтож юрадилар. Бу ахлоқий касаллик – бахиллик, унга мубтало бўлган киши *бахил* деб аталади. Иккинчи гуруҳ молларини Аллоҳ йўлига эмас, фақат нафсоний ҳавасларининг йўлига сарф қиладилар, ундайлар *исрофгар*лар дейилади. Энди биз ана шу исроф ҳақида бир оз суҳбатлашсак. Биласизларки, сарват, яъни молу мулк инсон ҳаётида катта аҳамиятга ва эътиборга эга, бизнинг замонамизда бир шахснинг тирклиги, мулкнинг боқийлиги, миллатнинг саодати ана шу сарватнинг мавжудлиги билан боғланган. Одам бир кунлик умрини ҳам пулсиз ўтказиши маҳолдир. Гўдак она қорнидан чиққач, унинг бешиги ва бошқа нарсаларга пул керак бўлади. Сал катта бўлса, овқат ейди – пул керак, мактабга чиқади – пул керак. Балоғатга етгач, хотин ола-

ди, уй-жой қилади, булар ҳам пулсиз бўлмайди. Умри охирига етгач, унда ҳам тобуту кафан, лаҳадига ҳам яна пул керак бўлади. Хулоса шуки, ҳар биримиз таваллудимиздан то лаҳадга тушгунимизгача пулга муҳтожмиз. Фақат бу дунёвий ишларимиздагина эмас, балки диний ҳаётимизда ҳам пулга муҳтожлигимиз камаймайди. Ибодат тарзини қаердан ўрганамиз? Мактабдан. Мактабда ўқиш учун эса пул керак. Намозни қаерда ўқиймиз? Масжидда. Масжид қуришга ҳам пул керак. Ҳажга борсак пул даркор. Закоатга, унгаям пул даркор. Буларни қўйиб турайлик-а, бутун ер юзида уч юз эллик миллион мусулмон бор, агар улар яшашлари учун пул топмасалар бир ҳафтада очликдан ўлиб, дунёда мусулмонлардан асар ҳам қолмайди.

Ёки фараз қилинг, бутун олам мусулмонлари фақиру мискин юрсалар, бегоналар бизнинг динимизни гадоилар дини деб мазах қилиб таҳқирлаган бўлар эдилар. Шунинг учун айтиш мумкинки, пулсизлик нафақат дунёвий ишларимизда зарар келтиради, балки диний вазифаларни бажаришга ҳам халал беради. Бас, пулини билиб туриб нобуд қилган одам ўзини ўзи қатл қилган одамга ўхшайди. Саховатпешалар миллат учун пул-молларини сарфлаб, бир неча баробар зиёд мукофот олурлар. Бошқачасига айтганда, ўша хайру саховатдан яна пулу мол қайтар. Лекин исрофгарлар чўнтагидан чиқадиган ҳар маблағ яна қайтиб келадими? Бу шунга олиб келадими, оз вақт ўтмай исрофгарлар ишдан чиқиб, мискин гадога айланадилар. Вакиллари исроф касаллигига йўлиққан миллат, шубҳа йўқки, нобуд бўлади. Агар олам тарихига назар солсангиз, дунёдаги қавмларнинг нобуд бўлиш сабабларидан бири шу исрофгарчиликдир.

Бизни икки дунё саодатига чақирувчи аҳмадияъ нури шариати исрофни қатъиян манъ қилган: «(Эй Муҳаммад), қавм-қариндошга, мискин ва йўловчига (хайру эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка йўл қўйманг. Чунки исроф қилгувчилар шайтонларнинг дўстлари бўлган кимсалардир. Шайтон эса Парвардигорига бутунлай кофир бўлгандир... (Бахиллик билан) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. Исрофгарчилик қилиш билан уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг. Акс ҳолда, маломат ва нафратда қолурсиз»²⁰⁴. Бу ояти карима бизни исрофдан манъ этиб, унинг зарарини тушунтирадики, агар

исроф қилсанг, андак вақт ўтмай пулларинг тамом бўлиб, халқ орасида маломатта қолиб бадном бўласан, қўлингдан кетган пулларинг учун ҳасрат чекасан, лекин у вақт пушаймондан фойда бўлмайди. Қуръони каримда «вало тасаррифу» (исроф қилманг) ва «иннаҳу ло йухиббул-мусрифин» (ҳақиқатда исрофгарларни У севмайди) қабилдаги оятлар анчагинадир, улар бизни исрофдан манъ қиладди. Не қилайликки, биз бечоралар шу гуноҳи азимга ҳам гирифтормиз, ажабланарлисиз шундаки, баъзи бир Худодан қўрқувчи кишиларимиз таҳорат вақтида гуноҳ бўлади деб, сувни кам ишлатадилар-у, аммо рамазон кечаси ифтор учун икки-учта одамга савоб деб юзлаб танга сарфлайдилар! Билмайдиларки, бу тариқа зиёфатларнинг исрофи таҳоратдаги сув исрофидан минг баробар ортиқ. Ва, алҳосил, бу каби ҳолат миллатимиз орасида камол топиб юрибди ва одамларимиз ҳар бир ишда турли жиҳатлардан исроф қиладилар. Энг катта исрофгарчиликнинг бири бизнинг тўйларимиздир. Шу ўринда бу ҳақда айтиб ўтишни муносиб кўрдик.

Одамлар икки дунё саодатига етишишлари учун халқ қилинганлар, тараққий топиб олға босишлари учун доим изланиб ҳаракат қилишлари лозим, лекин доимий ҳаракатдан одам дилгир бўлади ва баъзан истироҳат ва дам олиши ҳам керакдир. Ҳар бир миллат роҳат қилиб дам олиши учун бир вақт тайинлайди. Шу вақтда ишдан бўшаб, осойиш топади. Одамлар бир-бирларининг ёрдамларига муҳтож бўлганлари учун ораларида дўстлик, муҳаббат ҳам бўлади. Шу жиҳатдан гоҳи-гоҳида ишдан бўшаб, бир-бирлариникига борди-келди қилиб дўстликларини изҳор этишлари лозим.

Байрам ва тўй шу жиҳатдан пайдо бўлгандир. Байрам ва тўйлар ҳар бир миллатда мавжуд деб, уларни одамларнинг ўзи ихтиро қилган. Уларни тўй ва байрамлардан қайтариш мумкин эмас, чунки уларнинг ҳам ўзига яраша фойдаси бор. Хусусан, тўйлар ақлу ҳимматга мувофиқ ўтса, кўп фойда келтиради. Аввало, бир неча киши бир жойда жамъ бўлиб, таом еб, суҳбат қурадилар, бу билан уларнинг алоқалари мустаҳкамлашади. Иккинчидан, бу жамоа мамлакат аҳволи ва миллат эҳтиёжидан баҳсу музокара юритадилар. Учунчидан, анча-мунча фақир мискинлар тўй дастурхонидан баҳраманд бўладилар. Шу ҳикматларни

назарга олиб, ислом дини тўйларни манъ қилмаган. Лекин, ислом аҳли бу хайрли амрни суиистеъмол қилмасликлари учун чегара тайин қилинганки, ҳар бир тўй шу чегарада ўтса савоб, ундан четга чиқса ҳазрати Расул амрига кўра гуноҳ бўлади. Улар айтганки: «Никоҳ тўйида бир кун таом бериш суннат, икки кун таом бериш исрофгарчилик, уч кун таом бериш риёкорликдир». Ва яна улар: «Фақат бойлар хабар қилиниб, камбағаллар чақирилмаган тўйнинг таоми энг ёмон таомдир», — деб айтганларини Бухорий ва Муслим «Китоб ул-никоҳ»да билиттифоқ келтирганлар.

Шу икки ҳадисдан маълум бўладики, тўйда бир ҳафталаб таом бериш, чопонлар кийгишиш, фақат бойларга хабар бериб, камбағалларни маҳрум қилишнинг ҳаммаси ҳазрати Пайғамбар суннатларига зид экан.

Жаноб рисолатпаноҳнинг амрига мувофиқ тўй қилишни хоҳлаган одам чопону қанд тарқатмасин, камбағал ва бойларни тенг кўриб, бир кун ё икки кун таом берсин. Шу тариқа қилинган тўй шариатга мувофиқ савобли ва фойдали бўлади. Савоби шуки, шу баҳонада ватандошлар жам бўлиб, биродарлик алоқалари мустаҳкам бўлади ва баъзан мулку миллатнинг эҳтиёжларидан сўзлайдилар. Фойдаси шуки, беш юз тангадан ортиқ пул сарфланмайди. Беш юз қаердаю эллик минг қаерда? Аммо бизнинг замонамизда ўтаётган тўйлар исрофгарчиликдир, ислом амрига хилоф, гуноҳ, ақлга тескардир. Ўн яшар бола ҳам бундай тўйларнинг қабоҳатини идрок қила олади. Аммо оқилу балоғатга етган катта одамларнинг ўзини тушунмасликка солишига нима чора қилиш мумкин? Бугун биз танийдиган бойлар орасида топган ҳалол сармояларини тўй ва зиёфатларда нобуд қилиб, ишдан чиқиб, безътибор, хонанишин бўлиб ўтирганлари қанча? Улардан «Шу тўйга сарфлаган эллик минг, олтмиш минг пулингиз бугунги кунингизга фойда келтиряптими? Тўйингиздан тўн кийиб, қанд олиб кетган одамлар бугун ишингиз юришмаётганда беш танга билан сизга ёрдам кўрсатяптиларми?» — деб сўраймиз. Албатта, «Йўқ!» — деб жавоб беришлари аниқ. «Фатақвуда маълуман маҳсуру»²⁰⁵ оятининг маъноси мана шу!

Илова қилиб айтсак, бу каби тўйлар муҳаббату биродарликни кўпайтириш ўрнига, нифоқу дилсиёҳликка во-

сита, ҳатто баъзан фитнес-фасодга сабаб бўлади. Тўй асносида баъзи бойлар орасида бўлиб турадиган жанжал ва беобрўликлар бунга гувоҳдир. Аммо фалончи доирачи ва суранайчининг дунёнинг фалон бир чеккасидан беш юз танга эвазига келтириш, фалон бир раққосани қай бир жаҳаннам гўшасидан минг танга бериб чақириб, узун тунлар минглаб бесару бадмастларни тўплаб базм бериш ҳаром, фисқ, икки дунё юз қоралигига сабабдир... Шу маънода: «Аллоҳ сизга молни яшашингиз учун восита ва ҳаётингизнинг низоми қилиб берган, уни аҳмоқлик ва нодонлик билан бесаранжом, бетартиб сарфламанг!» деган оят ҳам бор²⁰⁶.

БАХИЛЛИК

Бу ахлоқий разиллик исрофдан ҳам баттардир, зеро, зиёни исрофнинг зараридан кўпроқ. Исрофкорлар бир навъ бўлса ҳам одамларга фойда беришлари мумкин, аммо бахиллар ҳеч кимга ҳеч қайси йўлда манфаат келтирмайдилар. Бахиллар ўз инсоний вазифаларига мувофиқ юрмайдилар, бинобарин, вужудларидан башариятга уят ва номусдан бошқа нарса келмайди. Ҳар бир қавм орасида бахиллар кўпайса, қавм ҳаётини ҳуқуқларини муҳофазасидан ожиз қолиб, хоҳласа-хоҳламаса нобуд бўлади. Масалан, одамнинг баданини кўз олдингизга келтирсангиз, унинг ҳар бир аъзоси муайян вазифани адо этишини кўрасиз: қўли ишлайди, оёғи юради, тишлари чайнайди, кўзлари кўради, қулоғи эшитди. Агар шу одамнинг ҳамма аъзоси ёки улардан бири ишдан чиқса ҳам одамлар орасида хорзабун, муҳтож бўлиб юради. Бир миллатнинг ижтимоий ҳолати (таркиби – *тарж.*) бир маънавий шахс кабидир. Агар аъзоларининг бир қисми ўзининг вазифасини адо қилмаса, у миллат хору зор, балки маҳву нобуд бўлади. Икки дунё саодатидан маҳрум қолмай деган ҳар бир қавм бу зарарли сифатни ўзидан йироқ қилиши керак. Шуни эътиборга олиб, ислом дини бу ёмон иллатни манъ қилади: «Эй одамлар, инфоқ (яъни Аллоҳ йўлида мол сарфлаш) қилиниши даъват этилган эди, бас, баъзиларингиз бахиллик қилдингизлар. Бахиллик қилган одамга, шубҳа йўқки, бахиллигидан ўзига зарар етади, зеро, Аллоҳ ғанидир (яъни, сизнинг эҳсонуну хайрингизга муҳтож эмас). Балки сизнинг ўзингиз фақируну муҳтожсиз (яъни, Аллоҳ эҳсон

ва садақа қилишликни сизнинг фойдангиз учун буюрган). Агар илоҳий амрларга бўйсунмасангиз ҳалок бўласиз ва Аллоҳ сизнинг ўрнингизга бир қавмни келтирадики, у қавм Унга итоат этади»²⁰⁷.

«Аллоҳ розилиги йўлида бир-бирларингизнинг саодатларингиз учун мол сарфланглар ва ўзингизни ўзингиз таҳликага солмангки, зеро бахиллигингиз сизни ва қавмингизни ҳалок этади»²⁰⁸.

«Аллоҳ уларга берган молларини Унинг ризолиги йўлида сарфлашни хоҳламаганлар гумон қиладиларки, бахилликларидан фойда келади деб, йўқ, бахилликлари ўзларига зарар келтиради»²⁰⁹.

Бахиллар жамоаси миллатимизга фойда келтирмай, балки бир дунё-жаҳон зарар етказадилар. Бугун миллатимизга улардан етаётган зарарни ҳисоблаб бўлмайди. Масалан, уларнинг «фойдахўр» деб номланган бир қисми миллатимизнинг қонини шарбат ўрнига ичмоқда, аксар бадбахт деҳқонларимизга эллик танга бериб, юз тангага қарздор қилиб қўядилар, яна шу юз тангани ҳам бир фоиз ё икки фоиз фойдаси билан оладилар! Яъни, ўша эллик тангани бир ойдан кейин эллик баробар қилиб оладилар. Таажжубки, бу ноинсофликларни уламоларнинг ҳимоялари сояси ва муфтиларнинг фатвоси, қозиларнинг муҳри билан бажарадилар!

Рибо ҳам миллатимизнинг бадбахтлигига катта сабабдир. Шунинг учун бу масала хусусида сукут сақламай андак ҳасби ҳол қиламиз. Рибонинг ҳаромлигини ҳеч ким инкор этолмайди, шунинг учун унинг ҳаромлигини исбот қилиб ўтирмасдан, ҳаром қилинганлик сабабларини муҳокама қиламиз.

Ҳазрати Ҳакими мутлақ ҳеч бир мавжудотни ҳикматсиз ва фойдасиз яратмаган... «Биз осмон ва заминни ва улар орасидаги мавжуд нарсаларни ўйин учун яратмадик»²¹⁰. Коинотдаги ҳар бир зарранинг замирида шу қадар ҳикмат ва фойдалар борки, уларни идрок этишдан ақли башар ожиз қолади ва юқоридаги оят ҳукмига кўра, жамики бу ҳикмат ва фойдалар одамларнинг назари олдида ёйиб, тўшаб қўйилган. Яъни, одамларга истейдод берганки, жами бу фойда ва ҳикматларни истифода этсинлар. Аммо одамларнинг бу неъматсочар Аллоҳнинг саховатли дастурхонидан қай тарзда баҳраманд бўлишлари хусусида қонуну

қоида вазъ қилинган. Бу муҳиб қоида шуки... «Ҳар кимнинг файзи (ризқи) унинг ҳимматиға мос бўлади».

Зўр бир одамға ҳаракат эркинлиги берилган, яъни ҳар ким нима хоҳласа шу ишни ихтиёр этиб, ўзига манфаату фойда келтиради. Буни ҳеч бир куч манъ қилолмайди. Лекин, шу шарт биланки, кишининг саъйи амали бошқаларға зарар келтирмасин. Зиён келтирадиган амал қилса, уни дин ҳам, ақл ҳам, урф-одат ҳам ўша ишдан қайтаради. Масалан, мен тижорат фикрида бир бойдан қарз олиб, дунёнинг бир гўшасидан моллар келтириб сотаман. Менинг бу ишимдан ҳеч ким зарар кўрмайди, ҳеч бир куч мени бу ҳуқуқимдан манъ қилолмайди. Аммо ўша бўлган пулимни қайтариб бермасам ё келтириб сотган молларим миллатға зарар келтирса, у ҳолда менинг бу амалимни дин ҳам, ақл ҳам, урфу одатларимиз ҳам манъ этади.

Шу муқаддимани тушуниб олганимиздан кейин рибо масъаласининг тадқиқига қайтамиз. Исломи дини зоҳир бўлмасдан аввал Арабистон аҳолиси фойда олиш ниятида бир-биридан қарз олар эди. Ваъдалашган кун пулни бера олмагач, келишилган фоизға яна бир оз фойда қўшиб, муддатни чўзишар эди, иккинчи марта ҳам қарзини бера олмаса, фойда устига яна фойда қўшилар, шундай қилиб, олинган қарз миқдори қарздорнинг жамики мол-мулкидан ошиб кетиб, у мол-мулкани қарз берувчига бериб, ўзи бечораю камбағал, мискин бўлиб қолаверарди. Бу одатнинг икки ёқлама зарари бор. Аввало, аҳолининг бир қисмини хароб қилиб, бор-йўғи қўлидан кетиб, бора-бора мамлакат фақирлик гирдобига қулайди. Иккинчидан, одамлар табиатан роҳатпарастлар, кулфат, саъй-ҳаракатни ёқтирмайдилар. Агар рибохўрлик шаръан жоиз бўлса, ҳар ким ишламай қўлидаги беш тангаси билан рибохўрлик қилиб юрарди. Бунинг оқибатида оламнинг интизоми бўлган саъй-амали барҳам топиб, дунё алғов-далғовлар билан тўлиб кетади.

Ҳакими қадим жалла жалоллаҳу (Аллоҳ) ҳикмат билан оятлар юбориб, рибони манъ этган. Рибони ҳаром қилинганлиги ҳикматини юқорида икки жиҳатдан арз этдим. Аммо Ҳазрати устодул-муҳаққиқин ҳужжатул-ислом Имом Фаззолий «Иҳё» (Ал-улум) китобида неъматнинг шукри хусусида фойдали мақола битиб, унда рибонинг ҳаромлигини ҳам айтиб ўтган. Чунончи, Фаззолий: «Дир-

хаму динорларини сандиқларига яшириб, Аллоҳ йўлида сарф қилмайдиганларга хабар бер, эй ҳабибим, улар қаттиқ азобга гирифтор бўладилар» деган оятни келтириб: «Иккинчи гуруҳ рибохўрлар гуруҳики, улар дирҳаму динорларини ўз қадру қимматлари учун сарфламайдилар. Зеро, бу юқорида айтганимиздек, дирҳам ва динорни бошқа нарсалар эвазига берадилар, рибохўрлар пулни пул эвазига бериб, куфрони неъмат қиладилар» (Шу ергача Имом Ғазолийнинг фармойишларини мазмунан таржима қилдик).

Энди рибонинг ҳаром эканлигини билганимиздан сўнг сиздан сўрасам, инсоф қилиб айтинг, мамлакатимиздаги бу фойдахўрлик қозихона васиқаси юзасидан ижро этилгани зарарми ё йўқми? Албатта, зарар! Бас, исломда судхўрлик жоиз эмас. Инсоният оламига зарар келтирадиган ишни ислом дини манъ қилгани маълум бўлди. Бу ҳаром иллат зарар келтирар экан, ҳеч бир муфтининг фатвоси ва қозининг муҳри уни ҳалол қилолмайди.

Хулоса

Шижоат ғазаб қувватининг фазилатидир, қўрқоқликнинг шижоатга қарши тарафи ҳаддан ташқари бебошларча шижоат ҳам телбалик, уларнинг иккиси ҳам манъ қилинган хулқлар, чунки улар зарарлидир. Шижоатнинг бир тарафи карам ва эҳсон бўлиб, улар шаръан ва ақлан лозимдир.

Ҳар ким караму саховатни бир ўзи танҳо қилса, ҳамжинсларига фойда келтирмаслиги мумкин, бундай ишларни маслаҳат қилиб, кенгашиб қилиш мақсадга мувофиқ. Исроф тахаввурнинг (яъни, бебошликнинг) бир тарафи, бинобарин, у шаръан ва ақлан ҳаром қилинган.

Бахиллик инсоний фазилатларга зиддир, у ҳам ҳаром ва манъ қилинган. Рибо бахилликнинг бир жиҳати бўлиб, муфтиларнинг фатвоси, қозиларнинг васиқаси билан бўлса ҳам ҳаромдир.

НАЖДАТ

Икки дунё саодатига сабаб бўладиган амалларнинг бири инсоннинг ҳаққу вазифаларини билиб, тушуниб олишдир. Ўз ҳаққу вазифаларини билмаган миллат ҳаётига ҳар бир дақиқада минглаб ҳалокатли хатарлар кўз тикиб туради. Масалан, сиз Бухородан то Самарқандгача саёҳат қил-

моқчисиз. Бу йўлда сизнинг бир нечта ҳаққу вазифаларингиз бор: егулик олиш, оташаравага чиқиш, турар жой топиш, роҳат қилиш ва ҳ.к. Бирор одам сизга бу ҳақларингизни адо этишдан манъ этолмайди. Аммо бировнинг озуқаси билан овқатлансангиз, билет пулини тўламасангиз, бировнинг жойини эгалласангиз, бошқаларнинг роҳатига халал берсангиз, сизни бу ишлардан дарҳол қайтаришади. Ҳамонки, сиз Самарқанд сафарини хаёл қилар экансиз, ўзингизнинг вазифаларингизни билишингиз, шунга қараб амал қилишингиз лозим. Агар бирор-бир ҳуқуқ ё вазифаларингизни адо этмасангиз ё сустлик қилсангиз, сафардан қолишингиз ёки қийинчиликларга дучор бўлишингиз мумкин.

Инчунин, инсон ҳам икки дунё саодати йўлидаги мусофирдир. Инсонларнинг муайян ҳуқуқ ва вазифалари мавжудки, уларнинг ҳеч бўлмаса бирини адо этмасалар мақсадларига етолмайдилар. Ҳар нарсани тасарруф қилиб истеъмол қилишлиқ, яъни фойдаланишлиқ; уни душманлар ҳужумидан ҳимоя этиш, ҳақ бўлган ва биз хоҳлаган нарсани одамлар бизга буюрса, уларнинг ҳақларига кўра амал қилишлиқ; биз хоҳламаган нарсани буюрсалар, уларга ҳам уни раво кўрмаслик бизнинг вазифамизга киради. Масалан, сизнинг фалон маблағ пулингиз бор, тижорат қилмоқчи эканлигингиз — бу сизнинг ҳаққингиз, ҳеч ким сизни бундан манъ этолмайди. Аммо бошқа бир кишининг тижоратига зарар етказсангиз, сизни бундан манъ этишади. Иззат, нафс, номус сизнинг муқаддас бурчларингиздир. Уларни ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилсангиз, сизни ҳеч ким бу ишдан тўхтатмайди, бошқаларнинг ҳам номус-нафсига тажовуз қилмаслик сизнинг вазифангиз. Агар шунга хилоф ҳаракат қилсангиз, сизни бу ишингизни тақиқлайдилар. Шаҳсий манфаатларингиз учун талаб қилсангиз — бу сизнинг ҳаққингиз, умумий манфаатларга риоя қилишлиқ эса вазифангизга киради. Буларнинг ҳар бири хусусида бефарқлик, енгиллик қилсангиз Ҳаққул Холиқ олдида маломатзада бўлиб қоласиз.

Гапни қисқа қилиб айтсак, одам номига даъво қилаётган ҳар бир киши ўз ҳаққини талаб этиши ва ҳар бир вазифасини адо этиши лозим. Лекин бизнинг суҳбатимизнинг мақсади шулким, баъзан ҳаққимиздан фойдаланишимизга, уни муҳофизати, вазифаларимизни бажо кел-

тиришимиз мушкилот ва тўсиқларга дуч келади. Масалан, сиз ўз фарзандингиз тўйини содагина қилиб ўтказмоқчисиз, бировга сарпо ва ортиқча қанд-курс бермоқчи эмассиз ёки ўз ўғлингизга яхшигина илм бермоқчи бўлсангиз, булар сизнинг ихтиёрингиз ва ҳақингиздир. Биров сизни бу ишлардан манъ этолмайди, лекин сиз одамлар таънаси ва маломатидан қўрқасиз.

Менинг орзуим, жумладан, фалон жамоани писмадон ғайришаръий ишдан (панд-насихат ва амри маъруф ила) манъ этишдир. Бу эса менинг ишим, биров мени бу вазифадан манъ этолмайди, чунки бу менинг ҳуқуқимдир. Лекин мен шу ҳуқуқимдан фойдаланмоқчи бўлсам, одамлар менга душман бўладилар ва ё мендан юз ўгириб қоладилар. Мен эса муҳтожликдан ўлиб кетаман. Аслида комил инсон бундай мушкилот ва бемаъни тўсиқлар андишасига бормай эркинлик билан ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланади ва ўз вазифаларини бажо келтиради. Шундай одамнинг бу амалини *наждат* – шижоат ва жасорат дейдилар. Бу эса ҳазрати Пайғамбаримизнинг энг яхши фазилатларидан бўлган. Ҳазрати фахри коинот, алайҳи афзал утаҳиёт²¹¹ ўз яқинларидан шунча жафо кўрган бўлса, душманлари таҳқирига дуч келган бўлса, қариндошлари отган тошлар зарбидан мажруҳ бўлган бўлса ҳам муқаддас ватанини тарк этиб, ғариблик ўлкасини ихтиёр этди. Ўзининг Пайғамбарлик бурчини ҳеч қандай қийинчиликларга қарамасдан ижро этиб, шу йўлда сустлик ва заифликка йўл бермади, ҳеч қандай кучлар уни мағлуб этолмади.

Айниқса, жамият ишларида ташаббус кўрсатиш шижоат ва жасоратнинг муваффақиятига боғлиқ. Аллоҳ таоло ҳам шундай фазилат эгаларини мақтаб, уларга ёрдам бериш ваъдасини бергандир. «Эй мусулмонлар, агарда ҳақиқат учун курашсангиз, сусткашлик қилмасангиз, Аллоҳ сизларга нусрат бергай ва ҳеч бир куч сизларни мағлуб этишига йўл қўймайди», дейилган «Муҳаммад» сурасида²¹². Шунда яна кимларким «Раббано», «бизнинг парвардигоримиз Аллоҳдир» дейдилар ва ростликка ҳаракат қиладилар, (улар) ҳеч қачон хавфсираб ғамгин бўлмасинлар, улар билан малоикалар бўлиб уларга жаннат башорат (ваъда) бўлғусидир» дейилади.

Маълумки, «Раббано» (Эй, парвардигоримиз; Ё Аллоҳ) дейиш бизнинг ҳақимиздир ва ростликка юриш биз-

нинг вазифамиз. Бас, ҳақ йўлида бурчнинг ижросида саъй-ҳаракат қилган кишига шу оят далил бўлиб, унга Аллоҳ мадад бериб, кўнглига таскин бериш учун малоикаларини ҳамроҳ қилар экан.

ИНХИЗОЛ

Аммо баъзи мусибат ва қийинчиликлардан қўрқиб, ўз ҳаққу вазифаларини адо этишга журъат қилолмайдиган жамоанинг ҳолатини *инхизол* (журъатсизлик) дейдилар. Ваҳима қилиб, қўрқиб, ўз ҳаққини истеъмол қилолмаган одамнинг бир маҳбусдан ҳеч фарқи қолмайди, зеро ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишдан ожиз қолишлик фақат бандаларга лойиқдир. Киши озод бўлса, нега қўрқувдан ўз ҳаққи-ҳуқуқига кирган ишларни бажара олмайди? Молининг кетишидан қўрқиб оч қолган киши ўз вазифаларини тарк қилган ҳисобланади, ундайларнинг одамлар орасида шарафу эътибори қолмайди. Зеро, вазифа ҳам қарзнинг бир туридир, ўзининг қарзини қайтариб беришга қўрққан одам, албатта, беъэтибор қолади-да. Шунинг учун Қуръон бу қабиҳ сифатдан бизни қайтаради: «Албатта, ўша (сизларни васвасага солмоқчи бўлган) шайтоннинг ўзидир. У сизларни ўзининг дўстларидан (кофирлардан) қўрқитмоқчи бўлади. Бас, агар мўъмин бўлсангизлар, улардан қўрқмангиз, мендан қўрқингиз!»²¹³ «Ўзгалардан эмас, мендан қўрқингиз», — деган ибора ва маъно Қуръони каримнинг деярли барча сураларида учрайди.

МАНМАНЛИК ДАРДИ

Ва ҳеч бир мақсадсиз ё баъзи бир мавҳум манфаатларни кўзлаб, ўзининг молу жонини таҳлика ва хатарга қўядиган жамоа ҳам бордир. Масалан, баъзи кишилар бировнинг эллик тангасини ютиб олиш учун узун тунлар қимор ўйнаб, ўзларининг минглаб тангаларини зое қиладилар. Баъзилар одамлар офаринлар айтиб, соҳиби давлат инсон экан десинлар деб, ҳамма бор-йўғини икки кунлик тўйга совурадилар. Одамлар сарватманд деб билсинлар, деган фикрда қимматбаҳо моллар харид қилиб, арзон баҳога сотадилар, ўзларини беҳуда ўлим домига ташлайдилар. Буларнинг барчаси жаҳолат туфайлидир, гуноҳдир... (Шу ҳақда) «Ўзингизни ўзингиз таҳликага солманг», — дейилган Қуръони каримда.

САБОТ

Сабот шуки, бир улуг мақсадни қўлга киритиш учун қадам қўйдикми, бизни бу йўлдан на фақирлик, на қийинчиликлар, на мақсаднинг узоқлиги, алҳосил, ҳеч бир нарса қайтаролмайди. Балки ҳар бир мушкулотга рўпара бўлганимизда, уни сабр, матонат билан дафъ қилиб, янада завқу шавқ билан мақсад сари интиламиз. Бесаботлиги билан машҳур бўлган миллат пастликдан, хорликдан, золимлик чангалзоридан халос бўлолмайди. Бу муборак сифатга эга бўлишлик ҳар кимга лозим, айниқса, ижтимоий ислоҳот ишлари билан шуғулланувчиларга ҳар нарсдан ҳам аввал лозим. Зеро, ижтимоий хизматларнинг натижасини узоқ кутиш керак, бунинг учун эса кўп йиллар, беҳисоб қурбонликлар бўлади, бусиз бир миллат ғафлат уйқусидан туролмайди.

Хорун ар-Рашид Аббосий замонида аҳли ислом илм жиҳатидан, мулк, тижорат, саноат жиҳатларидан анча тараққий топган эди. Ўша вақтда мусулмонлар ҳатто соат ихтиро қилган эдилар. Ҳикоят қилишларича, Хорун Фаранса мамлакатига элчи юбориб, султонларнинг урф ва одобига кўра, Фаранса ҳукмдорига анча совға-саломлар ҳам қўшиб юборган ва уларнинг ичида соат ҳам бўлган экан. Хорун ар-Рашиднинг элчиси Фаранса ҳукмдори ҳузурига кириб, совға-саломларни топширганда, мазкур ҳукмдор соатни кўриб, ҳайратга тушган ва ўзининг аркони давлатини тўплаб, уларга соатни кўрсатган экан. Вазирлар ва давлат арконлари анча тадқиқот ва текшириш ўтказгандан кейин: «Аҳли ислом шу қутининг ичига шайтонни солиб юборганлар» деган қарорга келган эканлар. Шу ҳикоятдан сизга равшан бўладикки, биз олам илмларини эгаллаб, соат ихтиро қилганимизда, фаранглар қанчалик нодон ва жоҳил бўлишган экан. Энди уларнинг бугунги тараққиётига диққат қилинг. Соатнинг ичидаги чархни шайтон деб гумон қилган халқ бугун ўзининг саноатдаги ихтиролари билан шайтонни ҳайратга соладилар. Биздан ўша даврда фарсах-фарсах орқада қолган қавм бугун дунёи жаҳон илдамлаб кетдилар. Шубҳа йўқки, фаранглар бу ҳайратомуз тараққиётга бир кечада эришганлари йўқ, балки саъй-ҳаракатнинг соясида майдонга келтирганлар. Ҳа, фаранглар ниманики қўлга киритган бўлсалар, саботлари орқали қўлга киритганлар, биз мусулмонлар ниманики бой

берган бўлсак, ўзимизнинг саботсизлигимиздан бой бердик. Фаранглар шундай ишларга қўл урадиларки, уларнинг натижаси 200 йил ўтгач кўриниши мумкин, лекин улар ҳаргиз натижагача узоқ, деб дилгир бўлмайдилар.

Энди шу хусусда дини ислом нима деркан: «Ва, албатта, сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: «Албатта, биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва, албатта, биз у Зотга қайтгувчилармиз» дейдиган собирларга хушxabар беринг (Эй Муҳаммад). Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан салавот (маъфират) ва раҳмат бордур, ана ўшалар ҳақ йўлни топгувчилардир»²¹⁴.

Ҳадисда эса Муслим «Китобус-салом»да «Аллоҳ наздида яхши амаллар кам бўлса ҳам доимий бўлган амаллардир» деган. «Китобул-қадр»ида эса «Дунё ва охиратда сенга фойда келтирадиган нарсалар (амаллар) учун саъй-ҳаракат қил ва Аллоҳдан мадад иста, саботсизлик қилма» деган ҳадисни келтиради.

ТАЗАБЗУБ

Мусулмонларнинг кўпчилигида ношойиста бир ҳолат мавжуд. Масалан, фалон бир ишдан кўп манфаатлар олиш мумкин деб ўйлаб, дарҳол шу ишни бажаришга шошиладилар. Лекин, бир неча кун ўтгач, ўша ишдан қўл тортиб қоладилар. Бунинг сабабини сўрасангиз: «Бу ишда ҳақиқатан ҳам кўп фойда мавжуд, лекин унинг фойдасига етишишга кўп вақт керак ёки унга эришиш йўли машаққатли ё биз бу ишни бажаришдан ожиз эканмиз», — деган жавобни берадилар. Ана шу ҳолат *тазабзуб* — *иккиланиш* ҳолати дейилади. Бу ҳолатга икки нарса сабабдир: бизнинг шижоатсизлигимиз ёки маъюслигимиз.

Юқорида муфассал арз этганимиздек, шижоатсизлик исломий таълимотга зиддир, маъюслик ва умидсизликни ислом дини манъ этганлигини қайд этамиз: «...Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Аллоҳ раҳматидан фақат кофир қавмигина ноумид бўлур»²¹⁵.

«Аллоҳнинг оятларини ва Унга рўбарў бўлишни инкор қилган кимсалар — улар Менинг раҳматимдан ноумид бўлган кимсалардир...»²¹⁶

ИНОД

Шундай одамлар борки, манфаат оламан деган умидда бир зарарли ишга билмасдан қўл урадилар, зарарини билганларидан кейин ҳам шу ишдан воз кечмайдилар ва ўзларича бу ҳаракатларини сабот деб ўйлайдилар. Уларнинг бу ҳаракати сабот эмас, балки инод²¹⁷ (жаҳл, истаза, ғазаб)дир ва ҳеч бир фойда келтирмайди.

«Бирор ишнинг зарарини билиб олиб, шу ишни қиламайман деб ҳаракат қилганларга Аллоҳ мағфирати ва жаннат мукофот бўлғай», – дейилган Қуръони каримнинг Оли имрон сурасида. Яна «била туриб ўзларингизни ҳашарга солманг» дейилган ояти каримани Бақара сурасида ҳам ўқиймиз.

ҲАЛИМЛИК

Оламнинг интизоми одамларнинг бир-бирлари билан дўстона ва биродарона ҳаёт кечиришларига боғлиқ. Лекин энг ёмони, бечора одам (шунинг учун ҳам одам-да) илму ҳикматининг зўрлигига қарамай, ҳар доим ўзининг барча ҳаракатларини хатодан ҳимоя қилолмайди. Шунинг учун баъзан бирор-бир ҳамжинсининг ҳақ ишига хилоф ҳаракат қилиб, унга ё мол-мулк жиҳатдан, ё қадр эътиборига зарар етказди. Шу зарар кўрган шахснинг вазифаси нимадан иборат? У ўзини қандай тутиши керак? Аввал, мулоҳаза қилинг, унга зарар етказган билмасдан қилдими ё қасддан? Агар қасддан зарар етказган бўлса, зарарнинг оз ё кўплигига қаранг. Агар кўп бўлса, зарар етказган шахсга эътибор берилади, у қилган ишидан пушаймон бўлиб, етказган зарарини тузатмоқчими ё йўқ? Агар зарар билмасдан етказилган бўлса, кам бўлса, ё зарар етказган шахс пушаймон бўлса, узрхоҳ бўлса, ушбу ҳолатларда уни кечириш керак.

Одамлар маданиятга мойил бўлганликлари учун ўрталаридаги муомала, талаб ва иддаоларини олам интизомининг тақозосига кўра лутф ва мадора билан ўрнатишлари лозим. Комилу олим инсонлар нафсларини шундай тарбиялайдиларки, натижада афв ва мадора, мулойимлик одатларига айланади. Шу ҳолатни *ҳилм* дейдилар. Ҳилмнинг нақадар шарафли эканлигига биргина далил – Аллоҳнинг исмларидан бири Ҳалим эканлигидир. Ҳалимлик оламнинг осойишталиги учун зарурдир. Шундан афв ва мадорани ислом дини жиддият билан бизга таклиф этади:

«...Энди Ким (интиқом олишга қодир бўлгани ҳолда) афв қилиб (ўртани) тузатса, бас, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир»²¹⁸.

«...Ҳазратларини ичига ютадиган одамларнинг (хатокамчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади... уларнинг мукофотлари тағларидан дарёлар оқиб турувчи жаннатлар(дир)»²¹⁹.

«Аллоҳ ғафурдир, афв қилувчиларни севади» — дейилган «Ал-жомеъ ас-сағир»да.

«Аллоҳ рафиқдир, яъни мадорани севади, қаттиқсўзлик ва ғайирлик сабабидан бермаган нарсасини мадора сабабли беради» деган Муслимнинг «Китоб ул-бар»ида.

Бухорий «Китоб ул-адаб», Муслим «Китоб ул-бар»ида «Худо ҳамма ишлардан мадорани севади», — деб ҳадис келтирадилар.

Муслим «Китоб ур-рафиқ»ида ҳам «Муроса ва мадорадан маҳрум кишилар хайрдан ҳам маҳрумлар» деган ҳадисни келтирган.

ҲАЗАБ

Аммо зарар билмасдан туриб етказилган бўлса, хоҳ кўп бўлсин, хоҳ кам бўлсин, зарар етказган шахс хоҳ пушаймону узрхоҳ бўлсин, хоҳ бўлмасин, дарҳол ҳазаб қилиб, интиқом (ўч) олиш фикрига тушишлик, бориб-бориб одамлар орасидаги биродарлик алоқаларини узиб, олам тартибини вайрон қилади. Ҳазаб пайтида одам дунё ва охирати хароб бўладиган бир иш қилиши мумкин.

«Ҳазаб қилма», «Душманни ерга ағдарган киши кучли эмас, балки ҳазоби келган пайтда уни ичига ютган киши кучлидир» — деган Бухорий «Китоб ул-адаб»ида.

ҲИЛМИ ХИМОРИЙ

Аммо, зарар қасдан қилиниб, унинг миқдори кўп бўлса, соҳиби эса пушаймонлик ва узрхоҳлик билдирмаса, шу вақтда унга нисбатан сукут сақлашни ҳилми химорий (эшакка хос ҳалимлик) деб атайдилар. Бундай одат (обрў ва номусни ҳимоя қилмаслик) инсоният шарафига хилоф бўлиб, манъ қилингандир. Зеро, маълумки, миллатнинг ҳар бир вакилида шарафу эътибор бўлса, ўша миллат шарафу эътиборга лойиқ бўлади. Бир миллатнинг иззату шарафи вакилларининг иззат-ҳурматиға яраша бўла-

ди. Яъни, вакиллари қанчалик иззатли-икромли бўлса, миллат ҳам икромли, улар қанчалик залил бўлса, миллати ҳам хору залил бўлади. Бир миллат шараф ва эътиборга молик бўлмаса, у ҳолда саодат ва осудаликда ҳаммадан орқада, балки булардан маҳрум бўлади.

ИФФАТ

Юқорида арз қилганимиздек, ислоҳ этиш лозим бўлган қувватларнинг бири шаҳвоний қувват эди. Бу қувватнинг вазифаси жисмоний ва руҳий манфаатларга хизмат қилади. Лекин баъзан бу қувват ҳам ўзининг ҳаддига тажовуз қилиб, зарарли талабларни қондиради. Унинг шу ҳолатини *шараҳ* (ҳирс) деб атайдилар ва бу ифротнинг (ҳаддан ошиб кетиш) мартабасидар. Баъзан эса ўзининг вазифасини адо этишда сустлик қилади ва манфаат талабидан воз кечади. Бу ҳолатни *ҳумуд* (хомушлик) деб атайдилар ва у тафритнинг (тартибсизликнинг) бир жиҳатига киради. Шараҳ ва ҳумуднинг ҳар иккаласида ҳам зарар мавжуд бўлган ёмон одатлардир. Аммо шу ёмон одатларнинг ўртасида бир ўртача ҳолат борки, у белгиланган чегарадан чиқмайди, шунинг учун у фойдали, яхши ва лозимдир. Бу ҳолат *иффат* деб аталади. Бу уч ҳолатнинг ҳар қайсида анвойи ҳолатлар мавжуд. Биз уларни ҳаммасини тартиб билан қуйидаги жадвалга жойлаштирдик:

Ифрот	Эътидол	Тафрит
шараҳ	иффат	ҳумуд
вақоҳат ²²⁰	ҳаё	тухнус ²²¹
малақ ²²²	сидқ	нифоқ
исроф	қаноат	иҳмол ²²³
риё	ҳусни ҳайъат	хатака ²²⁴
	вараъ ²²⁵	

Энди уларнинг ҳар бирига шарҳ берамиз.

ҲАЁ

Иффатнинг бир жиҳати *ҳаё*дир. Ахлоқ уламолари бу сифатни неча тариқа таъриф қилдилар. Ҳаё изтиробдирки, гуноҳ иш қилиш асносида одамнинг виждони уйғониб, уни шу ишдан манъ қилади. Ҳаё — бу гуноҳини бошқалар билиб қолишидан қўрқишлик.

Хулоса шуки, ҳаё одамни гуноҳ қилишдан қайтарувчи ҳолат ва у ҳар бир одамда илмий-ирфоний мартабаси туфайли зоҳир бўлади. Масалан, комил арбоблар борки, Аллоҳнинг улуғлиги ва азиматига иймонлари комил, бани Одамнинг шарафу кароматини яхши тушунадилар. Бу жамоа ўзларининг қодир ва азим Аллоҳларига осий бўлишликни инсониятга муносиб кўрмайдилар. Баъзи бирлари бундай тафаккур қилмасалар ҳам қиёмат ва жаҳаннам азобидан кўрқадилар. Икки ҳолатда ҳам гуноҳ содир бўлиши мумкинлигидан дилларига азобу изтироб тушади ва бу гуноҳдан қўл тортадилар.

Аммо илоҳий азимат ва инсонийликнинг баланд мартабасини ўйлай олмайдиганлар, қиёмат куни ва жаҳаннамдан кўрқмайдиганлар одамлар орасида қилган гуноҳларининг ошкор бўлишидан, обрў-эътиборларининг йўқолишидан кўрқадилар. Шунинг учун ҳар қандай гуноҳ ишларни қилишга журъат етолмайдилар. Булар аввалги икки жамоанинг мартабасига етолмасалар ҳам, лекин ҳар қандай ҳолатда гуноҳдан ўзларини тийганлари учун таънао мазамматга муносиб эмаслар. Тамоман Аллоҳдан кўрққан, инсониятнинг улуғ даражасидан уялиб, ёмон амаллардан парҳез қилганлар. Зеро, булар иймоннинг кўринишидир, шарафли ва бахтиёрдирлар. Бизга шаръан амр этилгани ҳам шу ҳаёдир...

Ҳаё хусусида қуйидаги ҳадисни Имом Бухорий ва Муслимдан келтирамиз: «Ҳақиқатан ҳам ҳаё иймоннинг бир жузъидир. Зеро, иймон Аллоҳнинг ҳамма жойда ҳамиша борлигига ишонишдир». Маълумки, Бухорода шундай одамлар борки, жаноби олийнинг шаҳарда эканлигини билсалар, Регистондан ўтмайдилар. Лекин Аллоҳга иймон келтирган, Унинг ҳар ерда ҳозир нозир эканлигини билган одам, албатта, гуноҳ ишга машғул бўлмайди.

ВАҚОҲАТ

На Аллоҳдан, на ўзидан уялмай, жаҳаннам ва халойиқдан кўрқмай, ҳар қандай гуноҳга ошкора ва пинҳон қўл уришликни *вақоҳат* (уятсизлик) деб атайдилар. Бу маразга мубтало бўлган кимсалар қанчалик жоҳил ва ғофил бўлишлари мумкин-а?!

Бир мулоҳаза қилинг, аввалдан Худованди карим одамини махлуқотлар орасида энг шарафли ва аъзам қилиб ярат-

ди, малойикаларга унга сажда қилишга амр берди, заминнинг мутлақ ҳоқими этди, Куръони каримда одам Худонинг ердаги халифаси деб айтилди. Албатта, Худога халифа бўлган одамга ҳар қандай гуноҳга журъат қилиш муносиб эмас. Бас, уятсизларча гуноҳ қиладиган одам бу хусусиятларни хотирасига келтирмайди. Биз маҳалла оқсоқоли ҳузурида қимор ўйнамайдиган қиморбозларни биламиз. Нега ўйнамайдилар? Чунки уяладилар, ўз гузарининг оқсоқолидан уялган одам нега оламларнинг Холиқи, одамларнинг султони аъзами бўлмиш бизга бўйин томиримиздан ҳам яқинроқ Аллоҳдан уялмайдилар?! Мен агар кинининг иймони заиф бўлмаса, Аллоҳдан уялмаслиги мумкин эмас, деб ўйлайман.

Маълумки, ҳар ким ўзининг яқинлари, дўстлари орасида шараф ва эътиборга эга. Агар разил ва ёмон ишлар билан шуҳрат топса, бу ҳурмат-эътиборга путур етади.

Шу муқаддима охирида арз қиламанки, на Аллоҳдан, на ўзидан, на халойиқдан уялмаган ҳар кимнинг бир махлуқ каби ақлу андишаси бўлмайди. Шунинг эътиборга олиб, ҳазрати Расули акрам айтганлар: «Кинининг ҳаёси бўлмаса, хоҳлаганини қилса, бу беҳаёлик махлуқларга хосдир, махлуқлар эса даъват ва талабдан ташқаридадирлар». Бу ҳадисни Имом Бухорий ва Имом Муслимлар ривоят қилишган.

ТАХАННУС

Баъзи одамлар борки, оила кўришга эътироз билдирадилар, мудом мурдадилликни ихтиёр қиладилар ва ўзларини ҳаёли деб ҳисоблайдилар. Уларнинг шу ҳолати *таханнус* (хунаса) дир, ҳаё эмас ва Расулуллоҳ суннатларига ҳам бу хилоф ҳолатдир. Биз юқорида айтган эдикки, Худованд шаҳвоний қувватни бизга шахсий ва навъий мавжудиятларни ҳимоя қилиш учун ато этган. Уни бутунлай тарк этиш куфрони неъматдир ва шахсий ҳамда жисмоний мавжудиятларимизга зарар еткази.

СИДҚ

Сидқ жамики ҳуқуқларимиздан фойдаланишимиз ва барча вазифаларимизни адо этишимиздир. Сидқ ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломнинг афзал бўлган сифатларидан бири эди. Сидқ икки дунё саодатига етакловчидир. Бу

дунёда мўътабар, охиратда бахтиёр бўлишни истаганлар ўзларида сидқни пайдо қилиб, доимий одатларига айлан-тиришлари керак. Ижтимоий алоқаларнинг ягона назоратчиси сидқу садоқатдир.

Вакилларининг орасида сидқ бўлмаган миллат хоҳласа-хоҳламаса паришонликка мубтало бўлади. Бир миллатнинг вакиллари сидқ сабабли бир-бирларига ўзаро ёрдам берадиган ва бир-бирларидан фойда оладиган бир оила аъзолари кабидирлар. Агар бир оилада сидқ бўлмаса, у уйда осойишталик ҳам бўлмайди. Инчунин, миллат аъзоларининг орасида садоқат бўлмаса, роҳат, боқийлик ҳам бўлмайди. Хулоса қилсак, одамларимиз орасида садоқат бўлишлиги ҳамма нарсадан ҳам зарурроқ. Зеро, биз жамиятимизни ислоҳ қилмоқчимиз, бир-биримизнинг кўмагимизга муҳтожмиз, мадад беришлик муҳаббатнинг бошланишидир, муҳаббат эса садоқатнинг натижасида ҳосил бўлади... Зотан, ислом дини ҳам бизни сидқ ва ростгўйлик, тўғрилиқка амр этади... «Эй мўъминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва иймонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз!»²²⁶

«Тўғрилик хайрга бошлайди, хайр эса жаннатга олиб боради, ҳар ким доимо ростгўйлик қилса, унинг номини Аллоҳ ҳузурида *сиддиқ* деб номлашади. Ёлғон фиқққа бошлайди, фиққ эса жаҳаннамга. Ҳар ким доимо ёлғон сўзласа, Аллоҳ ҳузурида унинг номи каззоб — ёлғончи бўлади» дейилган Бухорийнинг «Китобул-адаб» ва Муслимнинг «Китобул-бар»ида.

«Сидқни ўзингизга одат қилинг, зеро сидқ хайрнинг ҳамроҳидир ва буларнинг иккиси ҳам жаннатга элтувчидир», — деган ҳадис «Ал-жомеъ ас-сағир»да келтирилган.

Хулоса қилиб айтсак, ижтимоий хизматда машғул бўлганлар учун, айниқса, лозимки, қадамларини ердан сидқ билан кўтарсинлар, зеро бу хилдаги хизматлар учун сидқдан кўра яхшироқ назоратчи йўқдир. Шундан бизга ҳазрати Вожиб таоло Пайғамбаримизга муҳим хитоб қилиб, уларни сидққа ва тўғрилиқка амр этган.

НИФОҚ

Нифоқ сидққа қарама-қарши ҳолатдир. Мунофиқларга бу дунё, у дунёда роҳат ва нажот йўқ. Аллоҳ Қуръони каримда уларни кофирлардан ҳам баттар маломат қилган.

Қуръон мутолааси шарафига мансуб бўлганлар яхши билдиларки, Қуръон саҳифалари бу жамоани таънаю мазаммат қилган сўзлар билан тўла. Биз шу бир оятни келтириб кифояланармиз: «Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар...»²²⁷

Бу шум ва ёмон сифат турли хил шаклларда кўринади. Бошқача қилиб айтганда, нифоқнинг бир неча томонлари бор. Аҳд-паймонни бузиш, хиёнат, ёлгончилик шулар жумласидандир. Бу ҳақда Имом Бухорий Пайгамбаримиздан ривоят қиладиларки: «Мунофиқ уч нарсада билинади: гапирса ёлгон гапиради, ваъдасига хилоф иш қилади, омонатга хиёнат қилади».

Ислом дини бизни булардан қатъиян манъ қилади: «...Аллоҳ сизларга омонатларини ўз эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради»²²⁸.

«Улар (яъни, мўъмин-мусулмонлар) ўзларига ишонилган омонатларга ва (ўзгаларга) берган аҳд-паймонларига риоя қилгувчи зотлардир... Ана ўшалар жаннатда ҳурмат-иззат кўргувчилардир»²²⁹.

Аммо нифоқнинг энг ёмон томони ёлгончиликдир. Ёлгончилар етказган зарар хоин ва аҳдбузарларникидан ҳам кўпдир. Мунофиқлар ўз мақсадларини тезроқ амалга ошириш учун кўпинча ёлгон сўзлайдилар ва бу ёлгонлари жамоа орасида фитна солади. Уларнинг ёлгончиликлари бир қавмнинг саодат биносини қулатишгача боради.

«Улар (мунофиқлар) Аллоҳни ва иймонли кишиларни алдамоқчи бўладилар... Улар учун қилган ёлгонлари сабабли аламли азоб бордир»²³⁰.

«Мусулмонларни фитна қилгувчилар (яъни, уларни ёлгон ишлатиб хайр йўлидан тўсганлар) бу ёмон кирдикорларидан қайтмасалар, дўзахга равона бўладилар ва оташда куйиб-ёнадилар». Ҳазрати Аҳади Карим, бир тарафдан, бу бадфеъл кимсаларга азобни ваъда қилса, иккинчи тарафдан, бизга бу жамоадан ҳазар қилишмизни ва уларнинг йўлдан уришларига эътибор бермаслигимизни буюради: «(Эй Муҳаммад), яна сиз ҳар бир тубан қасамхўр, ғийбатчию гап ташувчи, яхшилиқни манъ қилгувчи бахил, тажовузкор, гуноҳга ботган... кимсага итоат этманг!»²³¹

«Эй мўъминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон

хабар келтирса, сизлар (аҳволни) билмаган ҳолингизда бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун (у фосиқ кимса олиб келган хабарни) аниқлаб, текшириб кўринглар!»²³²

МАЛАҚ

Малақ хушомад дегани, хушомадга учган кимсалар дўстни душмандан, яхшини ёмондан фарқ қилолмай, ҳар кимни ўзларига дўст-ёр ва сирдош билиб, оқибатда мунофиқларни бошларига чиқариб қўядилар. Бу сифатнинг зарари маълум ва тажрибада исботланган. Юқорида мисол келтирган оятларимиздан бу сифатнинг манъ этилганлиги яққол кўринади.

ҚАНОАТ

Биз мусулмонларда, хусусан, биз туркистонлиларда ажиб бир хислат борки, ахлоқий фазилатларни ва шаръий амрларни ё билмасдан, ё билиб, яъни қасддан хато, ғалат тушунамиз. Масалан, бугун уйда ўтириб, ҳеч ерга чиқмай, сайъ-ҳаракат қилмай, қотган нонга рози бўлишликни қаноат деб ўйлаймиз. Шу сабабдан на бугун учун, на эрта учун ғам емаймиз. Аҳли аёлимизни дунёвий лаззатларнинг бир қисмидан маҳрум қолдирамиз, очликдан жонимиз оғзимизга келсагина зудлик билан фалон бир қозининг ёки фалончи ҳокимнинг хизматига бориб, усталик билан гадойлик қилиб кун кечирамиз, яна бу ишимиздан Аллоҳ рози бўлади, деб ўйлаймиз. Буни ҳаргиз қаноат деб атамайдилар ва бунга сабаб ҳам йўқ, Аллоҳ ҳам бу ишимиздан рози бўлмайди. Агар бир бурда нонга рози бўлишлик, молу мулк талабида ҳаракат қилмаслик яхши ва тўғри бўлганда эди, Аллоҳ осмону заминни бизнинг фойдамизга яратмаган бўлар эди... «У Зот сизлар учун Ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўлсин, деб мевалар чиқарди...»

«Аллоҳ (денгиздаги) кемалар ўзининг амри билан жорий бўлиши ҳамда сизлар (у кемаларда) Унинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз) исташларингиз учун ва шукр қилишларингиз учун сизларга денгизни бўйсундириб қўйган Зотдир»²³³.

Шукр нима? Илоҳий неъматларнинг ҳар биридан ўз қадру қиммати учун фойдаланиш шукрдир. Бас, Аллоҳ само ва ердаги жамики нарсаларни биз учун яратган бўлса ва шу тариқа тижорат сафарларига чиқишимиз учун денгиз-дарёларни бизга бўйсундирган бўлса, бу илоҳий неъматларни оёқ ости қилиш куфрони неъматдир, гуноҳдир, буни қаноат деб бўлмайди.

Унда, қаноат нима? Қаноатни ҳазрати Пайғамбар қуйидаги ҳадиси шариф билан очиқ-ойдин баён этган: «Сенга манфаат берадиган ҳар бир нарсанинг талабида бўл (яъни, ҳаракат қил) ва Аллоҳдан мадад тила. Агар шу нарсанинг талаби асносида сенга кароҳат²³⁴ етардиган бўлса (яъни, агар шу нарса қўлингга кирмаса ёки озроғига эришсанг), «Эй воҳ, агар фалон тариқа йўл тутсам, мақсадимга етардим» деб ғам чекма, балки «Аллоҳнинг ризоси шу экан, хоҳлаганини қилади», — дегин». Бу ҳадисни Имом Муслим «Китобул-қадр»ида ривоят қилган. Шу ҳадисдан маълум бўладики, биз мусулмонлар ўзимиз учун фойдали нарсаларнинг талабида саъй-ҳаракат қилишимиз, шу ҳаракат орқали топганимизнинг озу кўпига хурсанд бўлиб, ношукрлик қилмаслигимиз лозимдир. Қаноатнинг маъноси шунда экан.

ҲИРС

Аmmo саъй-ҳаракатнинг натижасига рози бўлмаслик *ҳирс*дир. Ҳирс касаллигига мубтало бўлган шахслар, яъни қилган ҳаракатларининг натижасига рози бўлмайдиган ёки сабру тоқатларидан ортиғига зўр берганлар махлуқий ҳирс йўлида ўз нафсларини ҳалокат домига ташлайдилар. Баъзилар эса буткул маъюс бўлиб ишдан қўл узадилар ва ғам-ғусса чекиб ўзларини тамом қиладилар. Бу иккала суратда киши нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун ислом дини бизни ҳирсдан манъ қилади: «Ҳирсдан ҳазар қилингки, ҳирс сиздан олдин ўтган қавмларни ҳалок қилган».

«Жомеъ ус-сағир» ҳадисларидан бирида шундай дейилган: «Ҳирс ва қўрқоқлик кишининг энг ёмон хислатларидир».

Ҳирс фақатгина ўз соҳибига зарар етказмай, балки бир жамиятнинг интизом ва осойишталигига халал беради. Зеро, ҳирс доимо ҳасадга сабаб бўлади, ҳасад эса буғзу²³⁵ адоват туғдиради. Вакилларининг орасидан буғзу ва адоват

жой олган қавмнинг ҳаёти, боқийлиги йўқлик шамолида соврилади. Ҳақ ислом дини бу ҳақда очиқ-равшан баёнотлар беради. Имом Муслим «Китобуз-зуҳд»ида ривоят қиладики, Пайғамбаримиз саҳобаларидан сўрадилар: «Эй асҳобим, Эрон ва Румни фатҳ қилганингизда қандай ҳолга тушасизлар?» Абдурахмон ибни Авф жавоб бердиларки: «Биз у вақтда ҳам илоҳий амрларга тобеъ бўламиз».

Ҳазрат дедилар: «Шу амрларга қарши борасизларми деб кўрқаман, ҳирсга берилиб қоласизлар-а! Ундан сўнг ҳасадга гирифтор бўласиз, ундан кейин (ҳасаднинг ортидан) дўстлик алоқалари ва биродарлик ўртангиздан кўтарилади, оқибатда ишингизга буғз ва адоват аралашади».

Имом Бухорийнинг «Китоб ур-риқоқ»ида, Имом Муслимнинг «Китоб ул-фазоил»ида «Замин хазиналарининг калитини сизларга топиб беришим учун бердилар, Аллоҳга қасамки, шундан кейин сизнинг кофир бўлишингиздан кўрқмайман, балки бу дунёга ҳирс кўйишингиздан кўрқаман», — дейилади.

ИҲМОЛ

Иҳмол (вақтни бекор ўтказиш) — биз туркистонлиларда мавжуд бўлган, ўзимиз қаноат деб атайдиган танбаллик, бекорчилик, ҳаракатсизликдир. Буларнинг жоиз эмаслиги хусусида рисоламизнинг бир неча жойида батафсил баён қилдик, яна такрорлаб ўтиришни лозим кўрмадик.

ҲУСНИ ҲАЙЪАТ

Ҳусни ҳайъат тоқат етганга қадар ўзини покиза тушлик ва шу қадар зийнат беришликки, одамлар сиз билан кўришиб, суҳбатлашганларида сиздан нафрат қилмасинлар. Покизалик дини исломнинг энг муҳим амрларидан биридир. Бизнинг шариятимиз ўз тобеъларига кеча ва кундуз қўл ювмоқликни фарз айлаган.

Тозаликнинг фойдалари шу қадарки, уни айтиб ва ёзиб тамом қилиб бўлмайди. Энг аввало, озодалик тан сиҳатини ҳимоя қилиб, умрни узайтиради. Бугун бизнинг мамлакатимиздаги мавжуд турли касалликларнинг асосий сабаби ифлосликдир. Иккинчидан, поклик одамнинг табъини равшан қилади. Учунчидан, одамнинг иззат-эътиборини зиёда этади. Агар одам бою бадавлат, ё илму фан соҳиб

бўлиб ифлос, кир бўлиб юрса, у одамдан халқ юз ўгиради. Тўртинчидан, неъматнинг шукридир, зеро аъзойи баданимизнинг ҳар бир узви бир илоҳий неъмат бўлиб, биз парваришлаб покиза сақлашимиз лозим. Маданий миллатлар тозаликни ҳаётларининг гарови қилиб олганлар. Биринчи қиладиган ишлари болаларини тозалikka ўргатадилар. Уларнинг мактабларида қулай ҳаммомлар қурилган бўлиб, мактаб болаларини ҳафтада бир марта чўмилтирадилар, кийимларини кир қилган болаларга жазо берилади. Қани кўрайлик-чи, бу хусусда ислом дини нима фармойиш берган экан: «...Аллоҳ сизларга машаққат қилмоқни истамайди, балки сизларни поклашни... истайди»²³⁶.

«Либосингни покиза тут» дейилган ҳадисда ҳам. Бу ҳақда Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Пайғамбаримиздан кўплаб ҳадислар келтирганлар, уларнинг баъзиларини шу ўринда келтирамиз: «Покизалик иймоннинг жузъидир». «Агар мушкул бўлмаганида умматларимга ҳар намоз вақтида мисвок қилишни амр қилардим». Ҳар бир мусулмонга илоҳий Ҳақ амри келганки, ҳафтада бир марта ғусл қилиб, бош ва баданларини ювсинлар.

«Хилол қилинг (яъни, тишларингизни тозаланг), зеро хилол қилишлик тозаликдир, тозалик иймонга бошлайди, иймон эса ўз соҳибини жаннатга етказди». «Намоз вақтида ва таом вақтида хилол қиладиган умматларимнинг ҳоли хуш бўлсин».

Покизалик хусусида исломнинг қатъий ҳукмлари шулардан иборат... Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик-а, биз шу фармойишларга амал қиламизми? Бахтга қарши атрофга боқсак, бу амрларга хилоф иш тутишимизни кўраемиз. Биздаги бу паришонлик ва хароблик қандай ҳолат ўзи? Бечора саҳройиларимиз йилда минглаб болаларини ифлослик қурбони қиладилар. Ёзда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшаси бир мажруҳона шаклига киради. Азиз миллатимизнинг бир қисми бошдан то оёқларигача чирку ифлосликка фарқ бўлиб юрадилар. Тиббиётдан маълумки, кўп жароҳатларга фақатгина ювиб, тозалаш орқали ҳам барҳам бериш мумкин.

Одамларимизнинг бир қисми либосларининг кирлиги билан фахрланиб ҳам юрадилар. Ҳожиларимизнинг ҳолига бир бора назар ташланг-чи? Бу жаноблар муаззам Каъбани ва Расулulloҳ қабрларини зиёрат қилишга боради-

лар. Бугун сафар давомида бир марта кийимларини ал-маштирадилар, у ҳам бўлса эҳром боғлаш учун. Ҳар бир шаҳарда бир-икки кун турсалар, ўша шаҳар аҳолиси устидан кулиб, бегона тилларда ислом динига нисбатан таънаю дашномлар айтадилар. Айнан шу ҳожилар сабаб бўлиб, бугун фарангликлар динимизни ифлосларнинг дини, деб атайдилар, баъзи йирик Оврўпа давлатлари эса ювинишни ҳаж манъ қилган деб ўйлайдилар. Булар ҳар йили бир кичкина шаҳарга минглаб ифлос одамлар келиб жамоат бўладилар, бу қадар ифлос жамоадан вабо пайдо бўлиб, ҳаж тамом бўлгач, уларнинг ҳар бири ўз мамлакатига бу касалликларни юклаб олиб кетади. Шу сабабдан инсоният ҳар йили нобудгарчиликка учрамоқда.

Инсоф борми..! Наҳот бегоналарнинг шу барча таънаю маломатларини динимизга, ўзимизга раво кўрсак? Бугун дунё одамларининг биздан нафратланишларига қандай қилиб рози бўламиз? Жаҳон халқларининг орасида шунча бемазагарчиликлар билан қай тарзда ёнма-ён яшаб келамиз? Шунча расвогарчиликлар билан Жазо кунни Расулulloҳ ҳузурларида қандоқ ҳолда турамиз? Илоҳий амрларнинг бирортасига амал қилмай, ўзимизни мусулмон ҳисоблашимизда нима маъно бор? Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломни бегоналарнинг маломати остида қолдириб, яна зиёратларига бориш нима фойда беради?

Бугун бизнинг орамиздаги баъзи азизлар покиза кийим кийиб, баданни тоза тутиб юришни, бошқача қилиб айтганда, зийнатланиб юришни ислом динига хилоф деб биладилар.

Кони жаҳолат! Бу фикр мутлақо шариатга хилоф. Аксинча, дини ислом бизга доимо тоза бўлиб, чиройли ва озода либосларда юришни буюради... «Эй Одам болалари, ҳар бир сажда чоғида зийнатланингиз (яъни, тоза либосда бўлингиз) ҳамда хоҳлаганингизча еб-ичаверинглар, фақат исроф қилманглар. Зотан, У исроф қилгувчи кимсаларни севмас. Айтинг, (Эй Муҳаммад): Аллоҳ бандалари учун чиқарган безак (либосларни) ва ҳалол-пок ризқларни ким ҳаром қилди?»²³⁷

Шу ерда яна ҳадислардан мисол келтирмоқчимиз: «Либосингизни тоза тутинг ва одамларнинг назарига чиқмасдан олдин уловларингизни тузатинг». Ойша разияллоху анҳу айтадилар: «Мен хушбўй атримдан Пайғамбарга сур-

тиб қўярдим, унинг ҳиди бошлари ва муборак соқолларидан ҳам таралиб турарди». Покизалик хусусида шу ҳадисларни уқдингиз, энди қулоқ тутинг, ислом дини ифлосликни қай тариқа манъ этаркин.

Мўминларнинг онаси Ойша разияллоҳу анҳу айтадиларки, Пайғамбаримизнинг саодат замонларида одамлар жума намози учун шаҳар чеккаларидан Мадинага келардилар, йўлда бош ва юз-кўзларига чангу губор қўниб, терлаб кетардилар. Бир кун шу хилда бир одам Расули акрам ҳузурларига кирганда Пайғамбаримиз: «Шу бугун покиза бўлиб келсангиз нима бўларди?!» — деган эканлар. Пайғамбаримиздан яна шу хилдаги ҳадис ворид²³⁸ бўлганки, айтганлар: «Саримсоқ пиёз еган одам бизнинг ҳузуримизга келмасин, уйда ўтирсин». Аммо зийнатни ҳаддан ортиқ қилиш исрофга киради, шунинг учун зийнатнинг ортиғи жоиз эмас.

ВАРАЪ

Нафснинг камоли бўлмиш яхши амалларни бажаришга, талаб қилишга ва нафснинг нуқсонни ҳисобланмиш ёмон феъллардан, одатлардан парҳез қилиш (тийилиш, парҳезкорлик) *вараъ* дейилади. Инсон нафсининг камоли ҳаётининг ғояси бўлмиш икки дунё саодатига етишишдир.

Ҳар биримиз мақсадга етказадиган талабни исташимиз ва бу йўлдан қайтарадиган сабаблардан воз кечишимиз зарур. Бас, вараъ, яъни порсолик ҳар бир одам учун лозим экан. Ахлоқ уламолари яхши ва ёмон амалларни «фозил ва разил хулқлар» номи остида жамлаб тафсир қилганларки, биз илоҳий тавфиқдан уларнинг бир қисмини баён қилдик, иншооллоҳ, қолган қисмини ҳам баён қиламиз.

Шундай қилиб, нафсни фозил хулқлар билан орасташ ва разил хулқлардан пок тутишга *вараъ* дейилади. Бусиз икки дунё саодатини эгаллаб бўлмайди. «...(Барча) инсон зиёни бахтсизликлардир. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ йўлни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу Ҳақ йўлида) сабртоқат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот) топгувчидирлар»²³⁹.

«Иймон келтириб, яхши амалларни қилган зотларни эса остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга кирита-

жакмиз — улар у ерда абадий яшарлар. Бу Аллоҳнинг ҳақ ваъдасидир...»²⁴⁰

Шу маънолар қуйидаги ҳадисда ҳам ўз ифодасини топган: «Дарҳақиқат, эҳсон қилмоқни буюриб, беҳаёлик, бузуқлик ва қайсарлик қилмоқдан қайтарур. Ҳамда насиҳат қабул қиласизлар, деб сизларга насиҳат қилур».

Лекин одамда махлуқлик майли бор, ҳар доим ҳам вараъ соҳиби бўла олмайди. Биноанлайх, уларни тарбиялаш керак бўлади. Бир жамоа ислом фидокорлари бу ишнинг уддасидан чиқадилар, улар тасаввуф арбоблари, яъни шайхлардир. Ҳа, шайхлар миллат тарбиячиларидир, бизни тарбиялаб, вараъ соҳиби ва тақводор қилиш айнан уларга лозим. Яна шу нарса муқаррарки, бошқаларни камолга етказмоқчи бўлган одам, аввало, ўз нафсини камолга етказган бўлиши керак, бўлмаса тарбияси фойда бермайди. Масалан, бизни қимор ўйнашдан манъ қилаётган киши ўзи доим қимор ўйнаса, унинг гапи бизга таъсир қилармиди? Ўз нафсидан ғофил юриб, бошқаларнинг тарбиясига ҳаракат қилган одам Аллоҳнинг қаҳрига учрайди: «Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми?»²⁴¹

Энди шайхларимизнинг вазифалари бўлмиш, яъни бизларни тарбият қилишни эплаяпсизларми ё йўқми, деган масъалани тадқиқ қилсак. Уларнинг тарбияларидан вараъ маъносини қидирмасдан аввал, кўрайлик-чи, илоҳий фармойишларга қай тарзда бўйсунар эканлар. Шайхларнинг умумий ҳайъатини икки қисмга ажратиш мумкин. «Тариқати жаҳрия»²⁴² даги шайхлар масжидлару ибодатгоҳларда, ҳатто зиёфату тўйларда ҳам йиғилиб олишиб бесабабу бемуносабат ар-ар қиладилар. «Нима қиляпсизлар?» — деб сўрасак, «Зикр қиляпмиз» дейдилар. Билмайдиларки, бу масхарабозликлари ҳам ақлан, ҳам шаръан ҳаром эканлигини. Унинг ҳаромлигига ҳам ақлий, ҳам шаръий далиллар мавжуд. Ақлий далил шуки, Аллоҳнинг зикрини хотирага келтиришдан мурод илоҳий ғазабдан хавфсираб туриш. Масалан, подшоҳни эсидан чиқармайдиган одам унинг амрига хилоф иш қилмайди. Инчунин, Аллоҳнинг зикрини қилган одам унинг ризосига қарши ҳаракат қилмайди. «Ариллаш» ва «маърашда» бу маънонинг ўзи йўқ. Улар ҳатто Аллоҳнинг номини ҳам тилга

олмаидилар. Ақлий далил шудир... Расулуллоҳдан ушбу ҳадисни имом Бухорий келтиради: «Эй одамлар, Аллоҳни оҳиста зикр қилинг, зеро У кар эмас, ғойиб ҳам эмас, У сизларга яқин ва хабардордир».

Иккинчи гуруҳдаги шайхлар «тариқати сиррия»²⁴³ дегилар бўлиб, уларнинг ҳар бири юз ва минглаб Аллоҳнинг бандаларини атрофларига йиғиб танбал, бекорчилар тўдасига айлантирганлар. Биз юқорида айтган эдикки, шайхлар бизларга солиҳ амалларни ўргатиб, ёмон амаллардан қайтарувчи тарбиячиларимиз деб. Бахтга қарши, бу азизлар атрофларига йиғилганларнинг бирортасига лоақал бир марта бўлса ҳам ахлоқдан таълим берганлари йўқ, бермайдилар ҳам. Зеро, ўзлари фозил ахлоққа эга эмаслар. Шу гапдан четга чиқмай андак олдинлаб кетсак. Агар улардан «Вараъ нима?» деб сўрасангиз, доим рўзадор бўлиш, туну кун минг ракаат намоз ўқиш, дунёнинг ҳеч бир ишига қўл урмаслик, хотин олмаслик, тош ёки кесакка ўхшаб бир жойда ўтиришга вараъ дейдилар», — деб жавоб қайтардилар. Шулар инсонни икки дунё саодатига етаклар эмишлар?!

Шуниси ажабки, ўзлари айтганларига доимо хилоф иш тутиб, данғиллама ҳовли-жойларда яшайдилар, ясатиғлик от-улов минадилар, хотин оладилар, пул тўплайдилар, рутбаю мансаб кетидан қувадилар... Энди буларнинг феъл-атворидан қатъи назар, улар бизга шарҳлаб берган «вараъ»лари нима ўзи? Шаръан бу жоизми ё йўқми?

Биз буларнинг ҳар бирини жоиз эмаслигини очиқ-ойдин исботлаб, ўтган бобларда айтиб ўтган эдик ва яна такрорлаймиз. Шу ўринда иккита саҳиҳ ҳадисдан далил келтирсак. «Саҳиҳ»нинг муаллифи Имом Бухорий ҳазратлари разияллоху анху ривоят қилади: «Бир араб қабиласи Расулуллоҳ ҳузурларига уч кишини элчи қилиб юборади. Жаноби Расулуллоҳ уйда эмасдилар. Улар Расулуллоҳнинг аҳли байтларидан Пайғамбар қай тариқа ибодат қиладилар, деб сўрашади. Аҳли байтлари айтиб беришди. Эшитганлар Расулуллоҳнинг ибодатларини кам деб ўйлаб, Аллоҳ Пайғамбарнинг ўтган ва келажакдаги гуноҳларининг барчасини кечган-да, азбаройи шунинг учун уларга шунча ибодат ҳам етарли, лекин бизга бунақа ибодат кифоя эмас, дедилар. Улардан бири, албатта, мен бутун кечани намоз ўқиб ўтказаман; бошқаси «бир йил рўза тутсам ҳам шу

билан кифояланмайман; учинчиси «мен ҳаётдан уйланмай ўтаман», – деди. Ҳазрати Пайғамбар уйга келиб, улардан сизлар шу гапларни айтдингизми? – деб сўрадилар. Улар «ҳа» деб жавоб қайтардилар. Шунда Расулуллоҳ айтдиларки, мен сизлардан кўра тақводорроқ ва Аллоҳдан кўрқувчироқман. Лекин мен рўза тутаман, ифтор қиламан, намоз ўқийман, ухлайман, уйланаман, бас, менинг суннатларимдан юз ўтирган одам мендан эмас. Суннатимни қабул қилмаганларнинг ва диндан чуқур кетганларнинг ҳоли нақадар ёмондир...», дедилар Расул.

РИЁ

Одамларга кўрсатиб ва эшиттириб тоат-ибодат қилиш *риё*дир. Риё шундай бир муҳим масъалаки, уни тушуниш шайхларнинг ҳақиқий ҳолини бизга очиб беради. Бизнинг миллат одамлари шайхларни гўё худодек эъзозлашади. Шунинг учун бизнинг бу гапларимизни улар қабул ҳам қилмайдилар. Шу сабаб мен ўзимдан гапирмай, сўзни фазлу камол соҳиби бир муҳтарам зотга ҳавола этаман. Бу шахс барчага маълум Имом Ғаззолийдир. У ўзининг «Ихёул-улум» (ад-дин) китобида риё ҳақида узун бир баҳс юритган. Шунинг бир қисмини қисқартириб таржима қилдик: «Билгинки, риё ҳаромдир, риёкорлар эса Аллоҳнинг душмандирлар. Бу матлаб ояту хабарларда собит келган. Оят ушбуки: «Диққатсизлик қилиб намозини хато ўқиганлар ва риё қилганлар ҳалок бўлгувчилардир». Яъни Аллоҳнинг дийдорини сўраган киши солиҳ амаллар қилади ва илоҳий ибодатга шерик қилмайди, яъни риё қилмайди.

Шундай бир хабар келган. Бир одам Расулуллоҳдан сўради: «Расулуллоҳ, қай бир нарсадан нажот бор?» Пайғамбар жавоб берди: «Нажот банданинг ҳар бир тоатни одамлар кўришлиги учун эмас, балки Аллоҳ кўришлиги учунгина қилган ибодатдадир». Ва яна дедилар: «Мен бир гуноҳга гирифтор бўлишингиздан кўрқаманки, у кичик ширкка киради». Одамлар сўрадилар: «Ё Расулуллоҳ, кичик ширк нима?» Улар жавоб бердилар: «Риё».

Ҳазрати Умардан нақл қилдиларки, Ҳазрат бошини ҳам қилиб ўтирган, яъни муроқабачи қилаётган кишини кўриб, унга дедилар: «Эй мард, бошингни кўтар, хушув ва хузув (хоксорлик) бошни эгишликда эмас, балки дилда бўлур. Абу Имом ал-Боҳилийдан ривоят қиладиларки, у

бир куни масжидга бориб, бошини саждага қўйиб йиғлаётган бир кишини кўриб: «Агар бу йиғи Аллоҳ учун бўлса, нега уйингда йиғламайсан?!» – деб сўраган экан.

Билгинки, риё икки хил бўлади: 1) дунёвий ишлардаги риё; 2) диний амаллардаги риё. Буларнинг иккиси ҳам ҳаром, лекин диний амаллардаги риё ниҳоятда ёмондир. Диний амаллардаги риёни беш қисмга ажратиш мумкин: 1) бадан риёси; 2) шаклу ҳайъатдаги риё; 3) тилдаги риё; 4) амалдаги риё; 5) зиёрат ва суҳбатдаги риё. Бадан риёси шуки, одам ўзини оздириб-тўздириб, лаблари қуриб, сочсоқолларини тарамай ўстириб, тирноқларини олмай юради, токи одамлар бу одам Аллоҳ йўлида мудом рўза тутар экан, Аллоҳдан кўрқиб доимо ғамгин ва маҳзун юрар экан, бечора шу қадар Аллоҳ хаёлида бўлиб ўзига қарамас экан, деб ўйлашлари учун қилади. Шакл ва ҳайъатда риё қилаётган одам шайхларга ўхшаб сурф жома кийиб, фанога етишган деб ўйлашлари учун йиртиқ чиркин либослар кияди, сервиқор десинлар, дея бошини кўксига эгиб юради. Бу хил риёга гирифтор бўлганлар икки тоифага бўлиндилар. Биринчи тоифадагилар дарвишу солиҳларга мақбул кўриниб, улар уқубатларидан бу аҳли дунё экан, деб четлатмасинлар, деган фикрда йиртиқ-ямоқ ва ифлос кийимларда юрадилар. Иккинчи тоифадагилар эса ҳам дарвиш солиҳларга, ҳам ҳукмдору бойларга ёқишни, уларнинг олдида эътиборли бўлишни хоҳлайдилар. Шунинг учун эски жулдур кийим киймай турли хил, ранго-ранг оқ ва яшил қимматбаҳо кийимлар киядилар. Тилида риёси бўлган одам ҳар бир мажлисда илмдан сўзлаб, ибодат қилади. Олим деб ўйлашлари учун шунга мувофиқ сўзлайди, бозор ва расталарда, кўча-кўйларда юрганларида Аллоҳнинг зикрини ўйлаётганимни кўрсинлар, деб лабларини қимирлатиб юради, ҳар бир ерда кундузи тутган рўзаю кечаси ўқиган истихора намозларини²⁴⁴ гапиреди. Амалида риёси бўлган одам одамлар олдида узун намоз ўқиб, нафл намозларини ҳам масжидда ўқийди. Зиёратдаги риё шуки, одам вақти бевақт улуғ одамларнинг зиёратига бориб туради, токи одамлар бу киши яхши экан, доимо фалончининг олдида бориб туради, дейишлари учундир. Бу каби одамлар ўзларини зиёрат қилдиришни ва ифтихор сабаб бўлишни ҳам хоҳлайдилар». Шу ерда Имом Фаззолийнинг сўзларини тугатамиз. Шу баҳсни

ўқимоқчи бўлган одам «Ихёул-улум»нинг учинчи жилди-га мурожаат қилсин.

Шу ергача тўртта ахлоқий фазилатларнинг учта асосийсини муҳим қисмларга бўлиб зикр қилдик. Тўртинчи фазилат эса *адл*дир. Адл бу – биз баён қилган жамики ахлоқий фазилатлар орасидан ифроту тафритни тарк қилиб, доимо мўътадил чегарани сақлаб ўтиришдир. Бинобарин, айтиш мумкинки, шу учта фазилатлар замирида адл мавжуддир ва буни хотирадан чиқармаслик лозим.

Аммо, шу орада бир муҳим жиҳат борки, у ҳам эса *ҳукуматнинг одиллигидир*. Бу масъала жуда кенг бўлиб, ушбу рисоламиздан ўрин ололмайди. Агар фурсат бўлса, иншооллоҳ, ҳукумат адолати хусусида ҳам бир рисола ёзамиз.

Мутаммима (қўшимча) фазилатлар. Аммо шу учта фазилатлар баркамол бўлиши учун учта бошқа фазилатларга эга бўлиш керакки, улар мутаммима фазилатлар деб номланади. Булар: 1) сиҳат-саломатлик; 2) сарват; 3) аҳли аёлдан иборат.

Сиҳат-саломатлик. Бу сўз бутун оламини мафтуну саргардон қилган. Дунёда бирор-бир одам йўқки, сиҳат ва офиятни бирор нарсага алмаштирса. Ҳақимларнинг баъзилари дунёвий саодат – тўғри фикрлаш ва салим, соғлом баданда, дейдилар. Шу ҳам муқаррарки, салим ақл доимо соғлом баданда бўлади. Бинобарин, сиҳат ва офият дунёвий саодатнинг асоси деб айтиш мумкин. Фақат бу дунё саодати учунгина эмас, балки охират саодати учун ҳам сиҳат ва офият лозим. Зеро, биз сайъ-ҳаракатсиз икки дунё саодатига эришиб бўлмайди, деб такрор ва такрор айтдик. Албатта, сиҳат ва офияти бор одамнинг ҳаракати бемор одамнинг ҳаракатидан ортиқ бўлади-да. Ўз сиҳат ва тинчлигини муҳофаза қилолмаган миллат, шак-шубҳа йўқки, ҳаётнинг кураш майдонида орқада қолиб, оқибат хоҳласа (хоҳламаса) ҳалок бўлиши мумкин. Шунинг учун маданиятли давлатлар ҳукумати ўз миллатларининг соғлигини сақлашда ҳимматларини аямайдилар. Русия ва Фарангистон шаҳарларидаги боғи Эрамдек жойлар, хушҳаво майдонлар, озода кўчалар бирон-бир шахснинг ҳою ҳаваси учун эмас, балки халқ соғлигини муҳофазаси учун қилинган. Фарангистон ва Русия ҳукуматлари бир мушфиқ ота каби раиятнинг саломатлиги тўғрисида қайғурдилар. Биз бечора бухоролилар қай тарафга юз бурмай-

лик, мисоли чўпонсиз қўйлар бўрига дуч келгандек, турли касалликларга чалинамиз, бирор киши аҳволимиздан хабар олмайди. Лекин, андак диққат қилиб назар солсак, айб ўзимизда эканлиги намоеён бўлади. Зеро, биз бошқа халқларга ўхшаб саломатлигимизни муҳофаза қилишда ҳукуматнинг тарғиб ва ташвиқиға муҳтож эмасмиз. Ислом динимиз бизни борлигимизни сақлашга амр қилади. Ислом динининг саломатликка қанчалик эътибор беришини қуйидаги ҳадисларда кўрасиз:

«Бешта нарсани бешта нарсдан олдин ғанимат бил: ўлимдан олдин тирикликни, касалликдан олдин соғлиқни, машғулликдан олдин бўш вақтни, кексаликдан олдин ёшликни, фақирликдан олдин бойликни».

«Сихат-саломатлик ва офиятингни сўраб кўпроқ дуо қил».

«Омонлик ва офият икки катта неъматким, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди».

Сихат-саломатлик ва офиятни ислом назари билан кўриб чиқдик. Энди асримиз ҳақимларининг инсонийликни муҳофаза этиш учун тавсия этган қоидалари устида баҳс юритсак. Одамнинг жисми турли хил чархлари, қисмлари, асбоблари бўлган машинага ўхшайди. Мазкур асбоб, қисмларни доим асл ҳолатидек тутилса, яъни парвариш қилинса, ўша машина жаҳду жадал билан ўз ишини бажаради. Агар унинг бирор-бир чархига зарар етса, дарҳол машина ҳам ишдан чиқиб бузилади. Айрим ва аксар ҳайвонларнинг жисмида шундай турли хил қувват ва моддалар мавжудки, булар ўз ҳолатларини муҳофаза қилиб турганда, одам кучдан ва ишдан толмайди. Лекин четдан етган бир сабаб туфайли уларнинг бирига халал етса, одам ишдан чиқади ёки олдинги интизом ва тартибини йўқотади. Мазкур қувват моддалар ўз ўрнида дуруст ишлаб турган ҳолда одам соғлом ҳолатда бўлади. Аммо четдан етган бир сабаб орқали бу қувват ва моддаларнинг бирига зарар ва бизда шундай бир ҳолат пайдо бўладики, уни касаллик деб атаймиз. Дунёда хилма-хил касалликлар мавжуд. Бугунга келиб фан тадқиқотлари шуни исботладики, бу касалликларнинг асосий қисми, яъни безгак, сил, ришта, қизамиқ, сувчечак, чубушак²⁴⁵ ва бошқалар четдаги сабаб орқали одамга юқиб, бошқага ҳам ўтади. Умумий фан ҳайъати бу сабабни *микроб* атамаси билан қабул қилишган.

Микроб нима? Коинотда биз кўра оладиган махлуқлардан ташқари кўз кўра олмайдиган махлуқлар ҳам бор. Лекин асримиз ҳақимлари энг кичик заррачаларни кўрувчи мукамал асбоблар билан бу кўзга кўринмас махлуқларни кўриб, уларни бир-биридан фарқлашади. Бу гапимиз мазкур махлуқотлар тўғрисида эшитмаган одамларга ажабтовур туюлиши мумкин. Аммо таажжубга ўрин йўқ, чунки ҳазрати Халлоқи қодир бу каби махлуқотларни яратишдан ожиз эмас, албатта. Микроблар иккита гуруҳга ажратилади: биринчиси, фойдали микроблар, улар махлуқларнинг мавжудлигини ва саломатликни таъминлаб туради, иккинчи гуруҳ микроблар эса турли касалликлар тарқатиб юради. Қандай микроблар вужудимизда беморликка сабаб бўларкин? Аввало, уларнинг конини, яшаш жойини, кейин эса қай тариқа кўчиб юришини билиб олиш керак. Банда тоқат қадар шулардан баҳс юритаман.

Сув. Микроблар кўпроқ сувда яшайди. Шаҳар ташқарисидаги чашмалар, ариқлар атрофи турли хил ахлатлардан холи бўлганлиги учун сувда микроб бўлмайди. Лекин шаҳар ичкарасидаги ариқлар, хусусан, бизнинг шаҳардаги ариқлар халажойларнинг тагидан ўтади, қудуқ ва ҳовузлар очик туради, кўллар суви назорат қилинмайди ва жойлар, албатта, турли микробларнинг кони, бешиги ҳисобланади. Мен Бухорода ёз ойларида хуруж қиладиган безгак касаллиги хусусида Истанбулдаги дўхтурлар билан суҳбатлашганимда, улар Бухорони кўрмай туриб, дарҳол Бухоро атрофида кўллар бор экан-да, дедилар. Тиб фани қондаси безгак ва Бухоро риштасига сабаб Бухоронинг суви эканлигини шак-шубҳасиз тасдиқлайди. Зарарли микроблар сувдан одамга бир неча хил тарзда ўтадилар. Аввало, сувни ичиш орқали ўтади. Биз туркистонлиларнинг кўпчилигимиз халажойларнинг ёнидан ўтган сувни ҳовузларда тўплаб, унинг бир тарафида юз, қўл, оёқ ювиб, бурун қоқиб, иккинчи тарафидан эса, завқ билан чанқоғимизни қондирамиз! Ваҳоланки, бу сувда тўпланган микроблар ичган сувимиз орқали ҳалқумдан ёки тишнинг милкларидан қонга сурилиб, жигаргами, юракками ёки бошқа бир аъзога бориб ўрнашади, у ерда гуркираб, кўпайиб турли касалликлар келтириб чиқаради. Кўп одамларимиз ҳовлиларида қудуқ қаздириб, шунинг сувидан ичадилар. Агар қудуқни тоза жойда қаздириб, покиза сақлаб,

устини доим ёпиб қўйилса, шубҳаланмай, сувини ичса бўлади. Лекин бунақа қудуқларни қазिश мушкул иш, айниқса, шаҳар ичида. Чунки шаҳар ичидаги қудуқлар баъзан ғўристонларга яқин ва доимо халажойга яқин жойларда қазилади, бундай ҳолда, шубҳасиз, ифлос оқимлар ернинг тагидан йўл топиб, қудуқ сувига аралашиб кетади ва ичганимизда ундаги микроблар бизга ўтади.

Иккинчидан, зарарли микроблар пашша ва чивинлар орқали бизга юқадилар. Пашша ва чивин микроб ташувчилардир. Микробли сувларга қўниб, уларни ўзларига ёпиштириб, биз еяётган таомлар, идишларга қўниб бизга ўтказадилар. Ҳашаротларнинг чақиши орқали ҳам микроблар баданга, ундан қонга ўтади. Шунинг учун баъзи табиблар бир халқнинг саломатлик даражаси у ичаётган сувининг тозалик даражасига боғлиқ, дейдилар. Бир мамлакат суви қанчалик ифлос бўлса, у ердаги аҳолининг соғлиғи ҳам яхши бўлмайди.

Масъала жуда қизиқ бўлди-ку! Агар сув ичмасак, нима ичамиз?! Бу масъала Оврўпа мамлакатларида шов-шувга сабаб бўлган. Фаранг олимлари, табиблари бунинг олдини олиш учун роса ҳаракат қилиб, одамлар микробсиз сув ичишлари учун бир қанча ҳайратомуз машиналар ишлаб чиқдилар, лекин уларнинг ҳеч бири батамом фойда бермади. Энг яхши ва фойдали чора шуки, ичадиган сувимизни яхшилаб қайнатиб, бир тоза идишга солиб, ўзимизга керагини истеъмол қилишликдир. Мумкин қадар ҳовуз ва ариқларимизни ифлосликлардан сақлайлик. Ислом дини ҳам сувларни муҳофаза қилишга фармон беради. Бу хусусда Имом Бухорий ва Имом Муслимлардан кўплаб ҳадислар келган.

«Уйқунгиздан тургач, қўлингизни уч марта ювмай туриб идишга сув солманг, зеро, ухлаганингизда қўлингизнинг қаерда тунаганини билмайсиз».

«Турган сувга қўлингизни ювиб уни ифлос қилманг».

Тупроқ. Микробларнинг яна бир яшаш жойи тупроқ. Нега ҳам бўлмасин, қачонки, ҳамма ҳайвонларнинг чиқиндилари ва одамларнинг сийдигу ахлатлари тупроққа тушса. Ҳамма махлуқларнинг мурдаси ҳам ерда ётади. Булар вақт ўтиши билан ҳавонинг ҳароратига қараб, чириб-бижғиб атрофга минг хил зарарли микробларни тарқатадилар. Бу микроблар тупроқдан одамга қандай ўтади? Ав-

вало, юқорида айтганимиздек, чивин, пашшалар орқали, кейин сув орқали. Сув қайнатилса (ундан микроблар) ўтмайди. Учинчидан, ҳаво орқали ўтади. Ер юзидаги мавжуд микроблар шамол ва чанг-ғубор билан ердан кўтарилиб, ҳавода жавлон уриб, ҳаводан бир неча йўллар орқали бизга кўчади. Аввало, таомимизга, хусусан, мева-чевага кўнади, шунинг учун уларни ювиб ейиш керак. Тўртинчидан, нафас олишимиз билан ичимизга кириб, бирор-бир ички аъзоларимизда ўрнашиб олади. Бунинг чораси шаҳар кўчаларини покиза сақлаб, ҳавосини тоза тутиш керак. Фаранг ва Русиядаги кенг ва озода кўчаларни кўриб, ҳайрон қолиб лабингизни тишларсиз, уларнинг ҳеч бири кўзбўямачилик учун эмас, балки ҳукуматлари бунинг учун тўғри, зарур қонун тайинлаганлар. Бахтга қарши бизнинг кўчаларимиз ифлослиги бизда шундай нафрат уйғотадики, тасвирда ожизмиз. Ваҳоланки, шаҳарларнинг тоза ва озодалиги ҳар бир миллат ҳаёти учун муҳимдир. Дини ислом кўчаларни тоза тутишга амр этган!

«Кўчаларингизни тоза сақланг, зеро яҳудларнинг кўчалари ифлосдир».

«Масжидларингизни паст қилиб, шаҳарларингизни эса баланд қилиб қуринглар».

«Аллоҳ таййиб ва покдир. Карим ва кечирувчидир, (У) покизалик ва карамни хуш кўради. Бас, ҳовлиларингизни тоза сақланг, яҳудларга ўхшаманг».

«Йўлда ётган шохни олиб ташлаган одамдан Аллоҳ хушнуд бўлиб, гуноҳларини афв этади».

«Мусулмонларга ранж етказган нарсани уларнинг йўлидан узоқ қил».

Барчага маълумки, ёзнинг уч ойида шаҳримиздаги кўпчилик одамлар касал бўладилар. Бу бечораларнинг кўпчилигига йигирма-ўттизта ришта чиқиб, бошдан оёқларигача қон ва йирингга фарқ бўлиб юрадилар. Ҳар бир хонадонда тўрт-бешта одам 30—40 кунлаб иситмалаб ётадилар. Кўпинча, бир хонадон аҳлининг ҳаммаси касал бўлади. Бу ҳолатларни яшириб, инкор этиб бўлмайди. Биласизки, шаҳримиздаги кўпчилик савдогарлар ҳар йили тижорат учун Русия тарафга кетиб, маълум муддат яшаб келадилар. Марҳамат қилиб, шуларнинг олдига бориб сўранг-чи, мазкур касалликлар Русияда ҳам бормикан? Албатта, сизга «йўқ» деб жавоб берадилар. Тўғри, у мамлакатдагилар ҳам гоҳ

касал бўладилар, лекин дарҳол ҳозиқ²⁴⁶ табибларга бориб даволанадилар.

Ана энди бир нозик масъалага келдик, сиздан сўрасак, бизнинг мамлакатимиз ва Русиядаги бу фарқ қаердан, сабаби нима? Нега энди бизнинг миллат заҳмату дард чекса, бошқалар роҳатда соғлом юрадилар? Албатта, сиз «Худонинг иши» дейсиз.

Офарин сизга, офарин! Зотан, бундан бошқа жавоб беролмайсиз-да. Аллоҳни назарингизда ғайб кўриб, уятсизларча ҳар бир гуноҳни унга ҳавола қиласиз? Сиз бемор бўлсангиз Аллоҳдан, мазлум бўлсангиз Аллоҳдан, фақир бўлсангиз Аллоҳдан, мусибат кўрсангиз ҳам Аллоҳдан. Азбаройи Худо... унда сизга нима қолади? Сизнинг ҳам бу дунёда бирор вазифангиз борми ё йўқми! Аллоҳ сизга бўйин томирингиздан ҳам яқин туради-я, унга бўҳтон қилманг... Чунки «Аллоҳ шаънига ёлғон тўқийдиган кимсалар ҳеч нажот топмаслар», — дейилган Куръони каримда²⁴⁷.

Бугунги кунда бошимизга тушган ва тушаётган бадбахтликларнинг ҳаммаси шум амалларимиздандир, Аллоҳ бандасининг ҳақиқага зулм қилмайди.

Аҳли аёл. Мутаммима фазилатларнинг учинчи гуруҳи аҳли аёл бўлишини талаб қилади, биз ушбу рисоламизнинг иккинчи қисмида бу ҳақда узоқ гапирдик.

САРВАТ

Мазкур фазилатларнинг учинчи қисми сарватдан иборат. Қачондан бери жон куйдириб айтиб келяпманки, одам табиятан ҳар нарсага муҳтож махлуқ, яъни эҳтиёж одамнинг табиий интилишидир. Шу ерда масъалага умумийроқ қарасак, табиятдаги жамики махлуқлар муҳтож ва мажбурлар, то тирик эканлар, эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиладилар. Одамзод ёки махлуқ эҳтиёжларининг ҳужумига қарши турса, бошқача ибора билан айтганда, танбаллик ёки суствлик туфайли эҳтиёжларини қондирмаса, бешубҳа маҳв ва нобуд бўлади. Масъалан, ҳар бир егуликка муҳтож жондор агар сайъ-ҳаракат қилиб, нарса топиб емаса, кўпи билан икки-уч кун яшаб кейин ўлади. Бу хусусда ҳамма махлуқлар баробарлар, лекин одамнинг ва махлуқнинг эҳтиёжлари ўртасида бир фарқ бор. Махлуқнинг эҳтиёжлари доимо бир хилда бўлади. Бундан бир неча йил илгари оташаробага муҳтож эмас эдик. Бу-

гун эса оташароба одамларнинг заруриятига айланди. Бугун одамлар тайёраларга унча муҳтож эмаслар. Лекин, шубҳа йўқки, бир неча йилдан сўнг бу ҳам одамзоднинг заруриятига айланади. Шу ерда хотирангизга одамзод эҳтиёжининг тараққий этишига сабаб нимада, деган савол келади. Ҳозир шу жиҳатга эътиборимизни қаратсак.

Аслида башарнинг эҳтиёжи тараққий этмайди ва ўзгармайди. Одамларнинг эҳтиёжлари азалдан қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай. Эҳтиёжларнинг сабабини барта-раф этиш усулларигина тараққий этиб, ўзгариб туради. Масъалан, одамлар кийимга доим муҳтож. Аммо ибтидоий одамлар бу эҳтиёжларини махлуқ терилари ёпиниб, кейинроқ тикилмаган дағал бўзга ўраниб қондиришган. Бугун эса бу эҳтиёж турли-туман, ранго-ранг кийимлар кийиш орқали қондирилмоқда. Одамлар яратилишларидан бошлаб баъзи ишларни бажариш учун асбоб-анжом ва нақлиёт воситаларига муҳтожлик сезганлар. Аввало, бу эҳтиёжларни ўзлари юриб, аста-секин махлуқлар воситасида, кейинроқ аравалар ясаб, кейин оташаробалардан фойдаланиб дафъ қилганлар. Яна бир неча йиллардан сўнг бу эҳтиёжларини тайёралар орқали қондиришга мажбур бўладилар.

Ушбу муқаддимадан сўнг эҳтиёжларни қондириш сабабларининг тараққиётини ҳам тушунишимиз осон бўлади. Маълумки, бу дунё умумий бир жадалгоҳ, кураш майдонидир. Бу майдонда ғолиб чиққан ҳар бир одам бошқаларни ўзига ҳаммол ва мардикор қилиб олади. Масалан, инсонлар ақлий қувватлари туфайли махлуқот дунёсидан ғолиб чиқиб, улардан фойдаланиб келадилар. Инчунун, кураш майдонида ғолиб чиққан бир қавм ёки миллат бошқа қавмларни ўзига тобеъ қилиб олиши табиий бир ҳолдир. Ҳеч бир куч у қавмни бу ҳақдан манъ этолмайди. Бу умумий жадалгоҳда эҳтиёжларини тезлик ва осонлик билан ҳал қилган миллат ғалабага муяссар бўлади. Бас, кураш майдонида ғолиб чиқишни истаган ҳар бир миллат эҳтиёжларини тезроқ қондириш мақсадида ҳаракат қилиб, бунга муваффақ ҳам бўладилар. Яъни ақл ва илм соясида эҳтиёжларни қондириш сабаблари усуллари мукамаллаштириб, бунинг натижасида турмуш лавозимларини зудлик билан яхшилаб, ўз ғалабаларини таъминлайдилар. Мағлуб бўлишни истамаган жуда кўп халқлар эҳтиёжла-

рини қондириш сабабларини ривожлантириб, бошқа миллатлардан орқада қолмасликка ҳаракат қиладилар. Эҳтиёжларнинг дафъ қилиш сабабларининг тараққиёти ва такомили айнан шундадир. Гарчи башарнинг эҳтиёжлари ва уларнинг дафъ этиш сабаблари баёнимиз ичига сиғмайди, ammo олам билиттифоқ шу қарорга келганки, эҳтиёжларни қондиришнинг асосий сабаби сарват илмини, сарват фазилатини ўрганишдадир. Ҳар бир сарватни эгаллаган миллат тезда ва осонликча эҳтиёжлардан қутула олади ва бу кураш майдонида ғолибликни қўлга киритади. Сарват таҳсили ҳамма учун зарур ва умумийдир. Ҳеч ким ундан халос бўлолмайди. Ҳар ким қай тариқа яшамасин, сарват таҳсили учун ҳаракат қилмаган бўлиши мумкин эмас. Бас, энди айтиш мумкинки, таркидунёчилик қобил ва дуруст эмас, мубин ислом дин бизни сарват таҳсилини олишга чақиради. Гарчи биз бу муддаонинг исботи учун китобимизнинг талай жойларида оят ва ҳадисларни зикр қилган бўлсак-да, бу ерда ҳам ояти кариманинг таржимасини келтирамиз: «Ва Аллоҳ сенга ато этган мол-давлат билан (аввало) охират ободлигини истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин»²⁴⁸.

«Жомеъ ус-сағир»да ҳам шундай ҳадис келган: «Ҳалолнинг талабида бўлиш ҳар бир мусулмон учун вожибдир».

Хуллас, сарват шаръан ва ақлан лозимдир. Зеро, башар ҳаётининг давоми бусиз мумкин эмас, зотан бу дунёда сарват таҳсидан юз ўтирган кишининг ўзи йўқ. Лекин баъзи одамлар шу хусусда сустлик қилиб эҳтиёжлари учун сарватни эгалламайдилар. Бинобарин, булар доимо муҳтожлик, эҳтиёж юки остида қолиб кетиб, бора-боранобуд бўладилар. Уларнинг бу ҳолатларини, фақирлик ҳолатларини саодат билиб, ҳатто ислом дини бизни шундай яшашга буюрган, дейдилар. Буларнинг бу гаплари ғирт ёлғондир. Мубин ислом дини бунақа камбағалликни ва бебизоатлик²⁴⁹ни асло амр қилмаган, аксинча, музаммат қилади. «Яҳудийлар қаерда бўлмасин хору зордирлар, агарда Аллоҳ ва мўъминлар паноҳига кирмасалар, улар илоҳий ғазабга гирифтор бўладилар. Уларга қашшоқлик ва мискинлик тайин бўлгандир, чунки улар кофирдирлар»²⁵⁰.

Мискинлик Аллоҳнинг ғазаби ва иймонсизлик натижасидир. Бу ҳақда «Жомеъ ус-сағир»да ҳадислар келтирилган: фақирликдан, бечоралиқдан, золимлик ва мазлум-

ликдан Аллоҳдан паноҳ сўранг: «Эй бор Худоё, фақирлик ва хорликдан ўзингдан паноҳ сўрайман» денг.

Энди фақирлик қораланганлигини билганимиздан сўнг сарват таҳсилага машғул бўлишимиз лозим. Бас, шундай экан, сарват таҳсили учун қайси йўл шаръий ва муносиб, қайси йўл эса ғайришаръий ва номуносиблигини билиб олишимиз зарур. Маълумки, сарватга эришишнинг жуда кўп йўллари бор. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам шаръан дуруст эмас. Шаръан дуруст ва муносиб йўл сайъ ва ҳаракат қилишдир. Сайъ ва ҳаракати бўлмаган йўл эса ақлан ва шаръан ҳаромдир. Чунончи, рибо масъаласига келганда арз қилган эдикки, рибо, ўғрилиқ ва қиморбозлик ҳам сарватга эришишга киради. Лекин сайъ ва ҳаракат бўлмаганлиги учун ҳаром ҳисобланади. ГадоЙлик ҳам сарват топишнинг бир йўлига киради, лекин унда ҳам сайъ-ҳаракат йўқ экан (шаръий узри бўлмаса), ҳаромга киради. ГадоЙлик икки хил бўлади: биринчи хили барчага маълум бўлиб, бизнинг гадоЙларимиз каби эшикма-эшик, дўконма-дўкон юриб нарса топадилар. Бу хилдаги гадоЙлик, агар шаръий узри бўлса, жоиз ва ҳаром ҳисобланмайди. Бу хил гадоЙликнинг шаръий узрларини ҳазрати Ҳакими мутлақ Қуръони каримда баён қилиб қўйган: «(Садақот-эҳсонлар) Аллоҳнинг йўлида тўсилган (яъни, ўзларини ушлаган) бирор ерга сафар қилишга қодир бўлмайдиган, қаноатлари сабабли билмаган одамга бой-бадавлат бўлиб кўринадиган камбағаллар учундир. Уларнинг фақирликларини сиймоларидан билиб оласиз...»²⁵¹

Бу ояти карима гадоЙлик беш ҳолатда жоиз бўлишлигини маълум қилади: 1) гадоЙ нафсини шу қадар Аллоҳ йўлида сарфлаганидан қўли ишга бормаса; 2) кору касб ва сафар қилишга ҳам илож-имкони бўлмаса; 3) ҳеч кимдан таъма қилмаса, ҳатто одамлар уни мулки бор деб ўйласалар; 4) унинг муҳтожлиги тилидан эмас, балки аҳволдан, ранги-рўйидан кўриниб турса; 5) одамларни гадоЙлик қилиб безор қилмаса. Кимда шу бешта шарт бўлса, гадоЙлик қилиши жоиз ва ҳаром қилинмагандир, унга нарса бериш савобдир. Ҳазрати Пайғамбар мазкур ояти каримани қуйидаги ҳадислар билан тафсир қилганлар: «Сендан бир-иккита хурмо ва бир-икки луқма олган одам мискин эмас. Мискин одамлардан бирор нарса истамайдиган одамдир».

«Эй мусулмонлар, гадоЙлик уч тоифа кишиларга ҳалол қилинган. Биринчиси, амри хайр, солиҳ амал учун одамларнинг ёрдамига муҳтож бўлса. Одамлардан нарса, пул талаб қилиб, етарли миқдорни йиғиб бўлгач, ўша савоб ишга сарфлаб, кейин гадоЙликни тарк этса. Иккинчи тоифадаги одамнинг молу мулки талон-торож қилинган бўлса, у ҳам фақат зарурият чегарасида гадоЙлик қилиши мумкин. Учинчи тоифадаги одам ниҳоятда фақир бўлса ва қавмидан уч киши унинг фақирлигига гувоҳ бўлса, унга ҳам гадоЙлик ҳалол қилинган. Эй мусулмонлар, шу уч хил гадоЙликдан бошқаси ҳаром ва унинг соҳиби ҳаромхўр ҳисобланади».

«Ҳар ким мол йиғиш ниятида гадоЙлик қилса, унинг шу йўлда топган моли хоҳ кам, хоҳ кўп бўлсин, қиёматда оташга айланиб, унга азоб беради».

ГадоЙликнинг иккинчи хили шу қадар усталик ва моҳирлик билан ижро этиладики, бу хилдаги гадоЙ кўчадаги тиланчилардек обрўйини тўкиб юрмайди, лекин ўзининг инсонлик шарафини поймол қилади. Бахтга қарши бу хилдаги одамлар мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида, хусусан, Бухорода ҳам кўплаб учрайди. Жуда кўп этиборли одамларимиз андак фойда учун бировларнинг остонасини туну кун саждагоҳга айлантириб олганлар. Хусусан, баъзи уламою машоЙихларимиз қози ва қушбегиларнинг нимтабассуми учун ўзларининг йигирма йиллик таҳсил ва ибодатларини сотиб юборадилар. Булар ислом шариатига муҳолиф шахслардир. Ислом дини сарватга эришиш учун ҳар кимга бир йўл кўрсатган, у ҳам бўлса сайъ-ҳаракатдир. Таъмагирлик ва ниқобланган гадоЙликни ислом дини манъ этган... Шу ерда яна Имом Муслим ва Имом Бухорийлар тўплаган ҳадислардан мисол келтирамиз: «Нафсим унинг қудрати қўлида бўлган Зот билан қасамки, бировнинг сиздан арқон олиб, ўтин териб, уни орқалаб келиб сотгани одамлардан нарса талаб қилганидан кўра яхшироқдир».

«Агар гадоЙликнинг гуноҳ эканлигини билганингизда эди, гадоЙлик қилмас эдингиз».

«Менга одамлардан нарса талаб қилмайман, деган аҳдни берган одам учун мен ҳам жаннатни ўз зиммамга оламан».

Энди биз гадоЙликнинг ҳаром эканлигини тушуниб етганимиздан кейин сарват ҳосил қилиш учун ҳам муно-

сиб ва шаръий мумкин бўлган йўл борлигини билиб олишимиз керакки, бу йўл сайъ-ҳаракат йўлидир. Бу йўлни иқтисодиёт лафзида *санъат* деб аташ мумкин.

Инсоният оламида бу хилдаги санъатнинг етти тури мавжуд: 1) ихрож (ер ости бойликларидан фойдаланиш) санъати; 2) зироат санъати; 3) аъмол (касбу кор); 4) тижорат; 5) нақлийёт санъати; 6) турли хил санъатлар; 7) шахсий хизматлар.

Маъданлардан фойдаланиш санъати. Бугунги кунда башарият оламининг асосий қисми фойдали қазилмаларни топиб, уларни керакли равишда ишлатиб, шунинг орқасидан кун кечириб келмоқда. Масалан, нефть (лампа мойи) бугун дунёнинг ҳар бир чеккасида ишлатилади, тошкўмир эса ҳар бир маданийлашган мамлакатта зарур: оташарава-лар, кемалар, фабрикалар шу неъмат соясида ишлайди. Инглиз давлати ўзидаги бойликларни ана шу икки маъдан: темир ва тошкўмир орқали қўлга киритган. Ҳатто Инглиз давлатининг жаҳонгирлиги ҳам шу тошкўмир маъдани сабаблидир, чунки Инглиз давлатининг қўлга киритилган жанговар кемалари тошкўмирсиз ҳаракатланмайди. Агар Инглиз давлатида тошкўмир маъданлари бўлмаганда эди, ҳозиргидек ҳарбий кемаларни ярата олмаган бўларди. Темир маъданлар орасида муҳим ўрин эгаллайди, башарият дунёси ўзининг эҳтиёжларини шу маъдан орқали қондириб туради. Темир маъданларининг фойдаси тўғрисидаги шу куйидаги бир оят етади: «...Яна бир темир туширдик — яратдик. Унда куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир»²⁵².

Маълумки, тез-тез сарфланиб турадиган молнинг харидори бисёр бўлади, нарсанинг харидори кўп бўлса, бозори чаққон бўлади, бозори чаққон савдогарнинг давлати кўпаяди. Фаранг давлатининг санаш ожиз бўлган хазиналари шу маъданлар туфайли қўлга киритилган. Биз бадбахтлар эса ҳалиям шу санъатдан, шу касбдан беҳабар юрибмиз. Шу маъданларнинг қайси бири бизнинг юртда йўқ, дейсиз? Аминманки, Туркистоннинг турли нуқталари ва Бухоро заминида ҳам яшириниб ётган нефть, темир, тошкўмир каби кўпгина маъданлар мавжуд ва уларнинг ҳаммаси мисол келтирганимиз ояти карима ҳукмига биноан биз учун, бизнинг фойдамиз учун яратилган. Лекин биз бу маъданларни топиб, ишлатиш хусусида ўйламаймиз ва бу раббоний неъматларга куфр келтирамиз.

Бизнинг бойларимиз бу барча Худо берган неъматларнинг зоеъ бўлишига инсоният олами рози бўлмаслигини биладилар. Биноанлайх, агар улар иттифоқ бўлиб, маъданларни топиб, улардан фойдаланмас эканлар, бугун ё эрта дунёнинг бир тарафидан бегоналар келиб, маъданларни қазиб, дунё-дунё фойда топади, бойларимиз эса ҳасрат бармоқларини тишлаб қолаверадилар. Лекин, у вақтда ҳасратнинг фойдаси бўлмайди.

Зироат санъати. Кимёвий ва тиббий усуллар орқали табиат кўйнидан олинган, одамлар учун фойдали бўлган нарсаларни ишлаб чиқаришга *зироат санъати* дейилади. Инсоният ҳаётида зироат ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Башарият ўзига зарур моддаларнинг кўпчилигини шу санъат воситасида қўлга киритди. Оламнинг ҳар бир нуқтасида, хусусан, бизнинг мамлакатимизда ҳам зироат юқори ўринда туради. Ҳа, мамлакатимизда зироатга катта аҳамият берилгандир. Зеро, мамлакатимиз, энг аввало, зироатга мослашган (аграр) давлатдир ва одамларимизнинг кўпчилиги зироат билан шуғулланишади. Фарангистон ва, хусусан, Япон ерлари зироатга мослашмаган. Бинобарин, уларнинг серғайрат аҳолиси тоғлар этагига турли хил дори-лар сепиб, деҳқончилик қилишади. Биз бечоралар эса шу деҳқонбоп ерларимиздан ҳам фойдаланишни билмай-миз. Агар бизникидақа ерлар японларда бўлганда борми, қисқа вақт ичида у ернинг деҳқонлари милйўнлаб даромадларни қўлга киритишарди. Шундай муборак ерларнинг эгаси бўлмиш бизнинг деҳқонларимиз эса дунёда энг камбағал одамлар бўлиб юришибди. Оврўпа мамлакатлари ва Японияда зироатнинг фойдалари қай даражада бўлишини билганликларидан, уларнинг ҳукуматлари зироатни ривожлантириш ва тараққий эттириш йўлида турли қонун ва низомлар ишлаб чиққанлар, ҳайратомуз машиналар яратиб, зироатчиликдан таҳсил берадиган мактаблар очганлар. Бошқа тарафдан эса, бу давлатларда бу соҳанинг ривожини ва такомилни учун жамиятлар таъсис қилиниб, улар доим фидокорлик билан ҳаракат қилиб келадилар.

Бахтга қарши бизнинг мамлакатда Бухоро ва Хива ҳукуматлари ўзларининг бутун куч-қувватларини деҳқончиликнинг зарарига ишлатадилар. Ҳа, Бухоронинг идора ташкилотларидаги амлоқдорлик усулларидан деҳқонлар хароб бўладиларки, фойда ололмайдилар.

Камоли журъат билан айтаманки, Бухоро қишлоқларига бориб турадиган амлоқдор ва қозиларнинг ҳар бири гўёки деҳқонларнинг хирмонига тушган жаҳаннам оташига ўхшайдилар. Бир тарафдан, бизнинг аҳолимиз экиш-йиғиш ишларига унча аҳамият бермайдилар ва ҳиммат қилмайдилар. Ваҳоланки, деҳқонларимиз самимият билан ишларини тартибга солиб зўр берсалар, зарбахш ерларимиз қисқа фурсат ичида яхши даромад бериб, ер соҳиблари сарват эгаларига айланган бўлардилар. Мубин ислом дини ҳам мусулмонларни зироат билан шуғулланишга тарғиб қилади. Пайғамбаримиздан Имом Бухорий куйидаги ҳадисларни келтирган: «Мусулмон дарахт экиб, экин-тикин қилса ва унинг ҳосилидан одамлар, ҳайвонлар ё паррандалар еса, бу ўша мусулмоннинг садақа бергани каби» бўлади.

«Кимнинг ери бўлса унда ишласин, агар ишлашга қуввати бўлмаса, бировга берсинки, у ишлатсин. Агар буларни қилмаса, унинг ери мен ундан ҳеч яхшилик кўрмадим, дейди».

Аъмол санъати. Ер ости бойликлари ва зироат маҳсулотларини қўл ё табиий куч воситасида бошқа шаклга келтиришга *аъмол санъати* (касб-ҳунар) дейилади. Бу санъат ёки бу соҳа маҳсулотлари турли дастгоҳлар, фабрика-завудларда зарур ашёларга айлантирилиб, олди-сотди учун бозорга олиб чиқилади. Масъалан, бугдой зироатчилик маҳсулоти. Уни ун, унни эса нон қилиб сотиш аъмол санъатига киради. Бу саноат инсон ҳаёти учун ниҳоятда зарурдир. Агар соҳалар орасида шу хилдагилари бўлмаганда одамларнинг иши мушкул кечарди. Шу сабабдан ҳазрат Расулulloҳ бизга бу санъатни тарғиб қилади. Кишининг ўз касбидан топган таомидек ширин таом бўлмайди. Довуд Пайғамбар қўл амалидан (яъни, ҳунардан) еб-ичарди, «Касбларнинг покизаси одамнинг қўл кучи ишлатиб қилган амалидир».

Одамлар орасида бу санъат ҳам ихрож санъати ва зироатчилик каби кўҳна ва шулар билан боғлиқ соҳадир. Лекин кундан-кунга тараққий этмоқда. Илгари одамлар қўл меҳнатлари билан бу санъатни ижро этишган бўлса, эндиликда катта-катта фабрикаларда кишини ҳайратга солувчи машиналар бажаради. Бугун Оврўпа ва Амриқонинг кўпгина сарватдор, бойларининг фабрикаси бор.

Уларнинг ҳар бир фабрикалари муболағасиз бизнинг бир қишлоғимизга тенг келади. Бундай фабрикаларда саккиз минг, ўн минг ишчи ишлаб, насибасини топади. Ҳар йили Осиёнинг турли шаҳарларидан минглаб одам Оврўпа ва Амриқога ишлаш ва яшаш учун бориб, у ердаги фабрикаларда хизмат қиладилар. Шу баҳонада бу давлатларнинг нуфузи зиёда бўлиб, бозорлари равнақ топади. Шу йўл билан ҳам давлат, ҳам одамлар дунё-дунё фойда топадилар. Биз туркистонлилар бир вақтлар аъмол санъатимизни, яъни турли соҳаларни ривожлантириб, ўзимизга зарур нарсаларни ўзимиз сифатли қилиб ишлаб чиқарардик, ўзимиздан ортиб қолган молларни хорижий давлатларга юборар эдик, улар мамнуният билан сотиб олардилар. [Масъалан] аббосий халифалар даврида халифалар учун либослар Бухородан олиб кетилар эди. Ҳозир ҳам қадимий ҳунарларимиз ҳар бир жойда мавжуд, йўқолиб кетгани йўқ. Масъалан, алача, яхши сифатли гиламлар бизда тўқилади, тўқилган ҳарир матоларимиз алача ва гилам каби жаҳонни ҳозир ҳам ҳайратга солади. Саноатимизнинг аввалги ҳолати бугунга келиб қолмаган, зеро, биз қадимда ўзимизга зарур барча нарсаларни ўзимиз тайёрлаб чиқарар эдик. Бугун эса бутунлай бошқача: барча зарур нарсаларни бошқалардан сотиб оламиз. Бир неча йил илгари бўз ва қаламидан либос киярдик, бу матолар учун хом ашё ўзимиздан чиқарди. Яъни ўзимиз пахта экиб, пахтадан ип йигириб, ўзимиз ясаган дастгоҳларда шу иплардан мато тўқиб, шу матодан кийим тикиб кияр эдик. Хулласи калом, либосларимизни бошдан охиригача бегонага бир тийин бермасдан ўзимиз ҳозирлардик.

Ўзимиздан ортиб қолган нарсаларни чет элга чиқарардик, қимматга сотиб фойда олардик. Аммо атрофдаги фабрикадорлар кўзни қамаштирувчи парча ва бошқа турдаги ранго-ранг матоларни бизнинг юртимизга келтирганларидан кейин бизнинг бўз ва қаламиларимиз уларга тенглаша олмай қисқа фурсатда муомаладан чиқиб кетди.

Бу табиий ва зарурий бир амрdir, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки одамлар доимо нафис ва чиройли нарсаларга ўч бўладилар. Бас, шундай экан, касбу корининг ривож топишини хоҳлаган ҳар бир киши ўзининг меҳнат маҳсули бошқаларникидан паст бўлиб, назардан четда қолмаслиги учун ҳаракат қилиши зарур. «Жомеъ ус-

сағир»да ҳам Пайғамбаримиздан ривоят қилинганки: «Ишларини ўнглаб, ривожлантириб юрганларни Аллоҳ ҳам дўст тутади».

Лекин бизнинг ота-боболаримиз шу андишани эътиборга олмадилар ва одамлар нима бўлсаям бизнинг тўқиган бўз ва қаламимизни хоҳлаб олавердилар деб ўйлаб, бу матоларни ўзгартирмадилар, ривожлантирмадилар. Шу боис ўзларини ҳам, санъатларини ҳам йўқотдилар, бизларни эса бегона фабрикачиларга муҳтож қилиб қўйдилар. Мен «Ҳинд сайёҳи» номли рисоламда бу хусусда айтиб ўтган эдим, бу ўринда эса шуни арз қилмоқчиманки, агар биз ҳам жаҳон халқлари орасида хору зор юришни, миллатимизни тушкун ва паришон ҳолда кўришни истамасак, саодатли, бахтиёр ҳаётни орзу қилсак, ҳар қанча кетса ҳам боқий қолиши керак бўлган ҳунаримизни ҳимоя қилишимиз, тараққий эттириб, такомиллаштиришимиз керак. Равшанроқ қилиб айтадиган бўлсам, касбу коримиз ва амалий санъатимизни ҳимоя қилиш ҳаётий вазифамиз ҳам динда фарз қилингандир. Бу вазифани ҳар биримиз адо этишимиз лозим. Аввало, шу санъат соҳибларининг ўзлари ақлларини ишлатиб, касблари хусусида мулоҳаза юритиб, диққат қилиб санъатларининг зоеъ бўлмаслиги ва ўзлари тараққиётдан қолиб кетган усталаримиздек нонгадой бўлиб қолмасликлари учун чоралар кўришлари зарур.

Иккинчидан, Русия ва Фарангистон давлатларига бориб-келиб юрадиган савдогарларимиз у давлатларнинг саноат тараққиётидан воқиф бўлганликларини бизнинг саноатчиларимизга ҳам айтиб, тушунтириб берсинлар, токи усталаримиз янги барпо бўлган фабрикаларнинг ишлаш ва идора қилиш тарзларидан, саноатдаги янгиликлардан хабар топсинлар.

Учинчидан, барча аҳолига лозимки, усталаримиз қўлидан чиқаётган газламаларни дағал ва қиммат-арзонлигига қарамасдан мамнунлик билан сотиб олсинлар. Миллий саноатимизнинг тараққиёти ва боқий қолиши учун аслида энг муҳим чора шудир, зеро, ҳар бир санъатнинг ривож топиши, боқий қолиши унинг харидорига боғлиқдир. Устанинг қўлидан чиқаётган матонинг харидори бўлмас экан, ундан фойда ҳам бўлмайди.

Нақлиёт санъати. Хом ашё ва тайёр маҳсулотларни бир жойдан иккинчи жойга етказиш *нақлиёт санъати*га

ёки нақлиёт соҳасига киради. Биз юқорида тилга олган учта санъат бир мамлакатнинг бойлигини зиёда қилмайди, балки ҳимоя қилади, сақлайди. Ваҳоланки, ҳар бир миллат ўз хазинасини кундан-кун кўпайиши хусусида ўйлаши лозим. Зироатчилик билан шуғулланувчи, фабрикадорлик қилувчи ва ерости бойликларини қазиш билан шуғулланувчи халқлар касблари келтирган маҳсулотларни бир-бирларига сотсалар, бу ҳам уларнинг давлатини зиёда қилмайди. Бир миллатнинг давлати қачон зиёда бўлади, қачонки бошқа хорижий давлатлардан пул кела бошласа. Масъалан, фараз қилинг: бир кишининг беш юз танга пули ва бешта чўнтаги бор. У бу пулларни чўнтакларининг биридан иккинчисига ўтказиб тургани билан то қиёматгача пули беш юз тангалигича қолаверади. Бу кишининг пули қачон беш юз эллик танга бўлади, қачонки четдан чўнтагига эллик танга тушса. Бир давлатнинг ҳам хазинаси шунга ўхшаш, пули кўпайишини истаган миллат чет эллардан пул келтириши керак. Ажабо, бу қай тариқа бўлиши мумкин?

Фарангистон олимлари оташарава ва кемаларни шу муддаони ҳал қилиш учун яратганлар. Биз эса бутун оламдагиларни ўзимизга ўхшатиб, оврўпалилар бу оташарава ва кемаларни ҳою ҳаваслари учун яратган бўлсалар керак, деб ўйлаймиз, лекин аслида ундай эмас. Улар машина ва кемаларни ўзларидаги санъат ва деҳқончилик маҳсулотларини атрофга чиқариб сотиб, пул қилиб, шу йўсинда хазиналарини бойитиш учун (ҳаракат) қиладилар. Уларнинг зироати ва саноатининг кундан-кунга тараққий топиши шу оташарава орқасидандир. Ҳа, бир мулкнинг зироати ва саноатининг равнақ топишида оташарава ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Масъалан, Афғонистонда оташарава йўқ, фараз қилинг-а, Афғонистоннинг ҳамма ерларига ишлов берилса, ҳар йили 200 минг ман буғдой беради. Лекин афғон халқига бир йилда эллик минг буғдой кифоя қилади. Шу ҳолатда афғон халқи фақат ўзига керакли бўладиган миқдорда буғдой етиштириб, қолган ерлар бекор ётаверади, агар бундан кўп етиштирасалар, ортиб қолган буғдой нобуд бўлиши мумкин. Лекин, ҳар бир шаҳарида оташаравага эга бўлган миллат қувватлари етгунча деҳқончилик қилиб ва йиғилган ҳар бир маҳсулотнинг ўзларидан ортганини оташараваларга юклаб, бош-

қа давлатларга олиб бориб сотсалар, фойда оладилар. Де-мак, ҳар бир давлат сарвати зиёда бўлиши учун ўзининг молини хорижга чиқариб сотиши зарур экан, бусиз сарват ҳосил бўлмайди.

Ҳозир хотирамга ажойиб воқеа келди, шунини айтиб ўтмоқчиман. Бухорода эканлигимда бир нечта хориждан келган ажнабийлар баъзи бир меваларимизни хомлигича арзонроқ баҳода сотиб олмоқчи бўлдилар. Бухоро ҳукумати амалдорлари уларга рухсат беришмади. Нега? Чунки агар улар меваларимизни хомлигича арзон баҳода олиб кетсалар, Бухорода мева қиммат бўлар эмиш... Ким нима деса десин-у, лекин менинг фикримча, ҳукумат арбобларимизнинг бу ажойиб тадбири фақат кулгуни қистатади, холос. Бир инсоф билан ўйланг-а, фалон бир шаҳарнинг одами келиб, бир оз хом ўрикни икки пул арзонига олиб еса нима қилибди, унга манъ этиб, юзлаб деҳқонларимизни ҳалол пул топишдан маҳрум қилишда не маъно бор экан?

Шу ергача оташараваларнинг баъзи бир умумий фойдаларини зикр қилдик. Оташаравада хусусий фойдаларнинг борлигига ҳам заррача шубҳа йўқдир. Масъалан, бир неча давлатманд одам кенгашиб, бирлашиб, оташаравага имтиёз олиб, уни яратиб, кейин ўзлари бошқарсалар, бир оз муддат ўтмай миллиўнлаб сарват эгасига айланадилар. Бинобарин, бу хусусда кўп гапирдик. Агар бизнинг бойларимиз ҳам кенгашиб катта ишларга қўл урсалар эди, дунё-дунё фойда олган бўлар эдилар, аммо (бу гапларни) «Эшитишга қулоқ қани, кўришга эътибор қани?»

Тижорат санъати. Биз юқорида айтиб ўтган уч хил санъат маҳсулотларини нақлиёт воситасида ҳар тарафга олиб бориш, олиб келиш ва одамларнинг талаблари учун керакли нарсаларни етказиб беришга *тижорат санъати* дейилади. Биз юқорида нақлиётнинг фойдаларини арз қилдик, лекин шунини ҳам муҳтарам ўқувчиларимизга айтиб ўтишимиз лозим, нақлиёт ҳамма жойда, ҳамма ҳолатларда ҳам фойда келтиравермайди, нақлиётдан билиб фойдаланмаса, албатта, зарар кўриш мумкин. Зотан, дунёдаги ҳар бир ишда ҳам шундай суниистеъмол қилинса, зарар кўрилади. Масъалан, тўйда кўп фойдалар бор, аммо биз туркистонлилар уни суниистеъмол қилишдан тўхтамас эканмиз, зарар топамиз. Намознинг ҳам фойдалари кўп, лекин риёкорлик билан ўқилган намоз зарар келтиради,

яъни гуноҳқор бўламиз. Оташарава ва кемалар ҳам шундай: савдогарлар уларга ўз мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни юклаб, четга чиқариб сотиб, четдан имкон қадар мол олиб келиб, ўз юртларида сотсалар нақлиётдан фойда кўрадилар. Агар бегоналар хорижий молни уларнинг мулкига келтириб сотса ва савдогарларнинг молини хорижга олиб бориб сотса, савдогарларнинг ўзи бу хусусда ўзлари ҳаракат қилмасалар, шубҳа йўқки, шу давлат ўзида бор оташаравадан фойда кўрмайди. Тижоратнинг фойдалари фақат олди-сотдидан эмас, балки бир давлатнинг хилма-хил саноатининг тараққий топиши, миллатнинг равнақу осойишталиги, унинг улуғлиги ва эътибори тижоратга боғлиқдир. Башар тоифаси тижоратга доимо эҳтиёж сезиб келган, агар бу муборак санъат бўлмаса эди, одамлар Аллоҳ неъматларининг бир қисмидан маҳрум бўлиб қолаверарди. Шу тижорат борки, мамлакатимизга Ҳинд диёридан чойлар, Русиядан шакарлар келиб туради, шу тижорат сабаб пахтамиз ва қоракўл териларимизни жаҳон бозорига чиқариб сотамиз. Тижорат ибтидоий даврлардан то ҳозиргача ҳар бир миллат орасида баланд мавқега эга бўлиб келган, лекин, хусусан, бизнинг замонга келиб янада эътибори ортиб кетди. Ҳар бир қавмнинг боқийлиги, ҳар бир давлатнинг қувват ва шавкати батамом унинг тижоратига тобеъдир. Яҳудийлар ўзларининг паришонликларига, тарқалиб кетишларига қарамай миллатларини ана шу тижорат соясида ҳимоя қилдилар, ўзларининг яриммустақил давлатлари бўлмай туриб ҳам Фарангнинг аксар ҳукуматлари уларни тан олиб, қулоч очиб кўришадилар, чунки уларнинг пуллари бор, тижоратлари ривожланган. Шу эътибордан ислом дини бизга тижорат билан шуғулланишни буюради... «Аллоҳ (денгиздаги) кемалар ўзининг амри билан жорий бўлиши ҳамда сизлар (у кемаларда) Унинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз) исташларингиз ва шукр қилишларингиз учун сизларга денгизни бўйсундириб қўйган зотдир»²⁵³.

Бу оят қаторида Пайғамбаримиздан ҳадислар ҳам ривоят қилинган: «Ҳалол иш қилиб, тўғрисиўз бўлган тожир қиёматда шаҳидлар билан баробар мукофот олади».

«Ҳалол иш қилувчи тожир Пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидларга ҳамроҳдирлар».

Инсоф қилинг, бу дунёда ислом динигина тижоратга

шу қадар баланд мартаба ва олий даража тайин этган. Бахтга қарши, бугун орамизда эътибори йўқ касблардан бири шу тижоратдир. Шуни ҳам яхши билиш керакки, тижоратдан фойда кўриш керак, фақат олди-сотди билан чегараланмасдан. Бугунга келиб тижоратдан яхши фойда олиш учун бир қанча илмларни билиш зарур. Одат юзасидан ёки минг йиллик ношудлигимизни ошкор қилмаслик учун тижорат билан шуғулланиш фойда келтирмайди, шунинг учун ҳам миллий тижоратимиз кундан-кунга таназзулга юз тутиб бормоқда. Мен аниқ ишонаманки, миллатимизнинг ҳаёт-мамоти савдогарларимиз қўлида. Ҳа, бундан бир неча йил муқаддам бизнинг идора тизимимиз уламолар қўлида эди, лекин улар бизга раҳбарлик қилишга ожиз қолдилар, бизни ҳалокат гирдобидан нажот соҳилига чиқариш ўрнига, улар нажот соҳилидан ҳалокат гирдобига ташладилар. Шу сабабдан хоҳу нохоҳ бу миллатга раҳнамолик қилишдек муқаддас вазифа уларнинг қўлидан чиқиб, замон тақозосига кўра бойларимиз қўлига ўтди. Биноанлайх, бугун бойларимиз олдида турган вазифалар ҳам улуғ бўлиб, ислом наздида уларнинг мартабалари ҳам ортди. Бас, уларга вазифаларини тушуниб, раҳбарлик қилишларига муҳтож бўлган миллатларига ёрдам кўрсатиб, раҳбарлик қилсинлар. Лекин улар ҳам ўз ишларини замон талаби ва хоҳишларига қараб тартибга солмасалар, бу вазифани адо этолмайдилар. Мен шунинг учун уч йилдан бери фарёд уриб, уларни ҳушёрликка даъват қилиб келсам-да, ҳайҳот, уларнинг ҳушёрлигини тушимдан бошқа ҳеч ерда кўрмайпман.

Турли хил санъатлар. Бу санъат соҳибларига табиблар, муҳаррирлар, муаллимлар, мирзолар, ҳукумат маъмурлари ва бошқалар кирадилар. Маълумки, юқоридаги уч хил касб ва соҳалар учун анча сармоя керак, шунинг учун у соҳаларни бир киши ишғол қила олмайди. Сармояси ҳисобли бўлган шахслар шу турли хил соҳаларга эга бўлишлари зарур, зеро ҳалолни талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун вожибдир. Шу соҳаларнинг ҳар бирида жамият учун турли фойдалар мавжуд. Бир миллат орасида бир қанча табиб, бир қанча муаллим, бир қанча муҳаррирлик, бир талай ҳукумат маъмурлари борлигига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Уларсиз бир миллатнинг боқийлиги, умуман, мавжудлиги мумкин эмас. Биноанлайх, Имом Ғаззолий «Иҳё-ул-улум» китобининг аввалида бу соҳаларнинг ҳар бири-

ни, ҳатто саргарошлик санъати ва дарбонликни ҳам фарзи кифоя деб ҳисоблайди. Лекин, диққатга сазовор жиҳати шуки, ҳар ким қўлдан келмайдиган касбни ташлаб, қўлидан келадиган ҳунарни қилиши керак, токи дунёю охиратда расво бўлмасин. Масъалан, баъзи бир табибларнинг мешкоблик (сув ташишлик) қилиши шу қадар бемаъно ва номуносиб; бир хил мурч сотиб ўтирганларнинг табиблигини кўриб ҳам кулгинг, ҳам нафратинг келади; бир хил мударрислар сарбозлик қилишлари қанча нолайиқ бўлса, бир нафар бесаводни мударрислиги ҳам танқиду дашномга лойиқдир.

Куръони каримда шундайлар ҳақида қуйидаги оят келган: «Билмаган ишнинг кетидан юрма, зеро кўз-қулоқларинг ва қалбинг шу ишга масъулдирлар».

Шахсий хизматларни хизматкорлар, ҳаммоллар ва бошқалар бажаришади. Юқорида таърифи келтирилган касб ва соҳаларни эгаллашга қудрати етмаганлар мумкин қадар ўз инсоний шарафларини поймол этмасдан, одамлардан нарса тамаъ қилиб гадойлик қилмасдан, бирор-бир шахсий хизмат билан шуғуллансинлар. Аммо доимо тараққиёт умидида бўлиб, мартабаларини кўтариш учун мудом ҳаракатда бўлсинлар. Бунга эса сидқу ростлик билан эришиш мумкин.

ОИЛА ВАЗИФАСИ²⁵⁴

Бу олам даражама-даража такомиллаша борган. Ҳар бир иш хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, аста-секин ривожланиб, аста-секин таназзулга юз тутади. Бинобарин, нафсингизни ислоҳ этишга муваффақ бўлсангиз, ул вақтда *оила вазифаси* сиз учун осон кечади. Оила вазифасига оилани ташкил қилиш киради. Биз шу ерда оилани ташкил этиш ва бошқариш хусусида андак баҳс юритамиз.

Шуни билиш керакки, табиатдаги барча мавжудотда икки хил мавжудият бор: бири — шахсий мавжудият, иккинчиси, навъий мавжудиятдир. Шахсий мавжудиятнинг муддати нисбатан қисқа бўлиб, коинотда унчалик аҳамиятга эга эмас. Аммо навъий мавжудият барқарор ва муҳимдир. Масалан, Эшмат, Тошматларнинг мавжудияти неча йилдан буён йўқ ва бу махлуқларнинг бўлган-бўлмагани муҳим эмас. Аммо уларнинг навъий мавжудиятлари, инсоний ҳаётлари борки, то қиёматга қадар барқарордир

ва нисбатан коинотга муҳим таъсир ўтказиб туради. Жаноби Холиқу ҳаким бу мавжудиятларнинг ҳифзи ҳимояси учун алоҳида қонунларни тайин этган. Еб-ичиш ва ухлаш шахсий мавжудиятни сақлаб туради. Таносул ва насл бериш эса навъий мавжудиятни ҳимоя қилади. Биз бу илоҳий қонунларнинг ҳар бирига тобе бўлишга мажбурмиз. Агар билфарз уларнинг бирортасига амал қилмасак, шахсимиз ёки навъимиз, табиатимиз зарар кўради. Масъалан, фалончи еб-ичмаса ва ухламаса, шубҳасиз, андак фурсатдан сўнг ҳалок бўлади. Шунинг учун барча одамлар, ё уларнинг кўпчилиги таносул ва таваллуд қоидаларини тарк этишса, башарнинг навъий мавжудияти маҳв бўлади, яъни одам насли барҳам топади. Яна шу ҳам маълумки, роҳат ва озодликда тааллуқдорлик бўлмайди. Танҳо, бирор одамга боғланмаган киши, ҳаётнинг анча аламу ташвишларидан халос бўлган ва умрини роҳат, осудаликда ўтказиши мумкин. Лекин оилали одамларга бу бахт камроқ насиб этади. Шундан одамларнинг ихтиёри ўзида бўлганда эди, яккаликнинг роҳатини тааллуқдорлик меҳнатига алмаштирмас эдилар. Яъни ҳеч ким хотин олиш фикрини ҳаёлига ҳам яқин йўлатмасди. Шу сабабдан одам насли аста-секин йўқолиб борарди ёки бўлмасди. Яратувчи ҳазрат ҳакимнинг ҳикматлари бениҳоя, бу таҳликали йўлни одамларга фойдали қилиб боғлаб қўйган. Эркагу аёлнинг табиатига шаҳватни қўшиб, уларни бир-биридан лаззат олувчи қилган, шу лаззат учун улар бир-бирларини ихтиёр қиладилар, натижада таваллуд ва насл давом этади. Шаҳвоний қувватнинг берилиш ҳикматларидан бири ана шудир. Аммо, биз китобимизнинг аввалида арз қилган эдикки, одамлар бу қувватларини ифрот даражасигача тушириб, баъзи бир беҳаёллар бировларнинг номусини поймол қилиб ҳам юриши мумкин. Қодир Аллоҳ бу хатарнинг олдини олиш чораларини тайин қилганки, бу чора суннати сания (маъқул), яъни никоҳдир. Никоҳнинг жорий этилиши шаҳвоний қувватни боғлаб, бир маромга солиб туради... Бу хусусда Имом Бухорий жуда кўп ҳадислар ривоят қилган, уларда шундай дейилади: «Эй ёшлар, агар қудратингиз етса уйланинг. Зеро, уйланиш кўзингизни гуноҳдан сақлайди, порсолигингизга сабаб бўлади. Агар уйланишга қудратингиз етмаса, рўза тутинг, рўза тутмоқлик шаҳвоний қувватни заиф қилади ва кишини ҳаромга юришдан асрайди».

Шу муқаддимадан маълум бўладики, ҳар бир қудрати бор кишига уйланиш лозим экан, шу илоҳий қонунга ҳилоф борган киши билсинки, Аллоҳ розилиги ва башарият манфаатига қарши борибди... Мана шу тўғридаги ҳадислардан ҳам бу маълум бўлади: «Уйланинг ва фарзандлар кўринг, мен қиёматда умматимнинг кўплиги билан фахрланай».

«Аллоҳ ҳаққики, мен сизлардан кўра тақводор ва иймонлироқман, лекин мен рўза тутиб, намоз ўқийман, ухлайман ва уйланаман. Кимки менинг қилганларимга ҳилоф чиқса, у одам мендан эмас».

«Сизлардан баттарроғингиз уйланишга қудрати бўлиб, уйланмай юрганингиздир. Аёлдор кишининг ўқиган икки ракаат намози аёли бўлмаган кишининг етмиш ракаат ўқиган намозидан афзалдир».

«Сизлардан баттарларингиз уйланмаган кишилардир, энг паст табиатлиларингиз эса уйланмай ўлиб кетганлардир».

Чунончи, арз қилдикки, уйланишдан мақсад навъий мавжудиятни давом эттиришдан иборатдир, яъни инсон номини боқий қилдиришдир. Бироқ бунга хотин олиш ҳар кимга осон бўлгандагина эришиш мумкин. Аммо бизнинг мамлакатимизда уйланиш шу қадар қийинки, бу хайрли ишни ҳар ким ҳам орзу қилавермайди. Аввало, қизнинг отаси қизининг хуни баҳосида нақд пул талаб қилади. Шунга илова тарзида ҳеч бир муносабатсиз бир олам ҳарир, кимхоб ва шунга ўхшаш нарсалар талаб қилади. Сўнгра уйланиш орзусида бўлган эркак юзтадан ортиқ ё камроқ одам чақириб, уларга ошу нон қилишга ва келганларга тўн кийдиришга мажбур бўлади. Бу харажатлар учун камида ўн минг танга бемалол кетади. Шу сабабдан миллатимизнинг бир қисми хотин ололмай, бу дунёдан кўз юмиб кетмоқда ва наслимиз кундан-кунга камайиб бормоқда. Агар бу шум одат давом этаверса, наслимиз қолмай номимиз дунё саҳифасидан ўчиб кетади, деб кўрқаман. Ваҳоланки, бу каби муносабатсизликларни ислом дини қатъиян манъ қилади. Бу ҳақда «Жомеъ ус-сағир»да қуйидаги ҳадислар келган: «Никоҳнинг афзали унинг осонлигидадир», «Никоҳида оғирлиги кам бўлган аёлда хайру барака кўпдир».

Бизнинг орамизда илоҳий аҳкомларнинг ҳикматини тушуниб етмаган одамлар анча кўпдир. Шу боис улар хо-

тин олишни фақат махлуқий шаҳватни қондириш учун деб ўйлайдилар. Шундан фақатгина ўзининг ҳавою нафси учун ҳар кун янги хотин олиб, аввалгисини талоқ қиладилар ёки хору зор ва муҳтож қилиб ташлаб қўядилар. Бу хилдаги одамлар фақат махлуқий шаҳватларини ўйлаб иш кўрадилар, ҳеч бир нарсада одил Аллоҳ таолодан кўрқмайдилар. Ҳа, бир нечта хотинга уйланиш бизнинг шариятимизда бор, лекин шу шарт биланки, агар ҳаммаларига тенг муомала қила олса... «...Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг)...»²⁵⁵

Ҳадисда эса қуйидагилар айтилган: «Икки хотини бўлган эркак хотинлари ўртасида адолат қилолмаса (яъни уларнинг бирига зулм ўтқизса), қиёматда яримта тана билан ҳозир бўлади».

Шуларни билганимиздан кейин яна бир нарсага диққатингизни қаратмоқчиманки, уйланмоқчи бўлган одам ўзига монанд, ҳар жиҳатдан ўзига баробар хотинга уйланиши керак. Зеро, Пайғамбаримиз айтганларки: «Хотинга тўртта нарсага қараб уйланадилар: молига, насабига, жамоли ва динига. Бас, сен диндор хотинга уйлан». Энди биз шу ҳадиси шарифдаги ҳикматларни муҳокама қиламиз.

Аввало, молига қараб уйлангин, дейилган. Эркак киши никоҳига ўзининг мол-мулкига тенг келадиган мол-мулкли аёлга уйланиши керак. Камбағал оилада ўсган қизларнинг аксари тўғри тарбия ва таълим ололмай, бутун ахлоқий фазилатлардан маҳрум қолган бўладилар. Хусусан, рўзғор тутишни билмасдан кўпгина нохушликларга сабаб бўлишлари мумкин.

Иккинчидан, насабига қараб уйланиш керак, яъни хотинининг насаби эриникидан паст бўлмаса яхши бўлади. Чунки паст тоифадаги одамларнинг ахлоқи яхши бўлмайди, ахлоқий камчиликлар ирсий йўл билан ҳам ўтар экан. Шунинг учун ота-онанинг бадахлоқлиги ва пастфитрати ирсий йўл билан қизларига ҳам ўтади. Шундай қизларга уйланган кишининг хатарлари олдинда бўлади. Эрнинг ҳаётини заҳарга айлантирадилар, оила номусини сақлашга ожизлик қиладилар, ахлоқларидаги фасодлар уларнинг фарзандларига ҳам ўтади.

Учинчи ўринда ҳусну жамол туради. Юқорида арз қил-

ганимиздек, Аллоҳ таоло эр-хотинни насл қолдириш учун жорий қилган. Бу мақсадга эрнинг хотинига майли бўлсагина эришилади. Агар хотинининг зоҳирий ҳусни жамоли бўлмаса, эркакнинг унга рағбати бўлмайди, у билан яқинлиқ қилишни ҳам хоҳламайди, бу сабабдан наслга нуқсон етади. Яна шундай бўлиши ҳам мумкинки, чор-ночор шаҳвоний рағбатини қондириш учун ҳаром йўлларга юриб, дунёю охиратини куйдиради.

Тўртинчи талаб — диндорлик. Маълумки, шахс (феъл) одамлардан болалик чоғидан турли одатни қабул қила бошлайди. Фазлу камол аҳли қўлида тарбия кўрган бола фазилат ва камолга ошно бўлади, беҳаё ва бадкирдорлар орасида ўсган гўдак эса катта бўлса, ўзи ҳам беҳаё ва бадкирдор бўлади. Шунини ҳисобга олиб бир фаранг ҳукамоси: «Бани одамнинг барча гўдақларини менинг тарбиямга берилса, ҳозирги олам шаклини ўзгартириб юборардим», — деган экан.

Тарбия фани уламолари бир овоздан айтадиларки, тарбия натижасида ҳосил бўлган одатлар инсонни тамоман одамийлик табиатидан чиқариб юбормайди. Яна шу ҳам маълумки, ҳар бир бола гўдақлигидан онасининг тарбиясига маҳкум. Бинобарин, биз дастлабки тарбияни ўз онамиздан оламиз, бу оналар башариятнинг тарбиячиларидир дегани, агар улар диндор бўлсалар, фарзандлари ҳам диндор бўлади, шунинг учун уйланмоқчи бўлган одам диндор хотинга уйланишга ҳаракат қилиши керак. Аммо шу диндор сўзини ҳамма ҳам тўғри тушунавермайди. Бу сўзнинг ҳақиқий маъноси нима? Диндорлик башариятнинг саодат мартабаларининг бири бўлиб, касбий ақлга, яъни илмга таянган бўлади. Равшанроқ айтадиган бўлсак, диндорлик Аллоҳга фармонбардорликдир. Илоҳий амрларга итоат этишнинг икки шарти бор. Аввало, коинотнинг холиқи бўлмиш Аллоҳни яхшилаб таниб олиш лозим, сўнг унинг Қуръони каримда мавжуд бўлган барча амрларини билиш керак. Шу икки шартсиз илм ҳосил бўлмайди, шундан ҳам биз диндорликнинг асоси илм дедик. Мен буларни айтишимдан нима ҳожат? Бу ҳақда Қуръони каримда тушунарли қилиб: «...Аллоҳдан кўрқиб олимларга хос» дейилган ва бу оятни Пайғамбаримиз ушбу ҳадислари билан тўлдирганлар: «Дин бу ақлдор, ақли бўлмаган одамнинг дини ҳам йўқ». Бу гаплар бир минг уч юз йил

аввал айтилган. Шундай экан, уйланишда ана шу тўртинчи шарт, яъни илмли бўлиш зарурий шартдир.

Уйланиш ниятида юрган эркакни тасаввур қилинг: у топган тўртта қизнинг бири пулдор, бири калонзода, учинчиси соҳибжамол ва сўнггиси олим ва диндор. Бу эркак учун қай бирини танлаш савоб? Яъни бу тўрт қизнинг қайси бирини никоҳига олсин? Мазкур ҳадисга биноан олим ва диндор бўлганни никоҳига олиши керак. Бошқаларидан келадиган манфаатлар гумон, тўртинчиси эса аввалдан мавжуддир. Айнан ана шу жиҳатлар айтилган ҳадисда маъносини топган.

Ҳозир эса хотинларнинг ижтимоий мавқеи ва уларга қилинадиган муошарат одоби ҳақида бир оз суҳбатлашсак. Жамиятда аёлларнинг мартабаси улғғидир. Шу аёллар бизни қатра сув ҳолимизда отамизнинг пушти камаридан олиб, тўққиз ой раҳмида кўтариб, минг хил мушкулотлардан ўтадилар. Шу аёллар бир парча ожиз гўштлигимизда бизни меҳр-муҳаббат оғушига олиб, узоқ йиллар уйқуни уйқу демай тарбия қиладилар. Бизнинг тарбиячиларимиз, табибларимиз, муаллимларимиз ҳам шу аёлларимиздир. Улғайиб вояга етганимиздан сўнг шу аёлларнинг бири бизга йўлдош бўлиб, шодлигу ғамимизга шерик бўлади, рўзгоримизни бошқаради, турмушимиз юкини енгиллатади, бизни минг хил ҳаромдан тўсади; хуллас, ҳаётимизнинг мушфиқ мудир, ахлоқимизнинг муҳофазаси бу аёллар, чунки биз отамиз сулбидан жудо бўлиб, яралиб, то умримизнинг сўнгги дақиқаларигача аёлларнинг ҳиммати ва ёрдамига муҳтожмиз.

Ҳаётнинг муқаррар қонунлари жумласига ҳар бир вазифанинг ҳаққи, ҳар бир хизматнинг мукофоти бўлиши шартлиги киради. Яъни ҳар кимнинг менга нисбатан вазифаси бўлса, менинг зиммамда у учун ҳақ ҳам бўлиши лозим. Ойдинроқ қилиб тушунтирсам, ҳар ким менга хизмат қилиб, фойда келтирса, ажр ва мукофотини ҳам талаб қилади. Бу қонун бенуқсон, комил қонун бўлиб, илоҳий адолатта мувофиқдир. Унга хилоф бориш зулм билан баробар бўлади. Бас, шубҳа қолмадики, бизга саноқсиз хизмат кўрсатиб фойда келтирган аёлларга биз ҳам мукофотларини беришимиз керак, ҳурматларини қилиб, уларни хушнуд қилишимиз шарт. Чунончи, бизга бу Ҳазрат вожиб таоло томонидан Қуръони каримда амр қилинган:

«...Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги эрлари олдидаги бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор»²⁵⁶.

«Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар»²⁵⁷.

Биргина шу оятнинг аҳамияти шунчалик каттаки, унинг тафсири бир китобга сифмайди. Фаранг уламолари ва ҳукамолари юзлаб китоблар ёзиб, эру хотин ҳуқуқлари хусусида шу оятдан ҳам қатъийроқ бирор-бир қонун ўйлаб топганлари йўқ. Ҳа, хотинлар барча ҳуқуқ ва вазифаларда бизлар билан баробардирлар. Сиз агар: «Ёзган шу оятингдан раёсат ҳаққи эркакларга берилган экан, қандай қилиб аёллар биз билан барча ҳуқуқда баробар бўларкан?» – дерсиз. Гарчи раёсат ва сардорликнинг номи улуг бўлса ҳам, лекин ҳақиқатда меҳнат ва машаққатдан ўзга нарса эмас. Бир жамоатнинг раиси ва сардори ўша жамоатнинг хизматкори деган гапдир. Қўй чўпон учун эмас, балки чўпон қўйнинг хизматидадир. Бир жамоатнинг раиси Аллоҳ тарафидан ўзига тобеъларни саодат йўлига бошлаш учун бу йўлда уларнинг бошига тушадиган турли қийинчиликларнинг барини ўз зиммасига олишга маъмур этилган. Раис Аллоҳ тарафидан унга тобеъларнинг осойишта ва тинчлигини таъминлашга маҳкум этилган. У тобеъларига етadиган ҳар бир зарарнинг олдини олиш учун ҳаракат қилишга ҳам шаръан, ҳам ақлан мажбурдир. Бир жамоатнинг бошига тушадиган ҳар бир кулфат, балолар учун раис ҳам одамлар олдида, ҳам Аллоҳ олдида масъул бўлиб, ҳисобот беради. Одамиятнинг латиф қисми бўлмиш аёллар, албатта, бу қадар қийинчиликларга тоқат қилолмас эдилар. Шуларни эътиборга олган ҳолда Аллоҳ раёсат ҳаққини эркакларга берган. Агар диққат қилсак, аслида бу аёлларга кўрсатилган буюк меҳрибонликдир, уларнинг баланд даражаларига далилдир. Энди ўзимизга савол берсак: биз аёлларимизга илоҳий амрларга мувофиқ муомала қиламизми?

Ҳайҳот... Бизнинг аёлларимизга қилаётган муомаламиз ислом таълимотига бутунлай зиддир. Одамлар ўз ҳайвонларига раво кўрмаган жабру зулмни биз аёлларимизга қиламиз. Ер юзида энг беқадр махлуқлар бизнинг мамлакатимиздаги аёллардир. Бу латиф хилқатлар елкаларидаги шунча хизматларига қарамасдан, таҳқиру дашном ва калтак зарби остида қолганлар. Бизнинг мулкимизда «хо-

тин» деган сўз турли зулму ситамга ва бемурувватликка лойиқ бўлиб қолган. Биз бу латиф жинсни, башариятнинг муборак бир қисмини дунёдаги барча фасодларнинг сабаби, жаҳаннам ўтини деб ҳисоблаймиз.

Диққат қилинг-а, Исо Масиҳнинг эшагини²⁵⁸, асҳоби Каҳфнинг итини²⁵⁹ ва Солиҳ Пайғамбарнинг туясини²⁶⁰ жаннатий деб ҳисоблаган ҳолда хотинимиз бечорани жаҳаннам оташи деб санаймиз. Яъни оналаримиз бўлмиш аёллар гуруҳини тўрт оёқлилардан ҳам пастроқ кўрамыз. Соддалик ва хабарсизликни кўрингки, шу феъл-атворимизни шариатга мувофиқ деб ўйлаймиз. Афсус... минг марта афсус, мубин ислом дини бу хилдаги зулм ва бедодликдан пок ва холидир. Ислом дини эркагу аёлни барча ҳуқуқ ва вазифаларда баробар қилди, фақат риёсат хизматини эркакларга қолдирди, яъни эркакларни аёлларга посбон қилди. Ислом дини бизни доимо бундай ношойиста хатти-ҳаракатлардан манъ қилади. Юқорида мисол келтирилган оят ва ҳадислар шу муддаомизнинг исботи бўлса, лекин инкор этувчиларга бирон-бир ўрин қолмаслиги учун яна бир нечта илоҳий амрларни зикр қиламиз: «Агар аёлларингизга чиройли муомала қилсангиз ва Аллоҳдан кўрқсангиз (ўзингизга яхшидир). Зеро, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардор бўлган Зотдир»²⁶¹.

Ушбу оятни қуйидаги ҳадислар билан тўлдирамиз: «Худованди таборак ва таоло сизларга аёлларга яхши муомалада бўлинг, деб амр қилади, зеро, улар оналарингиз, қизларингиз ва холаларингиздир».

«Сизлардан яхшироғингиз аёлларингизга яхши муомалада бўлганингиздир».

«Сизларнинг яхшироғингиз аҳли аёлига яхши муомалада бўлганлардир. Менинг аҳли аёлимга қиладиган муомалам сизнинг аҳли аёлингизга қиладиган муомалангиздан кўра яхшироқдир. Аҳли аёлига яхши муомалада бўладиганлар мурувватли ва жавонмард инсонлардир, уларга ёмон муомалада бўлганлар эса пасттабиат ва нокасидрлар».

Аёллар ҳаққига ислом динида ворид бўлган олий ҳукмлар ана шулардир. Энди ҳам бирор сўз денг-чи! Энди ҳам аёлларни жаҳаннам ўтини дейсизми? Энди ҳам аёлларни махлуқдан баттар санайсизми? Энди ҳам аёлларимиз дашному калтакка лойиқми? Мен шунча гапдан кейин сизларнинг фикрингиз ўзгаришини ва зулмни тарк

этишингизни орзу қиламан. Зеро, мен аниқ биламанки, сизлар ўзингизни жону дилингиз билан ислом фармонларига бўйсунувчи, деб биласиз. Лекин бугунгача аёллар хусусида диний ҳукмларни билмасдингиз ва уларга нисбатан ношойишта ҳаракатларни жоиз деб билдингиз. Ҳозир бу масъала хусусида билиб олганингиздан сўнг, шубҳа йўқки, Қуръони каримга хилоф бўлган ҳар бир ишни дарҳол тарк қилсангиз керак. Зотан, агар шу умидворлик бўлмаганда эди, мен бир қисм умримни ушбу рисолаани ёзишга сарф қилмаган бўлар эдим.

АВЛОД ТАРБИЯСИ

Авлод тарбияси оиладаги вазифалардан биридир. Бу масъала ҳаёт биносининг пойдевори бўлганлиги сабабли ниҳоятда муҳим ва анча мушкулдир. Бу баҳсни уддасидан чиқиб юритишга менинг қаламим ожизлик қилади. Мен ҳатто бу баҳсни бошлашга жасорат ҳам кўрсатолмаган бўлар эдим, лекин не қилайки, жим ўтирадиган замон эмас. ...Маъхуд²⁶² қаландар қаби мен ҳам «дам ганимат» деб билганимча ёзмоқчиман, бу масъалани яхшироқ билганлар ёзганларимни атрофлича ислоҳ қилишар, деб ўйлайман.

Ҳаётнинг умумий жадалгоҳида инсоннинг ўрни буюк. Ҳар бир одам улғайгач, бахт-саодатини таъминлаш учун бу жадалгоҳга кириб курашишга мажбур. Бу кураш майдонида ўзида уч нарсани мужассамлаштирган инсонгина голибликка эришиши мумкин. Бу уч нарса: тансиҳатлик, соғлом фикр ва яхши ахлоқдан иборат. Шу уч нарсанинг биттасидан ҳам маҳрум бўлган одам бу курашда мағлуб бўлиб чиқиши муқаррар. Бошқа ибора билан айтганда, бахт-саодат жисмонан соғлом, солим фикрли ва чиройли хулқли инсонга насиб этади, шу жиҳатларга эга бўлган кишилар турли хил бадбахтликларни муносиб кутиб олдилар. Бас, фарзандининг бахтсиз бўлишини истамаган ҳар бир ота уни мустақил ҳаётга қўйиб юборишдан олдин шу мазкур учта аслаҳа билан қуроллантириб қўйиши керак. Тарбиянинг маҳсули ҳам шундай, яъни одамни тарбия қилиш уни жисмонан, фикран ва хулқан камолга етказиб, саодатга эришишга қобил қилишдан иборат. Гарчи ҳар бир инсон бешикдан то қабргача тарбия олиш қобилиятига эга бўлса-да, лекин уни болаликдан тарбиялаш таъсирлироқ ва жуда муҳимдир. Шунда ҳар бир маданий

тоифа гўдакларни тарбияси хусусида жиддий бош қотириб, сарфи ҳиммат қиладилар. Улар истиқболларининг саодатли ёки фалоқатли бўлишини ёш авлод тарбиясига боғлиқ ҳолда кўрадилар. Улар бир қавмнинг тарбиясига етган озгина нуқсон бориб-бориб катта зарарга сабаб бўлади, деб аниқ ишонадилар.

Чунончи, юқорида арз қилганимиздек тарбия уч қисмдан иборат: 1) бадан тарбияси; 2) фикр тарбияси; 3) ахлоқ тарбияси.

БАДАН ТАРБИЯСИ

Бадан тарбия – баданни соғлом ва кучли ҳамда аъзоларни мукаммал даражага етказишдан иборат, бусиз бахт-саодатга эришиб бўлмайди. Одамзод бутун умри давомида сиҳат ва қувватга муҳтож бўлмаслиги амри маҳолдир.

Ҳаммолдан тортиб ҳукмдоргача тасаввур қилинг, агар уларнинг куч-қувватларига ёки бирор аъзоларига халал етса, қўллари ишга бормай бошқаларга муҳтож бўлиб қоладилар. Бас, фарзандимиз оламга келиши билан уларнинг бадан тарбияси учун ҳиммат камаримизни боғлашимиз зарур.

Болаларнинг бадан тарбияси, энг аввало, оналарнинг вазифасига киради. Ҳатто фарзанднинг ота пушти камаридан онасининг раҳмига ўтган ибтидоий давридан бошлаб она фарзандининг соғлигини муҳофаза қилиши лозим. Зеро, бола тўққиз ой онанинг қорнида тарбия топади, бинобарин, онага теккан ҳар хил беморликларга у ҳам ҳиссаманд бўлади. Биноанлайх, оналар ҳомиладорлик вақтларида турли ишларда ва еб-ичишда парҳез қилишлари зарур. Ҳомила дунёга келгач, гўдак парвариши уларнинг сутлари орқали бўлади, шунинг учун улар соғлиқларини авайлаб, турли касалликлардан узоқда бўлиб юрсинларки, токи ўша касалликларнинг уруғи сут орқали маъсум гўдакларига ўтиб, уларнинг соғлиғига ҳам хатар солмасин, акс ҳолда оналарнинг эҳтиётсизлиги туфайли гўдак баъзан нобуд бўлиб, унинг қони онанинг бўйнига тушади. Гўдакнинг овқатланишига ҳам жуда эътибор бериш керак. Ҳар бир жонзот умрининг давомийлиги емишига боғлиқ. Ҳар бир жонзотнинг гуркираб ўсишига олаётган таоми ҳам сабаб. Шунинг учун оналар гўдакларига тез ҳазм бўлувчи мазали таомларни бериб, муайян бир вақтларда ов-

қатлантиришлари зарур. Овқатланишда интизом ва вақт бўлмаса, одамни меъда касалликларига ва турли касалликларга олиб келади. Бола йиғламаслиги учун қўлига бир парча ҳолва ёки бир бурда нон бериб қўйишлик унинг овқатланиш низомини бузади ва турфа касалликларга сабаб бўлади.

Ҳаёт учун, аввало, ҳаво зарурдир, беш-олти соат таом емай ўтириш осон, лекин ҳавосиз бир дақиқа ҳам яшаб бўлмайди. Болаларнинг ўтириб-туриш жойларида ҳаво мусаффо, турли ҳидлардан тоза бўлиши зарур. Шундан Фаранг ва Русия ҳукумати болалар учун чорбоғлар, баҳаво майдонлар барпо қилганлар. Бундан ташқари, болалар ўқийдиган мактабларда ўйин ва танаффус учун фараҳбахш боғлар яратилган. Ҳаракат ҳамма учун, айниқса, болалар учун жуда зарурдир. Маълумки, болалар тез суръатда катта бўладилар. Ҳаракат ана шу ривожланишни осонлаштиради, шунинг учун болаларни ўйинга машғул қилиш фойдалидир. Ўйин уларга зарар етказмайди, балки бир жойда ўтиришнинг зарари кўп тегади. Ўйиндан болани манъ қилиш уларни ҳаракатдан қолдириб, ўсишига халал бериб, заиф, нимжон қилиб қўяди. Ота-оналар фарзандларини доим ўйинга тарғиб қилиб, бир жойда ўтиришдан манъ қилишлари керак. Аммо уларнинг ўйинлари одоб ва ахлоққа зид ўйинлар бўлмаслиги шарт. Жадид мактабларида болалар учун илмий йўналтирилган ўйинлар жорий қилинган. Болаларни доим ўйиндан манъ қилиб, калтак зарбида қолдиришнинг зараридан боланинг жисман ривожланиши сусаяди.

Шулар қаторида тозалик ҳам саломатлик учун муҳим шартларнинг биридир. Биз юқорида тозаликнинг қанчалик зарурлигини тоқат қадар арз қилган эдик, бу ерда эса муҳтарам ўқувчиларимизга бир қадар айтиб ўтмоқчимизки, тозалик катталар учун қай даражада шарт бўлса, ёш болалар учун эса ўн баробар кўпроқ зарурдир. Бу зарурият икки тарафлама: аввало, болалар катталарга нисбатан касалга тез чалинувчан бўладилар, уларга ёпишган ҳар бир ифлослик катталарга етган ифлосликдан кўра ўн баробар хатарлидир. Иккинчидан, боланинг гўдаклигидан тозалигига эътибор берилса, уларни ифлосликдан ҳазар қилишга ўргатилса, бориб-бориб тозалик уларнинг кундалик одатига айланиб қолади. Аксинча, агар болаликларида

ифлосликка ўргансалар, катта бўлганларидан кейин ҳам бу ҳол авж олиб, одамларнинг нафратига сабаб бўлади. Бас, ота-оналар, муаллимлар болаларнинг юз-қўлини доим совунлаб ювиб, ҳар таҳоратда тишларини мисвок қилдириб, кийимларини тез-тез алмаштириб туришлари лозим, улар мумкин қадар чивин ва пашшасиз уйларда яшашлари керак. Зеро, биз ҳифзу сиҳат бобида арз қилган эдикки, чивину пашша ва бошқа ҳашаротлар касал ташувчи воситалар бўлиб ҳисобланади.

Биз тарафдори бўлган жадид мактабларида бунинг учун бизни кофир ҳисоблайдилар, ўқувчиларнинг саломатлиги ва роҳатини шу тариқа муҳофаза қиладилар. Энди бизнинг эски услубдаги мактабларимизда шу шароитлар мавжудми? Бизнинг бечора маъсум гўдакларимиз офтоб тушмайдиган қоронғу, бадҳаво, сассиқ хоналарда махлуқлар каби тиқилиб олиб, хас-ҳашак устида ўтириб, саккиз-тўққиз соат давомида дарс ўқийдилар, бунинг устига ҳар куни бир жоҳил муаллимнинг қўлидан мушт, калтак еб, гоҳ бошлар ёрилади, гоҳ оёқлари қонаб, мажруҳ бўлиб, ранглари кўкариб, саккиз йилни шу зайлда ўтказадилар. Шунинг учун мактабни қамоқдан озод бўлган маҳбус каби бемор, суст, беғайрат ва ифлосликларича битирадилар.

Ана шулар сабабли бизнинг миллатимиз ҳаммадан орқада қолгандир.

ФИКР ТАРБИЯСИ

Фикр тарбияси одамнинг ақлини камолга етказиш ва бахт-саодатга етишиши учун қобилиятли қилиб тарбиялашдир. Одам ақли тўғри ва яхши муҳокама эта олсагина камолга етган ҳисобланади. Муҳокаманинг ўзи нима? Муҳокама маълум ҳукмлардан мажҳул ҳукмларни ажрата билишдир.

Масъалан, «ватанга хизмат қилиш вожиб» деган ҳукм мажҳулдир (яъни, мавҳум). Бу ҳукмнинг маълум бўлишлиги учун иккита маълум ҳукмлар бўлиши керак, мисол учун «ватан бизнинг валинеъматимиз», «валинеъматга хизмат қилиш вожиб», «шундай экан, ватанга хизмат вожибдир».

Яна бошқа бир мисол келтирамиз: «Башарият орасида меҳр ва муҳаббат даркордир». Бу ҳукм мавҳум ҳукм бўлиб, уни ойдинлаштириш учун иккита маълум ҳукмлар бўлиши шарт. Улар қуйидагилар бўлиши мумкин: «Одамлар

бир-бирларига биродарлар ёки қон-қариндошлар». «Қариндошлар орасида муҳаббат ва меҳр бўлиши керак». «Шундай экан, одамлар орасида ҳам меҳр-муҳаббат бўлиши шарт». Шу икки мисолдан маълум бўладики, ҳар муҳокама уч ҳукмдан: иккита маълум, уларнинг хулосаси эса мавҳум ҳукмлардан ҳосил бўлади. Баҳсимизнинг бошида ақлнинг комиллиги тўғри мулоҳаза юритиш, деб айтдик. Тўғри муҳокама юритиш учун киши уч нарсани билиши шарт: 1) исбот; 2) истиқомат; 3) суръат. *Исбот* бу маълум ҳукмларнинг рост ва тўғри бўлишлиги; *истиқомат* маълум ҳукмларнинг мажҳул ҳукмларга мантиқан тўғри ва изчил кўчиши; суръат эса — тўғри ва маълум ҳукмларнинг бетўхтов, батартиб ва тезлик билан мажҳул ҳукмларга кўчишига айтилади. Кимда шу ҳукмларнинг биттаси бўлмаса, ё умуман, муҳокама қилолмайди ёки ғалат, яъни ноқис муҳокама қилади. Бинобарин, у одам умри давомида қайси бир ишга қўл урмасин, доим ёки кўпинча, ноқулай вазиятларга тушиб қолади. Фикрий тарбия хусусида ана шу учта жиҳатни эътибордан четга чиқармаслик зарур.

Аввало, болаларга фикрлашда исбот бўлишини ўргатинг, яъни уларга доим тўғри, рост маълумотлар беринг ва хотираларида беасос, ботил фикрларнинг жой олишига йўл қўйманг, акс ҳолда улғайганларидан кейин ҳам ана шу беасос фикрларга тартиб бериб нотўғри муҳокама қиладилар, натижада хато йўлларга кириб қолиб зарар кўрадилар.

Ота-оналаримиз ва муаллимларимиз бизга гўдаклигимиздан Кўҳиқоф париларининг ҳужумидан сўзлаб, калламизни пуч, бемаъно хаёлларга тўлдириб келадилар. Шунинг учун биз улғайганимизда мушук юрса ҳам, бирон-бир садо чиқса ҳам ваҳимага тушиб, шу ваҳима, кўрқувдан касал бўламиз.

Иккинчидан, болаларга фикрлашда истиқомат қилишни ўргатинг, яъни маълум фикрларни мажҳул фикрларга тўғри ўтказсинлар, маълум фикрлар асосида хулоса қилаётганларида нотўғри хулосага келмасинлар. Бунинг учун болаларни муҳокама қилишга ўргатинг, ёмоннинг ёмонлигини, яхшининг яхшилигини муҳокама қилиб, исботлаб уларга тушунтиринг, уларнинг кўр-кўрона тақлид қилмасликларига доим эътибор беринг. Маданий халқлар мактабларида болаларга ҳисоб илми, тарих, ашёлар дарси, жуғрофия ва бошқа дарслардан таълим беришларининг

боиси шу икки мақсад (яъни, фикрлашда исбот ва истиқоматни ўргатиш) учундир. Бахтга қарши, бизнинг мактабларимизда бу илмларнинг ҳеч бири ўқитилмайди. Илова учун биз гўдақларимизни муҳокамадан маҳрум қилдириб, барча ишни мушту калтак зарби остида қолдирамиз. Масъалан, болага дарсингни қил, тирноғингни ол, қимор ўйнама, намозингни қолдирма, деб айтамиз. Лекин қай тарзда? Менинг айтганларимни бажармасанг, калтак ейсан, деймиз. Бу буйруғимиз худди кўрга «ҳассангни ташлаб, шу йўлга тушиб кетавер, агар йўлда тошга урилиб йиқилсанг, ўлдирамиз», — дейиш билан баробар-ку.

Сиз ўзингиз, аввало, мулоҳаза қилинг: бола намоз ўқимасликни, дарс тайёрламаслик ва тирноқ олмасликнинг зарарини билмаса, қандай қилиб айтганларингизни самимий қабул қилсин. Ҳа, болалигида калтакдан кўрқиб амал қилади, аммо улғайиб калтак зарби хотирасидан буткул чиқиб кетгач, ўзи хоҳлаганча иш кўради, сиз қил деганни қилмай, қилма деганингизни қила бошлайди. Мана шу жабру зулмингизнинг «фойдаси» бўлади. Аммо сиз намоз ўқимаслик, қимор ўйнаш, дарс тайёрламаслик, тирноқ олмасликларнинг зарарини, ёмонлигини ширин тил билан тушунтирсангиз ва уни яхши ишларга рағбатлантириб, ёмон ишлардан нафратлантира олсангиз, айтганларингизни ўзи хоҳлаб бажаради ҳам дийдорингиздан безор бўлмайди.

Мана қаранг, бу хусусда ҳазрат Расул алайҳиссалом нима деганлар: «Аҳком таълимини осонлаштирингиз, таълимни мушкуллаштирмаган ҳолда башорат беринг (яъни ўргатаётган ҳар бир нарсанинг моддий ва маънавий томонларини тушунтиринг), одамларни илм олишдан бездирманг». «Аллоҳ мени ўзимнинг ва бошқаларнинг ҳам ишларини қийинлаштириш учун эмас, балки осон таълим беришим учун юборгандир».

Учинчидан, муҳокамадан суръатни ўрганиш даркор. Бу мақсад бирон-бир ортиқча ишни талаб қилмайди, бола агар фикрлашда исбот ва истиқомат қилишни билса, суръат ўз-ўзидан ҳосил бўлади.

АХЛОҚ ТАРБИЯСИ

Ахлоқ тарбияси инсонни комил, чиройли ахлоқ эгаси, жамиятга фойдаси тегадиган аъзо қилиб шакллантиришдан иборат.

Болаларга ахлоқий тарбия беришдан аввал уларнинг жисмоний ва фикрий тарбияларига эътибор бериб, сўнг ахлоқ қоидаларини тушунтириб, яхши амалларга одатлантириб, ёмон амаллардан қайтариб туриш. Бу хусусда Шайх Саъдийнинг маслағи²⁶³ дан яхшироқ маслак йўқ, яъни ахлоқ қоидалари жажжи ҳикоячаларда баён этилган. Шу ҳикоячаларни болаларга ўқиб бериб, биргаликда улар билан муҳокама қилиш, яхшининг фойдаси ва ёмоннинг зарарини хотираларига қуйиб боринг. Аммо ахлоқ тарбияси учун бунинг ўзи кифоя қилмайди, бунда бир муҳим шарт мавжудки, энг аввало, ўша шартга қатъий риоя қилиш керак, акс ҳолда, ҳар қандай сайъ-ҳаракат зое кетади. Болалар ахлоқий тарбияни муҳитдан (яъни, атрофдан) оладилар, бошқача қилиб айтганда, болалар сувга ўхшайдилар, сув идишнинг шаклини олгандек, болалар ҳам муҳитнинг одоб-ахлоқини қабул қиладилар. Яъни, уйда ота-оналаридан, мактабда синфдош ва муаллимларидан, кўчада ўртоқларидан кўрган одат ва ахлоқларни тезда ўзлаштириб, шу ахлоқ билан юрадилар. Болалар уйда ота-оналаридан, мактабда ўқитувчиларидан ахлоққа хилоф бўлган одат ва ишларни кўрмасликлари ахлоқий тарбия ҳисобланади. Мактаб ўқитувчилари, энг аввало, ўзлари чиройли ахлоқ соҳиблари бўлишлари шарт ва бадахлоқ болаларни мактабга қўймасликлари керак, токи уларнинг фасоди бошқаларга юқмасин. Шу ўринда уйимиздаги аҳволдан қатъи назар, мактабларимиздаги аҳволга назар ташласак, уларда шу муҳим қоидаларга риоя қилинадими? Шармандаларча жавоб берамизки, йўқ!

Маданий халқлар фарзандларининг ахлоқий тарбиясига катта аҳамият берадилар. Бузуқ ахлоқ эгаларини муаллимлик у ёқда турсин, ҳатто мактаб остонасидан ичкарига ўтказишмайди, қоровулликка ҳам қабул қилишмайди, болаларнинг ахлоқига зид китобларни ҳам киритишмайди. Аммо биз бечоралар-чи, бу тарбиявий парҳезнинг ҳаммасидан маҳруммиз, болаларимизнинг тарбиячи ва муаллимлари ахлоқсиздирлар, болаларимизга ўқийдиган китобларимиз бадахлоқ, уларнинг маънавий ҳаётини куйдирувчи заҳардир. Шуниси ажабланарлики, фарзандларининг ахлоқсиз бўлишини хоҳламаган ота-оналар хурсандлик билан ўз маъсум гўдақларини зикри шароб ва ишқий ҳикояларга тўла ахлоқсиз китобларни ўқитадиган мактаб-

ларга олиб бориб, уларнинг келажагини куйдирадилар. Шу ерда ўзимнинг бошимдан ўтган бир воқеани айтиб берсам.

Бола эдим, бир куни мактабдан уйга қайтиб келаётсам, кўчада бир эркак девоналарга ўхшаб оғзидан кўпиги келиб, афт-башарасига қон сапчиб, юришга мадори келмай турибди. Раиснинг иккита мулозими келиб, уни қўлтигидан ушлаб судраб олиб кетишди, орқасидан бир тўда одам эргашиб кетди. Бу одамга нима қилган, деб сўрасам, у шароб ичиб маст бўлган, уни муҳтасибга жазосини бериш учун олиб кетишяпти, деб жавоб беришди. Уйга келиб шу воқеани дадамга айтиб берувдим, дадам: «нега сен мастнинг кетидан эргашиб юрибсан» деб узун калтак билан таъзимни берди. Шундан бир ҳафта ўтгач, мактабдан келдим, дадам «кел-чи, мактабдан домлангдан ўрганганингни ўқиб бер» — деб сўраб қолди. Китобни варақлаб ўша куни ўтган ғазалимизни очиб ўқиб бердим:

Гул бе рухи ёр хуш набошад,

Бе бода баҳор хуш набошад.

(Гул ёрнинг жамолисиз хуш бўлмас,

Баҳор эса бодасиз хуш бўлмас.)

Бу сафар дадам мени мақтадилар. Ҳанузгача ҳайратланаманки, мен ўқиган дарс дадамга айтиб берган воқеадан минг марта баттар эди-ку. Зеро, бу ғазал нафақат шаробхўрликдан сабоқ эди, балки унда ошиқ ва маъшуқликка ҳам даъват бор эди. Бас, дадамнинг мен айтиб берган воқеадан ранжиб, ўқиб берган шеъримдан хурсанд бўлишининг сабаби нима эди?

Мана, мактабларимизнинг аҳволи, мана, болаларимизга берадиган тарбиямиз, яна биз уларнинг солиҳ бўлишларини хоҳлаймиз. Ҳайҳот! То мактаб шу аҳволда бўлар экан, то дарс шунақа давом этаркан, болаларимиз дарддан халос бўлолмайдилар! Аммо сиз: «сен таърифлаган бу китоблар ва ғазалларнинг ҳар бири бир тасаввуфий маънони беради», — деб айтишингиз мумкин. Масъалан, шаробдан мурод — илоҳий ишқ, маъшуқа дегани — ҳазрати Вожибут-таолодир. Жавобим шуки, бу пинҳоний маъноларни болалар у ёқда турсин, ҳатто муаллимлар ҳам тушунмайди. Улар бу ғазаллардан фақат шаробхўрлик ва маъшуқабозликни тушунишади ва ахлоқлари бузилади, вассалом.

ТУРЛИ ВАЗИФАЛАР

Ҳеч шубҳа йўқки, одамлар қайси дин, қайси мазҳаб, қайси қавм, қайси миллатда бўлмасинлар, бир отанинг фарзандлари, бир жинснинг авлодлари, бошқача қилиб айтсак, бир-бирларига биродардирлар! Шундай экан, бир-бирларига шарт қўймай, муҳаббатли ва шафқатли бўлишлари керак. Яъни ўрталарида «умумий биродарлик»ни барпо этишлари керак.

Башариятнинг дунёвий саодати умумий биродарлик бўлмаса камол топмайди. Лекин одамлар минг йиллардан то ҳозиргача гоҳо махлуқий эҳтирослар тақозосида, гоҳо нотўғри, ёмон муҳокамалар сабабли жамиятдаги алоқаларни, умумий биродарликни вайрон қилиб, биродарларининг қонини дарё-дарё қилиб оқизадилар, уйларининг кулини кўкка совурадилар. Ҳанузгача пушаймон бўлмай, бир-бирларини батамом қириб битириш учун ҳар куни турли хил янги-янги қуроллар ишлаб чиқиб, башариятни таҳликага солмоқдалар. Неча минг йиллардан буён давом этиб келаётган бу биродаркушликнинг сабаби иккита: 1) ҳирс; 2) нотўғри, хато муҳокамалар.

Ибтидоий даврдан то ҳозиргача бўлаётган жанглар ё бирор-бир мамлакатга эга бўлиш, яъни босқинчилик, ё диний ихтилофлар сабабли кечмоқда. Бир халқнинг юртига эга чиқиш мақсадида жанг қилиш ва милйўнлаб жонларнинг қонини тўкиш ҳирсдан бошқа нарса эмас. Аммо диний ихтилофлар сабабли жанг қилиш хато муҳокамаларнинг оқибатидир. Зеро, маълумки, дин инсонларнинг саодатини таъмин этиш учун буюрилган, агар одамлар тақдир лажомини ўз иродаларидан ташқарига ташлаб, ақлу илм юзасидан тафаккур қилиб муҳокама қилсалар, энг фойдали динни танлаб қабул қилган ва биродаркушликни тўхтатган бўлардилар.

Шу ҳам маълум ва муқаррарки, ҳирс ва хато муҳокама одамзотнинг нуқсонларидир. Бани башар то ҳирсга ва тақлидга мубтало эканлар, ўртада умумий биродарликни пайдо қилолмайдилар. Аммо ҳақиқий камолга етишиб, ҳақни ботилдан, фойдани зарардан фарқлай олсалар, ҳирс ва тақлид асоратидан халос бўлолсалар, у вақтда ўрталарида умумий биродарликни барпо эта оладилар. Зеро, дунёвий саодатнинг сўнгги нуқтаси ҳам умумий саодатдир.

Кўп замонлардан буён самовий динлар ҳам баъзан

мутафаккирлар ва замона оқиллари одамларни умумий биродарликка тарғиб қилиб келмоқдалар, лекин инсоният бу савоб таклифга илтифот назарини ташлагани йўқ. Динларнинг комили бўлмиш мубин ислом дини ҳам жиддийлик билан «ҳақиқий биродарликка» даъват қилиб келмоқда. Ҳатто ҳеч бир замонда ҳеч қайси дин, ҳеч бир мутафаккир «умумий биродарликка» ислом динидан кўра яхшироқ даъват қилолмаган. Зеро, бошқа динлар ва замон уламолари умумий биродарликни мавҳум ва мубҳам назарияларда мадҳу сано қилдилар-у, бироқ ҳеч бирлари бу мақсадга эришиш учун муайян йўл кўрсата олмадилар. Аксинча, ислом дини бу буюк матлаб йўлини тўғри ва яхши қилиб очиб, кўрсатиб берди, агар тамоми одамзот шу тўғри йўлга дохил бўлса, муҳаққаққи, башарият умумий саодатга нойил бўлар эди.

Ислом дини умумий биродарликни барпо қилиш учун қандай йўл кўрсатган экан? Умумий биродарлик инсон камолотининг натижаси бўлганлиги учун тадрижий қонунга, яъни аста-секин, даражама-даража ривожланишга бўйсунди. Халқлар ўртасида умумий биродарликни бирданига ташкил қилмоқчи бўлган одам хато қилади ва ҳаракати беҳуда кетади. Бу саодат биносини бирданига қуриб бўлмайди. Шунинг учун ислом дини белгилаган йўл башариятни тадрижан (яъни, даражама-даража) умумий биродарликка нойил қилади. Ислом дини ҳар бир одамдан комил иймон ва яхши амалларни талаб қилади. «Албатта, иймон келтириб яхши амаллар қилган зотлар учун Раҳмон дўстликни барқарор қилур»²⁶⁴.

Одамлар комил иймонга эришиб, солиҳ амаллар қилиб юрсалар, Ҳақ таоло ушбу оятга биноан, уларнинг дилига бир умумий муҳаббатни, меҳрни соладики, бу эса умумий биродарликка замин бўлади. Комил иймон ва яхши амалларингиз орқасидан умумий биродарликка замин ҳосил бўлгач, хатти-ҳаракатларимизнинг йўналиши тайин бўлади, биз шу йўналишдан четга чиқмасак, шубҳасиз, башариятни умумий саодатга етказамиз. Ушбу мақсад учун ислом дини тайин этган йўл қуйидаги фармонлардан маълум бўлади. Аввало, ўз нафсингизни дўст тутиб, ҳимоя қилинг дейилади... «Ўзингизни ўзингиз таҳликага солманг»²⁶⁵, — дейилган Қуръони каримда. Сўнгра ота-онангизга муҳаббатли бўлингиз, уларни ранжитмангиз, дейилган.

«Парвардигорингиз ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга доимо яхши сўз айт»²⁶⁶.

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик»²⁶⁷.

Ундан кейин хотинларга яхшилик қилишни, уларга бе-сабаб зулм ва мурувватсизлик кўрсатмаслик буюрилган. Мен бу ҳақда ўтган бобларда қайта-қайта мисоллар келтирган бўлсам ҳам, бу жойда ҳам гап узилиб қолмаслиги учун қуйидаги икки оятни келтираман: «... Агар аёлларингизга чиройли муомала қилсангиз ва Аллоҳдан кўрқсангиз (ўзингизга яхшидир)»²⁶⁸.

«У Зот сизлар ҳамдам бўлишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир»²⁶⁹.

Бани одам бу илоҳий амрларни жон қулоғи билан эшитиб, бўйсуниб, хонадонида самимий муҳаббатни барпо қила олса, ўнта қўни-қўшни, қариндош-уруғ ўртасида ҳам меҳр-оқибат ўрнатиш буюрилади. Бу тўғрида ҳам бир қанча ҳадис ва оятлар келган.

«Ҳазрат Пайғамбар уч бор қасам ичиб айтдилар: «Аллоҳ ҳаққи мўъмин бўлолмайди». Саҳобалар сўрадилар: «Ё Расулуллоҳ, ким мўъмин бўлолмайди?» Ҳазрат: «Қўшнисига жафо кўрсатган одам», — дедилар.

«Жаброил менга доим қўшнининг ҳақини адо этишликни буюрарди, ҳатто мен қўшнида ҳам мерос ҳақи бормикан, деб ўйлардим», — деганлар ҳазрат Расулуллоҳ.

Қариндош-уруғларнинг ҳаққини ҳам адо этиб, одам уларга нисбатан меҳрибон бўлиши керак. «(Эй, Муҳаммад), қавми-қариндошга, мискин ва йўловчига (хайру эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка йўл қўйма!»²⁷⁰

«Албатта, Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюрар ҳамда бузқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтарур...»²⁷¹

Мана шу нажотбахш илоҳий амрларга амал қилишни қилгандан сўнг ислом дини одамларни умумий миллий муҳаббат пайдо қилишга чақиради, яъни бир мамлакат

аҳли бир-бирлари ва бошқа халқлар билан ўртада биродарликни ўрнатиб, бир-бирларини ҳеч ранжитмасликка буюради. Имом Бухорий Пайғамбаримиздан ривоят қилади: «Бир-бирингизга ҳасад қилманг, сотаётган молингизнинг қасддан баҳосини оширманг, бир-бировингизга душманлик қилманг, ораларингизда меҳру муҳаббатни қанда қилманг. Эй, Худонинг бандалари, бир-бирингизга биродар бўлинг».

Ҳар бир миллат ана шу олий ҳукмга амал қилса, навбат диний биродарликка келади. Бунда Қуръони карим ҳукмига мувофиқ барча аҳли ислом миллатидан, рангидан қатъи назар, бир-бирларига дўсту меҳрибон бўлишлари лозим бўлади. «Мўъминлар ҳеч шак-шубҳасиз оғанилардир...»²⁷²

«Мўъминга тили ва қўли билан озор бермаган киши ҳақиқий мусулмондир», — дейилган Пайғамбаримиз ҳадисларида.

Мусулмонлар ўртасида ҳақиқий биродарлик қарор топганидан сўнг улар диний ҳукмларга биноан умумий биродарликни барпо қилиш учун ҳаракат қилишлари зарур бўлади. Гапимизнинг исботи учун қуйидаги ҳадислар кифоя қилади: «Раҳм қилгувчиларга Аллоҳ раҳм қилади. Замин аҳлига раҳм қилинганки, токи Аллоҳ сизга раҳм қилсин».

«Бу дунёда одамларга азоб берган одамни Аллоҳ ҳам, албатта, азоблайди».

Шу тариқа ислом дини умумбашарий саодат йўлини тайин қилади. Мен аминманки, агар бутун дунёнинг донолари ҳаракат қилсалар ҳам бундан яхшироқ йўл топа олмайдилар. Ҳа, ислом дини инсониятнинг саодат йўли ва умумий биродарлик йўналишини мана шундай гўзал этиб тайинлаган.

Лекин ўзимизни мусулмон билиб, дин тайин этган йўлдан фарсах-фарсах орқада қолганимизга қандай чора кўриш керак? Мулоҳаза қилинг-а, ислом дини бизни, аввало, шахсимизга муҳаббат, кейин ота-онамизга, кейин оиламизга, кейин қариндош-уруғга, сўнгра миллатимизга, диндошларимизга ва охирида умумий башарий биродарликка чақиряпти. Лекин биз буларнинг қай бирига амал қиляпмиз? Қайси биримиз қўшнимизга озор бермаганмиз? Қайси биримиз ҳамшаҳарларимизга муҳаббатли бўлганмиз?

Ҳа, ислом дини диний биродарликни умумий биродарликка чиқиш учун поя, поғона қилган, умумбашарий биродарликка эришиш учун ўртада диний биродарликни барқарор қилиш керак. Аммо бизнинг давримизда нафақат ҳамма мусулмонлар, балки бир шаҳарнинг аҳолиси бир-бирига душман. Ислом дини бизни диний ихтилофлардан қайтариб турганда уламоларимиз шиа, сунний, зайдий²⁷³, ваҳобий, мўътазилий, исмоилий каби етмиш иккита мазҳабни ташкил қилиб, уларнинг ҳар бири етмиш битта мазҳабга тобеълар билан талашиб-тортишиб, бир-бирларини дабдаба ва тантана билан жаҳаннамга равона қиладилар.

Ажабо, динимиз бир, қибламиз бир, Пайғамбаримиз бир, Худойимиз бир бўлса, шунча мазҳабга нима ҳожат бор? Нега уларнинг ҳар бири бошқасини кофир санайди?

Гапимиз асл мавзудан қайтиб, нозик бир йўлга кириб қолди. Бу масъала шу қадар муҳимки, бир-икки сатр ёзган билан тамом бўлмайди. Бинобарин, у баҳсимиз мавзуига кириб келган экан, қисқача бўлса-да, исбот қилишга ҳаракат қиламиз, аммо бизнинг мамлакатимизда шиа ва сунний мазҳабларидан бошқаси бўлмаганлиги сабабли муҳокамамизни ҳам шу икки мазҳаб ҳақида юритамиз.

Юқорида айтганимдек, бир диннинг тобеълари, хусусан, бир юртнинг аҳолиси шиа ва сунний унвонлари остида бир-бирларига душманлик қилишлари шаръан гуноҳдир. «Ва барчангиз Аллоҳнинг арконига боғлангиз ва бўлинмангиз! Ҳамда Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб қўйдию сизлар Унинг неъматини сабаб биродарларга айландингиз. Аниқ ҳужжатлар келганидан кейин бўлиниб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб талашиб-тортишган кимсалар каби бўлмангиз! Ана ундайлар учун улуғ азоб бордир»²⁷⁴.

«Эй мўъминлар, тўда ҳолда исломга киригиз! (Яъни исломнинг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларига итоат қилмайдиган кимсалардан бўлмангиз!) Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Агар сизларга очиқ ҳужжатлар келганидан кейин ҳам тойилсангиз, билингки, албатта, Аллоҳ қудратли, ҳикматли зотдир»²⁷⁵.

«Нозил қилган нарсам (Қуръони карим)га иймон келтирингиз. Уни биринчи инкор қилувчилардан бўлмангиз.

Ва оятларимни қиймати оз нарсаларга алмаштирманглар... Ҳақни ботилга аралаштирманглар ва билган ҳолингизда ҳақни беркитманглар»²⁷⁶.

Ушбу оятларнинг мазмунини қуйида Имом Бухорий келтирган ҳадис янада тўлдиради: «Қуръон ҳукмлари хусусида ихтилоф қилмангки, зеро сиздан аввалги ўтганлар диний аҳкомлар хусусида ихтилоф қилганликлари сабабли ҳалок қилингандилар».

Ажабланарлиси яна шуки, уламоларимизга бу нифоқ ва ажралишлар ҳам кифоя қилмай, яқинда *қадим ва жа-дид* номлари остида яна бир ихтилофни ихтиро қилдилар. Миллатимизнинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин бўлган шунча ижтимоий жароҳатлар устига яна бир заҳарли хан-жарни санчдилар.

Хилма-хил йўлларда юрган бу жанобларга биз Қуръо-ни карим ва ҳадиси шариф ҳукми билан жавоб берамиз: «Шиа ва сунний ёки қадим ва жадид номлари остида ке-либ чиқаётган низо ва ихтилофларнинг барчаси шариатга хилофдир ва бизни гуноҳкор қилгувчидир».

Шу ўринда баъзи қориларимиз айтишлари мумкин-ки, низо ва бўлинишларимиз яхши эмас экан, ижтимоий ҳаётимизнинг бадбахтлик сабаблари ҳам шу ихтилоф ва низодир. Лекин нима қилмоқ керак? Бугун суннийлар билан шиалар баъзи мазҳаб масъалаларида, қадимлар ва жадидлар эса баъзи ижтимоий қойдаларда келишмайдилар, ихтилоф қиладилар, уларнинг ҳеч бири қарши та-рафнинг раъйини қабул қилмайди, шунинг учун миллат ўртасида муҳолифат ва низо қолаверади.

Сизларнинг ана шу эътиборларингизга ҳам Қуръони карим жавоб беради: «Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қи-лингиз ва Пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз! Бордию бирон нар-са ҳақида талашиб қолсангиз – агар ҳақиқатан Аллоҳга ва Охират кунига ишонсангиз, у нарсани Аллоҳга ва Пайғам-барига қайтарингиз»²⁷⁷.

«Сизлар бу (ҳаёти дунёда кофирлар билан) ихтилоф қилган ҳар бир нарсанинг ҳукми (Қиёмат кунида) Аллоҳ-га қайтарилур ва У зот ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини ажратиб берур...»²⁷⁸

Устод ул-муҳаққиқ Имом Фаззолий «Ал-қистоси-л-мус-тақим»²⁷⁹ номли китобида устод ва яширин мазҳаблар-

нинг бирида бўлган шогирднинг ўрталарида бўлиб ўтган мунозарани келтиради. Баҳснинг охирида ўша шогирд ус-тодидан ихтилоф масъаласини ҳам сўрайди. Имом жавоб берибди. Шогирднинг «Халойиқни ихтилофотлардан қандай қилиб халос қилиш мумкин?» – деган саволига Имом: «Агар одамлар менинг сўзларимни тинглашганда эди, бу ихтилофларга Куръони карим ёрдамида барҳам берардик, лекин бунинг учун улар менинг гапларимни эшитишларидан бошқа чора йўқ», – деб жавоб берибди.

Имом Фаззолий ҳам шу жавобнинг тарафдори эканлигини билдиради-ю, лекин афсус билан бунинг иложи бўлмаслигига иқрор бўлади.

Воқеан, исломдаги бу ихтилофлар қадим замонлардан буён давом этиб келади, илдииз отиб кетган, мазҳабларнинг тобеъларини бир доирага киритиш маҳол иш, бироқ бундан маънос бўлиб, қўл силташ ярамайди, зеро, даъват қилиш билан иш битмаса ҳам, лекин уларни ислоҳ қилиб камайтириш мумкин.

Бугун ислом аҳли ўртасидаги ихтилофлар душманлик тусини олган, турли мазҳаб тобеълари бошқа мазҳабдагиларни «кофир» дейди. Лекин уларнинг ҳаммалари мазҳабидан қатъи назар, «ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур-расулulloҳ» дейди. Ажабо, уларнинг ўртасидаги бу душманликни йўқотиб, қандай қилиб биродарликни ўрнатиш мумкин? Менинг назаримда, бу иш жуда ҳам қийин эмас-дек кўринади. Масъалани шиа ва сунний мазҳаблари ми-солида кўриб чиқамиз.

Мамлакатимизда мавжуд бўлган бу икки жамоа доимо бир-бирларига мушоҳада қиладилар, уларнинг ҳар бири мусулмонга жабру зулми истамайди, ўзларини мусулмон деб биладилар, қиблалари бир – Каъба, Пайғамбарлари – Муҳаммад алайҳиссалом, китоблари – Куръон, ягона Аллоҳга ибодат қиладилар. Энди Куръони карим ва ҳадиси шариф ҳукмларига назар ташлайлик-чи, шу икки жамоанинг бир-бирларига кофир дейишлари тўғримики?

«...Ва бу ҳаётгий дунёнинг нарчасини истаб сизларга салом берган кишига: «Сен мўъмин эмассан!» деманглар!»

Ҳазрати Имом Бухорий ушбу ҳадисни келтирганлар: «Биз қарайдиган қиблага қараб, биз каби намоз ўқийдиган ва сўйилган қурбонликларимизни ейдиган киши му-

сулмондирки, Худо ва Расулига иймон келтирган, бас, сиз унинг аҳд қилган иймонига халал берманг».

Шу хусусиятлардан келиб чиқиб масъала ечимига қарайдиган бўлсак, ҳамма исломий мазҳабларга назар ташласак, уларнинг тобеъларини кофир деб бўлмайди. Кофир деб бўлмайди, деган бир вақтда уларга бир-бировларининг қонини тўкиши жоизми? Асло ҳам жоиз эмас! «Ким қасддан бир муъминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Аллоҳнинг газаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улуғ азобни тайёрлаб қўйгандир». Мазкур оятлар мазмунини қуйидаги Имом Бухорий келтирган ҳадислар тўлдириб келади: «...Агар икки мусулмон қилич ялонғочлаб, бир-бирига ҳамла қилса, ўлдирган ҳам, ўлган ҳам дўзахга тушади». «Ё Расулуллоҳ, ўлдирган-ку майлия, ўлган нега тушгайдир», – деганимда, «У ҳам шеригини ўлдирмоққа жазм қилгандир», – деганлар, деб ривоят қилади Абу Бакр.

«Қўли билан ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир».

«Мусулмонга дашном бериш фиск, ўлдириш эса куфрдир».

Масъалани яхшилаб тушунтирган бўлсам керак, деб ўйлайман. Энди яна бир савол қолди. Бир-бировимизга дўст-биродар бўлишимиз учун шуларнинг барчасига риоя қилишимиз лозимми? Албатта, лозимдир!

Муъминлар бир-бирларига биродардирлар, деб яна қайтаряпмиз. Ҳамма мусулмонлар қайси мазҳабда бўлишларидан қатъи назар бир-бирлари билан биродар бўлсаларгина умумбашарий саодат йўлида ҳаракат қилишга вақт етиб келади. Шунда мусулмонлар ҳеч бир қавмга нафрат қилмайдилар, безор бўлмайдилар, ҳеч ким билан хусуматлашмайдилар, балки ҳиммат камарини боғлаб, ақлий далиллар ва илму ҳикмат ҳамроҳлигида ҳақ йўлда бардавом бўладилар. Ислом динининг ғояси мана шундан иборат. Ҳазрат Пайғамбарнинг «Раҳматул-оламин» эканлигининг маъноси ҳам шунда.

Тўғри йўлга ҳидоят қилувчиларга раҳмат ва мақтовлар бўлсин! Омин!



ЎЗУЧИДАН БИР-ИККИ СЎЗ

Бу асарни ёзишдан мақсад ёш шоир ва ёзучиларимизни аруз вазни билан яхшилаб таништирамоқ ва аруз вазни масаласини кенг муҳокама майдониға киргизмақдир.

Араб-эрон арузининг тарихий ўсуши тўғрисида, ўзбек адабиётида аруздан фойдаланиш йўллари тўғрисида бундан сўнгра бўлагурган муҳокамалар бу асардаги камчиликларни тўлдирар ва хатоларини тузатишга ёрдам қилар, деб умид қиламан ва ишонаман.

«Фаулун»чилик, «зуҳофот»чилик каби схоластик қоидалардан қутулмоқ мақсади билан аруз вазнини «чирманда усули»га кўчуриш тажрибаси аруз тарихида, Шарқда биринчи тажрибадир. Камчиликлари бўлуши мумкин. Масаланинг муҳим жиҳати шуки, эски схоластик ва чатақ қоидалар билан арузни ўрганиш жуда қийин. ... Ёш шоирларимизни аруз билан яхшилаб таништирамоқ учун мазкур схоластик қоидалар рамкасида арузни чиқариш лозим. Менинг «чирманда усули»ни олишимдан мақсад шу. Шу мақсадни адо қилиш учун бундаги «чирманда усули»дан бошқачароқ ва қулайроқ бир йўл топилиб қолса, албатта, хурсандчилик билан қабул қиламан.

Мен бу китобда аруз нуқтаи назаридан ҳижоларни тақсим қилганда «тўлуқ ҳижо», «қисқа ҳижо» терминларини ишлатдим. «Ёпиқ ҳижо», «очиқ ҳижо» каби лисониятда маълум терминлар бор экан, нега янги терминларга мурожаат қилганимнинг сабаби бор:

Ҳижонинг аруз вазнидаги узунлиги, қисқалиги унинг «очиқ» ва «ёпиқ» бўлганига қарамайди. Масалан, форси(й)чада «китоби ман» сўзининг учинчи ҳижоси (би) очиқ ҳижодир. Айтилишида ҳақиқатан ҳам қисқа айтилади. Айтилишидаги аруз ўлчови шудир: V. Лекин шеърда бунинг *китобиман* (V) қимматида ўқилгани жуда кўп учрайди.

Форси(й)ча (ро, мо, то, бо) каби очиқ ва узун ҳижолар ҳар вақт тўлиқ ҳижо (—) қимматида юради. Ўзбекчада

масалан: *Менга бир қаранг* жумласининг иккинчи ҳижоси бўлган (-нга) ҳижоси очиқдир ва қисқадир. Лекин шу (-нга)нинг ўзи шеърда мисраъ охирида бўлса босим (ударение) билан тўлуқ ҳижога айланади: *қарадинг менга* (V V – V –). Мана шу ҳол мени арузда ҳижо тақсими учун бошқача терминлар қабул қилишга мажбур қилди.

Ўзбек феўдализм даври шоирлари арузнинг бутун вазнларини ишлатмаганлар. Бу асарда кўрсатилган вазнларнинг ҳаммасига улардан мисол топиш мумкин бўлмади. Топганимни улардан ва совет шоирларимиздан олдим. Намуна учун кимдан шеър олган бўлсам, шоирни кўрсатдим. Намунаси топилмаган вазнлар учун ўзим тартиб этдим. Ўзим тартиб этган бу намуналарнинг айниқса, баъзиларига шеър эмас, вазннинг схемасини сўзда кўрсататурган «назм» парчалари деб қарашни, шунинг учун улардаги сайлиқ ва санъатсизлигини маъзур тутишни сўрайман.

Араб-эрон аруз ўлчовининг «фаулун»ларини янги алифбеда кўрсатиш транскрипциясиз бўлмайди. Бу асардаги шартли сувратда қабул қилганимиз транскрипция ҳарфлари шулардир:

Узун чўзгилар

ā

ī

ū

Қисқа чўзгилар

a

u

y

Мафъулу

Фоилотун

Мафойилун

Фитрат

АРУЗ ВА АРУЗ ВАЗНИ

Араб адабиёт назариячилари «назм қоидалари»ни «илм уш-шеър»¹ исми билан юргизадилар ва буни уч қисмга бўладилар:

1. Шеърнинг таърифи. 2. Шеърнинг вазнлари. 3. Шеърнинг қофияси.

«Илм уш-шеър»нинг мана уч қисмидан иккинчисини «илмул-аруз» исми билан айрим бир «илм» санайдилар. Демак мумкунки, араб адабиёт назариячилари арузни, умуман, шеър вазни маъносида олган ва онглаганлар. Эрон адабиёт назариячилари ҳам масалани худди араб назария-

чилари каби онглаганлари учун «аруз(и) арабий» ва «аруз(и) форсий» каби терминларни қабул этганлар.

Бизнинг ўзбек адабиётида бу термин («аруз» деган термин)нинг хусусий бир маъно олгани кўрунади. Бу ҳолни биз бошлаб Чигатой шоири Навойида кўрамиз. Навойи ўзининг «Мезонул-авзон» («Вазнлар тарозиси») аталган асарида араб, эрон «метрика»сини бутун тафсилоти билан ёзар экан, у даврдаги халқ шеъридан бир муносабат билан гапириб кўяди.

Бу халқ шеърларидаги вазннинг араб, эрон аруз системасига кирмаганини жуда тўғри сезган Навойи буларни вазнсиз санайди: «чун ўзан*ларнинг ўзмоғи ва ўзбекларнинг будай-будайи ҳеч вазн билан рост (тўғри) келмас эрди. Анга таарриз қилинмади (улар ҳақида гапирилмади). Агарчи асар (таъсир)лари бор: Аммо анинг аруз илмига дахли йўқтур» деб бошини қутқазади². Демак, бу одам араб, эрон метрикасидан ташқари бир вазн танимоқ истамайди. Унга тўғри келмаган халқ ашулаларини, бахши шеърларини «вазнсиз», яъни у даврнинг онглашига кўра, «шеър эмас» дейди.

Сўнгралари бу халқ шеърларининг ўзига махсус вазни борлиги ва бу вазннинг араб, эрон шеърларининг вазнларига асосан, тўғри келмагани онглашилгандан кейин буларга «ҳижо вазни»³ ёки «бармоқ вазни» исми берилди. Араб, эрон шеърларининг вазн системаси учун «аруз вазни» деган термин қабул этилди.

Бу кун бизда аруз деганда араб, эрон шеърларидаги вазн системасининг қоидалари (араб, эрон метрикаси) онглашилгани каби араб, эрон вазнлари системасига кирган вазнларга «аруз вазни» исми берилган.

Демак, букун бизда шеърнинг икки вазн системаси бор:

1. Бармоқ вазни системаси. 2. Аруз вазни системаси.

Бизда жуда кўп йиллардан бери ўзбек кўчманчилик давридан бошлаб давом эта келган бахши шеърларининг ва халқ ашулаларининг вазнлари бармоқ вазни системасига киради. Хон ва феўдал саройларида, мадрасаларда яратилган шеърларнинг вазнлари аруз вазни системасига киради**.

* Бахши.

** Бу фикр асос эътибори билан ва фактларнинг аксариятига кўради. Халқ ашулаларидан баъзилари аруз вазнида бўлганини, сарой ва мадраса шоирларидан баъзиларининг бармоқ вазнида ёзганларини инкор қилмайман.

Энди бу икки хил вазнининг орасида асосий айирма борми? У нима? Шеър вазнини таъриф қилмоқчи бўлганда, «қоидага мувофиқ суратда ўлчанган ва ўлчовлари муштарак бўлган гап парчаларининг маълум қоида билан кетма-кет тизилиши» десак, ҳарҳолда ҳақиқатдан жуда узоққа бормаимиз, деб ўйлаймиз.

Шеър вазнининг шу таърифини, асосан, қабул этганимизда шу натижа келиб чиқади: демак, шеър билан ёзилган маълум бир асарнинг вазнида воҳид қиёси бўлиб такорланган нарса гапнинг маълум бир ўлчовидир.

Қисқасини айтканда, шеър вазнида маълум қоида бўйича гап ва сўз ўлчанади. Бир сўзни ўлчаш ҳижола билан бўлади.

Бизнинг юқорида айрим-айрим икки система деб кўрсатганимиз бармоқ вазнлари билан аруз вазнлари иккаласи ҳам вазн ўлчамак учун ҳижони олади. Бу нуқтада ораларида айирма йўқ. Асл айирма ҳижоларнинг кайфиятларини назар-эътиборга олиб, олмасликдадир.

Энди ҳижоларнинг тузулишини текширайлик: араб, эрон тилларида ҳижо қурулиши тубандагича бўлади:

- | | |
|----------------------------------|-------------------------------|
| 1. Бир товуш + бир қисқа чўзги | <i>ки, ду, ба</i> |
| ё биргина қисқа чўзги | <i>и, а, у</i> |
| 2. Бир товуш + бир узун чўзги | <i>ба, ра, та</i> |
| ё биргина узун чўзги | <i>а, и, у</i> |
| 3. Бир қисқа чўзги + икки товуш: | <i>дар, бар, сар, мур</i> |
| 4. Бир узун чўзги + икки товуш: | <i>дар, бар, сар, дур</i> |
| 5. Бир қисқа чўзги + уч товуш: | <i>ҳашт, баст, рафт, дашт</i> |
| 6. Бир узун чўзги + уч товуш: | <i>дашт, кашт, бафт.</i> |

Аруз вазни нуқтаи назаридан тақсим қилганимиз шу олти турли ҳижодан биринчиси қисқа ҳижо саналади. Иккинчи ва учинчиси тўлиқ ҳижо саналади. Тўртинчи, бешинчи ва олтинчилари бир ярим ҳижо қимматида, яъни бир қисқа ва бир тўлиқ ҳижо ҳисобланади.

Ўзбек тилида узун чўзгили баъзи шеваларни назарга олмаганимизда аксарият билан ҳижо тузулиши тубандагичадир:

- | | |
|----------------------------|--------------------------|
| 1. Бир товуш + бир чўзги | <i>ма, на</i> |
| ё биргина чўзги | <i>у,а (ка), и(диш)</i> |
| 2. Бир чўзги + икки товуш: | <i>ман, сан, сиз</i> |
| 3. Бир чўзги + уч товуш: | <i>торт, қирқ, сирт.</i> |

Аруз вазнида бу уч хил ҳижодан биринчиси қисқа ҳижо, иккинчиси ва учинчиси тўлуқ ҳижо ҳисобланади. Хоҳ ўзбекчада, хоҳ форсчада қисқа ҳижо мисранинг охирида ё ички туроқ*ларининг бирида бўлса тўлуқ ҳижо қимматини олади.

Демак, биз араб-эрон ва ўзбек тилларидаги ҳижоларни аруз нуқтаи назаридан қисқа, тўлуқ деб, асосан, иккига ажратамиз. Булар учун ишоратлар олайиқ:

V қисқа ҳижо
 — тўлуқ ҳижо

Шу ишоратлар билан бармоқ вазнлари системасини ҳам аруз вазнлари системасини навбат билан текшириб, бу икки система орасидаги асосий айирмани майдонга чиқариш мумкун.

«Алпомиш» достонидаги 11 ҳижолик манзумалардан бир парча кўрайик:

1. *Олмадай сарғайди / гулдайн ди(й)дор*
2. *Мунғайиб йиғлайди / мендай муштипар*
3. *Хўжа келса чиқар / мурид назари*
4. *Хотин бўлмаймикан / эрдинг вазири*
5. *Эр деганнинг / ақлин олмай / бўлурми?*

Схемаси:

1. — V — — — — / — V — V —
2. — V — — — — / — — — V —
3. V V — V V — / V — V V —
4. V — — — V — / — — — V V —
5. — V — — / — V — — / V — —

Мана бу шеър бахши шеъридаги вазн схемасининг хактерини кўрсатади.

Энди халқ ашулаларидан бир-икки парча оламиз (ҳар турли онглашилмовчиликларга йўл қолдирмаслик учун шуни арз қиламанки, мен бунда «халқ ашулалари» деб («Наво», «Баёт», «Ушшоқ») каби классик куйларни олмайман:

Чумчуқлар / чирқиллайди
Шом бўлганга / ўхшайди
Юраклар / жиғиллайди
Ёр келганга / ўхшайди

* Мисраънинг маълум бир бўлагига дам олиш, туриш ўрнига «туроқ» дедик. Асарда (/) ишорати блан кўрсатиб борамиз:

Олмадай сарғайди / гулдайн дидор.

Қалдирғоч / қаро бўлур
 Қаноти / ало бўлур
 Ёшликда / берган кўнгул
 Айрилмас / бало бўлур

Схемаси:

— — —	— — — —
— — — —	— — —
V — —	V — — —
— — — —	— — — —
— — —	V V V —
V V —	V V V —
— — —	— — V —
— — —	V V V —

Мана шу схемалардан кўруладирки, бармоқ вазни шеърлари ҳижоларнинг сонига аҳамият берадилар ва бир мисраъни ташкил қилган маълум миқдордаги ҳижоларни туроқлар воситаси билан айрим тўпламларга ажратадилар-да, шу туроқларнинг жойини белгилаш билан керак бўлган оҳангни таъмин этадилар.

Аруз вазида эса ҳижоларнинг камияти билан кайфияти⁴ айна даражада асосий рўл ўйнайди. Мисраъларда ҳижоларнинг сони эътиборга олингани каби қисқа, тўлуқ ҳижоларнинг биринчи мисраъларидан ҳам айна тарзда такрор этади ва бу лозимдир*.

Илгариде аруз қоидалари ҳам аруз вазнлари ҳақида етарлик тафсилот бермакчи бўлганимиз учун бунда бир-иккигина мисол билан қаноатланамиз.

Ўн тўрт ҳижоликлардан икки парча:

I. *Бизга нега ул оҳу қарашнинг назари йўқ
 Тешланса бағир, куйса юрак ҳам хабари йўқ.*

— — V V — — V V — — V V — —
— — V V — — V V — — V V — —

II. *Гулчеҳралар жаҳонда агар сад ҳазор эрур
 Сайд этгучи кўнгул қошини бир нигор эрур.*

— — V — V — V V — — V — V —
— — V — V — V V — — V — V —

* Араб шеърида ва эрон шеърида ҳам баъзи мустасно каби ўрунлар бор. Бу ҳолда илгариде тафсилот берамиз.

Ўн бир ҳижоликлардан уч парча:

I. *Кўкарди чаман, навбаҳорим қани*
Саҳи(ҳ) сарв бўйлуқ нигорим қани

V — — V — — V — — V —
V — — V — — V — — V —

II. *Саҳар ким гулшан ичра гул очилғай*
Гул узра турмай сунбул очилғай

V — — — V — — — V — —
V — — — V — — — V — —

III. *Бўлмаса гар ул санами гулғизор*
Бизга хазондек ўла(р) бу навбаҳор

— — V — — V V — — V —
— — V — — V V — — V —

Юқоридаги икки ўнтўртликнинг айирмасини тубандаги схема кўрсатади:

I. | — — | V V | — — | V V | — — | V V | — —
II. | — — | V — | V — | V V | — — | V — | V —

Тубандаги схема мазкур уч ўнбирликнинг айирмасини кўрсатади:

I. | V — | — V | — — | V — | — V | —
II. | V — | — — | V — | — — | V — | —
III. | — V | V — | — V | V — | — V | —

Мана бу схемалардан очиқ кўринадики, аруз вазнида ҳижоларнинг камияти (сони)гина эмас, қисқалиқ, тўлуқлик кайфияти (сифати) ҳам жуда катта рўл ўйнайди, тўлуқ ҳижоларнинг тизилиш тартиби ўзгарганча янги-янги вазнлар майдонга келади. Мана бу хусусият бармоқ вазни системасида йўқ.

Бармоқ вазнларидан бири билан ёзилган баъзи шеърларнинг баъзи мисраълари орасида қисқа, тўлуқ ҳижоларнинг тизилиши тартибида бирлик бўлса ҳам: а) бу бирлик шеър бўйича давом этмайди; б) бу бирликнинг ўзгариши билан янги вазн майдонга келмайди.

Шу билан менинг бу ишимнинг биринчи фасли, аруз вазни ва унинг бармоқ вазни системаси билан асосий айирмаси ҳақидаги фасл битди. Лекин аруз вазни тўғрисида

сўзланар экан, Миён Бузрукнинг «Ижодий йўлимиз ҳақида»⁵ деган мақоласидаги баъзи янглиш жойлари устида тўхтамай бўлмайди.

Миён Бузрук ўз мақоласида арузнинг тарихий ўсуши ҳақида «маълумот» берганда шу масалани орага ташлайди. Ўзбек шеърида аруз ва бармоқ вазнлари унсурларининг бирлашмагидан ҳосил бўлган учинчи хил вазнлар бор ва бу фикрни тубандагича изоҳ қилади: «Ҳоким синф, юқори табақа орасида туғулиб ўса борган аруз вазни то эскидан халқ адабиётига ҳам таъсирини кўрсатар эди». «XII ва XV асрлар ораларида Ўзбекистонда ёлғиз юқори табақа адабиётида эмас, балки оммага қаратилиб ёзилган асарларда ҳам арузнинг таъсири очиқ кўрунади. Масалан, шу замонларда аруз вазнидан таъсирланган, лекин унинг ўзи бўлмаган ва масса орасида умумлашкан «туйғулар»да (эҳтимол, туюқлардир — *Фитрат*) куйидаги оҳангда бўлган парчалар кўп учрайдилар» дегандан сўнг икки парча кўрсатади ва бу икки намунани кўрсатқандан кейин ўз сўзида давом қилади:

«IV ва V аср аввалдан қолган бу халқ адабиёти парчалари тамоман аруз вазнида ёзилмаган бўлсалар-да, унинг тақлиди билан, ундан катта таъсирланиш билан ва уни бармоқ вазни билан бирлаштириш билан ёзилганлар...»

Бу Миённинг биринчи далили. Энди биз Миён томонидан кўрсатилган мазкур икки намунани схемалари билан кўрайлик:

*Қўлга олиб домбирам, чертар уни тирноғим,
Борди-келди мақомим келиштирған бармоғим.
Тилим зикрин сўйлайиб, кўнглим фикрин ўйлайиб,
Сўйлаганда кўрунар кўргулиги (кўргулик?) оқ томоғим.*

- V | V - | - V | - | - - | V V | - V | -
- V | - V | V V | - | V - | - - | - V | -
V - | - - | - V | - | - - | - - | - V | -
- V | - V | V V | - | - V | - - | V V | -

*Сабо эснаюр кўр, ёғоч енг солур,
Булут йиғлаюр-да чечаклар кулур.
Бу мундоғ чечаклика кўнглим букун
Сенинг бирла* ўлтуриб овуғмоқ тилар.*

* Миённинг мақоласида «билан» ёзилган. Менинг кутубхонамда чиққан энг эски қўлёзмада «бирла» ёзилган, тўғриси ҳам шу, чунки бизнинг бу кунги «билан»имизнинг қадим шакли «бирла»дир.

V — — V — — V — — V —
V — — V — — V — — V —
V — — V — — V — — V —
V — — V — — V — — V —

Мана бу икки схема жуда яхши кўрсатадики, мазкур икки парчанинг биринчиси бармоқ вазнида, иккинчиси аруз вазнида айтилгандир.

Миён томонидан кўрсатилган бу икки парчанинг биринчиси ҳақида юқоридаги схемадан бошқа бир нарса айта олмасам ҳам, иккинчиси ҳақида шуни айта оламанки, шу парча ҳақида Миённинг учала ҳукми ҳам янглиш берилган:

1. «Аруз вазнида ёзилмаган» деган. Бу парча аруз вазнида, буни схема билан кўрсатдик. Бу вазннинг аруздаги исми «Мутақориби мусаммани маҳзүф». Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Юсуф Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»и шу вазнда.

2. Буни «халқ адабиётидан бир парча» деган. Бу ҳам тўғри эмас. Бу парча «Қисасул-анбиё»дан олинган. Автори Қози(й) Носириддин ибн Бурҳониддин. Асар янгигина ислом динини қабул қилган Носириддин Оқбуға исмлиқ бир бекка диний тарбия бериш мақсади билан ёзилган. Демак, сарой аристократияси ҳам руҳонийлар адабиёти.

3. «Тўрт-беш аср аввалдан қолган» дегани ҳам тузук эмас. Асар 1310 да, яъни олти юз йигирма беш йил (6 аср) аввал ёзилган!! Миённинг иккинчи далили ҳам менга қоронғу, у киши биринчи далилдан натижа каби чиқариб, далилни ёзади: «Ўз асарларини кенг массага тақдим қилучи Аҳмад Яссавий, Боқирғони(й), Муҳаммад Солиҳ, Хувайдо, Сўфи Оллоёр, Мажзуб Намангони(й) каби бир қанча ёзувчилар арузни бармоқ вазни билан бирлаштириб ва аралаштириб ёза бошлаганлар...

Мана бу йўллар билан Ўрта Осиёда ўзбек адабиёти соҳасида аруз ва бармоқ оҳанглари билан бирлашган ва ҳар иккисидан элементлар олиб тузулган йўллар туғулар эди»⁶.

Бир дафъа ўйланг, Яссавий 12 нчи асрнинг одами, Муҳаммад Солиҳ 15–16-асрлар одами, Мажзуб Намангони(й) 18 нчи асрнинг одами. Орада олти аср бор. Бу олти аср орасида ўз замонларининг машҳур шоирлари аруз билан бармоқ вазнларини бирлаштириб ёза бошлайдиларми? Яссавий ҳам ёза бошлагану... бундан олти аср кейин келган

Мажзуб ҳам ёза бошлаганми? Бу олти асрлик «ёза бош-лаш»ларнинг бир камоли, мукамал бир натижаси йўқми?

Олти асрнинг қувватли шоирлари томонидан таъқиб этилган бу бирлашган, бир-биридан элементлар олган вазн камолга эришмадимиз? Ишланган ҳаммага маълум учинчи бир вазн системаси бўлиб майдонда туролмадимиз? Ҳолбуки, биз буни кўра олмаймиз. Энди Миённинг бу «учинчи вазнида» ёзган шоирларни кўрайик:

Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари, Боқирғони(й)нинг ҳикматлари қўлёзмада ҳамда босилган ҳолда. Бири устод, бири шогирд бўлган бу икки сўфи(й) шоир ўз замонларида кўчманчи аристократиянинг идеологлари – шуларнинг шайх ва шоирлари эдилар. Булар кўчманчи оммасини кўчманчи бекларга, хонларга, қабила бошлиқлариға бир навъ ҳипноз тариқасида асир қилиб боғлаб, ҳар навъ мушкул меҳнатларга таянарлик ҳолга солиб беришни ўз устига олганлар. Уларнинг шайхликлари-да, шоирликлари-да шу мақсадға қаратилган эди. Шунинг учун буларнинг шеърлари кўчманчи оммага яқин бўлган бармоқ вазнида эди. Бу кун девонларини текшира оламиз. Яссавийнинг аруз вазнида ёзилган шеърлари 4–5 дан ошмайди. Боқирғони(й) ҳам шундай. Миённинг ҳали ўзи томонидан ҳам моҳияти очилмаган учинчи вазнидан уларда ҳеч нарса йўқ. Муҳаммад Солиҳ эса Чигатой сарой шоирларидан ҳам амалдорларидан, отаси Нур Саиъдбек ҳам шундай. Буларнинг иккаласи ҳам қувватли форс шоирларидан саналадилар. Муҳаммад Солиҳ шеърлари кўпрак темурийлардан Абу Саиъд мирзо, Ҳусайн Бойқаронинг саройларида айтилган. Бу саройларда бармоқ вазни билан шеър ёзилмади. Ёзилса ҳам қабул этилмади*.

Муҳаммад Солиҳ Темури(й) саройларидан қочиб, ўзбекларга қўшулгандан кейин яна Шайбони(й)хоннинг «ҳузур шоири» бўлиб, унинг билан юрди. Ўзбек хони Шайбони(й) хизматида беш-олти йилгина яшаган Муҳаммад Солиҳ ўзининг «Шайбони(й)нома»сини унга (Шайбоний-га) тақдим қилиб ёзди.

Бу характерда бўлган бир сарой шоирини била туриб «ўз асарини массага тақдим қилиб ёзган» демак, албатта

* Темури(й) саройларининг катта адабиёт назариячиларидан бўлган Навоий эрон классикларига юз фоиз эргашмаган сарой шоирларига «туркона» ёзади деб тош отарди.

янглиш бўлгани каби унинг «аруз ва бармоқ вазнлари»ни бирлаштириб, «аралаштириб» шеърлар ёзди демак ҳам далилсиз, нотўғри бир даъво. Унинг «Шайбони(й)нома»-си арузнинг «рамал-мусаддас-махбун-махзуф» вазнида ёзилган. Ҳалигача жуда оз топилган форси(й)ча, чиғатоӣ-ўзбекча шеърларнинг ҳаммаси аруз вазнида.

Ҳувайдонинг девони билан маснави(й) асари босилган, жуда кўп топилади. Унинг маснави(й) асари аруз вазнида, газаллари аксарият билан аруз вазнида, 6–8 таси бармоқ вазнида. Яссавийга эргшиб ёзилган. Мажзуб ҳам айни ҳолда. Булардан ҳеч биттасининг олти асрдан бери ишланиб келган мазкур «учинчи вазн»да шеърлари йўқ.

Аруз вазнининг тарихий ўсишига бир қараш

Умуман, «гап ритми»нинг келиб чиқиши тўғрисидаги... қарашни аруз вазнининг ҳам келиб чиқиши устига татбиқ этсак, тамоман мос келади.

«Гап ритми» келиб чиқишининг меҳнат билан боғланиши, унинг меҳнат узвларининг ҳаракатларига алоқаси, меҳнат узвларини ҳаракатга келтиришга, ҳаракатларини низомга солишга ёрдами ва бошқалар, умуман, гап ритмининг айрим бир кўруниши бўлган аруз вазнининг келиб чиқишини ҳам яхшилаб изоҳ қилади. Араб ва эроннинг энг эски шеър вазнларини яхшилаб текширганда, бу тўғрида кўп материаллар топиб чиқариш ҳам мумкин.

Мен қўлимдаги оз материал билан, бу асарда бу ҳақда узоқ тура олмайман. Араб, эрон шеърларининг қадим вазнлар ва айниқса, халқ адабиётларига оид етарлик материаллар менда йўқ. Шунинг учун мен аруз вазнининг нисбатан сўнгги даврларини оламан. Иқтисодий ҳаётнинг ўзгариши, жамиятнинг табақаланиши билан синфларнинг ижтимоий мавқеълариға кўра тил, ифода йўллари, образлар ва шулар билан бирга вазн ҳам мураккаб вазифалар олиб, бурунги баситликларини⁷ йўқотади. Мураккаблана бошлайди. Мен ўз замонида мана шу омиллар натижасида ўзининг бурунги баситлигини йўқотиб, мураккаб ва мукамаллашган «аруз» вазнлари системаси ҳақида гапираман.

Араблар ўз шеърларининг вазнини бошлаб туя юришининг «ритм»идан олингани ҳақида баъзи афсоналарни ривоят қиладилар. Бу афсоналарнинг, албатта, илмий қиммати йўқ. Шундай бўлса ҳам бурунги замонларда, ҳатто,

яқин асрларгача арабнинг иқтисодий ҳаётида туянинг жуда катта роли борлиги маълум. Туянинг юришини тезлатиш учун араб туячиларининг махсус ашулалари бор. Бу ашулалардаги ритмнинг туя юришига яхши таъсир қилганини кўрган сайёҳлар хабар берадилар, ҳатто, машҳур Саъдий Шерозий «Уштур ва шеъри араб дар ҳолатаст у тараб»⁸ каби форси(й) байтлар билан бу ҳодисага қандайдир бўлмағур, идеалистик қимматлар бермакчи бўлади. Биз албатта, ундай идеалистик қимматларга ишонмаймиз. Бу ҳодисани туяга ритмнинг таъсири деб изоҳ қиламиз. Бундан бошқа арабнинг эски шеър вазнларидан бири *ражаз*дир. *Ражаз* сўзининг маънолари орасида «дам юриб, дам турувчи туя» маъноси бор. Ҳатто, аруз илмида қабул этилган *ақл*, *ҳазм*, *касф* каби баъзи терминларда ҳам шу туя ва туячилик ҳаётининг изларини кўриш мумкун*.

Мана буларнинг ҳаммаси бурунги араб халқ адабиётида туя ва туячилик ҳаётининг назарга олинарлик излар қолдирганини ва араб фольклорига суянган арузнинг ундан таъсирланганини кўрсатмакдир.

Ҳарҳолда араб шеърининг вазни аруз қоидалари тузилгандан анча замонлар илгари ўзининг эски баситлигини йўқотган, мураккаблашган. Бу кун аруз терминидан онглашулатурган ҳолатга кира олган эди. *Тавил*, *вофир*, *комил*, *басит*, *ражаз*, *ҳазаж* баҳрларидан вазнлар тузулган эди. Мусулмон араб давлати тузулиб, ҳоким синф ўзининг давлат ишларига, эксплуатация ишларига қурол қилиб шеърни ҳам олгандан кейин унга айрим аҳамият бера бошлади.

Араб шеърининг тузулиш йўлларини ўрганиб, қоидага солиб кенгайтирмак чоралари тушунила бошлади. Шу синфнинг олимларидан Халил ибн Аҳмад⁹ (731) бу мақсад учун араб халқ адабиётини (араб фольклорини) жиддий суратда текширди. Араб шеърининг намуналарини тўплади ва эҳтимолки, арабларга қўшни бўлган халқлардан ҳам имкон доирасида фойдаланиб, бу кун билганимиз аруз қоидаларини тузуб чиқди.

Халилнинг қадим юнонча билганини назарда тутиб, баъзи олимлар «Араб арузи юнонлардан олинган» десалар-да, бу фикр кўпчилик томонидан рад қилинмоқдир.

* *Ақл* — туя оёғини боғламоқ; *ҳазм* — туянинг бурнидан ҳалқа ўтказмак; *касф* — туянинг товонини кесмак.

Ҳақиқатан ҳам аруз қоидаларининг тузулишидан бурун ўткан араб шоирларига нисбат берилган шеърлар ва аруз қоидалари тузулар экан, кўчманчи араб ҳаётидан олинган инъикослар Халилнинг араб фолклоридан қанчалар таъсирланганлигини очиқ кўрсатмақдадир.

Халил томонидан, асосан, араб халқ адабиётига суяниб вужудга келтирилган бу аруз системаси бошлаб бир кўп қаршилиқларга учради. Ҳатто, машҳур араб тилшуносларидан Ахфаш (785 ларда ўлган)¹⁰ бунга қарши янги бир система тузиб чиқарди. Бироқ, Халил системаси* борабора ўз тарафдорларини кўпайтирди, кўп назариячилардан ҳимоя кўриб, ўз мавқеъини мустаҳкамлай олди ва араб халқ адабиётини юз фойиз ўз рамкаси ичига ололмаган бўлса ҳам, араб классик шеърининг «қонуний вазн» системаси бўлиб қолди. Халилнинг тарафдорлари бу системанинг юз фойиз араб шеърига суялиб тузулганини даъво қилиб, бу системага кирмаган вазнларда шеър ёзишни қатъий суратда манъ қиладилар. Ҳолбуки, душманлари бу системага бир кўп чет вазнларнинг ҳам кириб қолганини сўзлайдилар. Ҳарҳолда Халил системасида, асосан, араб халқ адабиётига суянган ҳолда баъзи қўшни халқлардан ҳам фойдаланиб, араб шеър вазни хусусиятларини сақлаш шарти билан баъзи янги вазнлар тузулгани аниқ каби кўрунади.

Эроннинг араб истилосидан бурунги сосони(й) феудализм даврида шоҳ, феўдал саройларида кўзга кўрунарлик бир шеър ва музыка ҳаёти борлиги маълум. «Барбад», «Накиса», «Саркаш» каби шоир-чолғучиларнинг ижодларига ва санъат ҳаётларига оид муҳим маълумотлар «Шоҳнома», «Хамсаи Низомий», «Бурҳон Қотей»¹¹ каби маъхазларда бордур. Бу ва булардан ҳам эскирак маъхазларга суяниб, олимлар сосони(й) даври шеърининг назм билан

* Халилнинг фикрига кўра, икки мисраъдан иборат байтгагина «шеър» дейиш мумкин. «Байт»нинг луғат маъноси «уй»дир. «Байт»нинг асосий ҳижо дасталарига (стопаларга) уйнинг қаноти (девори) маъносига келган «рукн» исми берилмакдир. Кўчманчи араб уйи чодирдир. Чодирда тўрт қанотнинг таянч нуқтаси бўлган ўртадаги тирак «аруз»дир. Байт рукнларнинг ҳам таянч нуқтаси саналган бир рукнга аруз исми берилган. Чодирни тикмак учун арқон (сабаб), мих (ватад) ва чодир этакларини очиқ сақлашга ёрдам қилувчи таяқлар (фосилалар) керак. «Байт рукнлари»нинг майда бўлакларига ҳам «сабаб», «ватад» ҳам «фосила» исмлари берилган.

наср орасида бўлиб ҳижоларнинг сонларигагина риоя қилиш билан тузулганини бир оғиздан хабар берадилар. Бу, асосан, тўғри.

Лекин... ҳеч шубҳа йўқки, арабларда ҳам энг ибтидоий шеър вазни «Насри мусажжаъ» (қофияли наср) бўлган «ярим назм» тарзида бўлиб, унда ҳам букунги аруз вазнида кўрганимиз ҳижоларнинг кайфиятига аҳамият бериш хусусияти йўқ эди. Бора-бора ҳаёт, жамиятдаги синфий муносабатлар ўзгарди. Ҳоким синф иқтисодий ва маданий томондан юксалди, унда янги тушунишлар, янги-янги қарашлар, янги образлар туғулади. Шуларнинг талаби билан шеърда ҳам тил хусусиятларининг йўналишига мувофиқ сувратда янги вазнлар пайдо бўлади, тараққий қилади. Араб шеър вазнининг аруз вазнига тараққий қилишига йўл очган шу шароитлар сосони(й) феўдализм даврида эрон шеър вазни учун ҳам бор эди.

Шунинг учун эрон шеър вазнининг-да араб истилосидан ва араб аруз қоидаларининг қабулидан аввал бутунги аруз вазнига (яъни ҳижо кайфиятларини эътиборга олган вазнга) чиққан бўлиши мумкун. Мана шу эҳтимолни ёқловчи фактлар ҳам йўқ эмас, бор:

а) «фаҳлавият» унвони билан машҳур ва қадим Эрондан қолгани шубҳасиз бўлган Эрон халқ шеърларидан бир қисм тўртликлар «ҳазаж-мусаддас-маҳзуф» аталган вазнга тўғри келади;

б) яна шу ҳазаж баҳрининг аҳрам ва аҳраб навълари билан ўлчашга урунилган классик рубоъиларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятлар бунинг ҳам эски эрон вазнлардан эканини кўрсатади. Рубоъининг қурулишини Рудаки(й) шу даврнинг бир шоирига нисбат берган. Ибни Қайс¹² рубоъининг Эронда жуда ҳам умумий бўлиб, ҳаддан ошиб севилиб ўқулгани ва махсусан, хотин-қизларнинг бунга жуда ҳам берилганликлари ҳақида узун тафсилот беради. Ҳолбуки, бир-икки шоир томонидан тасодифан тузулган бир вазннинг бу қадар севилиб қабул этилган бўлуши шубҳалидир;

д) «Табақотуш-шуаро», «Табари(й)», «Оғани» каби араб маъхазларидан¹³ ривоят этилган бир-икки шеър:

*Об аст-у табизаст
Асорат забибаст
Самия рў санид аст*

Аз Хўталон омадия
Бару табох омадия
Обар боз омадия
Хўшк назар омадия, —

ҳам аруз вазни системасига жуда яқин туради. Мана бу фактларнинг ҳаммаси бизнинг нуқтаи назаримизни, яъни араб истилосидан бурун эрон шеър вазни бу кунги аруз вазни тузулишига тўғри бир тараққий ҳаракати кўрсатканини қувватлайди.

Араб истилосидан кейин форс адабиёти учун ҳам аруз назариялари (Халил ибн Аҳмад томонидан тузулган аруз қоидалари) қабул этилди. *Байт, мисраъ, рукн, ажза, асли(й) рукнлар, фаръи(й) рукнлар, зуҳофот, баҳр, вазнлар* тақсимооти, *баҳр* ҳам *вазн* исмлари айнан қабул этилди.

Мана шу олиш-беришнинг жуда характерли ва диққат этарли бир томони бор: Эрон феўдал аристократияси араб истилосидан кейин унинг сиёсий, диний ҳокимияти остига кирган, истилочи араб аристократиясининг тамсиллаштирув сиёсатига маъруз қолган. Қисман мажбурий ва қисман бошқа йўллар билан улардан диний, маданий, сиёсий бир кўп нарсалар олмоқда эди. Иккинчи жиҳатдан қараганда, Эрон феўдал аристократияси араб истилочиларига рақиб назари билан қарар, уларни ҳокимиятни кўлидан (нонни оғзидан) тортиб олган истилочилар деб билар ва уларнинг ҳокимиятидан, тамсил сиёсатидан ўзини қутқармоқ учун кураш олиб бормоқда эди*. Мана шу бир-бирига қарши икки таъсир натижасидирким, эрон феўдал аристократияси араблардан нима олган бўлса, айнан олмади, ўзгартириб, унга ўз хусусиятларини тақиб олди ёки олиб тақди. Биз адабиёт соҳасида ҳам айна шу ҳолни кўрамиз.

Эрон феўдал аристократияси араб арузининг нисбатан умумий қоидаларини, назарий томонларини қабул қилишига қарамасдан форси(й) шеър вазнларининг муҳим хусусиятларини ҳам унга сингдира бошлади. Шундай бўлиб айрим бир форси(й) аруз майдонга қўюлди. Мана бу форси(й) аруз назарий томонларда, умумий қоидаларда, тафсилот ва терминларда араб арузининг айнан деярли кўпияси бўлса ҳам, бошқа томонлардан ундан ажралади.

* Бу ҳақда Фирдавси(й) ҳақидаги мақоламизда баъзи тафсилот бор.¹⁴

Эрон (форс) арузини араб арузидан ажратган хусусиятларнинг энг муҳимларидан шуларни кўрсатиш мумкин:

А. Араб арузида шеърда воҳид қиёси *байт*, яъни *икки мисраъ* деб қабул этилади. Асосан, жуда тўғри бўлган бу қараш араб шеърининг тузулишида хунук бир из қолдиради.

Араб шоирлари шу нуқтаи назарга суяниб, баъзан бир сўзни икки мисраъга бўлиб берадилар, Ал-Муарри(й)нинг¹⁵ шу байти:

Ай шаби асобак мискин хати рамит болусуос.

Эрон шоирлари ҳам шеърда воҳид қиёси байтни қабул қилганлари ҳолда юқоридаги ишни қилмайдилар. Улар сўзни ҳар мисраъда тамом беришни амалда ёқлайдилар.

В. Араб арузи байтнинг бир мисраъдан иккинчи мисраънинг бир, икки, ҳатто уч ҳижо камайтиришни қабул қилади, фақат бу камайтириш мисраънинг охирги ё аввалги рукнида (стопасида) бўлади.

С. Араб арузи ҳар вазнда мисраънинг охирги ва аввалги рукнида қисқа, тўлуқ ҳижо тартибини бузушдан ҳам тортинмагани ҳолда эрон арузи сезилмайдиган бир, икки вазндан бошқа вазнларда буни ҳам қабул қилмайди.

Д. Араб арузида олти рукн (чтана)дан тузулган вазнлар эрон арузида 8 рукндан тузулади.

Ж. Араб аруз вазнлари Халил системасига кўра 15 баҳр бўлса ҳам сўнгра Ахфашдан бир баҳр олиб ўн олти баҳрга чиқарилган. Эрон арузи булардан 5 баҳрни чиқариб, яна учта янги баҳр кўшиб, 14 га тўхтатади. Сўнгралари мазкур чиқарилган беш баҳрда ҳам шеър ёзилиб, эрон арузи 19 баҳрга чиқарилади¹⁶.

Мана бу хусусиятлар билан эрон арузи араб арузидан ажралади. Ёхуд эрон арузи эрон адабиётига кирар экан, шу хусусиятларни қабул қилиб киради.

Муносабат бор экан, шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, араб арузи араб халқ шеърларини ўз рамкасига юз фоиз киргиза олмагани каби эрон арузи ҳам эрон халқ ашулаларини юз фоиз ўз рамкасига ололмагандир.

Ўрта Осиё турки(й) адабиёти учун қабул этилган аруз мана шу эрон адабиётида ишланган ва Шамси Қайс¹⁷ каби арузчилар томонидан «Аруз(и) форси(й)» аталган аруздир. Биз бунга «араб-эрон арузи» деймиз. Турки(й) назмларга

бу аруз вазнларини қачондан кира бошлаганини билмай-миз. Аруз вазнида ёзилгани илм дунёсида букун маълум бўлган энг қадим асар «Қутадғу билиг» китобидир. Юсуф Хос Ҳожиб бу асарни айнан «Шоҳнома» вазнида («мутақориб-мусамман-маҳзуф» вазнида) ёзган ва ўз тилининг ҳеч бир турли хусусиятини вазнга бермаган. Лекин Миён Бузрукнинг айтганидек, «Унда вазн хатоларининг кўп учрагани кўрулмади»*. Вазн ўз замонига кўра мукамал деярлик даражада муваффақиятли татбиқ қилинган. Бироқ унда турки(й) сўзларнинг баъзи чўзғиларини ортиқча чўзуш бор. Бу аруз вазнида туркча шеър ёзган ҳар шоирда озми-кўпми бор ва уларнинг ўзлари буни хато деб билмайдилар. Навойи, Бобир каби арузчилар буни хато санамаганликлари каби ўз шеърларида ҳам бор.

Ўрта Осиё феўдализм даврининг сарой адабиётида бу аруз билан ёзиш ҳаракати давом қилиб, 15 нчи асрда Чигатой сарой адабиётида жуда ҳам кучайди. Иш шунчалар кўтарилдики, сарой шоирлари орасида эрон адаби(й) анъаналарига юз фоиз риюя қилмаганларга туркона ёзади, деб тош отишлар ҳам бўлди. Навойи билан Бобир мирзо аруз қоидаларини кўрсатарлик асарлар ёздилар¹⁸. Буларнинг на шеърларида, на аруз ҳақида ёзилган китобларида «аруз вазнида ёзаркан, чигатойчанинг хусусиятларини сақлаш»¹⁹ деган тамойилдан ҳеч бир из кўрулмади.

Ўзбек феўдализм сарой адабиёти, ҳеч шубҳа йўқки, Чигатой сарой адабиётига эргашди. Ўзбек хонлиги қурулишининг биринчи даврида ўзбек хонлари ва ўзбек князларининг²⁰ саройларида шоирлик қилувчиларнинг кўпи шул Чигатой сарой шоирларидан ва шогирдларидан эдилар. Булар ҳам аруз вазнида ёздилар. Бу тўғрида Миён Бузрук шундай дейди: «Ўзбек нафис адабиёти Олтин Ўрда ва Чигатой адабиётларидан таъсир олиб келгани сабабли у адабиётларда умумий оҳанг бўлиб қолган аруз вазнини олиб ўзига махсус бир тусда қўлланмага бошлади»²¹.

Мен бу жумладаги «ўзига махсус бир тусда» деган иборани онглай олмадим. Кимнинг «ўзига махсус?» — аруз-

* Миён Бузрук айтадики, «Қутадғу билиг» бу вазни тамом ўзлаштириб ета олмаган, унда вазн хатоларининг кўп учрагани кўрулади. Бу Кўпрулизода сўзларининг айнан такроридан бошқа нарса эмас. Кўпрулизоданинг сўзи: «Аруз қолибларина лайқила интбақдан узақ ўлдиғи учун асарда бир тақим хатолара тасадуф ўлинур» (Турк адабиёти тарихи).

нинг ўзига махсус тусдами ёки ўзбек адабиётининг ўзига махсус тусдами? Миённинг иккинчи сўзи буни очиб беради: «Демак мумкунки, аруз вазни ўзбек феўдализм даврининг хориждан олиб ўзгаришлар билан ўзлаштирган ва замонимизга адабий мерос бўлиб қолган ижодий йўли эди».

Демак, бу «махсус тус» аруздан бурунги ўзбек адабиётининг хусусияти. Ўзбек нафис адабиётида бу «махсус тус» нимадан иборат эди? Арузга қандай татбиқ этилди? Ва бу махсус туснинг аруз вазнидаги кўруниши нима бўлади? Ўзгариш қай ерларда? Буларни таърифлар билан, намуналар билан кўрсатмасдан бундақа даъво билан чиқиш Миёнга мумкин бўлган бўлса ҳам, уни қабул қилиш бизга мумкун бўлмайди. Ҳолбуки, биз ўзбек феўдализм даври сарой ва мадраса шеърларида, яъни аруз билан ёзилган шеърларнинг вазнида бундай айрим бир хусусиятни кўрмаймиз.

Аруз вазнида ёзучи ўзбек феўдал даври шоирларидан баъзиларидан баъзан ҳижо вазнида ҳам шеър ёзганларини юқорида айтиб ўтган эдим. Бу ҳодисани ҳам «аруз вазни ўзбек адабиётига махсус тусда қўлламоқ» деб бўлмайди.

Яна бир дафъа такрор қиламан: бизнинг феўдализм даври адабиётида аруз вазни билан ёзучи сарой, мадраса шоирлари орасида бармоқ вазнида ёзган шоирлар бўлгани каби аксарият билан бармоқ вазнида бўлган халқ ашулалари ва бахши манзумаларида ҳам арузнинг баъзи қулай вазнлари кирган. Яна илгарироқ бориб айтсак бўладики, бармоқ вазни билан айtilган ва ёзилган шеърларнинг баъзи айрим байт ва ярим мисраъларида аруз вазнининг оҳангини учратиш ҳам мумкун ва бор²². Лекин аруз ва бармоқ вазнларини аралаштиришдан, бир-биридан унсурлар олишдан ҳосил бўлган учинчи вазн системаси бўлмагани каби «ўзбек феўдализм адабиётига махсус тусда» бир аруз вазни ҳам йўқ. Шунда муҳим бир савол эсга келади: Эрон феўдал аристократияси аруз қоидаларини араблардан олганда уни ўзгартириб, унга ўз хусусиятларини тақиб сингдириб олган экан, Ўрта Осиё Чигатой ва ўзбек феўдализм даврлари сарой адабиёти нега шундай қилмади? Қадим уйғур сарой адабиётчилари Чигатой ва ўзбек сарой адабиётлари «араб-эрон» арузини нега айнан олганлар? Ўз тилларининг, ўз халқ шеърларининг ҳеч бир хусусиятини нега аруз вазнига сингдиришга урунмаганлар?

Бу савол жуда муҳумдир. Бунга сўнгги ва қатъий жавобни беришга мен ботирлик қилолмайман. Бироқ, шунчалик ҳақли бир саволни жавобсиз қолдиришни ҳам ис-тамайман. Шунини ҳам айтиб қўяманки, менинг бу тўғри-дағи сўзларим юқоридағи саволга қатъий жавоб эмас, бир мулоҳазагина бўлиб қолади.

Эрон феўдал аристократияси арузни араблардан олар экан, унинг билан истилочи араб аристократияси ораси-даги муносабатнинг хусусий бир кўруниши бор эди (буни бир муносабат билан юқорида кўрсатиб ўтган эдим): Эрон феўдал аристократияси бир жиҳатдан истилочи араб ари-стократиясининг диний, сиёсий ҳегемониясида эди, унинг тамосил сиёсатига маъруз қолган эди. Иккинчи жиҳатдан унинг рақиб эди; унга ҳокимиятни кўлидан (нонни оғзи-дан) тортиб олган рақиб деб қарар эди, маданий жиҳат-дан ўзини(нг)²³ улардан юқори тутганини яхши билар эди. Унинг тамсил сиёсатидан, тамсил этучи ҳокимиятидан қутулмоқ учун кураш олиб бормоқда эди. Шунинг учун, айниқса, мазкур кураш замонларида араблардан хоҳ жаб-рий суратда, хоҳ бошқа йўллар билан нима олган бўлса, айнан олмади, ўз хусусиятларини тақишга, сингдиришга урунди. Эрон феўдал аристократияси, айниқса, мазкур кураш замонларида араблардан нима олган бўлса, ҳамма-сида деярлик шу хусусиятни кўра оламиз.

Мана шу ҳол, шу хусусият на қадим уйғур феўдализи-мининг, на Чигатой ва ўзбек феўдализмининг ҳоким син-фи бўлган аристократияда йўқ эди. Улар араб, эрон ари-стократиясининг маданий жиҳатдан ўзларидан юқори тур-ганини қабул қиладилар, ўз маданий ишларини араб, эрон аристократиясидаги диний, маданий ҳаракатларнинг, мактаб ва мадрасаларнинг раҳбарлиги остида олиб бор-дилар. Араб, эрон аристократиясини ўзларига устод деб биладилар. Қадим уйғур феўдализмида ҳуқумдорлик қил-ган қорахони(й)лар сулоласи ўз сарой ташкилотларини сомони(й) ва ғазнави(й) сарой ташкилотига ўхшатиб туз-моқчи эди ва тузган эди. «Қутадғу билиг» китоби шу мақ-сад билан ёзилган эди. «Қутадғу билиг» эгаси қорахони(й)-лар саройида ҳам сомони(й) ва ғазнави(й) саройларида бўлгани каби сарой шоирлари тутиб, сарой адабиёти яра-тишни тавсия қилиб ёзди.

Мана шу ҳол Чигатой аристократиясининг, сўнгги

ўзбек аристократиясининг ҳокимиятлари замонда ҳам давом қилди. Шунинг учун на арузда ва на бошқа маданий масалаларда эрон аристократиясининг арабга нисбатан бўлган хатти-ҳаракатини таъқиб қилишга урунмадилар.

Яна такрор қиламан: бу мулоҳаза юқоридаги саволнинг сўнги ва қатъий жавоби эмас, менинг бир мулоҳазамдир. Бора-бора жиддий текширишлар давом этган сайин яна тўғрироқ, яна ҳақиқатга мувофиқроқ жавоблар топилши мумкин.

Аруз вазни инқилобгача жадид адабиётида ҳам шеър вазни эди. Бунда диққат этарлик бир нуқта бор: бизда жадидизмнинг биринчи даври панисломизм байроғи остида юрди. Жадид адабиётининг аруз вазни билан ёзилиши мана шу даврга тўғри келади. Бора-бора панисломизм, пантуркизм, ўзбек миллатчилиги бир-биридан айрим хатти-ҳаракатлар тарзида ажралади*. Мен буларнинг учини ҳам ўтканман ва жуда яхши эслайманки, панисломизм билан ўзбек миллатчилигининг адабиётдаги инъикосларидан биртаси вазнда аруз ва бармоқ тарафдорлиги шаклида кўрунган эди. Ўзбек миллатчилиги бармоқ вазнини ёқлаганда пантуркизм аруз тарафдори эди. Бу масалада пантуркизмнинг ўзбек миллатчилиги билан бир сафда турганини айтишга ҳожат йўқ. Мен шу вақтларда ўзбек тор миллатчилиги нуқтаи назарида қарор топган эдим ва шу нуқтаи назардан бармоқ вазнини ёқладим. Бармоқ вазнида шеърни бошлаб Чўлпон ёздими? — Мен ёздимми? Эсимда йўқ. Фақат шуниси аниқки, бармоқ вазнини назарий жиҳатдан ёқлаб чиққан биринчи ўзбек миллатчиси мен эдим. Жуда яхши эслайманки, панисломист жадидлар шу масала устида бизга кулардилар. Муса Бегиевнинг бир мажлисда «имлони ўзгартиб, шеър вазнини бузуш билан бизни ислом жамоасидан айирмоқ истадилар» деб қичқиргани қулоғимдан кетмаган.

Менинг энг катта хатом миллатчи бўлишимда эди. Лекин миллатчи бўла туриб бармоқ вазнини ёқлашим бўлган

* Бу сўздан панисломист, пантуркист ва ўзбек миллатчиларининг бир-биридан айри гуруҳлар ва бошқа-бошқа синфларнинг идеологлари, деган фикр онглашилмасин. Уларнинг ҳаммалари бир эди. Ҳаммалари ҳам маҳаллий буржуа идеологлари эдилар. Панисломизм, пантуркизм ва ўзбек миллатчилиги уларнинг хатти-ҳаракат бошқалиқларигина эди.

гап эди. Биз миллатчилар ўзимизни халққа яқин кўрсатмакчи ва шундай йўллар билан меҳнаткаш деҳқон оммасини алдамоқчи эдик. Иккинчи жиҳатдан қараганда, оммани ўзимизнинг миллий мафкурамиз билан «заҳарламакчи» эдик. Шунинг учун оммага яқин турган ашула ва ҳикоя, шеърларнинг аксарият билан вазни бўлган бармоқ вазнига яқинлашмоғимиз табиий эди. Бунинг билан бармоқ вазни гуноҳкор бўлмайди. «Сени бир вақт Фитрат бошлиқ бир гуруҳ миллатчилар ёқлаган эдилар» деб бармоқ вазнини ташлаш тўғри эмас. Бармоқ вазни ҳақиқатда ҳам халқ ашула-шеърларининг аксарият билан вазни экан, букун чиндан ҳам меҳнаткаш халқ адабиётидан иборат бўлган ўзбек совет адабиёти, совет ёзучилари ундан фойдалана оладилар ва фойдаланишлари керак.

Менинг ўша вақтда бармоқ вазнини ёқлашимда Туркиянинг таъсири бўлуши мумкун ва бор эди. Мен Туркияда ўқуғанман. Пантуркизм кўрунишларининг ҳам бўлуши мумкун. Чунки вазн масаласида пантуркизмнинг нуқтаи назари ўзбек миллатчилиги билан бир эди. Бироқ, «1919 инчи йилда Туркиядан намуналар келтирилиб, Тошкент кўчаларида ўқулиб юрган эркин вазнли шеър» тўғрисида Миён билан яна келиша олмаймиз. Чунки Миённинг эркин вазн деб кўрсатгани шеър эркин эмас, аруз вазнидадир ва янглишмасам, аруз тарафдорлари бизга қарши ўқуб юрадилар.

Менинг ҳижо вазнини ёқлашда муҳум бир хатом шу бўлганки, мен арузга юз фоиз қарши турганман. Бу яна шу тор миллатчиликнинг бир натижаси бўлган. Мен гўё бутун дунёдан қатъи(й) алоқа қилган, на Шарқдан, на Фарбдан ҳеч бир нарса олмаган ёп-ёлғиз бир «ўзбек маданияти» қурмоқ, ҳақиқатда ўзбек буржуазияси маданияти қурмоқ учун курашганман.

Инқилобдан кейин ўзбек совет адабиётида аруз жуда оз ишлатила борди, бунга ижтимоий сабаблар бор эди. Пролетар революцияси феўдализм ва капитализм қолдиқлари билан раҳмсиз кураш очди. Фикрлар, тасаввурлар, тасвирлар ўзгарди. Тасаввуф, бадбинлик ишқ, шароб, сафоҳат, бачча мувашшаҳларининг айрилмас қолиби бўлуб қолган ёхуд шундай кўрунган аруз вазнини айнан бўлгани каби олиб ишлатишга имкон кўрулмади. Унга танқидий кўз билан қаралди ва шунинг билан бирга кўпрак бармоқ

вазни ҳам эркин вазн ишлатилди. Бармоқ ва эркин вазнларининг тарқалишига ижтимоий сабаблар, ижтимоий талаблар бор эди. Бу кун эркин вазн билан ёзган ёш ёзучиларимиз тўппа-тўғри рус совет ёзучиларидан таъсирландилар. Буни инкор қилиш ярамайди. Эркин вазнда ижтимоий талаб шу қадар кучли, шу қадар каттаки, арузнинг энг чиройлик ва энг бой системасига эга бўлган эрон адабиётининг ҳам инқилобий қаноти, ҳам тожик адабиёти бу кун эркин вазнга мурожаат қилмоқдадир. Лоҳутий ўзининг яхши парчаларини эркин вазнда ҳам ёзди.

АРУЗ ВА СОВЕТ АДАБИЁТИ

Яна такрор қиламан: мен бир замонлар аруз вазнига юз фоиз қарши турган эдим. Бу ҳаётга миллатчиликнинг кўр ва қоронғу кўзойнаги билан қараганим у замонларда эди, хато эди, ҳам ўтакетган хато эди. Аруз вазни шеър вазнларининг бой ва энг музыкалиларидан биридир. Мен шу асаримда арузнинг саксонга қадар вазнини тўплаёлдим. Бу аруз вазнларининг ҳаммаси эмас, яна бор. Бундан бошқа аруз системаси шундай бир системаки, уни яхши ўрганган одам шунга мувофиқ янги-янги вазнлар ҳам туза олади. Аруз вазнларининг буюк бир қисмига Чигатой ва ўзбек феўдализм даврларининг шоирлари қўл текизмай ўтканлар. Арузнинг энг жонли, ўйноқи ва энг музыкали вазнлари шу қўл текизилмаган қисмда туради. Масалан, «скорий поезд»нинг энг тез ҳаракати замонида фазоларни титратиб учкан «тақатақ-тақатақ» оҳангини очиқ ифода қилган шу вазнга диққат қилайиқ:

*Борамиз, борамиз далаларни ёриб,
Ватан ишларини тузатиб, бажариб,
Мана, чашмаларнинг кулушиб оқиши,
Гулу лола(ла)рин бегагин тоқиши.
Қуёшин азамат сочучи кўзига,
Мана, боқчаларнинг кулушиб боқиши.
Далаларни ўйунга солиб борамиз,
Ишимизни назарга тутиб борамиз.*

Н. Раҳимнинг бир парчасидаги мана шу ўйноқ ҳам ёқимли музикани ҳам кўрайик:

*Қуёш зар қанотларин қоқаркан майин-майин,
Учар, нағмалар учар, қучар ҳисни тинмайин,*

*Кураш, навбахордек гўзал нақшалар учун,
Кураш, оташин кураш келар нашъалар учун.*

Ўзбек феўдализм даврининг шоирлари томонидан қўл текизилмаган бундай чиройлик ва қизиқ вазнлар арузда кўп. Булардан фойдаланиш, албатта, фойдали иш. Букун ўзбек совет шоирларидан баъзилари аруз вазнларидан муваффақият билан фойдаланмоқдалар.

Фафур Фуломнинг Икромов боғига бағишлаб ёзган шу шеъри:

БОҒДА

*Ям-яшил саҳни билан осмон каби кенгдир бу боғ,
Ерга кўк тушган каби юлдузқатор минглаб чироғ.
Ўн қамар, юз Зухра, минг Хулкар юзидан ярқироқ,
Ҳей кўзи чақмоқ йигит-қизлар, қилай сиздан сўроқ,
Тоғ, қуёш, ёшлик бу ерни ўзга қилмишми ватан?*

*Бунда соғлом кулгулар тинмас бу тун тонг отқуча,
Севгилар занжирига боғлиқ қолар ҳар шом кеча.
Ҳей, умур, тўхта, гаров боғлай, қўлингни бер пича;
Сен мени ёшлик билан таъмин қиларсен ўлгуча,
Мен сенга сайқал берарман сўнмаган ишқим билан.*

*Бу чаман шонли ватаннинг узви бўлгандан кейин,
Бундаги эркин граждан бандга эгмайдир бўйун,
Бунда чиндан ҳам одам ўғлига шафқатдан қўйун,
Бундадир соғлиқ яратган минг туман шодлик-ўйун,
Бундагилар хил қадам, арслон юракли, шер бадан.*

*Эй шамол, қўзғол, исингни тарқат, эй сен тоза гул,
Эй булоқ, тош, кўлка сол, эй сарв, сен бир оз эгил,
Тарқасин уйқу тумандай шунча диллардан чигил,
Яйра, эй сен иш, муҳаббат, эркака ўрганган кўнгиш,
Чунки бу парк ўз билан, ўз куч билан бўлган чаман.*

Ва Усмон Носирнинг:

*Агар жангга кирса камандир Чапай,
Қилич қинда турмай дер эди: чопай, —*

байти билан бошланган «Эслайман» унвонли фирдавсиёна шеъри бунга далил бўла олади.

Бизда асл халқ моли бўлган вазн ҳижо вазнидир. Ётироф этиш керакки, ҳижо вазни системаси аруз системаси

қадар бой эмас. Арузнинг баъзи вазнларида бўлган жонлилик, ҳаяжон, ўйноқилиқ ва оҳанг ҳижо вазни система-сида йўқ. Шундай бўлса-да ҳижо вазни билан ҳам яхшилаб ишлаганда арузнинг баъзи ўлук ва мотам оҳангли вазн-ларига нисбатан чиройлик парчалар бериш мумкун. Қисқа-си, ўзбек совет адабиёти иккала системадан фойдаланишга тиришса бўлур. Иккала системанинг (аруз ва ҳижо систе-маларининг) ҳам ўзбек совет адабиётига хизмат қилиш-лари лозим. Шуни ҳам унутмаймизки, ҳижо вазни систе-масини ҳам аруз қадар бойитиш ва музикалангириш йўлида жиддий сувратда тиришмоқ ҳаммамизнинг вазифамиздир.

Аруз вазнларини ҳеч бир танқидсиз юз фоиз қабул қилайиқ, демак ҳам тўғри бўлмайди. Аруз вазни адабий мероснинг бир бўлаги, ундан фойдаланишимиз танқид билангина бўлади. Мен аруз вазнларининг баъзиларини янгидан ишламасдан уни қадим схоластик рамкасида чикармасдан ишлатишга тарафдор эмасман. Социалистик қурулишимизнинг бадий ифодаси бўлган совет шеърла-рини «Наво», «Баёт», «Ироқ», «Ушшоқ» каби классик куйларда ўқутмоқ учун аруз вазнида ёзайик, деган фикр ҳам тўғри эмас. Ҳар парчаси «вой додей», «худойимей», «айлансин қулинг»лар билан биткан у куйлар социалистик мазмунли шеърларимизнинг ҳақиқий оҳангини бузади²⁴.

Яна бир масала устида бир оз турайиқ. Аруз вазни ўзбек тилига тўғри келмайди, деганларнинг маълум бир далили бор: гўё аруз «мадлик»²⁵, яъни узун чўзгилик тиллар учун²⁶ тузулган. Ўзбек тилида узун чўзги бўлмагани учун арузга мос келмайди.

Биз юқорида аруз вазнининг нима эканлигини ёзган-да кўрсатган эдик: аруз вазнида энг катта рўлни ҳижолар-нинг «тўлуқ» ҳам «қисқа»лиги ўйнайди. Яъни, икки мис-раъдаги ҳижоларнинг сон жиҳатдангина эмас, тўлуқлик жиҳатдан ҳам баравар келишидан аруз вазни ҳосил бўла-ди. Аруз вазнида катта рўл ўйнаган тўлуқ ҳижо, узун чўзги-лик ҳижо қийматида эмас, ёпиқ ҳижо қийматида юради. Масалан: форси(й)ча: *баман, гулам, чаман, қалам* сўзларида «ба, гу, ча, қа» ҳижолари қисқа бўлади. «Ман», «лам» ҳижо-лари тўлуқ бўлади. Шу мисолларнинг ўзи тўлуқ ҳижонинг ёпиқ ҳижодан бошқа бир нарса бўлмаганини кўрсатиб тура-ди. Узун чўзгиларнинг эса бундан бошқа хизмати бор: фор-си(й)чада чўзгиси узун бўлган очик ҳижо ҳам тўлуқ ҳижо

саналади. Масалан: «*мо, ро, то, ду, рў, сў, э, ў*» ҳижолари «*ман, бар, сар, бир*» ҳижолари билан бир қийматда юради.

Бизнинг ўзбек тилида «*мен, сен, биз*» каби ёпиқ ҳижо шу тўлуқ ҳижо қийматидадир. Шунинг учун аруз вазнининг тилга татбиқи имконсиз эмас. Лекин бунда диққат этарлик иккинчи бир масала бор: форси(й)чада ўйноқлик, тез қайрулатурғанлик, чўзги узунлиги каби баъзи хусусиятлар борки, унинг арузга мос келишига ёрдам қиладди. Масалан:

I. Форси(й)чада *оз* тўлуқ ҳижо:

ва, оз бир қисқа, бир тўлуқ ҳижо: $V -$; *агар* бир қисқа, бир тўлуқ ҳижо: $V -$;

ва агар икки қисқа, бир тўлуқ ҳижо: $V V -$

Шеърнинг вазни ижоб этса, буларни тубандаги шаклларга киргизиш мумкин:

<i>зи</i>	V
<i>ваз</i>	$-$
<i>гар</i>	$-$
<i>вагар</i>	$V -$

II. *Навис* бир қисқа, бир тўлуқ ҳижо: $V -$

Вазн талаб қилса, тубандаги шаклларга солиш мумкин:

<i>бинвис</i>	$- -$
<i>бинавис</i>	$V V -$

III. *Ман аз ту* $- - -$ сўзини шеър вазни талаб қилса,

<i>маназ ту</i>	$V - -$
<i>маназ ту</i>	$V - V$
<i>ман зиту</i>	$- V -$
<i>ман зиту</i>	$- V V$

шаклларига киргизиш мумкин.

IV.	<i>ёр</i>	$-$
	<i>боз</i>	$-$
	<i>офтоб</i>	$- -$
	<i>шароб</i>	$V -$

Шеър вазнида булар мисраъ охирида бўлмаганда:

$- V$	
$- V$	
$-V -V$	
$V - V$	қийматини беради.

V. *Сиёҳ, моҳ, роҳ, кулоҳ, коҳ, чоҳ* сўзлари *сияҳ, маҳ, раҳ, кулаҳ, каҳ, чаҳ* формасида ишлатилади.

VI. *Қалами хуб* V V V –
 Китоби ман V – V –

сўзини шеър вазнида:

Қалами хуб V V – –
 Китоби ман V – – –

ўлчовида ўқуш мумкин.

VII. *Сен* олмошининг форси(й)часи *ту*, бунинг қисқарилгани *т*, *Мен тунов кун сенга нон бердим* жумласининг форси(й)часи

Ман дируз бату нон додам.
 – – – V V – – –

Буни шеър вазнида тубандаги формаларга солиш мумкин:

- а) *Манат дируз нон додам*
 V – – – / – – –
- б) *Ман дирузат нон додам*
 – – – – / – – –
- с) *Ман дируз нонат додам*
 – – – / – – – –
- д) *Ман дируз нон додамат*
 – – – / – – V –

Мана шулар каби тилни аруз вазнига мос қиларлиқ хусусиятлар ўзбек тилида йўқ.

Шунинг учун бизда аруз вазнида шеър ёзиш истаристамас форси(й)ча, арабча сўзларни тилга тортишга йўл очади ёки ўзбекча сўзларни ҳаддан ташқари чўзишга олиб боради. Аруз вазнида шеър ёзмоқ учун шу қийинлиқдан бизни қутқара оларлиқ даражада тилдан бой бўлишимиз лозим.

Аруз вазнларининг тузулиш қоидалари

Менинг бу ишим бир ёқдан текшириш иши, шунинг учун арузнинг асосий нуқталарини олиб танқид ва изоҳ қиламан. Иккинчи ёқдан, ёш шоирларимизга арузнинг бор-йўғини очиб бермакчиман. Шунинг учун ишни қулайлаштирувчи янги бир система қўйишга урунаман.

Араб, эрон арузи юқорида кўрулгани каби шеърда воҳид қиёси қилиб байтни олади. Байт икки мисраъга бўлунади. Бир мисраъ икки, уч, тўрт ҳижо тўпламига (тўрт-беш стопага) ажралади. Ва бу тўпламларга *рукн* исми берилади. Жамъи *аркон* бўлади.

Бу рукнлар (стопалар) ҳар вақт бир хил бўлмайди. Буларнинг турларини белгилаш учун ҳижога мурожаат қилдилар. Шунда ҳижоларнинг, асосан, қисқалиқ, тўлуқлик сифатларига диққат қилиб, шуларнинг тузулиш тартибини назарга олганда масалани жуда тўғри ҳал қилган бўлдилар. Лекин шундай қилинмади. Ҳеч қандай илмий лисоний асосга суянмасдан, ҳижоларнинг бир-бирига қўшулишлариға кўра тубандагича тақсим этдилар ва ҳар қисмга бир исм қўйдилар:

<i>ҳижо:</i>	<i>исми:</i>
—	<i>сабаб(и) хафиф</i>
V V	<i>сабаб(и) сақил</i>
V —	<i>ватад(и) мажмуъ</i>
— V	<i>ватад(и) мафруқ</i>
V V —	<i>фосилаи суғро</i>
V V V —	<i>фосилаи кубро</i>

Бу Халил мактабининг биринчи янглиши бўлди. Арузчилар бундан сўнгра шул юқоридағи: «сабаб», «ватад»-лардан байтнинг рукнларини туздилар.

1) V — —	фа ув лун
2) — V —	фо и лун
3) V — — —	ма фо ий лун
4) — V — —	фо и ло тун
5) — — V —	мус тафъ и лун
6) V V — V —	му та фо и лун
7) V — V V —	му фо а ла тун
8) — — — V	муфъ ув ло ту

Шу саккиз рукндан ҳар биртасининг саккиз дафъа ёки иккисининг тўрт дафъа ё учтасининг икки дафъа такроридан бир байт ҳосил бўлади дедилар:

Фаулун фаулун фаулун фаулун

Фаулун фаулун фаулун фаулун

Фоилун мафойилун фоилун мафойилун

Фоилун мафойилун фоилун мафойилун

Фошлотун мустафьилун фаилотун
Фошлотун мустафьилун фаилотун

Шу тариқа билан бу саккиз рукндан ўн олти вазн чиқарилди. Лекин иш бу билан битмади. Шеър вазни ўн олтигина эмас, кўп. Бир қанча вазнларнинг рукнлари юқоридаги саккиз рукндан бошқача. Бундан қутулиш учун яна тамоман хаёлий ва ҳеч илмий асосга суянмаган бир «йўл» топилди. Юқоридаги саккиз рукнга «асли(й) рукнлар» дедилар. Бошқа формада бўлган рукнларни шу «асли(й) рукнлар»нинг қисқартирилиши ёки ортирилишидан ҳосил бўлган «фаръи(й) рукнлар»²⁷ деб олдилар. Йигирма еттита фаръи(й) рукн чиқди. Ҳаммаси 35 рукн бўлди. 8 та асли(й) рукнларни юқорида кўрдик. «Зуҳофот»²⁸ деган узун ва кераксиз амалият (операциялар) билан ҳосил этажаги фарз этилган 27 та фаръи(й) рукнлар булар:

Фаилоту	V V – V
Мафоилун	V – V –
Фаилотун	V V – –
Фоилоту	– V – V
Муфтаилун	– V V –
Мафъувлун	– – –
Фаилун	V V –
Фаилот	V V –
Мафойилу	V – – V
Мафъувлу	– – V
Фоилот	– V –
Фо	–
Фоа	– V
Фа	V
Фаул	V –
Фаълун	– –
Фаулу	V – V
Фаал	V –

ва ҳоказо...

Бу фаръи(й) рукнлардан ҳосил бўлган вазнларни ўн олти хил қилиб, ҳар хилини асли(й) рукнлардан ҳосил бўлган ўн саккиз вазннинг биттасига қўшдилар. Шунинг билан мавжуд вазнларнинг ҳаммаси ўн олти хил бўлди. Ҳар хилига бир баҳр дедилар. Аруз вазнлари 16 баҳр саналди. Сўнгра эрон назариётчилари яна уч баҳр қўшиб, 19 баҳрга чиқардилар:

1 – тавил	}	Араб шеърида махсус	Халил томонидан тузилган
2 – мадил			
3 – басит			
4 – комил			
5 – вофир			
6 – рамал	}	Эрон ва араб шеърида	Ахфаш томонидан тузилган
7 – ҳазаж			
8 – ражаз			
9 – мунсариҳ			
10 – музориъ			
11 – сарий			
12 – хафиф			
13 – мужтасс			
14 – муқтазаб			
15 – мутақориб			
16 – мутадорик	}	Эрон назариячилари тузган	
17 – қариб			
18 – жадид			
19 – мушокил			

Модомики, бир байтни ташкил қилган ҳижо тўпламлари (рукнлар) 35 хил бўларкан, бунинг саккизтасини асли(й), 27 тасини фаръи(й) деб зуҳофот каби асоссиз хаёлий ва мушкул қондалар билан 27 фаръи(й)ни асли(й)дан чиқаришнинг ҳеч кераги йўқ эди. Тўппа-тўғри шу 25 рукнни кўрсатиб, байтнинг булардан қандай тузулишини кўрсатмак тузукроқ бўларди: 35 сонини бирдан кўп кўрган арузчилар қулайлиқ бўлсун деб, уни саккизга тушурганлар; сўнгра «фаръи(й) рукнлар» ва «зуҳофот» каби маъносизликлар билан аввалгидан ҳам ёмонроқ қийин ҳолга тушуб қолганлар.

Бу уларнинг иккинчи хатолари. Арузчилар ишни хато нуқтадан бошланганлари учун (юқорида кўрсатганимиз икки хатога тушмаганларида ҳам) арузни бу кунги қийинчиликлардан қутқаза олмасдилар. «Сабаб», «ватад»ларга киришмаганда, рукнларни асли(й), фаръи(й) демаганда, зуҳофотни ўйламаганда ҳам арузнинг қийинлиги яна тамоман йўқолмас эди. 35 хил ҳижо тўпламини *фаулун*, *мафойилун* қолиблари орқали ёдда сақлаб, шулардан байтлар тўқушнинг ўзи, албатта, енгил эмас. Фикримизча, арузчиларни бу қадар қийинлиққа тушурган бош хато –

мавжуд газаллардан ҳар бирини айрим ва мустақил суратда текшира олмаганларидир.

Араб-эрон арузида мавжуд газалларнинг ҳаммасини ёш адабиётчиларимизнинг танқидий истеъфодасига очиб арз этмак мақсади билан ёзилган бу асарда мен қадим арузчиларнинг хатоларидан мумкун қадар қочишга, қутулишга урундим. Эрон-араб арузида мавжуд вазнларнинг ҳар бирини айрим ва мустақил тарзда текширдим, мана шу натижаларга эришдим:

Араб-эрон арузида бир шеърнинг бутун мисраъларида ҳижоларнинг сони ва қисқалиқ, тўлуқлиқ кайфиятлари бир миқдор ва бир тартибда бўлади.

Бошлаб ҳижоларни санадим: олтилик, саккизлик, тўққузлик, ўнлик, ўн бирлик, ўн иккилик, ўн учлик, ўн тўртлик, ўн бешлик, ўн олтилик, ўн саккизлик, йигирмаликдан иборат 12 хил вазн (эски арузчиларча айтганда, 12 баҳр) чиқди. Бу 12 «баҳр»нинг ҳар биридан қисқа, тўлуқ ҳижоларнинг жой ўзгартишлари билан айрим-айрим вазнлар йиғилгани кўрулди. Мана шу тариқада саксонга яқин вазн тартибга олинди. Ҳар мисраъдаги қисқа, тўлуқ ҳижоларнинг тартибларини ўрганиш учун бошлаб, қисқа ва тўлуқ ҳижолар учун маълум бўлган ишоратларни олдим:

қисқа ҳижо:	V
тўлуқ ҳижо:	—

Сўнгра ҳижоларни иккитадан қилиб текширдим:

ёндош келган икки тўлуқ ҳижо:	— —
ёндош келган икки қисқа ҳижо:	V V
бир тўлуқ, бир қисқа ҳижо:	— V
бир қисқа, бир тўлуқ ҳижо:	V —
бир тўлуқ ҳижо:	—

Ҳижолари жуфт бўлган мисраълар юқоридаги тўрт ҳижо билан текширилади. Тоқ ҳижоли мисраънинг бир ҳижоси ё мисраъни охирида ё мисраъ орасидаги туроқ жойига келади ва ҳар вақт тўлуқ ҳижо (—) қийматида бўлади.

Қадимги арузчилар ҳижоларни ўқумоқ учун *фаулун*, *мафойлун*лардан муштарак сўзлар, қолиблар тузганлар. Бун юқорида кўрдик. Уларнинг бу ишлари жуда яхши ва жуда тўғри бир иш. Чунки шеър вазнини қулоқ воситаси билан ўлчаш шу йўл соясидагина бўлади. Мен қадим арузчиларнинг шу ишларидан фойдаландим. Бироқ, уларнинг

фаулунларини олмадим. Юқорида кўрсатканим ишоралар учун классик музикамизнинг усул қолибларини (чирманда усулини) қабул қилдим:

— —	бакко
V V	бака
— V	бакка
V —	бако
—	бак

Араб-эрон арузидаги вазнларнинг баъзисида ҳар мисраъда бир ё икки туроқ бўлади. Мен бунинг учун (*) ишорати қўйдим ва «ист» исмини бердим. *Байт*, *мисраъ* терминларини айнан сақладим. Бир мисраънинг «ист» билан бўлунган парчаларига *бўлум* дедим. Бир мисраъда такрорланган ҳижо тўдаларига *тўплам* (стопа) исмини бердим.

Асар илмий текшириш асари бўлгани-чун илмий текшириш ишларида ёрдам қилар умиди билан яна бир иш қилдим. Ҳар вазнни ўз йўлим билан кўрсаткандан кейин унинг бугунги исми ва арузи(й) «тақтиъ»ини (ўлчовини) ҳам кўрсатдим. Вазнларни аслий рукнларга ва 19 баҳрга тақсим этиш ўрнида саксонга қадар вазннинг ҳижоларини санаб, 6, 8, 9, 10, 11, 12, 13,14, 15, 16, 17, 18, 20 лик унвонлари билан *12 туркумга* ажратдим.

Мана шу асосда янги вазнлар тузиш имкониятини ҳам жой-жойида кўрсатиб ўтдим.

Ҳижоларни ўлчашда янглишмаслиқ учун тубандаги баъзи қайдларни назарга олиш керак бўлади:

1) *ранг*, *жанг*, *шаҳр*, *наҳр*, *раҳм* каби бир қисқа чўзги ва уч товушдан тузулган ҳижолар мисраъ охиридагина бир тўлуқ ҳижо (—) қийматида юриб, бошқа жойда бир тўлуқ, бир қисқа (— V) ҳижо қийматида юрадир, мисол:

Наҳрлар тошар

— V — V —

азмлар ошар

— V — V —

жуда жиддий бир ранг тақди;

V — — V — — V — —

2) *шароб*, *истиқбол*, *иқбол*, *қарор* сўзларининг охириги ҳижолари бўлган «роб, бол, рор» каби бир узун чўзги ва икки товушдан тузулган ҳижолар ҳам юқоридаги қийматда юради, мисол:

Кулар букун баҳорлар
V – V – V – V –
Очилди лолзорлар
V – V – V – V –

3) *га, да* каби бир қисқа чўзги билан бир товущдан тузулган ҳижола ҳақиқатда бир қисқа ҳижо бўлсалар ҳам баъзан «ударение» олиб, тўлуқ ҳижо қийматида юрадилар:

Жуда жиддий бир ранг тақди;
V – – V – – V –

4) сўз бошида бўлган ҳижо чўзгиларнинг биртаси билан бошланса, баъзан шу чўзги аниқлаб ўқулади: бу ҳолда ўлчовида ҳеч бир ўзгариш кўрулмайди:

Нечун марҳамат этмадинг оҳима.
V – – V – – V – – V –

Баъзан мазкур чўзгини вазннинг талаби билан аниқламайдилар, ундан бурунги сўзнинг сўнгги товуши билан аралаштириб ўқуйдилар, бу вақтда иш бир оз бошқалашади. Масалан, *хабар эт* жумласи икки сўз, иккинчиси (э) чўзгиси билан бошланади. Бундаги «э»ни аниқлаб ўқуганимизда, мазкур жумланинг вазни (V – –) бўлади. Аниқламай ўқусақ, (*хаба рет*) шаклига кириб, вазни (V V –) бўлади.

АРУЗ ВАЗНЛАРИ ВА НАМУНАЛАРИ

Олтиликлар туркуми

Бунда бир вазн бор.

Ҳар мисраъ – – V V – – тўпламидан иборат бўлади:

Бер чолғуни менга
Бер мен уни чолай
Қалбимда аланга,
Доҳимни сўроқлай.
Қон, қон дея бир ўқ
Қалбдан тешиб ўтди.
Карвонида ул йўқ,
Қурбон бўла кетди.

*Эргаш («Ишқ» тўпламидан)*²⁹

Ўлчови:

Бер чолғуни менга
– – V V – – (бакко бака бакко)

Бер мен уни чолай
 -- V V --
Қалбимда аланга
 -- V V --
Доҳимни сўроқлай
 -- V V --
Қон, қон дея бир ўқ
 -- V V --
Қалбдан тешиб ўтди
 -- V V --
Карвонида ул йўқ
 -- V V --
Қурбон бўла кетди
 -- V V --

Саккизликлар туркуми

Бу туркумда икки вазн бор:

1. Бу вазнда қисқа ҳижо йўқ, икки тўлуқ ҳижодан иборат бўлган -- (бакко) тўпламининг тўрт дафъа такроридан бир мисраъ тузулади.

Ҳар мисраъ бир «ярим ист» воситаси билан иккига бўлунади. Ярим «ист» бармоқ вазнидаги «туроқ»лар миқдориди.

Бир мисраъ: -- -- -- / -- -- --

Ёмғурлардан ер жонланди,
Кўкламликлар сувдан қонди.
Қорлар, музлар бирдан битди,
Қиш чиндан ҳам биздан кетди.

Булбул қушлар сайрашмоқда,
Бизнинг колхоз яйрашмоқда.
Коллектив иш гуллар сепди,
Қиш чиндан ҳам биздан кетди.

Ўлчови:

Ёмғурлардан ер жонланди
 -- -- -- / -- -- --
Кўкламликлар сувдан қонди
 -- -- -- / -- -- --
Қорлар музлар бирдан битди
 -- -- -- / -- -- --
Қиш чиндан ҳам биздан кетди
 -- -- -- / -- -- --

Булбул қушлар сайрашмоқда

----- / -----

Бизнинг колхоз яйрашмоқда

----- / -----

Коллектив иш гуллар сенди

----- / -----

Қиш чиндан ҳам биздан кетди

----- / -----

Араб-эрон арузида бу вазннинг исми «мутадорик-мусамман-мақтуъ», ҳар мисраъини 8 дафъа «фаълун» билан ўлчайдилар. Бутун ҳижолярнинг тўлуқ бўлуши бу вазни баситлаштириб бармоқ вазни билан бирлаштирган. Шунинг учун бу вазни бармоқ ва аруз системалари орасида муштарак бир вазн деб қабул қилиш мумкун.

II. Бу вазн такрорсиздир, ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 3+5 тарзида иккига бўлунади:

Биринчи бўлуми — V V — —

Иккинчи бўлуми — — — тўпламидан иборатдир:

*Ишларимизни бўлдурдиқ,
Душманимизни сўлдурдиқ,
Бизда зафарлар кулмакда,
Бизда планлар тўлмоқда.
Бизда курашсиз дам йўқдир,
«Ёв кўп экан» деб ғам йўқдир,
Кўзларимизда нам йўқдир,
Бизда зафарлар кулмакда,
Бизда планлар тўлмоқда.*

Ўлчови:

Ишларимизни бўлдурдиқ (бакка бако бак бакко бак)

— V V — — * — — —

Душманимизни сўлдурдиқ

— V V — — * — — —

Бизда зафарлар кулмакда

— V V — — * — — —

Бизда планлар тўлмоқда

— V V — — * — — —

Бизда курашсиз дам йўқдир

— V V — — * — — —

«Ёв кўп экан» деб ғам йўқдир

— V V — — * — — —

Кўзларимизда нам йўқдир
 – V V – – * – – –
Бизда зафарлар кўлмакда
 – V V – – * – – –
Бизда планлар тўлмоқда
 – V V – – * – – –

Араб-эрон арузида бу вазннинг оти «Сарий-матвий-макшу-мақтуъ»дир. «Муфтаилун мафъулун фаъ» билан ўлчайдилар.

Шуни тескарига, яъни 3+5 га айлантирганда бундан музикалироқ бир вазн чиқадир:

Нам йўқдир кўзларимизда
 (бако бак бакка бако бак)
 – – – * – V V – –
Ғам йўқдир ўзларимизда
 – – – * – V V – –
Тўлмоқда бизда планлар
 – – – * – V V – –
Кулмакда бизда зафарлар
 – – – * – V V – –

Тўққузлик туркуми

Бу туркумда ҳам икки вазн бор:

I. Биринчисида ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 5+4 тарзида иккига бўлунади.

Биринчи бўлум – V V – –

Иккинчи бўлум – V V – тўпламидан иборатдир. Демак, бу вазнда – V V – – тўпланининг иккинчи дафъа қайтарилишида бирта (–) тўлуқ ҳижо тушуб қолади.

Ишларимизни бўлдурамыз
 (бакка бако бак бакка бако)
 – V V – – * – V V –
Юзларимизни кулдурамыз
 – V V – – * – V V –
Соғ била «сўл»ға зарба бериб
 – V V – – * – V V –
Пахта планини тўлдурамыз.
 – V V – – * – V V –

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мутақориб-ас-

рам-мақсур» бўлиб, ҳар мисраъни «фаа фаулун фаа фаул» билан ўлчайдилар.

II. Иккинчидан, ҳар мисраъ V — — тўпламининг «ист»-сиз уч дафъа такроридан ҳосил бўлади:

*Йигит ўртоғим менга боқди,
Жуда жиддий бир ранг тақди.
Деди: мен билан сен борайлик,
Планни тузукрак қурайлик.
Кураш майдонига кирайлик,
Ки синфий ёви камбағални,
Енгиб чиқмасин бўл жадалдан.*

Ўлчови:

*Йигит ўртоғим менга боқди,
V — — V — — V — —
Жуда жиддий бир ранг тақди*.
V — — V — — V — —
Деди: мен билан сен борайлик,
V — — V — — V — —
Планни тузукрак қурайлик.
V — — V — — V — —
Кураш майдонига кирайлик,
V — — V — — V — —
Ки синфий ёви камбағални,
V — — V — — V — —
Енгиб чиқмасин бўл жадалдан.
V — — V — — V — —*

Бунинг араб-эрон арузида исми «Мутақориб-мусаддас-солим» бўлиб, ҳар мисраъни уч дафъа «фаулун» билан ўлчайдилар.

Ўнликлар туркуми

Бу туркумда етти вазн мавжуддир.

I. Бу вазнда бир мисраъ 4 қисқа ва олти тўлуқ ҳижо-нинг «ист»сиз ва аралаш тизилишидан ҳосил бўлади:

— — V V — V — V — —

Бу чиройлик вазннинг исми араб-эрон арузида «Ҳазаж-мусаддас-ахраб-макфүф-мақсур»дир.

* Форси(й)ча *ранг* бир ҳижо бўлиб, бир чўзги ва уч товушдан тузган. Юқорида кўрсатганимиз қоидага кўра бир ярим (бир тўлуқ бир қисқа) ҳижо қийматида юради.

Исмидан онглашилгани каби, асосан, ҳажаж баҳридан саналгани ҳолда арабларда йўқдир. Эрон шеъриси бу вазнда чиройлик маснавийлар бор. Низомий, Хусрав, Жомӣ(й) каби эрон ва ҳинд-эрон шоирларининг «Лайло, Мажнун» дostonлари шу вазнда ёзилган. Фузули(й) ва Навоийининг ҳам «Лайло, Мажнун» дostonлари шу вазнда.

*Кун гарм бўлуб ҳалоки жонга,
Лайли каби ўт солиб жаҳонга.*

Тинмай югуриб қуйун такидин,
Ўт узра оёғи куймагидин.*

*Хуршид ҳароратидин анжум**
Ер сояси остида бўлуб гум.*

*Тоғдин киши ким тилаб нишони,
Бир тўда қизил кул онглаб ани*

*Жисминдағи оташин камарлар***
Андоқки кул ичра ўт кўмарлар.*

(Навоийининг «Лайло, Мажнун» идан)³⁰

Ўлчови:

*Кун гарм бўлуб ҳалоки жонга,
— — V V — V — V — —*

*Лайли каби ўт солиб жаҳонга.
— — V V — V — V — —*

*Тинмай югуриб қуйун такидин,
— — V V — V — V — —*

*Ўт узра оёғи куймагидин.
— — V V — V — V — —*

*Хуршид ҳароратидин**** анжум...
— — V V — V — V — —*

*Андоқки кул ичра ўт кўмарлар³¹.
— — V V — V — V — —*

Эрон шоирлари бу вазнда асар ёзганда мисраъларидан

* Қуйун — ел; так — югуриш, чопиш; бул «такидин» сўзида чўзгини ясама чўзиш бор.

** Хуршид — қуёш, анжум — юлдузлар.

*** Оташин камарлар — оловли камар.

**** Бу парчадаги «ҳароратидин» сўзида (ти) ҳижоси, «тўда» сўзида (тў) ҳижоси ғайритабиий чўзилади.

бир ҳижо тушуриб, тўққузликқа айлантирадилар. Бунга «Сактамалиҳ» исмини берадилар ва ёқтирадилар. Бу бир ҳижо камайтириш, албатта, мисраънинг биринчи ярмисини ташкил қилган V V – ҳижоларни тўрт тўлуқ ҳижога айлантириш билан бўлади:

— — — — шундай бўлгач, — — V V – V – V — — тарзида давом этган мисраълардан биртаси — — — — V – V — — формасига киради.

Буни Фузули(й) билан Навойида ҳам кўп учратиш мумкин. Мана Навойидан мисол:

*Тирноқларин чу юзга қўйди,
— — V V – V – V — —
Тирноқ тирноқча ерлар ўйди.
— — — — V – V — —*

Бу вазннинг эрон-араб арузида исми «ҳазаж-мусаддас-ахраб-макфуф» бўлиб, ҳар мисраъини «мафувлу мафойилун фаувлун» билан ўлчайдилар.

II. Бунда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 5+5 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлум — — V — — тўпламидан иборат бўлади.

Демак, бу вазнда ҳар мисраъ — — V — — тўпламининг бир «ист» воситаси билан икки дафъа қайтарилишидан ҳосил бўлади. Бизда баъзан бир мисраънинг тизилиши шундайдир: — — V — — * — — V — —

*Арзим ни ай тай боди сабо га
— — V — — * — — V — —
Биздан дуо денг ул бе вафо га
— — V — — * — — V — —
Эй ё рижо ним бе меҳ рэкан сан
— — V — — * — — V — —
Раҳм ай ламас сан ман мубталого
— — V — — * — — V — —*

Бунинг араб-эрон арузида исми «Мутақориб-мусамман-аслам»дир. Ҳар мисраъини икки дафъа «фаълун, фаулун» билан ўлчайдилар.

III. Бунда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 5+5 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлumi — V – V – тўпламидан иборат бўлади.

Бир мисраъ: — V – V — * — V – V—

Чиқди сабзалар лолалар билан,
– V – V – * – V – V –
Қолди лолалар золалар билан,
– V – V – * – V – V –
Кўзга жилвагар янги бир жаҳон,
– V – V – * – V – V –
Боғу бўстон, боғу бўстон.
– V – V – * – V – V –

Наҳрлар тошар азмлар каби,
– V – V – * – V – V –
Шаҳарлар яшар базмлар каби,
– V – V – * – V – V –
Ўлка яшнаган, чехралар чаман,
– V – V – * – V – V –

Ҳар саҳар қуёш юксалар экан.
– V – V – * – V – V –
Нағмалар учар, нағмалар учар,
– V – V – * – V – V –
Пахтакорлар, пахтакорлар,
– V – V – * – V – V –
Ортда қолмасин пахтазорлар
– V – V – * – V – V –

*Н. Раҳимий*³²

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мутадорик-мусамман-махбун-мақтуъ»дир. Ҳар мисраъини икки дафъа «фоилун фаал» билан ўлчайдилар.

IV. Бунда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 5+5 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлуми V – V – – тўпламидан иборатдир. Демак, бу вазнда ҳар мисраъ V – V – – тўпланининг икки дафъа такроридан ҳосил бўлади.

Саҳар чаманда насим эсаркан,
V – V – – * V – V – –
Гул узра бир қуш сурур оларкан,
V – V – – * V – V – –
Ҳаёт ҳар ён қадам босаркан,
V – V – – * V – V – –
Биз иккимиз ҳам ғурурлар-ла,
V – V – – * V – V – –
Сурурлар-ла оёқ босардиқ,
V – V – – * V – V – –
Вазифамизга қараб борардиқ.
V – V – – * V – V – –

Бу вазнининг араб-эрон арузида исми «Мутақориб-мусамман-мақбуз-аслам»дир. Икки дафъа «фаулу фаълун» билан ўлчайдилар. Тожик шоирларидан бухороли Исмат³³ бунинг икки мисраъини бир мисраъ қилиб, уч «ист» воситаси билан 5+5+5+5 тарзида тўртга бўлган ва йигирмаликка чиқарган.

Бир мисраъ: V – V – – * V – V – – * V – V – – * V – V – –. Хоразмлик Комилнинг³⁴ ҳам мазкур Исматга тақлидан бир ғазали бор.

V. Бунда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 5+5 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлуми V – V V – тўпламидан иборатдир.

Бир мисраъ: V – V V – * V – V V –

Қуёш нақадар гўзал куладир,

*V – V V – * V – V V –*

Қараб тепанинг чаман бошидан.

*V – V V – * V – V V –*

Бунинг исми «Вофир-мураббаъ-солим» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «муфоалатун» билан ўлчайдилар.

VI. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 5+5 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлуми – V V – – тўпламидан иборат бўлади. Бир мисраъ – V V – – * – V V – –

Эй юзи насрин қомати шамшод,

*– V V – – * – V V – –*

Неча қилурсан жонима бедод.

*– V V – – * – V V – –*

Сен каби пуркор шеваси бисёр,

*– V V – – * – V V – –*

Билмади эй ёр ҳеч киши ёд...

*– V V – – * – V V – –*

Жаврда нодир, зулмда моҳир,

*– V V – – * – V V – –*

Ишвада қодир, ғамзада устод.

*– V V – – * – V V – –*

Бобир³⁵

Бунинг араб-эрон арузида исми «Мутақориб-мусамман-асрам» бўлуб, ҳар мисраъини икки дафъа «фаа, фаулун» билан ўлчайдилар.

VII. Бу вазнининг ҳар мисраъида икки дафъа қайта-

рилган V V — — тўпламининг бош томонидан — — «қўш ҳижо» қўюлади. «Ист»и йўқдир.

Бир мисраъ: — — V V — — V V — —

Су(в) бўйида сассиз ва садосиз,

— — V V — — V V — —

Юлдуз каби хуш жозиба бир қиз,

— — V V — — V V — —

Ястанмиш эди сабзалар узра,

— — V V — — V V — —

Шўх кўзларини, ноз ила ўйнаб.

— — V V — — V V — —

Учган капалакларга тикарди

— — V V — — V V — —

Нур шохчасидек пармоғи бирла

— — V V — — V V — —

Ўйлабгина сочларни тарарди.

— — V V — — V V — —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ҳазаж-мусад-дас-ахраб-маҳзуф» бўлиб, ҳар мисраъини «мафъулу ма-фоййлу фаулун» билан ўлчайдилар.

Ўнбирликлар туркуми

Бу туркумда ўн вазн бор. Ҳаммаси «ист»сиз.

I. Бу вазннинг ҳар мисраъида — V — — тўплами уч дафъа қайтарилиб, охирисидан сўнг ҳижо тушуб қолади.

Бир мисраъ: — V — — — V — — — V — .

Лаълидин жонимға ўтлар ёқилур,

— V — — — V — — — V —

Қоши қаддими жафодин ё қилур,

— V — — — V — — — V —

Мен вафоси ваъдасига шод мен,

— V — — — V — — — V —

Ул вафо билмамки қилмас ё қилур.

— V — — — V — — — V —

Лутфий³⁶

Араб-эрон арузида бу вазннинг исми «Рамал-мусад-дас-маҳзуф» бўлиб, ҳар бир мисраъини «фоилотун фоилотун фоилун» билан ўлчайдилар.

II. Бу вазннинг ҳар мисраъида V V — — тўплами уч

дафъа қайтарилади. Учинчи дафъа охириги тўлуқ ҳижо тушуб қолади.

Бир мисраъ: V V — — V V — — V V —.

Бу вазнда мисраънинг биринчи қўш ҳижоси бўлган VV ни баъзи мисраъларда — V формасига солиш ҳам мумкин бўлгани каби, охириги V V — тўпламни — — формасига солиш ҳам мумкин.

Ким эди Боқийи Тархон билингиз

V V — — V V — — V V —

Билибон қисса сариға келингиз

V V — — V V — — V V —

Ўзи Абдул Алибек фарзанди

V V — — V V — — — —

Қурратул айни бажоҳ пайванди

— V V — — V V — — — —

Отаси давлатида мирзоёе

V V — — V V — — — —

Ҳар замон бошида бир савдоёе

— V V — — V V — — — —

(Муҳаммад Солиҳ)³⁷

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Рамал-мусаддас-махбун-маҳзуф»дир. Ҳар мисраъини «фаилотун фаилотун фаилун» билан ўлчайдилар.

III. Бу вазнда ҳар мисраъ бир ҳижо тўпламининг такроридан эмас, беш қисқа ва олти тўлуқ ҳижонинг «ист»-сиз ва аралаш тизулишидан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: —V — — V— V — V V —.

а) бу мисраънинг биринчи қўш ҳижосини VV формасига солиш ҳам мумкин.

б) мисраънинг охиридаги V V — ҳижоларини — — формасига солиш ҳам мумкин, буларнинг ҳаммаси бир вазн саналади.

Демак, бу вазн:

— V — — V — V — V V —

V V — — V — V — V V —

— V — — V — V — — —

формаларининг ҳаммасидан иборатдир. Бу вазнда рамкани бу қадар кенг олишга сабаб мазкур уч формадаги ўзгаришларнинг оҳангида сезилмаслик даражада бўлгандир.

*Ул парининг ҳаримиға гузар эт,
Мени девона ҳолидин хабар эт.*

*Дегил аввал анга саломимни,
Яна арз айла бу паёмимни.*

*Ким санго номалар равон қилдим,
Ҳолатимнинг барин баён қилдим.*

(Бобир)³⁸

Ўлчови: *Ул па рининг ҳари мига гуза р эт,
— V — — V — V — V V —*

*Мени дево на ҳолидин хаба р эт.
V V — — V — V — V V —*

*Деги л аввал анга сало мимни,
V V — — V — V — — —*

*Яна арзай ла бу паё мимни.
V V — — V — V — — —*

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Хафиф-махбун-мақтуъ»дир. Ҳар мисраъини «фаилотун мафоилун фаилун» билан ўлчайдилар.

IV. Бу вазнда ҳам такрор ва «ист» йўқ. Бир мисраъ уч қисқа ва саккиз тўлуқ ҳижонинг аралаш тизилишидан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: — V — — V — V — — — —.

Бунда ҳам мисраънинг бошида бўлган қўш ҳижони V V формасига айлантириш мумкун.

*Боғ аро гул юзингни сен очғанда
— V — — V — V — — — —*

*Лолалар чехрасида қон қолмайдир.
— V — — V — V — — — —*

*Сочларингни тараб йипар сочғанда
— V — — V — V — — — —*

*Мушки анбарга қадру сон қолмайдир.
— V — — V — V — — — —*

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Хафиф-мушаъс» бўлиб, ҳар мисраъини «фоилотун мафоилун мафъулун» билан ўлчайдир.

V. Бу вазннинг ҳар мисраъида — V V — тўплами уч дафъа такрор этилади ва учинчи тўпламдан учинчи ҳижо тушиб қолади.

Бир мисраъ: — V V — — V V — — V —.

Шоир Муқимийнинг «Андижон зилзиласи тарихи» билан
икки-уч ҳажвияси ва шу қатордан «Танобчи»си шу вазнда:

Саллалари бошларида оқ сават,
– V V – – V V – – V –

Кўрна тагида ҳама ўн уч қават,
– V V – – V V – – V –

Қайсики қишлоққа тушар отидин,
– V V – – V V – – V –

Элни йиғиб воқиф этар зотидин.
– V V – – V V – – V –

Дерки, кўзунга ҳали кал жўжаман,
– V V – – V V – – V –

Махдум Абзамлик ўзим хўжаман,
– V V – – V V – – V –

Бизларга Эрхуб бўладурлар тоға,
– V V – – V V – – V –

Аммамизни эрларидир Нурота.
– V V – – V V – – V –

Муқими(й)³⁹

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Сарий-мусад-
дас-матви-мавқуф» бўлиб, ҳар мисраъини «муфтаилун
муфтаилун фоилун» билан ўлчайдир.

VI. Бу вазннинг ҳар мисраъида V – – тўплами тўрт
дафъа такрор этилади ва тўртинчи тўпламидан сўнгги ҳижо
тушиб қолади.

Бир мисраъ: V – – V – – V – – V –.

Эрон адабиётида Фирдавси(й)нинг «Шоҳнома»си, Низо-
ми(й)нинг «Искандарнома»⁴⁰си ва бир кўп жангномалар шу
вазнда ёзилган. Қадим уйғур адабий ёдгори бўлган «Қутадғу
билиги» билан Навоийнинг «Искандарнома»си ҳам шу вазнда.

Сабо эснайур, кўр, ёғоч енг солур,
V – – V – – V – – V –

Булут йиғла юрда чечаклар кулур,
V – – V – – V – – V –

Бу мундоғ чечакликда кўнглум бугун.
V – – V – – V – – V –

Сенинг бирла ўлтуруб овунмоқ тилар
V – – V – – V – – V –

*Рабғузий**

* Миён Бузрук бу парчани бармоқ ва аруз вазнларининг аралашга-
нидан ҳосил бўлган деган, янглишдир. Юқорида бу ҳақда сўз бўлди.

Пари чехралар кўн жафо қилдилар,
V — — V — — V — — V —
Гаму дард ила мубтало қилдилар,
V — — V — — V — — V —
Менинг рўзгорим қаро қилдилар,
V — — V — — V — — V —
Жафокорлар дур жафокорлар.
V — — V — — V — — V —

Муҳаммад Алихон⁴¹

Араб-эрон арузида бунинг исми «Мутақориб-мусамман-маҳзуф» бўлиб, ҳар мисраъини «фаулун фаулун фаулун фаул» билан ўлчайдилар.

VII. Бу вазннинг ҳар мисраъида V — — — тўплами уч дафъа такрор этилади, бироқ учинчи дафъа тўпламнинг охириги бир ҳижоси тушиб қолади.

Бир мисраъ: V — — — V — — — V — —.

Форсчада Низоми(й), Жоми(й), Хусравларнинг «Хусраву Ширин»лари шу вазндадир. Навойининг «Фарҳоду Ширин»и ҳам шу вазндадир.

Бу дам ким бўлди савдойи димоғи,
V — — — V — — — V — —
Маразларга тўланди жисми доғи.
V — — — V — — — V — —
Кўнгулда қолмади сабру қарори,
V — — — V — — — V — —
Элигдин борди барча ихтиёри.
V — — — V — — — V — —

(Навоий)⁴²

Араб-эрон арузида бунинг исми «Ҳазаж-мусаддас-мақсур» бўлиб, ҳар мисраъини «мафойилун-мафойилун-фаулун» билан ўлчайдилар.

VIII. Бу вазнда ҳар мисраъ беш қисқа ва олти тўлуқ ҳижонинг аралаш тизилишидан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: V — — V — V — V V — —.

Сенинг оразингни боғ аро кўргач,
V — — V — V — V V — —
Гулу ё суманга ким соладир кўз.
V — — V — V — V V — —

Менинг гамли оҳу нолаларимни,
V — — V — V — V V — —
Сабо сўйлабе(р) хабар санамимга.
V — — V — V — V V — —

Араб-эрон арузида бунинг исми «Музорий-мусаддас-макфуф-маҳзуф»дир. Ҳар мисраъини «мафойилу фоилоту фаулун» билан ўлчайдилар.

IX. Бу вазнда ҳар мисраъ 5+6 тарзида иккига бўлунади, фақат ораларида «ист» бўлмайди.

Биринчи бўлум — — V — V — ;

иккинчи бўлум V V — — тўпламидан иборат бўлади:

Мисраъ: — — V — V — V V — — .

Кулбамда бир нафас ўтиролмасдан
— — V — V — V V — — —

Ҳижрон жафоларин гапуролмасдан
— — V — V — V V — — —

Дарров чиқиб келиш бу зулумдир, бу
— — V — V — V V — — —

Мендек асир учун ўлумдир бу.
— — V — V — V V — — —

Бунинг араб-эрон арузида исми «Мунсарих-мусаддас-ахраб-макфуф» бўлиб, ҳар мисраъини «мафъулу фоилоту мафойилун» билан ўлчайдилар.

X. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 5+6 тарзида иккига бўлунади:

Биринчи бўлуми — — V V — — ;

иккинчи бўлуми V — V — — тўпламидан иборат бўлади.

Бир мисраъ: — — V V — — * V — V — — .

Бизларда курашлар зафар ўпушган,
— — V V — — * V — V — —

Бизларда зафарлар кураш қучушган.
— — V V — — * V — V — —

Отган ўқумиздан ҳадаф⁴³ қочолмас,
— — V V — — * V — V — —

Чеккан тифимиздан тараф қочолмас.
— — V V — — * V — V — —

Бу вазнининг араб-эрон арузида исми «Қариб-мусаддас-ахраб-макфуф» бўлиб, ҳар мисраъини «мафъулу мафойилу фоилотун» билан ўлчайдилар.

Ўн икки ҳижоликлар туркуми

Бу туркумда 12 вазн мавжуддир.

I. Бу вазнда ҳар мисраъда V V – тўплами учта ярим «ист» билан тўрт дафъа такрор этилади. Ярим «ист»ларда турмай ўтуш ҳам мумкун.

Бир мисраъ: V V – V V – V V – V V –.

Борамиз, борамиз далаларни ёриб,

V V – V V – V V – V V –

Ватан ишларини тузатиб, бажариб,

V V – V V – V V – V V –

Мана чашмаларин кулишиб оқиши,

V V – V V – V V – V V –

Гулу лолаларин безагин тақиши.

V V – V V – V V – V V –

Қуёшин азамат сочучи кўзига,

V V – V V – V V – V V –

Мана боғчаларин севиниб боқиши,

V V – V V – V V – V V –

Далаларни ўйунга солиб борамиз,

V V – V V – V V – V V –

Ишимизни назарга олиб борамиз.

V V – V V – V V – V V –

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мутадорик-мусамман-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт «фаилун» билан ўлчайдилар.

Қадим эрон шоирлари бу вазнга «Номатбуъ» (яъни, ёқимсиз) деб, бунда жуда оз шеър ёзганлар. Сўнгги асрларда баъзилари икки мисраъни бир мисраъ қилиб, уни 24 лик вазнга чиқариб шеър ёздилар.

Машҳур Бедилнинг мана шу йигирматўртлик «Номатбуъ»да жуда ёқимли парчалари бор.

II. Бу вазнда ҳар мисраъ – V – – V – тўпламининг «ист»сиз икки дафъа такроридан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: – V – – V – – V – – V –.

Сурмадан кўзларини қаро қилдилар,

– V – – V – – V – – V –

Бизни юз дард ила мубтало қилдилар.

– V – – V – – V – – V –

Биз дуо айлаганда сўкуб ўтдилар,
– V – – V – – V – – V –
Биз вафо излаганда жафо қилдилар.
– V – – V – – V – – V –

Ҳашмат⁴⁴

Араб-эрон арузида бунинг исми «Мутадорик-мусамман-солим» бўлуб, ҳар мисраъини тўрт «фоилун» билан ўлчайдилар.

III. Бу вазнда ҳар мисраъда V – тўплами олти дафъа «ист»сиз такрор этилади.

Бир мисраъ: V – V – V – V – V – V –.

Фироқ аламлари билан саҳаргача
V – V – V – V – V – V –
Олов тиконлар узра талпинар эдим.
V – V – V – V – V – V –
Сенинг гўзал қулушларингни ёд этиб,
V – V – V – V – V – V –
Замон-замон кўнгулни шод этар экан.
V – V – V – V – V – V –
Видоё этиб жўнаш замонин эслагач,
V – V – V – V – V – V –
Яна заҳарли ёш тўкар, турар эдим.
V – V – V – V – V – V –

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусаддас-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини уч дафъа «мафоилун» билан ўлчайдилар.

IV. Бу вазнда ҳар мисраъ иккита «ярим ист» билан 4+4+4 тарзида уч бўлумга бўлунади. Ҳар бўлуми – – V – тўпламидан иборатдир.

Бир мисраъ: – – V – – – V – – – V –.

Чиқдинг саҳар том устига юзни очиб,
– – V – – – V – – – V –
Тер дондан гулбарг уза шабнам сочиб.
– – V – – – V – – – V –
Оқ танни оқ кўйлак қучиб олган эди,
– – V – – – V – – – V –
Рашки менинг бағримға ўт солган эди.
– – V – – – V – – – V –

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусаддас-солим» бўлиб, уч дафъа «мустафъилун» билан ўлчайдилар.

V. Бу вазннинг бир мисраъи — V — — тўпламининг уч дафъа «ист»сиз такроридан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: — V — — — V — — — V — — .

*Кел эшит, жоним, дилимнинг можаросин,
— V — — — V — — — V — —*

*Бир боқиб қил чора дарди бедавосин.
— V — — — V — — — V — —*

*Бир табассум нури бирла кетгиз, эй гул,
— V — — — V — — — V — —*

*Булбули шўриданинг бахти қаросин.
— V — — — V — — — V — —*

(Равнақ)⁴:

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Рамал-мусад-дас-солим» бўлиб, ҳар мисраъини уч «фоилотун» билан ўлчайдилар.

VI. Бу вазнда ҳар мисраъ V — — — тўпламининг уч дафъа «ист»сиз такроридан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: V — — — V — — — V — — — .

*Енгиб чиқдиқ кураш майдонида, биздан
V — — — V — — — V — — —*

*Зафар байроғини ҳеч ким ололмайди.
V — — — V — — — V — — —*

*Букулмас азмиғиз бор, чин қадамлар-ла
V — — — V — — — V — — —*

*Юрармиз, йўлни тоғлар ҳам тўсолмайди.
V — — — V — — — V — — —*

Араб-эрон арузида бу вазннинг исми «Ҳазаж-мусад-дас-солим» бўлиб, ҳар мисраъини уч дафъа «мафойилун» билан ўлчайдилар.

VII. Бу вазннинг ҳар мисраъида — V V — тўплами уч дафъа «ист»сиз такрор этилади.

Бир мисра: — V V — — — V V — — — V V — .

*Ўлтурайин қайда эса йўл тушаринг,
— V V — — — V V — — — V V —*

*Балки тушар мен сари ҳам бир назаринг.
— V V — — — V V — — — V V —*

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусад-дас-матви» бўлиб, ўлчови уч дафъа «муфтаилун»дир.

VIII. Бу вазнда ҳар мисраъ V — — V — — тўпламининг «ист»сиз икки дафъа такроридан ҳосил бўлади.

Бир мисра: V — — V — — V — — V — —.

Яна сенсиз оҳим ўти шуъла зандир

V — — V — — V — — V — —

Ки гардунға ҳар учқун оташ фикандир.

V — — V — — V — — V — —

Кириб ҳуж рам ичра кулу ўтни кўрсанг,

V — — V — — V — — V — —

Бу сўзон кўнгул ул бир озурда тандир.

V — — V — — V — — V — —

Қаён борса кўнглум анинг дардин истар,

V — — V — — V — — V — —

Недин ким мусофирга майли ватандир.

V — — V — — V — — V — —

(Навойи)⁴⁶

Араб-эрон арузида бунинг исми «Мутадорик-мусамман-солим» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «фаулун» билан ўлчайдилар.

IX. Бу вазннинг ҳар мисраъида иккита — V V — тўпламининг орасида битта —V—V тўплами ўрунлашган бўлади, «ист» йўқ.

Бир мисра: — V V — — V — V — V V —.

Сайра гўзал қуш, очилди тоза чаман,

— V V — — V — V — V V —

Оч, қанот оч, уч, ки синди эски қафас.

— V V — — V — V — V V —

Эски асоратли нолаларни унут,

— V V — — V — V — V V —

Қайғули сайрашларин замони эмас.

— V V — — V — V — V V —

Бунинг араб-эрон арузида исми «Мунсарих-мусаддас-матви» бўлиб, ҳар мисраъини «муфтаилун фоилоту муфтаилун» билан ўлчайдилар.

X. Бу вазннинг ҳар мисраъида иккита V V — — тўпламидан кейин бир V — V — тўплами келади. «Ист» бўлмайди.

Бир мисраъ: V V — — V V — — V — V —.

Бу вазннинг биринчи қўш ҳижоси бўлган V V ни баъзи мисраъларда — V формасига солиш ҳам мумкин.

Беракўр ул санамимдан сабо хабар,
V V — — V V — — V — V —
Ки фироқи мени бағримни ёндирар.
V V — — V V — — V — V —
Сол кўзимга қадаминг ғуборини,
— V — — V V — — V — V —
Йўқса ҳижрон мени тез кунда ўлдирар.
— V — — V V — — V — V —

Араб-эрон арузида бу вазннинг исми «Жадид-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини «файлотун файлотун мафоилун» билан ўлчайдилар.

XI. Бу вазннинг ҳар мисраъида иккита V V — тўпламининг орасида бир V — V — тўплами ўрунлашган бўлади.

Бир мисраъ: V V — — V — V — V V — —.

Бунда ҳам мисраънинг биринчи қўш ҳижоси бўлган VV ни баъзи мисраъларда — V формасига солиш мумкин.

Беракўр бир хабар сабо санамимдан,
V V — — V — V — V V — —
Ки фироқинда чиқди жон баданимдан.
V V — — V — V — V V — —

Юзи васли чаман-чаман гулим эрди,
V V — — V — V — V V — —
Менга бер мужда нозанин чаманимдан⁴⁷.
V V — — V — V — V V — —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Хафиф-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини «файлотун мафоилун файлатун» билан ўлчайдилар.

XII. Бу вазннинг ҳар мисраъида V — — V тўплами икки дафъа такрор этилиб, — V — — тўплами унга қўшулади.

Бир мисраъ: V — — V V — — V — V — —.

Курашлар ва заҳарлар-ла бирга ўсдик,
V — — V V — — V — V — —
Бутун тескариликлар-ла йўлни тўсдик,
V — — V V — — V — V — —
Не очлик била бизларга қўрқу солмоқ,
V — — V V — — V — V — —
Не ўтлар-ла, ўлумлар-ла ўчни олмоқ,
V — — V V — — V — V — —
Нолиб бўлмади душманга бир нафас ҳам⁴⁸.
V — — V V — — V — V — —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Қариб-макфуф» бўлиб, ҳар мисраъини «мафойилу мафойилу фоилотун» билан ўлчайдилар.

РУБОЪИ ВАЗНИ

Эрон шеърларида вазн эътибори билан нисбатан собит бир вазиятга эга бўлмагани классик рубоъидир.

Қадим эрон халқ адабиётига мансуб бўлганига шубҳа қилмаганимиз бу тарз шеърнинг вазни, юқорида кўрсатганимиз «арузи(й) хусусияти» рамкасига юз фоиз кирмайди ва кира олмайди.

Яъни рубоъи вазнининг ҳар мисраъида ҳижолар сон ва сифат эътибори билан айна миқдор ва айна тартибда бўлмайди.

Рубоъи вазнида бир мисраъ ўн ҳижолик бўлган ҳолда иккинчи мисраъ 13 ҳижоли бўла олади ва қисқа, тўлуқ ҳижо тартибини ҳам буза олади. Рубоъи вазни эрон халқ шеърининг жуда кўп севилган, жуда кенг тарқалган жонли бир вазни бўлгани учун буни аруз рамкасига киргизиш мумкин бўлмаган.

Фикримча, ўз кабинетларида ўтириб бу вазни аруз рамкасига олишга урунган схоластик аруз қоидачилари халқ орасига киргач, рамканинг титилиб қолганини кўрганлар ва ташаббуснинг имконсизлигини кўргач, бошқача чора топганлар:

Рубоъи учун йигирма тўрт вазн чиқарганлар ва у йигирма тўрт вазннинг ҳар бирига бир исм таққанлар, ундан кейин ҳаммасини «бир вазн» санаганлар! Яъни бир рубоъи учун шу «йигирма тўрт» вазннинг ҳар қандай тўрттасини олиш мумкин, деганлар. Бу йигирма тўрт вазннинг музика эътибори билан, асосан, бир бўлми уларнинг шундай бир ҳукум беришларига ёрдам этган.

Мен бу йигирма тўрт вазни ўзбек тилининг «мад»-сизлик хусусиятларига қараб ўн бешга тушириб, тубандаги схемани туздим:

«Рубоъи вазлари»нинг схемаси

1. ---	---	-----	}	ўнлик
2. -- V	V ---	-----		

3.	---	---	V V	-----	}	ўн бирликлар	
4.	---	- V	- V	-----			
5.	---	---	V -	V -			-----
6.	-- V	---	V V	-----			
7.	---	-----	- V V	-	}	ўн иккилик	
8.	-- V	V -	-----	V V -			
9.	-- V	V -	V -	V -			-----
10.	-- V	V -	- V V	-----			
11.	---	- V	- V	-			V V -
12.	---	---	V V	-	V V -	}	ўн учлик
13.	-- V V	-	V V	-	V V -		
14.	---	---	V V	-	V V -		
15.	-- V	V -	V -	V -	V V -		

Энди бир-икки мисол берайик:

Май таркини қилғали паришондур ман,
 -- V V - V - V -----
Билмам қилур ишимни, ҳайрондур ман,
 -- V V - V - V -----
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
 -- V V -- V - V -----
Мен тавба қилиб мену пушаймондир ман.
 -- V V - V - V -----

(Бобир)⁴⁹

Ғам дафъи учун соғари саҳбо⁵⁰ яхши
 -- V V -- V V -----
Ҳам суҳбат анга ҳамдами доно яхши.
 -- V V -- V V -----
Бу базм агар онлар ила топса вужуд,
 -- V V -- V V -----
Май сунғали бир соқийи барно яхши.
 -- V V -- V V -----

(Хувайдо)⁵¹

Андин бери ким қошимда ёрим йўқтур,
 -- V V - V - V -----
Ҳижронида жуз нолайи зорим йўқтур,
 -- V V - V - V -----
Дашт ичра қуюн каби қарорим йўқтур,
 -- V V - V - V -----
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.
 -- V V - V - V -----

(Навоий)⁵²

Ўнучликлар туркуми

Бу туркумда биргина вазн мавжуд бўлиб, у ҳам «ист»-сиздир. I. Юқорида кўрганимиз ўниккиликларнинг тўққузинчи вазнига бир тўлуқ ҳижо (-) қўшулиши билан тузилади. «Ист» йўқ.

Бир мисраъ: - V V - - V - V - V V - - .

*Кўнглум аро бир ажаб муҳол ҳавасдур,
- V V - - V - V - V V - -*

*Лабларидин ким ҳусули мумкун эмасдур.
- V V - - V - V - V V - -*

*Турмади тан чок-чок уйида кўнгулким,
- V V - - V - V - V V - -*

*Телба қуш ул, бул - ушалған эски қафасдур...
- V V - - V - V - V V - -*

*Куйса Навойи фироқ аро неажаб ким,
- V V - - V - V - V V - -*

*Ул итик ўтдур, бу айни заъфда хасдур⁵³...
- V V - - V - V - V V - -*

(Навойи)⁵⁴

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мунсарих-мусамман-матви-манхуз» бўлиб, ҳар мисраъини «муфтайлун фоилоту муфтайлун фаъ» билан ўлчайдилар.

Ўнгүртликлар туркуми

Бу туркумда 14 вазн бор.

I. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 7+7 тарзда иккига бўлунади.

Ҳар бўлуми V - - V - - - тўпламидан иборат бўлади.

Бир мисраъ: V - - V - - - * V - - V - - - .

*Юзингдек қамар йўқдир, қадингдек шажар йўқдир,
V - - V - - - * V - - V - - -*

*Шажар бўлса ҳам анда лабингдек самар йўқдир.
V - - V - - - * V - - V - - -*

*Кўзим ашқининг руди⁵⁵ агар тунду тез андоқ,
V - - V - - - * V - - V - - -*

*Ки гар уйқу кўз сари келур ҳам гузар йўқдир.
V - - V - - - * V - - - V - - -*

Отин тутсалар ногоҳ кетар ўйла ҳушим ким,
V — — V — — — * V — — V — — —

Бадан ичра руҳимдин дегайсан асар йўқдир.
V — — V — — — * V — — V — — —

Кўнгул сўрғали келдинг табибо шуни билким,
V — — V — — — * V — — V — — —

Ул оворадин сендек менга ҳам хабар йўқдир.
V — — V — — — V — — V — — —

(Навойи)⁵⁶

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Тавил-мусамман-солим» бўлиб, икки дафъа «фаулун мафойилун» билан ўлчайдилар.

Бунинг V — — V — — — бўлимларида тўртинчи ўринда турган қисқа ҳижони бешинчи ўринга ўтказиш билан V — — — V — — — формасида янги бир вазн чиқардилар ва «Рамал-мусамман-маҳзуф» атаб, ҳар мисраъини икки дафъа «мафойилун фаулун» билан ўлчайдилар. Бунинг музикада юқоридаги вазндан айирмаси йўқ.

II. Бу вазн тамоман I вазннинг ўзидир. Бироқ иккинчи бўлумнинг олтинчи ҳижоси V га айланади.

Бир мисраъ: V — — V — — — * V — — V — V — .

Чаман ичра бир булбул тонг отганда сайради,
V — — V — — — * V — — V — V —

Ки ёзнинг насимидан гулу лола яйради.
V — — V — — — * V — — V — V —

Булут соя солганда кўкатларни бошиға,
V — — V — — — * V — — V — V —

Гул очди табассумлар самонинг қуёшиға.
V — — V — — — * V — — V — V —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Тавил-мусамман-мақбуз» бўлиб, ҳар мисраъини «фаулун мафойилун фаулун мафоилун» билан ўлчайдилар.

Бизча, буни айрим бир вазн санаш мувофиқ эмас. Ё биринчи вазнга ё бундан сўнгра келадиган учинчи вазнга қўшиб юбориш мумкин.

III. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 7+7 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлumi V— V—V— тўпламидан иборатдир.

Бир мисраъ: V — — V — V — * V — — V — V — .

Қуёш зар қанотларин қоқаркан майин-майин,
*V — — V — V — * V — — V — V —*
Учар нағмалар учар, қучар ҳисни тинмайин.
*V — — V — V — * V — — V — V —*
Кураш навбаҳордек гўзал нақшлар учун
*V — — V — V — * V — — V — V —*
Кураш оташин кураш келар нашъалар учун.
*V — — V — V — * V — — V — V —*

(Н. Раҳимий)⁵⁷

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Музореъ-мусамман-макфуф-мақсур» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «мафоилу фоилот» билан ўлчайдилар.

IV. Бунда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 7+7 тарзида иккига бўлунади.

Бироқ, ҳар бўлуми — V — V — — — тўпламидан иборат бўлади.

Бир мисраъ: —V — V — — — * — V — V — — —.

Гул юзунда зулфунгни боғ аро намоён қил,
*— V — V — — — * — V — V — — —*
Лола бирла сунбулни доғ этиб паришон қил,
*— V — V — — — * — V — V — — —*
Лола гул қабо жайбин тугмасин очиб гоҳе,
Гул ёқосини чок эт, ғунча бағрини қон қил.
*— V — V — — — * — V — V — — —*
Соқиё юзинг акси қилди бодани гулгун,
*— V — V — — — * — V — V — — —*
Доларанг соғар тут базмни гулистон қил.
*— V — V — — — * — V — V — — —*

(Фазлийдан)⁵⁸

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ҳазаж-мусамман-аштар» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «фоилун мафойилун» билан ўлчайдилар.

V. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 7+7 тарзида иккига бўлунади, бироқ ҳар бўлумни — —V V — — — тўплами ташкил қилади. Эрон адабиётида Хоқони(й)нинг «Малойин» ва Лоҳутийнинг «Кремл» асарлари шу вазндадир.

Бир мисраъ: — — V V — — — * — — V V — — —.

Май бирла юзинг там-там аҳмарми⁵⁹ экан оё
*— — V V — — — * — — V V — — —*
Ё шуъла аро бир-бир аҳгарми⁶⁰ экан оё,
*— — V V — — — * — — V V — — —*

Ҳар сори қулогингда гавҳарми экан ёхуд

— V V — — — * — — V V — — —

Ҳар жонибда ойнинг ахтарму⁶¹ экан оё.

— V V — — — * — — V V — — —

Рухсоринг узра тердин юз қатраки кўргуздинг,

— V V — — — * — — V V — — —

Гул баргида шабнамдан жавҳарму экан оё.

— V V — — — * — — V V — — —

Кўнглум қушиким қолмиш зулфинг аро саргардон

— V V — — — * — — V V — — —

Савдо тунда учган шаппарму⁶² экан оё.

— V V — — — * — — V V — — —

(Навойи)⁶³

Араб-эрон арузида бу вазннинг исми «Ҳазаж-мусамман-ахраб» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «мафъувлу мафойилун» билан ўлчайдилар.

VI. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 7+7 тарзида иккига бўлунади.

Ҳар бўлумини — V — V — — тўплами ташкил қилади.

Бир мисраъ: — V — V — — * — — V — V — —.

Домиға тушмаган кам турфа тузоқчи ҳожим,

— V — V — — * — — V — V — —

Бермайди қилса нася судраб, чатоқчи ҳожим,

— V — V — — * — — V — V — —

Енгил ҳазилни билмас нозу фироқчи ҳожим,

— V — V — — * — — V — V — —

Кўрганда сўфи кундуз, оқшом қароқчи ҳожим,

— V — V — — * — — V — V — —

Минганда ўзни олған эшак улоқчи ҳожим.

— V — V — — * — — V — V — —

(Муқими(й)дан)⁶⁴

Ул ғамзадин ўқ отма онсиз бало қилурсен,

— V — V — — * — — V — V — —

Ҳуснинг билан жаҳонни чун мубтало қилурсен.

— V — V — — * — — V — V — —

(Лутфи(й)дан)⁶⁵

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мунсарих-мусамман-ахраб» бўлуб, ҳар мисраъини икки дафъа «мафъувлу фоилотун» билан ўлчайдилар.

VII. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 7+7 тарзида иккига бўлунади.

Ҳар бўлумини – V V – – V – тўплами ташкил қилади:

Бир мисраъ: – V V – – V – * – V V – – V –.

Шамъу гулу настарин ёд берур бўйидин

– V V – – V – * – V V – – V –

Атрини мушку хўтан касб қилур мўйидин,

– V V – – V – * – V V – – V –

Гул юзидин мунфаъил⁶⁶, сарв қадидин заҳил,

– V V – – V – * – V V – – V –

Ранг олур муттасил лолаю гул бўйидин.

– V V – – V – * – V V – – V –

Жонга қилур юз ситам, кўнглума юз онча ҳам

– V V – – V – * – V V – – V –

Кўз оқизар жўйи ғам шўхи бало жомидин.

– V V – – V – – V V – – V –

(Навоий)⁶⁷

Араб-эрон арузида бу вазннинг исми «Мунсарих-мусамман-матви-макфуф» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «муфтаилун фоилун» билан ўлчайдилар.

VIII. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 7+7 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлумини V – – V V – – тўплами ташкил қилади.

Бир мисраъ: V – – V V – – * V – – V V – –.

Баҳор ўлди гулим кел кезайлик чаман ичра,

V – – V V – – * V – – V V – –

Қадаҳлар кўтарайлик гулу ёсуман ичра.

V – – V V – – * V – – V V – –

Ўтиб кетди у дамлар ки ер қорға ёпинмиш,

V – – V V – – * V – – V V – –

Ётар эди ўлукдек, ки ётсин кафан ичра.

V – – V V – – * V – – V V – –

Кўеш хандаларидан ҳаёт оқди жаҳонга,

V – – V V – – * V – – V V – –

Ҳаёт шон берадир, шом бу шонли ватан ичра.

V – – V V – – V – – V V – –

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ҳазаж-мусамман-макфуф» бўлуб, ҳар мисраъини икки дафъа «мафойилу мафойил» билан ўлчайдилар.

Бунинг ҳар бўлумини бир мисраъ қилиб «еттилик» тарзида ёзиш мумкун ва энгилроқдир.

Еттилигининг арузда исми «Ҳажаж-мураббаъ-макфуф»-дир.

IX. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» билан 7+7 тарзида иккига бўлунади, бироқ ҳар бўлумини – V – V V – – тўплами ташкил қилади.

Тонг насими эсаркан боғчаларда кезардинг,

– V – V V – – * – V – V V – –

Лолаларни қучардинг, ғунчаларни ўпардинг.

– V – V V – – * – V – V V – –

Ўйнаб-ўйнаб ўтурғач, сув бўйида узанмиш,

– V – V V – – * – V – V V – –

Сабзаларнинг сочини бармоғинг-ла тарардинг.

– V – V V – – * – V – V V – –

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мушокил-мусамман-макфуф» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «фалоту мафоил» билан ўлчайдилар.

X. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» билан 7+7 тарзида иккига бўлунади, бироқ ҳар бўлумини – – V – V V – тўплами ташкил қилади:

Бир мисраъ: – – V – V V – * – – V – V V – .

Сайр эт, қаро кечанинг энг сўнги тин олганин,

– – V – V V – * – – V – V V –

Ҳар соҳада яшаган, тонгнинг ипак кулганин.

– – V – V V – * – – V – V V –

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Басит-солим» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «мустафъилун фаилун» билан ўлчайдилар.

XII. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 7+7 тарзида иккига бўлунади. Бироқ ҳар бўлумини – V – – – V – тўплами ташкил қилади:

Бир мисраъ: – V – – – V – * – V – – – V – .

Нозаним кел букун майли сахро айлагил,

– V – – – V – * – V – – – V –

Лолани шармандау гулни шайдо айлагил.

– V – – – V – * – V – – – V –

Чиқ хиром эт ноз ила кўк чаманлар устида
 – V – – – V – * – V – – – V –
Ёсуманлар устида бир нафас жо айлагил.
 – V – – – V – * – V – – – V –

(Ҳашмат)

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мадид-солим» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «фоилотун фоилун» билан ўлчайдилар.

Бундаги ҳижоларнинг жойини ўзгартириш билан тубандаги вазни чиқариш мумкин: – V – – V – – * – V – – V – –.

XIII. Бу вазн «ист»сиздир. Ҳар мисраъида уч дафъа такрор этилган – – V V тўпламига бир – – қўш ҳижоси илова қилинади.

Бир мисраъ: – – V V – – V V – – V V – –.

Ошuftаси мен силсилаи мушки тарингни,
 – – V V – – V V – – V V – –

Мафтуну буна гўшинга осган гуҳарингни,
 – – V V – – V V – – V V – –

Мен йўқ ҳамма эл воласи нозик камарингни,
 – – V V – – V V – – V V – –

Ҳай-ҳай на гўзал қошу на раъно қаду қомат,
 – – V V – – V V – – V V – –

Паҳ-паҳ на бало золими танноз бир офат.
 – – V V – – V V – – V V – –

(Хувайдо)⁶⁸

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ҳасаж-мусамман-макфуф-маҳзуф» бўлиб, ҳар мисраъини «мафъулу мафойилу мафойилу фаулун» билан ўлчайдилар.

Эрон шоирлари бу вазнда «Мустазод» (яъни, орттирилган) исм билан яна бир вазн чиқардилар: 14 ҳижодан иборат бўлган ҳар мисраъдан кейин айрим ярим мисраъ тарзида бир –VV– тўплами қўшадилар:

Гул сайрида юз ноз ила дилдор кезарди
 – – V V – – V V – – V V – –

Сармасту тарабнок,
 – – V V – –

Гуллар юзи олдида гирифторм тушарди
 – – V V – – V V – – V V – –

Бемору жигар чок.
 – – V V – –

Гулшандагилар ол юзи тобиндан эмаркан
-- V V -- V V -- V V --

Бир нашьайи савдо,
-- V V --

Май нашьасидек ҳар тарафа завқ сочарди
-- V V -- V V -- V V --

Кўз сархуши бобок.
-- V V --

Кўрганимиз ярим мисраъни ҳар мисраъдан кейин ортдириш ёки ҳар икки мисраъдан кейин ортдириш мумкин.

Қадимги назариячилардан бир кўплари «муस्ताзод»ни ёлғиз шу кўрганимиз вазнга махсус деб биладилар, бошқа вазнларда «муस्ताзод» ёзишни «қоида»га мувофиқ эмас, дейдилар. Бу, албатта, қуруқ бир қоидачиликдан бошқа нарса эмас.

XIV. Бу вазнда ҳам «ист» йўқ. Икки дафъа қайтарилган -- V - V - тўпламининг ўртасида бир VV қўш ҳижонинг ўрун олишидан бу вазннинг бир мисраъи ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: -- V - V - V V -- V - V - .

Минг захм урди ханжари ишқинг бу тан аро,
-- V - V - V V -- V - V -

Бу танни ҳажр ташлади юз минг тикан аро...
-- V - V - V V -- V - V -

Булбулни қўймасинки бир ўт ёқди қасдиға,
-- V - V - V V -- V - V -

Ҳар оташин гул ушбу вафосиз чаман аро.
-- V - V - V V -- V - V -

(Навойи)⁶⁹

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Музорий-мусамман-ахраб-махзуф» бўлиб, ҳар мисраъини «мафъулу фоилоту мафойилу фоилун» билан ўлчайдилар.

Ўнбешликлар туркуми

Бу туркумда тўрт вазн бор.

I. Бу вазнда ҳар мисраъ уч «ист» билан 4+4+4+3 тарзида тўртга бўлунади:

биринчи бўлум - V V - ;

иккинчи бўлум V - V - ;

учинчи бўлум — V V —;

тўртинчи бўлум — — —.

Бир мисраъ: — V V — V — V — — V V — — — —

Мен била сен бу боғчанинг саҳнасида кезганда

— V V — V — V — — V V — — — —

Икки юрак аламларин кўзга қараб сезганда

— V V — V — V — — V V — — — —

Жилмайишиб очилганин кўрган эдик бир гулнинг

— V V — V — V — — V V — — — —

Тинглаб эдик унинг учун сайраганин булбулни(нг),

— V V — V — V — — V V — — — —

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусамман-матви-мақтуъ-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини «муфтаилун мафоилун муфтаилун мафъувлун» билан ўлчайдилар.

Фикримча, нисбатан комик бир характерга эга бўлган бу вазннинг ҳижо тартибларини тубандагича ўзгартириб, айни характерда бошқа вазнлар чиқариш ҳам мумкун:

V — V — * — V V — * — V V — * — — —

ёхуд

— V V — * V — V — * V — V — * — — —

ва бошқалар...

II. Бу вазн «ист»сиздир. Ҳар мисраъида V V — — тўплами тўрт дафъа такрор этилиб, энг сўнгги тўпламнинг ҳижо-си тушиб қолади.

Бир мисраъ: V V — — V V — — V V — — V V —.

Бунинг биринчи кўш ҳижоси бўлган VV формасини баъзи мисраъларда —V формасига айлантириш ҳам мумкин.

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,

V V — — V V — — V V — — V V —

Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин.

V V — — V V — — V V — — V V —

Турфа ҳолинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,

V V — — V V — — V V — — V V —

Мови кўнглак уза гулранг қабосинму дейин.

V V — — V V — — V V — — V V —

(Навоий)⁷⁰

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Рамал-мусамман-махбун-мақсур» бўлиб, ҳар мисраъини уч дафъа «фаилотун» ва бир дафъа «фаилун» билан ўлчайдилар.

III. Бу вазннинг ҳар мисраъида V – V – V V – – тўплами икки дафъа қайтариледи, иккинчи дафъасида энг сўнгги бир ҳижо тушиб қолади. «Ист» йўқдир.

Бир мисраъ: V – V – V V – – V – V – V V –.

Бунинг сўнгги уч ҳижоси бўлган VV– формасини баъзи мисраъларда – – формасига (икки узун ҳижога) айлан-тириш мумкун:

Бировки қўнди кеча ўзга ерга ёри анинг,

V – V – V V – – V – V – V V –

Кўзидин уйқу очарда не ихтиёри анинг,

V – V – V V – – V – V – V V –

Кишики дилбари ағёр бирла тутти қарор,

V – V – V V – – V – V – V V –

Ажаб эмасдир агар қолмаса қарори анинг...

V – V – V V – – V – V – V V –

Вафога чунки жафо дур эваз хўш ул фориф

*V – V – V V – – V – V – – – **

Ки, ишқ кишварида тушмағай гузори анинг...

V – V – V V – – V – V – – –

Ҳаёт гулшанидан қайда бир тилар кўнглум

V – V – V V – – V – V – V V –

Ки, ғам хазониға бўлмиш бадал баҳори анинг.

V – V – V V – – V – V – V V –

(Навоӣи)²¹

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мужтасс-мусамман-махбун-мақсур» бўлиб, ҳар мисраъини «мафоилун файлотун мафойилун файлун» билан ўлчайдилар.

IV. Бу вазннинг ҳар мисраъида – V – – тўплами тўрт дафъа такрор этилади. Бироқ, тўртинчи тўпламнинг сўнгги ҳижоси тушиб қолади.

Бир мисра: – V – – – V – – – V – – – V –.

Сурмадин кўзлар қаро қўллар хинодин лоларанг,

– V – – – V – – – V – – – V –

Ҳозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг,

– V – – – V – – – V – – – V –

Заъфарони кўйлак узра арғувони кам зухур,

– V – – – V – – – V – – – V –

Рўймол оғушидин пешонанинг аҳволи танг.

– V – – – V – – – V – – – V –

* Юқорида ёзганимиз каби V V – ўрнида – – қўйилган.

Барча нозик панжалар олтин йузукдин зебнок,
 – V – – – V – – – V – – – V –
Қўл биларзукдин музаййан нуқрадин оғизда чанг.
 – V – – – V – – – V – – – V –
Жавҳар осған ҳалқалар сиймин баногўшида банд,
 – V – – – V – – – V – – – V –
Кўринур зулфи тунда субҳи содиқдек аранг.
 – V – – – V – – – V – – – V –

(Фурқат)⁷²

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Рамал-мусамман-маҳзуф» бўлиб, ҳар мисраъини уч «фоилотун» ва бир «фоилун» билан ўлчайдилар.

Ўнолтиликлар туркуми

Бу туркумда ўн вазн мавжуддир.

I. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 8+8 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлumi V V – V – V – – тўпламидан иборат бўлади.

Бир мисраъ: V V – V – V – – * V V – V – V – –.

Кеча дилбаримни кўрдим, ўтурар чаман ичинда,
 V V – V – V – – * V V – V – V – –
Куладур баҳор гўё гулу ёсуман ичинда.
 V V – V – V – – * V V – V – V – –

Неча қилмасин фиғонлар туну кун шикаста булбул
 V V – V – V – – * V V – V – V – –
Ки, кўрар гулини ҳардам неча юз тикан ичинда.
 V V – V – V – – * V V – V – V – –

Қаро сочларни юзга таратиб табассум этди,
 V V – V – V – – * V V – V – V – –
Дедиларки, тонг отибдур негадир туман ичинда.
 V V – V – V – – V V – V – V – –

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Рамал-мусамман-машкул» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «фаилотун» билан ўлчайдилар.

II. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 8+8 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлumi тўрт дафъа қайтарилган V – тўпламидан иборат бўлади. Демак, V – қўш ҳижоси айрим бир тўплам сифатида бутун мисраъда 8 дафъа такрор этилади.

Бир мисраъ: V – V – V – V – * V – V – V – V –.

Бу ўйноқ чиройлик вазн учун мисол тополмадим. Н. Раҳимийнинг «Баҳор севинчлари» деган бир шеъри бор, асосан, шу вазнда. Лекин Раҳимий бу вазннинг ярим мисраъини бир мисраъ қилиб, «саккизлик» ёзган. Бу вазннинг оҳангини кўрсата олмоқ учун мен Раҳимийнинг шу «саккизлик» шеърини оламан. Раҳимий шеърининг бир мисраъи бу вазннинг ярим мисраъи миқдоридадир.

Нечун қадаҳ кўтармайин,

V – V – V – V –

Насим эсар тегармайин.

V – V – V – V –

Очилди лозазорлар

V – V – V – V –

Букун ватан чироқдай,

V – V – V – V –

Кулар қучоғи боғдай,

V – V – V – V –

Шарафлар, ифтихорлар,

V – V – V – V –

Сурурлар, ғурурлар

V – V – V – V –

Фурурлар, сурурлар

V – V – V – V –

Шафқатли навбаҳорлар.

V – V – V – V –

Букун зафар саҳифаси,

V – V – V – V –

Тароналар саҳифаси,

V – V – V – V –

Дуторни сайратарлар.

V – V – V – V –

Фикримча, бу вазннинг ўнoltiлигига нисбатан саккизлиги енгилроқ ва чиройлироқдир.

Бу вазннинг ўнoltiлигининг арузда исми «Ҳазаж-мусамман-мақбуз» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «мафойилу» билан ўлчайдилар.

III. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» билан 8+8 тарзида иккига бўлунади.

Ҳар бўлумда уч дафъа (–V) ва бир дафъа (V–) тўплами тизилади: – V – V – V V –

Бир мисраъ: – V – V – V V – * – V – V – V V –.

Лабларингда жилмайишинг шаккар ичра жон дедилар,

*– V – V – V V – * – V – V – V V –*

Маст кўзларинг қарошин кўрдилар, амон дедилар.

*– V – V – V V – * – V – V – V V –*

Ойни оразинг ёнида билдиларки қул кабидир,

*– V – V – V V – * – V – V – V V –*

Лола фироқинг аро бағрин этди қон дедилар.

*– V – V – V V – * – V – V – V V –*

Музыка ва оҳанг нуқтаи назаридан бу вазннинг ўнтўрт-

ликлардан бўлган — V — V — — — — V — V — — — дан айирмаси жуда оздир. Бунинг араб-эрон арузида исми «Муқтазаб-мусамман-матви» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «фоилоту муфтайлун» билан ўлчайдилар.

IV. Бу вазнда ҳар мисраъ V V — — тўпламининг тўрт дафъа «ист»сиз такроридан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: V V — — V V — — V V — — V V — —.

Неча кундирки хабар топмаишам сиймбаримдан,

V V — — V V — — V V — — V V — —

На асардур хабаримдан, на хабардур асаримдан.

V V — — V V — — V V — — V V — —

Назарим олдида ойсиз кечадин тийрароқ ўлди,

V V — — V V — — V V — — V V — —

Ҳажр кундузлари то борди қуёшим назаримдан.

V V — — V V — — V V — — V V — —

Келурам оҳ ила расволиғ ўтин ҳар сори сочиб,

V V — — V V — — V V — — V V — —

Офият аҳли саломат қурунғиз раҳгузаримдан.

V V — — V V — — V V — — V V — —

(Навоий)⁷⁴

Бунинг ҳар мисраъини бир «ист» воситаси билан V V — — V V — — V V — — V V — — формасида ёзиш оҳанглироқ бўлади:

На асардур хабаримдан, на хабардур асаримдан.

V V — — V V — — V V — — V V — —

Ярим мисраъни бир мисраъ эътибор қилиб, саккизлик тарзида ёзиш ҳам мумкин. Араб-эрон арузида бунинг исми «Рамал-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «Фоилотун» билан ўлчайдилар.

V. Бу вазнда ҳам ҳар мисраъ бир «ист» билан 8+8 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлумда — — V — тўплами икки дафъа такрор этилади. Демак, ҳар мисраъ бир «ист» билан бўлунган тўрт — — V — тўплamidан иборат бўлади.

Бир мисраъ: — — V — — — V — * — — V — — — V —.

Ақлимни олди бир боқиб эй дилбари раъно кўзунг,

— — V — — — V — — — V — — — V —

Солди бошимга ҳар замон юз минг туман савдо кўзунг,

— — V — — — V — — — V — — — V —

Илкинга олиб созни чексанг наво ҳар ён боқиб,
-- V --- V --- V --- V --
Ушишоқ аро ўт солғуси гоҳо юзунг, гоҳо кўзунг.
-- V --- V --- V --- V --

(Комил Хоразмий)⁷⁵

Жононга бордим бир кеча бир-бир босиб астагина,
-- V --- V --- V --- V --
Жонон ётур ноз уйқуда, солдим қўлим астагина.
-- V --- V --- V --- V --

(Халқ ашулаларидан)

Бунинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусамман-солим» бўлуб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «мустафъилун» билан ўлчайдилар.

VI. Бу вазнда ҳар мисраъ бир «ист» воситаси билан 8+8 тарзида иккига ажралади. Ҳар бўлум – V V – V – V – тўпламидан иборат.

Бир мисраъ: – V V – V – V – * – V V – V – V –.

Зухра жабин санамлари чунки қўлига соз олур,
– V V – V – V – V V – V – V –
Нағмаси жонни зор этиб, тил ҳарокатидан қолур.
– V V – V – V – V V – V – V –
Гоҳ «Баёти наср»⁷⁶ ўқуб, гоҳ «Ифори»син чолур,
– V V – V – V – V V – V – V –
Базм эли сабрини олиб, рақсга жонларин солур,
– V V – V – V – V V – V – V –
Мутриб⁷⁷ хуш навосининг шавқфизо⁷⁸ таронаси.
– V V – V – V – V V – V – V –

(Комил)⁷⁹

Бунинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусамман-махбун-матви» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «муфтаилун мафоилун» билан ўлчайдилар.

VII. Бу вазнда ҳам мисраъ бир «ист» воситаси билан 8+8 тарзида иккига бўлунади. Ҳар бўлуми икки дафъа – V V – тўпламидан ташкил топади.

Бир мисраъ: – V V – – V V – – V V – – V V –.

Сен бу саҳар сув бўйида соч тараб ўтурган эдинг,
– V V – – V V – – V V – – V V –
Бир қарашинг бирла менинг бағрима ўт урган эдинг.
– V V – – V V – – V V – – V V –

Бунинг араб-эрон арузида исми «Ражаз-мусамман-мат-ви» бўлиб, тўрт дафъа «муфтаилун» билан ўлчайдилар.

VIII. Бу вазннинг ҳар мисраъи V — — — тўпламининг «ист»сиз тўрт дафъа қайтарилишидан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: V — — — V — — — V — — — V — — — .

Эсар еллар, гувиллар қонли тўфондан заҳар ханда,
V — — — V — — — V — — — V — — —

Булутлар қоп-қора чоршаф каби ёзган қанотини.
V — — — V — — — V — — — V — — —

Табиат чехрасини қоплаган минг йилли қор парда,
V — — — V — — — V — — — V — — —

Ўлим тош қалбли бир аждаар каби очган қулочини.
V — — — V — — — V — — — V — — —

(Фафур Фулом)⁸⁰

Қуёш, тингла! Наво, юксал! Наво янгра, кўнгил яйра!
V — — — V — — — V — — — V — — —

Букун бизнинг тилаклар гуллаган, ҳой бўстон лола.
V — — — V — — — V — — — V — — —

(Н. Раҳимий)⁸¹

Бунинг араб-эрон арузида исми «Ҳазаж-мусамман-солим» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «мафойилун» билан ўлчайдилар.

Ёш шоирлардан Усмон Носир бу вазннинг ярим мисраъини бир мисраъ қилиб, саккизлик шеър ёзган.

Юрак, сенсан менинг созим,
V — — — V — — —

Тилимни найга жўр этдинг⁸².
V — — — V — — —

Бунинг арузида исми «Ҳазаж-маштур» бўлиб, ҳар мисраъида икки «мафойилун» билан ўлчайдилар.

Вазннинг асл(и)даги узун қиёсиға қарағанда шундай қисқартиргани тузукрак бўлади, деб ўйлайман.

IX. Бу вазннинг ҳар мисраъида — V — — тўплами тўрт дафъа «ист»сиз такрор этилади.

Бир мисраъ: — V — — — V — — — V — — — V — — .

Нозаниним, кел бугунлар майл саҳро айлагил сан,
— V — — — V — — — V — — — V — — —

Лолани шарманда қилғил, гулни шайдо айлагил сан.
— V — — — V — — — V — — — V — — —

Чик, хиром эт, ноз бирла кўп чаманлар узра ҳар ён,
 – V – – – V – – – V – – – V – – –
 Ёсуманлар устида ҳам бир нафас жо айлагил сан.
 – V – – – V – – – V – – – V – – –

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Рамал-мусамман-солим» бўлиб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «фоилотун» билан ўлчайдилар.

Х. Бу вазнда ҳар мисраъ V – V – V V – – тўпламининг «ист»сиз икки дафъа такроридан ҳосил бўлади.

Бир мисраъ: V – V – V V – – V – V – V V – –.

Дединги ҳажр аро бер ишқ сўзу тобиға таскин,
 V – V – V V – – V – V – V V – –
Киши тамуғда қачон кўнглининг ўтини совутмиш.
 V – V – V V – – V – V – V V – –
Кўнгулга ҳар неча жабру қарору панд берур мен,
 V – V – V V – – V – V – V V – –
Бирини войки бошқармайин, бирини унутмиш.
 V – V – V V – – V – V – V V – –
Умид наҳрини ашким билан не тоза қилай ким,
 V – V – V V – – V – V – V V – –
Самуми ҳажр ани кул айламиш, демаки: қурутмиш.
 V – V – V V – – V – V – V V – –

(Навойи) ⁸³

Бу вазннинг араб-эрон арузида исми «Мужтасс-мусамман-махбун» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «мафоилотун» билан ўлчайдилар.

Ўнсаккизлик

Бунда биргина вазн бор. Уч «ист» воситаси билан 4+5+4+5 тарзида бўлунади:

биринчи бўлум	V V – V –;
иккинчи бўлум	– – V –;
учинчи бўлум	V V – V –;
тўртинчи бўлум	– – V –.

Бир мисраъ: V V – V – * – – V – * V V – V – * – – V –.

Чаман ичра бир булбул саҳар ёниб ўртаниб сайрар эди,
 V V – V – – – V – V V – V – – – V –
Гулу ёсуман кун нурига ўзаниб кулиб яйрар эди.
 V V – V – – – V – V V – V – – – V –

Бу вазн бундан сўнгра келатурган йигирмаликнинг озгина ўзгаришдан бошқа нарса эмас ва бу ўзгариш музикага фойда эмас, зарар берган; эрон шоирлари бу вазнда йўқ даражада оз ёзганлар.

Фикримча, бунинг ярим мисраъини бир мисраъ қилиб, тўққузликқа айлантирилса ва шу тўққузлик ҳам V V – V – – – V – формасида эмас, – – V – V V – V – формасида ёзилса, яхшироқ чиқади. Араб-эрон арузида бунинг исми «Комил-мусамман-музмар» бўлиб, ҳар мисраъини икки дафъа «мутафоилун мустафъилун» билан ўлчайдилар.

Йигирмалик

Бунда биргина вазн бор.

Бунда ҳар мисраъ икки «ист» воситаси билан 10+10 тарзида тўртга бўлунади. Ҳар бўлуми икки дафъа V V – V – тўпламидан иборат бўлади.

Бир мисраъ: V V – V – V V – V – V V – V – V V – V –.

Менга ноз қилди тағофулинг дилужон дуьога югурдилар,

V V – V – V V – V – V V – V – V V – V –

Кўз учи билан қарадинг кулиб талабига етди гадоларинг.

V V – V – V V – V – V V – V – V V – V –

(Фазлий)⁸⁴

Бунинг араб-эрон арузида исми «Комил-мусамман-солим» бўлуб, ҳар мисраъини тўрт дафъа «мутафоилун» билан ўлчайдилар.

КИТОБДАГИ АРУЗ ВАЗНЛАРИ

(Китобдаги тартиб билан)

Ҳажаз-мураббаъ-ахраб-мақсур

Дафъа, 1. Мафъулу Мафоил

– – V V – –

Мутадорик-мусамман-мақтуъ

«–» 2. Фоилун фааъл

– V – V – – V – V –

Мураббаъ-матви-мавкуф-мақтуъ

«–» 1. Муфтаъилун мафъулун фаъ

– V V – – – – –

Мутақориб-атрам-мақсур

«→» 1. Фааъ фаулун фааъ фаул
- V V - - - V V

Мутақориб-мусаддас-солим

«→» 3. Фаулун
V - - V - - V - -

Ҳазаж-мусаддас-аҳраб-макфүф-мақсур

«→» 1. Мафъулу мафоилун фаулун
- - V V - V - V - -

Мутақориб-мусамман-аслам

«→» 2. Фаълун фаълун
- - V - - - - V - -

Мутақориб-мусамман-мақбуз-аслам

«→» 2. Фоилун фааъл .
- V - V - - V - V -

Вофир-мураббаъ-солим

«→» 2. Муфаалатун
V - V V - V - V V -

Мутақориб-мусамман-асрам

«→» 2. Фаъа фаулун
- V V - - - V V -

Ҳазаж-мусаддас-аҳраб-макфүф

«→» 1. Мафулу мафоилу фаулун
- V V - - - V V - -

Рамали-мусаддас-маҳзуф

«→» 1. Фоилотун фоилотун фоилун
- V - - - - V - - - - V - -

Рамал-мусаддас-маҳбун-маҳзуф

«→» 1. Фаилатун фаилотун файлун
V V - - - V V - - - V V -

Хафиф-маҳбун-мақтуъ

«→» 1. Фаилотун мафоилун файлун
V V - - - V - V - V V -

Хафиф-машаъас

«→» 1. Фоилотун мафоилун мафъувлун
- V - - - V - V - - - -

Сариъ-мусаддас-матвиъ-мавқуф

«—» 1. Муфтаилун муфтаилун фоилун
— V V — — V V — — V —

Мутақориб-мусамман-махзуф

«—» 1. Фаулун фаулун фаулун фаул
V — — V — — V — — V —

Ҳазаж-мусаддас-мақсур

«—» 1. Мафойилун мафойилун фаулун
V — — — V — — — V — —

Музориъ-мусаддас-макфуф-махзуф

«—» 1. Мафоилу фоилоту фаулун
V — — V — V — V V — —

Мунсариҳ-мусаддас-аҳраб-макфуф

«—» 1. Мафзулу фоилоту мафойилун
— — V — V — V V — — —

Мутадорик-мусамман-махбун

«—» 3. Фоилун
— V — V —

Қариб-мусаддас-аҳраб-макфуф

«—» 1. Мафзулу мафоилу фоилотун
— — V V — — V — V — —

Мутадорик-мусамман-солим

«—» 1. Фоилун
— V — — V — — V — — V —

Ражаз-мусаддас-махбун

«—» 3. Мафоилун
V — V — V — V — V — V —

Ражаз-мусаддас-солим

«—» 3. Мустафилун
— — V — — — V — — — V —

Рамал-мусаддас-солим

«—» 3. Фоилотун
— V — — — V — — — V —

Ҳазаж-мусаддас-солим

«→» 3. Мафойилун
V - - - V - - - V - - -

Ражаз-мусаддас-матви

«→» 3. Муфтаилун
- V V - - V V - - V V -

Ҳажаз-мусамман-аштар

«→» 2. Фоилун мафойилун
- V - V - - - - V - V - - -

Ҳазаж-мусамман-ахраб

«→» 2. Мафъувлу мафойилун
- - V V - - - - - V - V - - -

Музореъ-мусамман-ахраб

«→» 2. Мафъувлу фоилотун
- - V - V - - - - V - V - - -

Мунсарих-мусамман-матвиъ-мавқуф

«→» 2. Муфтаилун фоилун
- V V - - V - - V V - - V - -

Ҳазаж-мусамман-макфуф

«→» 2. Мафойилу мафоил
V - - V V - - V - - V V - -

Мушокил-мусамман-макфуф

«→» 2. Фоилоту мафоил
- V - V V - - - V - V V - -

Басит-солим

«→» 2. Мустафъилун фоилун
- - V - - V - - - V - - V - -

Мадид-солим

«→» 2. Мустафъилун файлун
- - V - V V - - - V - V V - -

Ҳазаж-мусамман-макфуф-маҳзуф

«→» 1. Мафъулу мафойилу мафойилу фаувлун
- - V V - - V V - - V V - -

Мутақориб-мусамман-солим

«←» 4. Фаулун

V - - V - - V - - V - -

Мунсарих-мусаддас-матвиъ

«←» 1. Муфтаилун фоилоту муфтаилун

- V V - - V - V - V V -

Жадид-махбун

«←» 1. Фаилотун фаилотун мафоилун

V V - - V V - - V - V -

Хафиф-махбун

«←» 1. Фаилотун мафоилун фаилотун

V V - - V - V - V V - -

Қариб-макфуф

«←» 1. Мафойлу мафойлу фоилотун

V - - V V - - V - V - -

РУБОЪИ ВАЗНЛАРИ

Дафъа. 1. Муфтаилун фаилату муфтаилун фаъ

- V V - - V - V - V V - -

Ҳазаж

Тавил-мусамман-солим

Фаулун мафойлун

V - - V - - - V - - - V - - -

Рамал-мусамман-маҳзуф

Фоилатун фоилатун фоилатун

- V - - - V - - - V - - - V -

Тавил-мусамман-мақбуз

Фаулун мафоилун фаулун мафоилун

V - - V - V - V - - V - V -

Музореъ-мусамман-макфуф

Мафъулу фоилат мафойлу фоилун

- - V - V - V - - V - V -

Музореъ-мусамман-ахраб

«←» 2. Мафъулу фоилатун

- - V - V - - - - V - V - -

Ражаз-мусамман-матви-мақтуъ-махбун

«—» 1. Муфтаилун мафоилун муфтаилун мафулун
— V V — V — V — — V V — — — —

Рамал-мусамман-махбун-мақсур

«—» 1. Фоилатун фоилатун фоилатун файлун
V V — — V V — — V V — — V V —

Махбун-мусамман

«—» 1. Мафоилун фоилатун мафоилун файлун
V — V — V V — — V — V — — V V —

Рамал-мусамман-машкул

«—» 2. Фаилату фоилотун
V V — V — V — — V V — V — V — —

Ҳазаж-мусамман-мақбуз

«—» 2. Мафоилун
V — V — V — V — V — V — V — V —

Муқтазаб-мусамман-матви

«—» 2. Фоилоту муфтаилун
— V — V — V V — — V — V — V V —

Рамал-махбун

«—» 4. Фаилотун
V V — — V V — — V V — — V V — —

Ражаз-мусамман-солим

«—» 4. Мустафьилун
— — V — — — V — — — V — — — V —

Ҳазаж-мусамман-солим

«—» 2. Мафойилун
— V — — — V — — — V — — — V — —

Мужтасс-мусамман-махбун

«—» 2. Мафоилун файлотун
V — V — V V — — V — V — V V —

Комил-мусамман-музмар

«—» 2. Мутафоилун мустафьилун
V V — V — — — V — V V — V — — — V —

Комил-мусамман-солим

«—» 4. Мутафоилун
V V — V — V V — V — V V — V — V V — V —



«БЕДИЛ (БИР МАЖЛИСДА)»

Фитратнинг Бедил мавзуига қўл уриши ХХ асрнинг 10-йиллари-га тўғри келади, чунки жадидчиликнинг замирида, айниқса, Бухоро жадидларининг фалсафий қарашларига маълум маънода Бедил фалсафаси асос бўлгандир. Шунга қарамай, Фитратнинг бу мавзудаги махсус асари 1920 йили «Мирза Бедил» номли мақола сифатида «Тонг» журналида (2-сон) эълон қилинган. Фитрат Москвада экан, Бедил ижоди билан боғлиқ янги манбаларни кўриш натижасида бадиҳа усулида ёзилган «Бедил (Бир мажлисда)» асари туғилди. У Назир Тўрақулов сўзбошиси билан («Дарвиш» имзоси остида) Москвада, Миллат ишлари Комиссарлиги қошидаги марказий «ШАРҚ» нашриёти томонидан араб ёзувида 1923 йилда чоп қилинди. Ушбу нашрга мана шу манба асос қилиб олинди. Сўнгра ушбу асар алоҳида рисола ҳолида 1996 қайта нашр этилган. Қаранг: Фитрат. Бедил (Бир мажлисда) / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. Муҳаррир Муҳсин Умаров. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996.

Асар ҳақида бир нечта тақриз ва мақолалар яратилган. Улардан нисбатан машҳурлари:

1. Лазиз (Азиззода). Бедил // Туркистон. — 1924. — 11 март.
2. Э-к (Элбек). Бедил // Ўзгаришчи ёшлар. — 1924. — 3–4-сонлар.
3. Аҳмад Алиев. Фитрат ва унинг «Бедил» асари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. — 1989. — 13 янв.

¹ Юқоридаги тақриزلарнинг деярли ҳаммасида Қутлуғнинг автобиографик қаҳрамон экани эслатилади. Фитрат Бухорода расмий вазибаларда ишлаётган пайтларида «Анжумани тарих» номли жамият тузиб, унинг ишига кўплаб тарихчи олимларни жалб этган эди. Бу ҳаракатнинг илк самараси сифатида «Бухоро арки тарихи» яратилганди. Фитрат Москвага чақирилиб олиниши билан бу иш бирмунча тўхтаб қолди. Бизнингча, муаллиф Қутлуғ баҳонаси билан ўша тўхтаб қолган ишларни давом эттириш учун бир неча марта Бухорога келганини эслатмоқчи ҳамдир.

² Бу ўринда жадидлар назарда тутилгани қатор мақолаларда, жумладан, А. Алиевнинг мақоласида айтилган. Бизнингча, Фитрат бу билан 10-йиллар воқеасини эмас, балки 20-йилларнинг бошларида Бухорода шаклланаётган демократик жумҳуриятнинг миллий зиёлилари назарда тутилаётган бўлиши асар воқеаларининг изчил ривожига тўғри келади.

³ **Афкори умумия** — умум, яъни омманинг фикрлари.

⁴ **Даф** — доира.

⁵ «Ироқ»нинг «Буюк сақийли» — «Ироқ» Шашмақом таркибига кирган мақомлардан бўлиб, унинг «Таснифи Ироқ», «Таржеи Ироқ», «Мухаммаси Ироқ», «Сақили Ироқ» (I, II) ва «Сақили Калон» каби чолғу куйлари мавжуд. Шу тартибдаги сўнггиси «Ироқ» мақомининг офир, вазмин доира усулида ижро этиладиган чолғу қисми «Буюк Сақил»дир.

⁶ **Сингир** — суяк.

⁷ **Нукот** — луғавий маъноси «ҳикматлар». Мирза Бедилнинг фалсафий асарларидан бири. Атиги 28 бетдан иборат бу асар ҳақида қатор шарҳлар битилган. Шулар қаторида Фитрат ҳам бу насрий асарни ўзига хос равишда шарҳлаб ўтган.

⁸ Форсий парчаларнинг таржимаси ва шарҳи асарнинг ўзида муаллиф томонидан баён қилингани учун уларни қайта таржима қилишга ҳожат қолмади. Жумладан, ушбу рубойининг таржимаси 13-бетда келтирилган.

⁹ **Сочим** — наср. Фитрат «тизим» деб шеърый йўл билан ёзилган асарларни, «сочим» ёки «мансур» деб насрий асарларни атаган.

¹⁰ **Мажоз, истиора, жинос** — бадиий воситалар. Агар мажоз ва истиора, яъни метафора сўз кўчиши билан янги маъно яшаш учун хизмат қилса, жинослар (жинсдош — тажнис) ёрдамида бир неча маънони англатувчи шаклдош сўзлар ясалади.

¹¹ **Вуқуёт** — воқеълик, воқеъ бўлган нарсалар.

¹² **Лаббайк** — хизматга ҳозирлик белгиси сифатида айтиладиган сўз, унинг ҳозирги шакли «лаббай».

¹³ Акбаршоҳ даврида яшаган форсигўй шоирлардан. Машҳур шоир ва мутафаккир Абул Фазлнинг акаси. Бу ҳақда қаранг: Дж. Неру. Взгляд на всемирную историю. — М.: Т. 2, 1989. — 60-бет.

¹⁴ **Киралаб** — кирага олинган.

¹⁵ **Ботил** — ноҳақ, асоссиз.

¹⁶ Бу ерда умумжаҳон пролетариат кураши назарда тутилади. Фитрат Москвада экан, марксизм билан яқинлашишга ҳаракат қилади.

¹⁷ **Ваҳдати вужуд** — луғавий маъноси: жисмоний бирлик. Бу таълимот Аллоҳнинг ягоналигини, мавжудлигини тан олади. Шарқдаги тасаввуф маслағи билан боғланган таълимотнинг илк намояндаси Мансур Ҳаллож бўлган. Кейинроқ Имом Ғаззолий, Фаридиддин Аттор томонидан давом эттирилган бўлиб, Мирза Бедил тасаввуфда унинг давомчиларидан саналган.

¹⁸ Фитратнинг «Бедил» китобига сўзбоши ёзган Н. Тўрақулов (Дарвиш) шоирнинг ушбу байтини эпиграф қилиб олиб, уни ўзича талқин қилган эди. Фитрат қаҳрамон нутқи орқали бу таҳлилни яна ҳам чуқурлаштиради.

¹⁹ **Юмуртқа** — тухум.

²⁰ **Толға** — долға, тўлқин.

²¹ **Ирфон** — луғавий маъноси: билим. Бедил достонининг номи.

Уни И.Мўминов «поэма» деб атаган. Бедилнинг ўзи бу ҳақда «*Мешавад сози нухаи «Ирфон», ҳиссае аз таважжуҳи инсон»* деб ёзади. Яъни «Ирфон»да инсонга ҳурмат — эҳтиром созидан нусха берилади, унинг таважжуҳлари ҳақида баён қилинади. Достон ҳажми 11 минг байтдан иборат бўлиб, 1712 йида ёзиб туталланган. Бир сюжетли достон бўлмай, таркибида турли ҳикоялар, шеъринг парчалар, ҳатто кичик достонлар ҳам ўрин олган. Масалан, машҳур «Комде ва Мудан» достони шу асар таркибида берилган.

²² **Такаммул назарияси** — Оврўпа олимларининг, хусусан, Чарлз Дарвиннинг эволюция назарияси назарда тутилади.

²³ **Қадатиб** — қадоқ қилиб.

²⁴ Бу ўринда Румда усмонийлар салтанати (султонлиги)нинг вужудга келиши назарда тутилган бўлиши мумкин. Салжуқийлар салтанати ўн амирликка (яъни беқликка) бўлиниб кетади, улар орасида нисбатан кучлироқ саналган Усмон амирлиги қолганларини босиб олиб, султонликка эришади. Кейинроқ Болқон ярим ороли мамлакатлари устидан ҳукмронлик ўрнатиб, машҳур Усмонли империясига айланган.

²⁵ Фитратнинг «Бедил (Бир мажлиса)» асари шу ерда тугайди. Муаллиф Мирзо Бедил ҳақида тугалроқ маълумот бермоқ ниятида у ҳақида кичик бир илмий ахборотни ўз асарига илова қилади. Ундаги айтилган фикрлар олимнинг «Мирзо Бедил» мақоласи (1920, «Тонг», 2-сон)дан олингандир. Асарнинг илк нашри (1923)да ва 1996 йилги нашрларида Фитрат асари алоҳида рисола ҳолида эълон этилгани учун бу кичик мақолача ҳам илова равишда бир муқова остида берилган эди. Ушбу нашрда бунга эҳтиёж сезилмади.

«МУХТАСАР ИСЛОМ ТАРИХИ»

Ушбу рисола аслан форс тилида яратилган бўлиб, у бошланғич мактабларда илоҳиётдан сабоқ бериш учун мўлжалланган. Таржимага 1915 (ҳижрий 1333) йилда Газаров матбаасида чоп этилган ва ҳозирда Россиядаги «Императорский исторический московский музей»да ХУ 28411 рақами остида сақланаётган литографик нашр асос қилиб олинди. Айни замонда Фитрат каби Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Шоқир Сулаймоннинг ҳам қисқа ислом тарихлари яратгани ҳақида маълумотга эгамиз. Фитрат асари бу рисолалардан воқеаларнинг аниқ, жонли ифодаси, миллатпарварлик руҳи тасвир қатига сингдирилгани билан фарқ қилади.

¹ Фитратнинг тарих фани ва унинг таркиби ҳақидаги қарашлари «Раҳбари нажот» асарида ҳам акс этган.

² **Рум** — ҳозирги Туркия ҳудуди бўлиб, тарихда Византия номи билан аталган. 1461 йилдан турклар томонидан ишғол этилгандан ҳозирга қадар турли номлар билан аталган: Онадўли, Туркия каби.

³ **Жазирату-л-араб** — Ҳижоз ярим ороли (ҳозирги Сауд Арабистони)даги катта саҳро, чўл.

⁴ **Қурайш қабиласи** — бу қабила ўн икки жамоани ташкил этган,

жамоаларнинг номлари уларнинг етакчилари исмлари билан аталган: Абдуманноф, Абдууддор, Асад, Зуҳра, Махдум, Тайм, Адий, Омир, Тайм, Фолиб, Ҳорис ва Муҳарриб.

⁵ **Муҳаммад Амин** – амин сўзининг луғавий маъноси ишончли бўлиб, бизнинг тилда Ишончли Муҳаммад маъносига эга.

⁶ **«Икраъ, бисми Роббикал-лази халақ»** – Алақ сурасидаги дастлабки ояти карима. Зоҳирий маъноси: «Сизни халқ этган (яратган) Роббингнинг номи билан бошлаб ўқи!»

⁷ **«Йа аййуҳа-л-мудда-с-сиру кум фаанзир»** – Мудассир сурасидаги ояти карима. Зоҳирий маъноси: «Эй чодирга ўралгучи, ўрнингдан тур...»

⁸ **Асҳоб** – саҳобанинг кўплиги. *Саҳоба* «суҳбатдош» дегани. Пайғамбаримиз билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлганларни саҳобалар ёки асҳоб деб аташган.

⁹ **Меърож туни** – Пайғамбаримизнинг Буроқ отига миниб, арши аълога чиқишлари содир бўлган кеча. *Меърож* «юксалмоқ, юқориламоқ» маъноларида келади.

¹⁰ **Ҳижрат** – кўчиш маъносини англатади. Маккадан Мадинага кўчганларни «муҳожирлар», яъни ҳижрат қилганлар; уларни қабул этган мадиналик мезбонларни эса *ансор* деб аташ русум бўлган. Ҳижрий йил ҳисоби милодий йилдан фақат 622 йиллик сана билангина фарқланмайди. Ҳижрий сана қамарий йил (яъни йилда 354 кун) билан ҳисоб қилинади.

¹¹ Бу ояти карима Бақара сурасининг 150-оятидир: «Сиз қайси тарафда бўсангиз юзингизни Масжиди Ҳарам тарафга қаратиб намоз ўқинг...»

¹² **Жихот** – уруш, ислом йўлидаги муқаддас уруш. Бу ҳақда Ҳаж сурасининг 39 ва 40-оятлари карималарида сўз юритилган: «Изн берилди урушиб турган мусулмонларга, ҳамонки аларга зулм бўлди, албатта, Аллоҳ буларнинг ёрдамлариغا қодирдур...»

¹³ **Бадр** – Мадинадан 80 мил йироқдаги бир қишлоқ. Манбаларда Бадр ғазоти ҳақида кўп ёзилган.

¹⁴ **Эрон подшоҳи** – Хусрав Парвез назарда тутилган.

¹⁵ **Олтмиш уч ёш** – Пайғамбар ёши деб аталадиган ёш шу санадан қолган.

¹⁶ **Сабата бўғози** – ҳозирда Гибралтар бўғози деб аталади.

¹⁷ **Жабау-л-Ториқ** – Ториқ тоғи.

«НАЖОТ ЙЎЛИ»

Фитратнинг «Раҳбари нажот» асари 1914 йилнинг ёзида яратилган бўлиб, 1915 йилда Петроградда форс тилида босилиб чиқди. Асар мазмунида ва муаллифнинг Истанбулда ёзилган ва чоп қилинган аввалги китоблари билан алоқадорлигидан келиб чиқиб, унинг Туркияда ёзилганлигига шубҳа қилмаса бўлади. Ушбу маърифий рисолада муаллиф «нажот йўли, етакчиси» сифатида Куръони каримдаги илоҳий ҳукмлар ва Пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифларида баён қилинган ҳикматларни билади ва ўзининг асари орқали буни исбот қилади.

«Нажот йўли» 1992 йили Душанбедаги «Садои Шарқ» журналида (7–9–сонлар) қайта нашр этилган ва 2001 йилда Шодмон Воҳид ва Гулбахор Музаффарзода томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, «Шарқ» НМАКда босилиб чиққан. Ушбу жилда ана шу таржима асос қилиб олинди ва ундаги айрим тахрирбоп ўринлар тўлдирилди ҳамда изоҳлар кенгайтирилди. Муаллиф изоҳлари ўша саҳифанинг ўзида берилди, таржимонлар томонидан изоҳланган сўз, ибора ва номлардан кейин (тарж.) белгиси қўйилди. Қолган изоҳ ва кичик шарҳлар нашрга тайёрловчи томонидан амалга оширилди.

¹ Кейин, сўнг маъносида.

² Бу ўринда Фитрат тазкиралар ёзиш зарарли деган фикрни илгари сураётгани йўқ, балки минг йиллардан бери мавжуд бўлган бу адабий жанр ўз тараққиётида давом этавериши мумкин. Фақат XX аср бошларига келиб аҳолини жаҳолат ботқоғидан олиб чиқадиغان ва гафлат уйқусидан уйғотадиغان маърифий рисола ва публицистик чиқишларга эҳтиёж катталигини уқтирмақчи, холос.

³ Саййид Муҳаммад Олимхон – Амир Абдулаҳад (1910 йили вафот этган)нинг ўғли. Бухоро амирлигида манғитлар сулоласининг охириги ҳукмдори (1910–1920). Афғонистон пойтахти Кобулда 1944 йили 23 апрелда вафот этган (тарж.)

⁴ 1332 ҳижрий йили – милодий 1914 йил июл-август (тарж.)

⁵ Фарсах – узунлик ўлчови, бир фарсахга тенг.

⁶ Кулли явмин бадтар – кундан-кун баттар.

⁷ Ботил – ноҳақ, асоссиз.

⁸ Таважжуҳ – юзланиш, қараш.

⁹ Вужуди бибизоат – бисотсиз вужуд, мол-мулксиз одам.

¹⁰ Куръони карим, Раъд сураси, 11-оят.

¹¹ Умар бин ал-Хаттоб ал-Форуқ – чаҳорёр халифаларнинг иккинчиси, 644 йилнинг 7 ноябрида шаҳид бўлганлар.

¹² Эрону Рум мағлубияти – 640 йилга келиб Сурия ва Фаластин Византиядан мусулмонлар томонидан тортиб олинди. 651 йилда Эрон худудлари Балх ва Омулгача араб халифалиги таркибига киради (тарж.)

¹³ Умайя-Муовия бин Абу Суфён (тахминан 605–680) 661 йилдан уммавийлар даврида араблар Пиреней ярим оролигача босиб олиб, Франция худудларига босиб ўтганлар (тарж.).

¹⁴ Андалусия – Испания ва Португалиянинг ислом лашкарлари томонидан маҳв этилиб, мусулмонликни қабул қилган қисми.

¹⁵ Аббосий халифалари – аббосийлар сулоласига Абул Аббос (724–754) асос солган, 750–754 йиллари унинг ўзи халифа бўлган (тарж.).

¹⁶ Мабдан – чиқиш жойи.

¹⁷ Куръони карим, Анфол сураси, 52–53-оятларнинг мазмуни (тарж.).

¹⁸ Куръони карим, Юнус сураси, 23-оят.

¹⁹ Куръони карим, Шўро сураси, 30–31-оятлар (тарж.)

²⁰ Холяд ибн Валид – араб саркардаси. Исломни қабул қилмасдан олдин пайғамбар (с.а.в.) га қарши уруш очган. Кейинчалик мусулмон бўлгач, халифа Усмон даври (милодий 644 ноябрь – 656 йил 17

июнь)да Сурия ва Фаластиннинг фатҳ этилишида фаол қатнашиб Византия қўшинларини мағлуб этган (тарж.).

²¹ Куръони карим, Оли Имрон сураси, 165-оят (тарж.).

²² Куръони карим, Нисо сураси, 79-оят (тарж.).

²³ Куръони карим, Юнус сураси, 27-оят (тарж.).

²⁴ Куръони карим, Ал-Исроъ сураси, 16-оят (тарж.).

²⁵ Куръони карим, Ҳаж сураси, 48–49-оятлар (тарж.).

²⁶ Куръони карим, Зухруф сураси, 55–56-оятлар (тарж.).

²⁷ Сафоҳат – енгилтаклик, аҳмоқлик.

²⁸ **Бани Исроилнинг афсоналари** – Исроил фарзандлари ҳақида яратилган афсоналар.

²⁹ Тааммул – сабр, бардош.

³⁰ Рибоҳўрлик – судҳўрлик.

³¹ «Ал-жомеъ ас-сағир» – «Кичик ҳадислар тўплами». Исмоил Бухорий асари.

³² Байт Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийникидир (тарж.). Бу байт Фитратнинг аввалги асарларида, жумладан, «Ҳинд сайёҳининг баёноти»да ҳам келтирилган. Қаранг: Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: «Маънавият», 2000.

³³ Маъвиза – ҳикмат, панд.

³⁴ Куръони карим, Оли Имрон сураси, 22-оят (тарж.).

³⁵ Куръони карим, Ҳашр сураси, 4-оят (тарж.).

³⁶ Куръони карим, Жосия сураси, 7–8-оятлар (тарж.).

³⁷ **Мутакаллимлар** (калом) **мазҳаби** – нотик (сўзловчи) мазҳаби, бу ерда: мўътазилийлик мазҳаби.

³⁸ Тасхир – қўлга киритиш, эгалик қилиш.

³⁹ Таваққуф – тўхташ, тек туриш.

⁴⁰ Ҳалим – юшоқ, мулойим.

⁴¹ Фахру-л-мурсалин – пайғамбарлар, расуллар бизнинг фахримиз.

⁴² Довари ҳаким – ҳаким (донишманд)лар шоҳи, яъни Худо.

⁴³ «Вал-қад каррама бани Одам» – ояти кариманинг зоҳирий маъноси: «Биз одам фарзандларини азиз қилдик».

⁴⁴ «Лақад холақно ал-инсона фи аҳсани тақви(м)» – Ояти кариманинг зоҳирий маъноси: «Биз инсонни гўзал тақво билан яратдик».

⁴⁵ Куръони карим, Бақара сураси, 200-оят (тарж.).

⁴⁶ Куръони карим, Бақара сураси, 201-оят (тарж.).

⁴⁷ Баъд – кейин.

⁴⁸ Ман – оғирлик ўлчови.

⁴⁹ Воҳиб ал-атоё – ғойибдан туҳфалар берувчи.

⁵⁰ Илми ладуний – гайб илми.

⁵¹ Куръони карим, Бақара сураси, 29-оят (тарж.).

⁵² Куръони карим, Луқмон сураси, 159-оят (тарж.).

⁵³ Куръони карим, Жосия сураси, 13-оят (тарж.).

⁵⁴ Сартибб – тиббиёт ҳамшираси, фельдшер.

⁵⁵ Куръони карим, Бақара сураси, 2–3-оятлар (тарж.).

- ⁵⁶ **Машруъ** — шариатга мувофиқ, тўғри.
- ⁵⁷ **Қуръони карим, Оли Имрон сураси, 159-оят (тарж.)**
- ⁵⁸ **Қуръони карим, Анкабут сураси, 22-оят (тарж.)**
- ⁵⁹ **Имом Бухорий** — Муҳаммад бин Исмоил Абу Абдуллоҳ ал-Жавфий. 810–870 йилларда яшаган буюк муҳаддис (тарж.).
- ⁶⁰ **Китоб ал-салот** — намоз ҳақида китоб. Имом Бухорийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» тўплами таркибига кирган китоб (тарж.).
- ⁶¹ **Имом Муслим** — Муслим бин Хаттот Абул Ҳусайн ал-Қушайрий ан-Нисобурий (вафоти 875 йил). Буюк муҳаддис (тарж.).
- ⁶² **Китоб ал-масожд** — шу мавзудаги ҳадислар мажмуаси (тарж.)
- ⁶³ **Шафий** — ҳимоячи, воситачи.
- ⁶⁴ **Қуръони карим, Юнус сураси, 18-оят (тарж.)**
- ⁶⁵ **Қуръони карим, Зумар сураси, 44-оят (тарж.)**
- ⁶⁶ **Муваҳҳид** — Аҳд китоби (Инжил)га ишонувчи.
- ⁶⁷ **Китоб ул-ҳаж** — ҳаж ҳақида ҳадислар тўплами (тарж.).
- ⁶⁸ **Ҳажарул-асвад** — қора тош.
- ⁶⁹ **«Инни жоилу фил арзи халифатун»** — «Ҳақиқатан мен ер юзига халифа қилиб юборилганман».
- ⁷⁰ **Маозоллоҳ** — Худо паноҳ берсин.
- ⁷¹ **Ҳулафон рошидин** — ҳақ йўлидаги халифалар: Абубакир, Умар, Усмон ва Али.
- ⁷² **Асҳоби киромийлар** — Пайғамбарнинг иззат-икромга эга бўлган суҳбатдошлари.
- ⁷³ **Абужаҳл** — исломни қабул қилишдан бош тортган қабила бошлиғи.
- ⁷⁴ **Абулаҳаб** — Қуръони каримда номи зикр қилинган кофирлардан бири.
- ⁷⁵ **Қуръони карим, Бақара сураси, 266-оят (тарж.)**
- ⁷⁶ **Қуръони карим, Бақара сураси, 269-оят (тарж.)**
- ⁷⁷ **Қуръони карим, Рум сураси, 24-оят (тарж.)**
- ⁷⁸ **«Назала алайка ал-китоб»дан мурод Қуръондир** — «Сенга китоб нозил қилинди» сўзларидан мурод Қуръондир».
- ⁷⁹ **«Вама анзална ала абадно явм ал-фурқона»** — «Бу (китоб)ни ибодат қилиш учун, фарқлаш кунини билдириш учун юбордик».
- ⁸⁰ **Имом Ғаззолий** — Ал-Ғаззолий, Абу Ҳамид Муҳаммад бин Муҳаммад ат-Тусий (1058–1111 йй. яшаган). Илоҳиётшунос, файласуф, шофей мазҳабининг фоқиҳи.
- ⁸¹ **«Ихё ал-улум»** — асарнинг тўлиқ номи «Ихё улум ад-дин» («Диний илмларнинг тирилиши»)дир. Тўрт жилддан иборат бу асар Имом Ғаззолийнинг асосий асари бўлиб, унда барча ақлий ва нақлий илмларнинг таърифи ва таснифи берилган. «Ихё улум ад-дин»дан лавҳалар ўзбек тилида ҳам чоп этилган.
- ⁸² **Абу Саид ал-Хадрий** — пайғамбар саҳобаларидан (тарж.).
- ⁸³ **Қуръони карим, Фотир сураси, 22-оят (тарж.)**
- ⁸⁴ **Қуръони карим, Таҳо сураси, 114-оят (тарж.)**
- ⁸⁵ **Ҳамир** — манъ қилинган ичимликлар.

- ⁸⁶ «**Китоб ал-илм**» — илм ҳақидаги ҳадислар мажмуи.
- ⁸⁷ **Анас ибн Молик** — Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан, лақаби Абу Ҳамза. Тахминан 710 йили 100 ёшида вафот этган.
- ⁸⁸ **Хусайн ибн Ос** — Пайғамбарнинг саҳобаларидан.
- ⁸⁹ **Ибн Умар** — Умар II бин Абдулазиз (681–720 йй.), Умавия халифаси (717–720 йй.).
- ⁹⁰ **Ибн Масъуд** — Абдуллоҳ ибн Масъуд, пайғамбар саҳобаларидан, 652 йили вафот этган.
- ⁹¹ **Абу Саид** — 82-изоҳга қаранг.
- ⁹² **Зарбу Зайд** — Зайд урди.
- ⁹³ **Ибн Аббос (тафсири)** — Абдуллоҳ бин Аббос «Таржумон ал-Қуръон» номи билан машҳур бўлган. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)-нинг қариндоши. У 686 йили вафот этган (тарж.).
- ⁹⁴ «**Тафсири Табарий**» — асарнинг асл номи «Жомъ ул-баёни ан-таъвил ал-Қуръон» бўлиб, муаллифи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жаррир ат-Табарийдир. У 923 йил Бағдодда вафот этган. Асарнинг арабча матни 1903 йили Қоҳирада нашр этилган. Сомоний амири Мансур бинни Нуҳ фармони билан араб тилидаги матни тожик тилида ал-Балъамий томонидан ўгирилиб қайта ишланган. «Тафсири Табарий» шу таржима орқали шуҳрат топган.
- ⁹⁵ **Қози Байзовий** — Абдуллоҳ ибн Умар ал-Байзовий, Қуръон муфассири ва шореҳи, 1286 йили вафот этган
- ⁹⁶ Замаҳшарий томонидан яратилган Тафсир.
- ⁹⁷ «**Тафсири кабир**» — улуг тафсир, «Тафсири Хусайний» назарда тутилган.
- ⁹⁸ **Санад** — ҳужжат, далил.
- ⁹⁹ **Иснод** — асос, тиргак.
- ¹⁰⁰ **Ражоъ ибни Маржий** — муҳаддис олим (тарж.).
- ¹⁰¹ **Муҳаммад ибн Исҳоқ** — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ (704–768 йй.), араб тарихчиси. Муҳаммад пайғамбар тўғрисида биринчилардан асар ёзган. Унинг асари мисрлик олим Ибни Ҳишом таҳририда «Расулуллоҳ сийратлари ҳақида китоб» номи билан бизгача етиб келган (тарж.).
- ¹⁰² **Маданийут-табъ** — жамоа бўлиб яшашга одатланиш, шаҳар тартиботи.
- ¹⁰³ **Муомалот** — муомалалар, алоқа ўрнатиш.
- ¹⁰⁴ **Уқубот** — азоб бериш, жазо.
- ¹⁰⁵ **Таваллул ва таъносул** — туғилган ҳолида наслан қандай бўлса, шундай қоладилар.
- ¹⁰⁶ **Манкуҳот** — манкуҳ нарсалар.
- ¹⁰⁷ **Қиёс** — ҳадисларнинг саҳиҳлигини аниқлаш усулларидан бири.
- ¹⁰⁸ **Ижмо** — фикҳ усули.
- ¹⁰⁹ **Имом Шофеий** — Имом Абу Муҳаммад бин Идрис (767–820 йй. яшаган). Фақиҳ ва муҳаддис. Шофеия мазҳабининг асосчиси (тарж.).
- ¹¹⁰ **Ҳанафия ан-Нуъмон бин Собит ал-Имом Аъзам** (699–767 йй. яшаган). Фақиҳ ва муҳаддис. Ҳанафия мазҳабининг асосчиси (тарж.).

- ¹¹¹ **Шофеия мазҳаби** – Имом Шофейи издошлари.
- ¹¹² **Вожиб таоло** – Тангри таоло, Аллоҳ.
- ¹¹³ **Қуръони карим**, Бақара сураси, 21–23-оятлар (тарж.).
- ¹¹⁴ **Қуръони карим**, Бақара сураси, 116-оят (тарж.).
- ¹¹⁵ **Қуръони карим**, Юнус сураси, 38-оят; Ал-Исроъ сураси, 38-оятлар мазмуни (тарж.).
- ¹¹⁶ **Қуръони карим**, Оли Имрон сураси, 145-оят (тарж.).
- ¹¹⁷ **Қуръони карим**, Юнус сураси, 31-оят (тарж.).
- ¹¹⁸ **Мўътазилий** – жудо бўлганлар, ажрашганлар. VII–IX асрларда катта роль ўйнаган диний-сиёсий ҳаракат. Ал-Ҳасан ал-Басрий маҳфилдан унинг шогирдлари Восил бин Ато (748 й. вафот этган) ва Амр бин Убайд (761 й. ўлган) «ажрашиб» ўз таълимотларига асос солганлар. Муфассал қаранг: Ислом. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991 с. 175–176 (тарж.).
- ¹¹⁹ **Восил ибн Аъто** – мўътазилия ҳаракатининг асосчиларидан (тарж.).
- ¹²⁰ **Абу Ҳошим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн ал Ҳанифа ибн Али ибн Абутолиб** – Ҳасан ал-Басрий шогирдларидан. Фитрат фикрича, мўътазилия ҳаракатининг асосчиларидан (тарж.).
- ¹²¹ **Ҳасан Басрий** – Абу Саид ибн Абул Ҳасан Жаъфар ал-Басрий (642–728 йй.) (тарж.).
- ¹²² **Ҳижрий 131 йили** – милодий 748 йил (тарж.).
- ¹²³ **Ҳижрий 220 йили** – милодий 835–836 йил (тарж.).
- ¹²⁴ **Аҳмад Ҳанбал** – Имом Абу Абдуллоҳ Аҳмад бин Ҳанбал ибн Муҳаммад Шайбоний (780–855й.) Ҳанбалия номидаги диний-сиёсий ҳаракат ва мазҳаб асосчиси (тарж.).
- ¹²⁵ **Муътасим (биллоҳи) Аббосий** – Ал-Муътасим аббосий халифаларидан, 813 йили вафот этган (тарж.).
- ¹²⁶ **Ал-Восиқ Биллоҳи** – аббосийлардан, 813–847 йиллари халифа бўлган (тарж.).
- ¹²⁷ **Абул Ҳасан Ашъарий** – тўлиқ номи Абул Ҳасан Али ибн Исмоил. 873–935 йй. яшаган, калом ҳаракатининг намояндаларидан (тарж.).
- ¹²⁸ **Абу Али Алжабойи Мўътазилий** – мўътазилия ҳаракатининг намояндаларидан. 915 йили вафот этган (тарж.).
- ¹²⁹ **Ҳижрий 300 йил** – милодий 912/13 йилларга мувофиқ (тарж.).
- ¹³⁰ **Маъжун** – дори.
- ¹³¹ **Имом Аъзам** – Улу-имом, Ан-Нўмон бин Собит ал-Ҳанафийнинг таҳаллуси (тарж.).
- ¹³² **Имом Абу Юсуф** – Яъқуб бин Иброҳим ал-Куфи ал-Ансорий. 731–804 йилларда яшаган фақиҳ ва имом, энг биринчи қози ул-қузот (тарж.).
- ¹³³ **150 ҳижрий йили** – милодий 767 йил (тарж.).
- ¹³⁴ **204 ҳижрий йили** – милодий 819/20 йил (тарж.).
- ¹³⁵ **Ибн Халдун** – Абдурахмон Абу Зайд ибн Муҳаммад ибн Халдун. Тунис ва Ал-Жазоирда яшаган буюк мутафаккир. «Китоб ул-ибар» – «Ибротли намуналар» китобининг муаллифи.

¹³⁶ **Ибн Халдун муқаддимасидан лавҳалар.** Г. Музаффарзода таржимасида босилган. Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий фикр, 1998 й., 1-сон. 158–161-бетлар.

¹³⁷ **Арасту** – буюк юнон файласуфи Аристотель (милоддан аввалги 384–322 йй. яшаган). Платоннинг шогирди, унинг академиясида қатнашган, лекин охири устози таълимотини танқид қилган (тарж.).

¹³⁸ **Афлотун** – юнон файласуфи Платон (милоддан аввалги 428–347 йй. яшаган)нинг шарқона номи. Сократ (Сукрот)нинг шогирди. Афинада академияга асос солган Платонизм таълимотининг асосчиси (тарж.).

¹³⁹ **Арасту ва Афлотуннинг мухлислари қолмаган, дейиш билан XX аср бошларидаги Бухоро шароитида мўътазилий мазҳабига эътиқод қилувчилар йўқ, демоқчи.** Арасту ва Афлотунга муносабатда Фитрат кейинчалик бу алломалар меросини ўргангани ва замона тақозоси билан талқин қилгани унинг асарларидан маълум.

¹⁴⁰ **Балоғат илми** – араб филологиясидаги поэтика масалаларини ўрганувчи илм.

¹⁴¹ **Илми баён** – ифода хусусидаги илм.

¹⁴² **Илми бадеъ** – бадий санъатлар.

¹⁴³ **«Маданият» сўзи бу ўринда «культура» маъносида эмас, балки бу арабча сўзнинг (мадина – шаҳар) лисоний хусусиятларидан келиб чиқиб, шаҳарда яшовчи аҳоли, яъни жамият маъносида келади.**

¹⁴⁴ **«Тарихи Абулфидо»** – Исмоил ибн Али Абулфидо (1273–1331 йилларда яшаган), араб тарихчиси ва географи. «Мухтасар фи тарих ал-башар» (Башариятнинг қисқача тарихи) ва «Тақвим ал-булдон» (Мамлакатлар тартиби) асарларнинг муаллифи (тарж.).

¹⁴⁵ **«Тарихи Ибн Халдун»** – Абдураҳмон Абу Зайд ибн Муҳаммад ибн Халдуннинг «Китоб ал-ибар» ва унинг «муқаддима»си назарда тутилмоқда (тарж.).

¹⁴⁶ **«Тарихи Табарий»** – Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жаррир ат-Табарийнинг «Тарих ар-русул вал-мулук» (пайгамбар ва подшолар тарихи) номли асари. Ислом давлатлари тарихини 915 йилгача баён қилган. Асар сомонийлар вазири ал-Балъамий томонидан тожик тилига таржима этилиб, қайта ишланган (тарж.).

¹⁴⁷ **Куръони карим, Аъроф сураси, 175–176-оятлар мазмуни берилган (тарж.).**

¹⁴⁸ **Абу Исҳоқ Истаҳрий** – Абу Исҳоқ ал-Фориси ал-Истаҳрий (тахминан 850–934 йй.), араб географи, асли эронлик. 930–933 йиллари кўп саёҳатлардан кейин «Китоб ал-масолик мамолик» (Йўллар ҳақида китоб) номли асарини ёзган. Китоб 950 йилдан кейин шуҳрат қозониб, кейинчалик географлар учун бирламчи манба бўлган (тарж.).

¹⁴⁹ **Ибн Хавқал ал-Маъсулий** – араб сайёҳи. «Ал-масолик ва ал-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар») номли асарнинг муаллифи (тарж.).

¹⁵⁰ **Идрисий** – Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Идрисий (1110–1165 йй.) араб географи ва сайёҳи. Мароккода оламга келиб,

Қартобада таҳсил олган. Кўп саёҳатлардан сўнг Палермога Сицилия қироли Рожер II (1130–1154 йй.) саройига келиб, унинг амри билан асарлар ёзган (тарж.).

¹⁵¹ **Қуръони карим, Муҳаммад сураси, 10-оят** (тарж.).

¹⁵² **Қуръони карим, Оли Имрон сураси, 8-оят** (тарж.).

¹⁵³ **Абу Бакр Розий** – Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё 865 йили Райда туғилган, 934 йили вафот этган. Қомусий олим, файласуф ва табиб. Рай ва Бағдодда шифохоналар бошлиғи бўлган. Тиб илмидаги кўп кашфиётлар унинг номи билан боғлиқ (тарж.).

¹⁵⁴ **Амир Мансур ибн Исмоил** – сомоний амирларидан (тарж.).

¹⁵⁵ **Абул Ҳасан Али ибн Ризвон Мисрий** – фалакиёт ва тиб олими, файласуф (тарж.).

¹⁵⁶ **370 ҳижрий йили** – милодий 912 / 13 йилга мувофиқ (тарж.).

¹⁵⁷ **428 ҳижрий йили** – милодий 1036 / 37 йил (тарж.).

¹⁵⁸ **«Китоб ат-тибб»** – Имом Бухорийнинг шу мавзудаги ҳадислар мажмуи. «Ас-саҳиҳ ал-Бухорий» тўплами таркибига кирган (тарж.).

¹⁵⁹ **«Китоб ус-салом»** – Имом Муслимнинг шу мавзудаги ҳадислар мажмуи (тарж.).

¹⁶⁰ **«Китобул-истихрож»** – Имом Бухорийнинг ҳадислар мажмуи (тарж.).

¹⁶¹ **«Ҳинд сайёҳи баёноти»нинг матни ҳақида қаранг:** Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. –Т.: «Маънавият», 2000.

¹⁶² **Қуръони карим, Раъд сураси, 3-оят** (тарж.).

¹⁶³ **Завжайн** – икки хотин.

¹⁶⁴ **Синфайн** – икки жинс вакиллари.

¹⁶⁵ **Қуръони карим, Зумар сураси, 21-оят** (тарж.).

¹⁶⁶ **Қуръони карим, Юнус сураси, 101-оят** (тарж.).

¹⁶⁷ **Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий** – 783–850 йй. яшаган.

¹⁶⁸ **Қуръони карим, Оли Имрон сураси, 190-оят** (тарж.).

¹⁶⁹ **Ал-ассабоҳ** – сабоҳда, эрталаб.

¹⁷⁰ **Тануманд** – тан-жони бутун.

¹⁷¹ **Лоша** – яғир эшак.

¹⁷² **Қуръони карим, Зориёт сураси, 20–21-оятлар** (тарж.).

¹⁷³ **Имом Али ибни Ҳусайн, 710 йилда вафот этган** (тарж.).

¹⁷⁴ **Қуръони карим, Муҳаммад сураси, 14-оят** (тарж.).

¹⁷⁵ **Алалаксар** – оқибатда, аксарият.

¹⁷⁶ **Қазия** – ҳукм (мантиқ илмининг истилоҳи сифатида).

¹⁷⁷ **Валиъуллоҳ** – Аллоҳнинг волийси (улуғ бандаси).

¹⁷⁸ **Солик** – бу ерда: ҳаммаслак маъносиди.

¹⁷⁹ **Бақара сурасидан олинган.**

¹⁸⁰ **Ифрот** – ҳаддидан, чегарадан чиқиш.

¹⁸¹ **Тафрит** – калтабинлик.

¹⁸² **Балоҳат** – нодонлик.

¹⁸³ **Қуръони карим, Аъроф сураси, 179-оят** (тарж.).

¹⁸⁴ **Қуръони карим, Луқмон сураси, 21-оят** (тарж.).

- ¹⁸⁵ «**Китоби фазоилун наби**» – Пайғамбар фазилатлари ҳақида китоб. Имом Муслимнинг асари.
- ¹⁸⁶ **Қуръони карим**, Зумар сураси, 9-оят (тарж.).
- ¹⁸⁷ **Тазвир** – фириб, мақр, алдаш.
- ¹⁸⁸ **Қуръони карим**, Тавба сураси, 34-оят (тарж.).
- ¹⁸⁹ **Фожир фоқиҳ** – ахлоқсиз фоқиҳ (фиқҳ олими, уламо).
- ¹⁹⁰ **Эътидол** – ўртача, мўътадиллик. Бу ерда: рисоладагидай.
- ¹⁹¹ **Таҳаввур** – ҳаддан зиёд ва ўринсиз жасорат.
- ¹⁹² **Инхизол** – ожизлик, журъатсизлик.
- ¹⁹³ **Хасорат** – зарар, зиён.
- ¹⁹⁴ **Тазабзуб** – иккиланиш.
- ¹⁹⁵ **Инод** – саркашлик.
- ¹⁹⁶ **Муованат** – ёрдам бериш, кўмак берувчи.
- ¹⁹⁷ **Қуръони карим**, Бақара сураси, 261-оят (тарж.).
- ¹⁹⁸ **Қуръони карим**, Тағобун сураси, 17-оят (тарж.).
- ¹⁹⁹ **Қуръони карим**, Бақара сураси, 245-оят.
- ²⁰⁰ **Мустаҳиқ** – ҳақли, лойиқ. Бу ерда: ғайримустаҳиқ – нолойиқ.
- ²⁰¹ **Ала ҳазал қиёс** – ва шу кабилар.
- ²⁰² «**Ҳатта танаффақу мимо туҳиббун**» – маъноси: «Одамлар хайр-эҳсон қилган вақтларда сени севадилар».
- ²⁰³ **Қуръони карим**, Шўро сураси, 38-оят.
- ²⁰⁴ **Қуръони карим**, Ал-Исроъ сураси, 26–29-оятлар.
- ²⁰⁵ «**Фатақъуда маълуман маҳсуру**» – ояти кариманинг зоҳирий таржимаси: «У ердаги ййғилишларнинг зарарли экани маълум».
- ²⁰⁶ **Қуръони карим**, Нисо сураси, 5–6-оятлар
- ²⁰⁷ **Қуръони карим**, Муҳаммад сураси, 38-оят.
- ²⁰⁸ **Қуръони карим**, Бақара сураси, 264-оят.
- ²⁰⁹ **Қуръони карим**. Оли Имрон сураси, 180-оят.
- ²¹⁰ **Қуръони карим**, Духон сураси, 38-оят (тарж.).
- ²¹¹ **Алайҳи афзал ут-таҳиёт** – унга мақтаб айтиш афзалдир.
- ²¹² **Қуръони карим**, Муҳаммад сураси, 35-оят (тарж.).
- ²¹³ **Қуръони карим**, Оли Имрон сураси, 175-оят (тарж.).
- ²¹⁴ **Қуръони карим**, Бақара сураси, 155–157-оятлар (тарж.).
- ²¹⁵ **Қуръони карим**, Юсуф сураси, 87-оят (тарж.).
- ²¹⁶ **Қуръони карим**, Анкабут сураси, 23-оят (тарж.).
- ²¹⁷ **Инод** – қайсарлик, ўжарлик.
- ²¹⁸ **Қуръони карим**, Шўро сураси, 40-оят (тарж.).
- ²¹⁹ **Қуръони карим**, Оли Имрон сураси, 134–136-оятлар (тарж.).
- ²²⁰ **Вақоҳат** – уятсизлик.
- ²²¹ **Тухнус** – хунаса.
- ²²² **Малақ** – хушомад.
- ²²³ **Иҳмол** – оғирлик.
- ²²⁴ **Хатака** – хатака.
- ²²⁵ **Вараъ** – порсолик.
- ²²⁶ **Қуръони карим**, Тавба сураси, 119-оят.

- 227 Куръони карим, Нисо сураси, 145-оят.
- 228 Куръони карим, Нисо сураси, 58-оят.
- 229 Куръони карим, Маориж сураси, 32–35-оятлар.
- 230 Куръони карим, Бақара сураси, 9-оят.
- 231 Куръони карим, Қалам сураси, 10–13-оятлар.
- 232 Куръони карим, Хужурот сураси, 6-оят.
- 233 Куръони карим, Жосия сураси, 12-оят.
- 234 **Кароҳат** – нохушлик, ёқимсизлик.
- 235 **Бугз** – гина, кудурат.
- 236 Куръони карим, Моида сураси, 6-оят.
- 237 Куръони карим, Аъроф сураси, 31–32-оятлар.
- 238 **Ворид бўлмоқ** – нақл қилинмоқ.
- 239 Куръони карим, Аср сураси, 1–3-оятлар.
- 240 Куръони карим, Нисо сураси, 122-оят.
- 241 Куръони карим, Бақара сураси, 44-оят.
- 242 **Тариқати жаҳрия** – ошкора зикр қилувчилар тариқати, бу ерда яссавийлик.
- 243 **Тариқати сиррия** – хуфия зикр қилувчилар, бу ерда: нақшбандийлик.
- 244 **Истихора намозлари** – тунги намозлар.
- 245 **Чубушак** – тошма касаллиги.
- 246 **Ҳозиқ** – билимдон.
- 247 Куръони карим, Наҳл сураси, 116-оят.
- 248 Куръони карим, Қасос сураси, 76–77-оятлар.
- 249 **Бebизoатлик** – бисотсиз, камбағаллик.
- 250 Куръони карим, Оли Имрон сураси, 112-оят.
- 251 Куръони карим, Бақара сураси, 273-оят.
- 252 Куръони карим, Ҳадид сураси, 273-оят.
- 253 Куръони карим, Жосия сураси, 12-оят.
- 254 Бобда Фитрат оила ҳақидаги умумий исломий ақидаларни бериш билан чекланган, кейинроқ бу хусусда махсус тўхталиш лозимлигини англаб, алоҳида рисола битган.
- 255 Куръони карим, Нисо сураси, 30-оят.
- 256 Куръони карим, Бақара сураси, 228-оят.
- 257 Куръони карим, Нисо сураси, 34-оят.
- 258 **Исо Масих эшаги** – бу ҳайвон пайғамбар Исонинг доим хизматида бўлгани «Инжил»нинг кўп жойларида зикр этилган.
- 259 **Асҳоби Каҳф ити**, асҳоби Каҳф – Фор дўстлари қиссаси Куръони карим (Каҳф сураси)да келтирилган бўлиб, унда золим ҳоким истибдодидан дини иймонларини сақлаб қолишлари учун ўз жонларини фидо қилган йигитларнинг бир Каҳф – форга паноҳ тортиб кириши, у жойда уч юз йил қолиб кетишганидир. Шунда улар билан бирга чўпоннинг ити ҳам кирган экан.
- 260 **Солиҳ пайғамбарнинг туяси**. Бу қисса ҳам Куръони каримнинг кўп сураларида келтирилган. Ривоят қилишларича, Солиҳ пайғам-

барнинг қавми – Самут ундан ҳақ пайғамбар уларнинг қўз ўнгларида бир харсанг тошни тирик туяга айлантиради ва уни сўймай, ўлдирмай ўз ҳолига ташлаб қўйишларини буюрадилар. Акс ҳолда бошларига бало келиши ҳақида уларни огоҳлантирадилар. Самут қавми туяни сўйганда жазога мустаҳиқ бўлган.

²⁶¹ Қуръони карим, Нисо сураси, 128-оят.

²⁶² **Маъхуд** – Машрабнинг издошлари бўлган қирқ қаландардан бири.

²⁶³ **Маслаги** – бу ерда: йўли, усули.

²⁶⁴ Қуръони карим, Марям сураси, 96-оят.

²⁶⁵ Қуръони карим, Бақара сураси, 195-оят.

²⁶⁶ Қуръони карим, Исро сураси, 23-оят.

²⁶⁷ Қуръони карим, Анкабут сураси, 8-оят.

²⁶⁸ Қуръони карим, Нисо сураси, 128-оят.

²⁶⁹ Қуръони карим, Рум сураси, 21-оят.

²⁷⁰ Қуръони карим, Ал-Исроъ сураси, 26-оят.

²⁷¹ Қуръони карим, Нахл сураси, 90-оят.

²⁷² Қуръони карим, Хужурот сураси, 10-оят.

²⁷³ **Зайдий** – исломдаги мазҳаблардан бири.

²⁷⁴ Қуръони карим, Оли Имрон сураси, 103–105-оятлар.

²⁷⁵ Қуръони карим, Бақара сураси, 208–209-оятлар.

²⁷⁶ Қуръони карим, Бақара сураси, 41–42-оятлар.

²⁷⁷ Қуръони карим, Нисо сураси, 59-оят.

²⁷⁸ Қуръони карим, Шўро сураси, 10-оят.

²⁷⁹ **«Ал-қистоси-л-мустақим»** – аниқ тарози. Имом Фаззолийнинг ваҳдати вужуд ҳақидаги асари.

«АРУЗ ҲАҚИДА»

Ушбу рисола 1936 йилда лотин ёзувида Отажон Ҳошимнинг масъул муҳаррирлигида чоп қилинган бўлиб, ўз вақтида адабий шов-шувларга сабаб бўлган аруздай мураккаб вазн хусусиятларини замонавий шеършунослик билан боғлашга ҳаракат қилинган илк илмий-методик тажрибадир. Асар фақат ижодкорларгагина эмас, балки талаба ва мутахассисларга мўлжаллангани учун 1997 йили олий ўқув юрглари учун ўқув қўлланмаси сифатида қайта нашр қилинган (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев).

«Аруз ҳақида» асари тўғрисида қуйидаги тадқиқот ва мақолалар яратилган:

1. Ҳ. Болтабоев. Фитрат – арузшунос (сўзбоши). Китобда: Фитрат. Аруз ҳақида. – Т.: «Ўқитувчи», 1997. – 3–13-бетлар.

2. «Рисолайи аруз» ва «Аруз ҳақида» // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1995. 5–6-сонлар.

3. Арузшуносликни чалкаштираётган воқеа ёхуд нон орасидан кир исламак. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1998 йил 1 май. – 0,3 б.т.

Ушбу рисоланинг иккинчи қайта нашри дастлабки нашрлар билан

солиштирилди, ўз даврининг адабий ва имловий хусусиятларини акс эттирувчи ҳужжат бўлгани учун ҳам нашрдаги илк тамойиллар аслича сақланди. Муаллиф изоҳлари саҳифа остида қолдирилди. Зарур тушунча, адабий истилоҳ ва исм кўрсаткичларига қуйида изоҳлар берилди:

¹ **Илм уш-шеър** — шеър илми. Араб тилида ёзилган кўпгина рисо- лалар бор. Биргина Форобийнинг «Китоб уш-шеър» асари бунга ми- сол бўлиши мумкин.

² **Алишер Навоий. Мезонул-авзон. Асарлар. XIV жилд, Тошкент, 1967, 133–182-бетлар.**

³ **Ҳижо вазни** — бармоқ вазни назарда тутилади.

⁴ **Камият ва кайфият** — бу ерда: миқдор ва сифат.

⁵ **Миён Бузрук. Ижодий йўлимиз ҳақида. «Ўзбек совет адабиёти», 1935, 2-сон.**

⁶ Ушбу парча Миён Бузрукнинг юқорида кўрсатилган мақоласи- дан олинган.

⁷ **Басит** — луғавий маъноси: ёйиқ. Халил Ибн Аҳмад тизимида учинчи бахрнинг номи. Бу ерда: аслида оддий, жўн ҳодисани ёйиб тўшунтириш.

⁸ **«Уштур ва шеъри араб дар ҳолатаст у тараб»** — Саъдий Шеро- зийнинг байти. Мазмуни: араб шеъри унинг ҳолатидан дарак беради.

⁹ **Халил ибн Аҳмад** — машҳур араб арузчиси. Тўла исми Абд ар- Раҳмон ал-Халил ибн Аҳмад ал-Аздий (718–786). Араб тили ва ада- биёти, товушлар назарияси ва мусиқа илми билан шуғулланган. Аруз ҳақидаги рисоласи бизгача етиб келмаган, унинг асосий мазмунигина қайд сифатида мавжуддир. «Айн китоби», оҳанг ва ритм масалалари- га бағишланган рисоалардан унинг назариясини ўрганиш мумкин. У ҳақда қаранг: Э. Талабов. Араб арузи. Тошкент, 1977, 5–6-бетлар.

¹⁰ **Ахфаш** — тўла номи Абул-Ҳасан-Саъид ибн Мусъад ал-Ахфаш, арузшуносларнинг Басра мактаби вакилларида. Халил ибн Аҳмад- нинг назарияси бўйича арузда 15 та баҳр тавсия этилган. 16-баҳр — мутадорик (луғавий маъноси: кейин англашилган) шу олим томони- дан қўшилган.

¹¹ **«Бурҳон Қотей»** — қадимги форс маъҳазларидан.

¹² **Ибни Қайс** — Шамсиддин Муҳаммад бинни Қайс Розий назар- да тутилади.

¹³ **Маъҳаз** — манба, материал. Бу ерда кўрсатилган «Табодат уш- шуаро» китоби XIII асрга тааллуқли. «Табарий» — машҳур «Тарихи Табарий» («Пайғамбар ва подшоҳлар тарихи»). Асарнинг тўла наشري бизгача сақланмаган, қисқа наشري 1879–1901 йилларда Де Гье тара- фидан Лейденда нашр қилинган. Фитрат Юсуф Баёний таржимаси- даги (1882) ўзбекча нусхани назарда тутаётган бўлиши керак.

¹⁴ **«Фирдавсий ҳақидаги мақоламиз...»** — Фитратнинг «Фирдав- сий» («Социалистик фан ва техника», 1934, 10–11-бетлар), «Эртак- лар ва ҳақиқат» («Машғала», 1934, 1-сон), «Абулқосим Фирдавсий

замони ва муҳити» («Ўзбек совет адабиёти», 1936, 10-сон) мақолаларида бу фикр қайд этилган.

¹⁵ **Ал-Муаррий** — машҳур араб шоири. Милодий 979 йил 28 сентябрда Суриянинг Мааррат ан-Нуъмон шаҳрида туғилган. Байт унинг «Лузумийят» асаридан олинган.

¹⁶ *Бу ҳақда қаранг:* Баҳром Сирус. Арўзи тожики. Таҳқиқи интиқодий. Душанбе, 1936, 13–31-бетлар.

¹⁷ **Шамси Қайс** — тўла номи Шамсуддин Муҳаммад бинни Қайс Розий, эрон арузчиларидан. Унинг «Ал-муъжам фи маоири ашъор ал-аҷам» асари (Техрон, 1935) назарда тутилади.

¹⁸ Бу ўринда Навоийнинг «Мезонул-авзон», Бобурнинг «Аруз рисоласи» (яъни «Мухтасар») назарда тутилади. Бу эслатишнинг ўзиёқ Фитрат Навоий ва Бобур асарларидан яхши хабардор эканини далиллайди. Бу қайд ўз-ўзидан ўзбек арузчилари кўп такрорлаган «Бобурнинг рисоласи биринчи марта 1968 йили Ўзбекистонга келтирилгани» (Қаранг: Саидбек Ҳасан. Бобурнинг «Мухтасар» асари ҳақида. Кириш мақола// Бобир. Мухтасар. Тошкент, «Фан», 1971, 6-бет) ҳақидаги фикрнинг асоссиз эканини тасдиқлайди. Китоб мутолаасидан муҳтарам ўқувчилар ҳам яхши англашлари мумкинки, Фитратнинг қўлида Бобур рисоласининг нусхаларидан бири бўлган.

¹⁹ Фитрат келтирган кўчирма ушбу манбадан олинган: Муҳаммад Фуад Кўпрулу. Турк елебийати тарихи. Истанбул. «Милли матбаа», 1926, 165-бет.

²⁰ **Кназ** — «князь» сўзининг бузилган шакли. Бу сўз Миён Бузрукнинг мақоласида подшоҳ маъносида қўлланилгани учун Фитрат ҳам уни айнан сақлаган.

²¹ Ушбу парча ҳам Миён Бузрук мақоласидан келтирилган.

²² Фитратнинг бу эътирофи кўплаб халқ қўшиқлари мисолида тасдиқланади. Масалан, машҳур халқ қўшиқларидан бири Рамал баҳрида ёзилганини эслайлик:

*Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётгонинг қани,
Мен ёмондин айрлиб яхшини топгонинг қани?*

— V — — — V — — — V — — — V —

Фоилогун фоилогун фоилогун фоилогун

²³ Бундай қавс ичида кўрсатилган сўз ва ҳарфлар Фитрат асарида учрамаган, бироқ шу кун имло қоидаларига биноан ишлатилиши лозим бўлган белгилардир.

²⁴ Айрим сабабларга кўра, «Аруз ҳақида»ги рисолаининг мана шу ўрнида жузъий қисқартиришлар бор.

²⁵ «**Мадлик**» — чўзиқлик, давомлилик.

²⁶ «**Узун чўзгилик тиллар учун**» — айрим тилларда чўзиқ унли жуда кўп ишлатилади. Масалан, араб ва форс тиллари шундай тиллардан. Ўзбек тилида эса чўзиқ унлилар қаторида қисқа унлилар ҳам борки, улар аруз табиатига кўп ҳолларда мос келавермайди.

²⁷ «**Фарън(й) рукнлар**» — «фаръ» сўзининг луғавий маъноси: қисм, бўлак. «Аслий рукн»ларнинг қисқариши ёки орттирилишидан ҳосил бўлган ҳосила рукнлар деб ҳам қабул қилиш мумкин.

²⁸ **Зуҳофот** — зиҳофлар. Арузда бир баҳрнинг ичида бўладиган товуш ўзгаришлари. Масалан, қисқа унлининг вазн талаби билан чўзилиши каби ҳоллар.

²⁹ **Эргаш** — машҳур шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли назарда тутилган.

³⁰ Ушбу ва бундан кейинги парчалар ҳам Навоий асарларининг кейинги нашрлари билан солиштирилиб, Фитратдаги айрим жузъий хатоликларни тузатган ҳолда келтириляпти. 4-мисрадаги «Ўт узра...» кейинги нашрларда «Қум узра...» деб берилади. Солиштириш учун қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўлами. 9-жилд, Тошкент, 1992, 180-бет.

³¹ Бу парча бир вазнда ёзилгани учун Фитрат сўнги мисрани келтириш билан чекланыпти. Фақат «ўт» сўзи «қўр» билан алмаштирилган. Фитрат, бизнингча, бу парчани ёдаки келтирган бўлиши эҳтимол.

³² **Н. Раҳимий** — юқорида эслатилган адиб.

³³ **Бухороли Исмат** — тўла номи Хожа Исмат Бухорий (1365–1436), машҳур шоир. Навоий у ҳақда «Мажолисун-нафоис» асарида тўхталади. Бизгача 8 минг байтли бир девони ва «Иброҳим Адҳам» номли 1035 байтли достони етиб келган.

³⁴ **Комил** — машҳур шоир Комил Хоразмий (1825–1919) назарда тутилади.

³⁵ Ҳазал тўла ҳолда ушбу нашрда келтирилган: Бобир. Танланган асарлар. Тошкент, 1958, 38-бет.

³⁶ Ушбу туюқ Лутфий асарларининг кейинги нашрларидан ҳам ўрин олган.

³⁷ Бу парча Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асаридан олинган. Қиёслаш учун қаранг: Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. Тошкент, 1989, 40-бет.

³⁸ Ушбу парча Бобурнинг «Маснавий»ларидан олинган. Солиштириш учун қаранг: Бобур. Танланган асарлар. 183-бет.

³⁹ Танобчилардан олинган бу парчани Муқимий асарларининг кейинги нашрлари билан солиштирганда уларда вазн бузилган ҳолатларни кўриш мумкин. Эҳтимол, уларни Фитрат аруз қондасига келтириш учун тўғрилаб кетгандир. Эҳтимол, асарнинг Фитрат қўлида бўлган нусхасида шундай ёзилгандир. Ҳарҳолда солиштириб қаранг: Муқимий. Асарлар тўплами 11-том, Тошкент, 1960, 5–6-бетлар.

⁴⁰ Навоийнинг «Искандарнома»си... — бу ўринда «Садди Искандарий» назарда тутилади. Фитрат қисқаликка интилиб, шундай атаган бўлса керак. Бундай номлаш олимнинг бошқа асарларида ҳам учрайди.

⁴¹ **Муҳаммад Алихон** — Мадалихон, Қўқон хонларидан. Амир Умархон ва Нодирабегимнинг ўғли.

⁴² Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидан олинган бу пар-

чанинг кейинги йиллар нашри учун қаранг: Алишер Навоий, МАТ, 8-жилд, Тошкент, 1991, 195-бет.

⁴³ **Ҳадаф** — нишон жойи.

⁴⁴ **Ҳашмат** — XIX–XX аср бўсағасида ижод этган шоирлардан. Тазкиранавис сифатида ҳам шуҳрат қозонган.

⁴⁵ **Равнақ** — бу парча Паҳлавонқули Равнақ (1730–1800 йиллар охири) девонидан олинган.

⁴⁶ Келтирилган ғазал Навоийнинг «Фавоид ул-кибар» девонидан. Солиштириш учун қаранг: Алишер Навоий, МАТ, 6-жилд, Тошкент, 1990, 132-бет.

⁴⁷ Фитрат кўп ўринларда муаллифи кўрсатилмаган парчаларни вазн талабига мос келадиган қилиб ёзган. Айим ўринларда эса маълум, ҳатто машҳур ғазалларни мазмунига «хиёнат» қилмаган ҳолда вазн талаби билан қайта «ишланган». Бу парча ва бошқа намуналар бу фикрни далиллаши мумкин.

⁴⁸ Арузшуносликка оид рисолаларда рубоий вазнлари алоҳида кўрсатилмаган. Фақат ҳар вазнга мос ҳолда Бобур рубоийларини бериб кетган, холос. Шунинг учун ҳам Фитратнинг бу илмий ҳаракатига алоҳида эътибор билан қараш керак.

⁴⁹ Бу рубоий ҳам «Бобур. Танланган асарлар» китобида бор, 155-бет.

⁵⁰ **Саҳбо** — узум сувидан тайёрланган олий сифатли май.

⁵¹ Бу рубоий сўфий шоир Ҳувайдо қаламига мансуб.

⁵² Навоийнинг бу рубоийси «Фаройибус-сиғар»даги 43-рубоийдир, унинг кейинги нашри учун қаранг: Алишер Навоий. МАТ, 3-жилд, Тошкент, 1988, 571-бет.

⁵³ Мисранинг сўзма-сўз мазмуни: У тезликда ўткир, ҳолсизликда эса ҳазон кабидир.

⁵⁴ Навоийнинг ушбу ғазали тўла ҳолда қуйидаги манбада келтирилган: Алишер Навоий. МАТ. 6-жилд, Тошкент, 1990, 139-бет.

⁵⁵ **Руд** — ариқ, сой, ҳатто айрим ўринларда дарё маъносида қўлланилади.

⁵⁶ Ушбу ғазал билан Навоий асарларининг кейинги нашри ўртасидаги фарқлар алоҳида ўрганилиши лозим бўлади. Солиштириш учун қаранг: Алишер Навоий, МАТ, 4-жилд, Тошкент, 1989, 123-бет.

⁵⁷ Н. Раҳимийнинг бу шеъри шоирнинг тўпламларида учрамайди.

⁵⁸ **Фазлийдан** келтирилган бу назм парчаси унинг девонидан олинган. Кўқон адабий муҳитида эътиборли шоирлардан ҳисобланган Фазлий «Мажимуан шоирон» номли тазкира ҳам тузган.

⁵⁹ **Аҳмар** — қизил.

⁶⁰ **Аҳгар** — лахча чўғ.

⁶¹ **Ахтар** — юлдуз номи.

⁶² **Шаппар** — кўршапалак.

⁶³ Бу парча Навоийнинг «Фаройибус-сиғар»ига кирган 36-ғазалдан олинган. Унинг тўла матни учун қаранг: Алишер Навоий, МАТ, 3-жилд, Тошкент, 1988, 52-бет.

⁶⁴ Бу мухаммас Муқимийнинг «Ҳожи қадоқчи» ҳажвидан. Унинг тўла матни учун қаранг: Муқимий. Асарлар тўплами. 2-том, Тошкент, 1960, 45-бет.

⁶⁵ Ушбу парча Лутфий «Девон»идан олинган. Ҳазалнинг тўла матни ушбу манбадан ўқиш мумкин: Ўзбек адабиёти, 1-том, Тошкент, 1959, 435-бет.

⁶⁶ **Мунфайл** — таъсирланган, ҳаяжонланган.

⁶⁷ Бу ҳазал Навоийники эмас, бу ерда янглиш кетган. Бизнингча, бу янглиш Фитратга тегишли эмас, чунки у «Ўзбек намуналари»да айна ҳазал матни тўла келтириб, уни Бобурнинг бошқа асарлари қаторида кўради. Бироқ, таассуфки, айна ҳазал Бобур асарларининг 1958, 1961, 1983 ва бошқа йиллардаги нашрларида келтирилмаган. Фитратнинг қўлида девонининг нисбатан мукамал нашрларидан бири бўлганини аввал қайд этган эдик. (Бунинг тафсилоти учун қаранг: Ҳ.Болтабоев, Бобуршоҳ. Фитрат талқинида. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1993, 12 март).

⁶⁸ Ҳувайдонинг ўйноқи бу ҳазали мустазоднинг асл мисралари ёзилган вазнда битилган. Шунинг учун ҳам кейинги мустазод (луғавий маъноси орттирилган) ҳазал тартибда ёзилган бўлса ҳам биз уни мустазод шаклида кўчирдик. Ўзбек шеърятда бундан бошқа вазнларда мустазод яратилгани ҳам маълум.

⁶⁹ Навоийдан олинган ушба парчанинг тўла матни учун қаранг: Алишер Навоий. МАТ, 3-жилд, 41-42-бетлар.

⁷⁰ Навоийнинг бу машҳур ҳазалининг бир сатри «Кўзи қаҳринму дейин, қирпики захринму дейин» (2-байт, 1-сатр) тушиб қолган, натижада кўринишдан бу ҳазал парчаси мухаммасга ўхшаб қолганки, уни зинҳор мухаммас деб қарамаслик керак. Бизнингча, Фитрат бу қадар янглишга бормади, матбаа хатоси бўлса керак. Ҳазалнинг тўла матни билан солиштириш учун қаранг: Алишер Навоий. МАТ, 4-жилд, 350-бет.

⁷¹ Ушбу ҳазал тўла матнининг кейинги нашрларида жузъий ўзгаришлар борки, уларни қиёсан ўрганиш муҳтарам навоийшуносларимизни қизиқтирса керак. Қиёслаш учун қаранг: Алишер Навоий, МАТ, 5-жилд, 245-бет.

⁷² Фурқатдан келтирилган машҳур ҳазал матнида ҳам айрим ўзгаришлар бор. Бу ҳақда қаранг: Фурқат. Танланган асарлар. 1-том. Тошкент, 1959, 55-бет.

⁷³ Фитрат «замонавий совет шоири» сифатида кўп ўринда Н. Раҳимийдан мисоллар келтиради. Таассуфки, қўлимизда шоирнинг бирор тўплами (чоп этилган) йўқлиги туфайли солиштириш имкони бўлмади.

⁷⁴ Ушбу парча Навоийга тааллуқли бўлиб, унинг тўла матни учун қаранг: Алишер Навоий, МАТ, 6-жилд, 304-бет.

⁷⁵ Комил Хоразмийнинг бу ҳазали унинг девонида бор.

⁷⁶ **«Баёти наср»** — тўғрироғи, наср баёти. Шашмақом (яъни, олти мақом) «уч бутуққа» бўлинади. Улардан биринчиси ёлғиз куйдан иборат бўлиб, уни «мушкулот» деб атайдилар. Иккинчиси куй ва қўшиқ-

дан иборат бўлиб, уни «наsr» деб атайдилар, агар насr қисми куй ва ўйиндан иборат бўлса, бунга «уфор» деб ном берилади. Нафақат шоир, машҳур мусиқашунос бўлган Комил Хоразмий шунга ишорат қиляпти. Бу ҳақда маълумот Фитратнинг асариди ҳам учрайди. (Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Самарқанд–Тошкент, 1927, 13–17-бетлар.)

⁷⁷ **Мутриб** – чолғучи.

⁷⁸ **Шавқфизо** – шавқ бағишловчи, шавқ берувчи.

⁷⁹ Ушбу ғазал Комил Хоразмийнинг девониди бор.

⁸⁰ Бу парча Фафур Фуломнинг «Совет қаҳрамонларига» шеъридан олинган. Шеърнинг тўла матни учун қаранг: Фафур Фулом. Асарлар. Ўн томлик, 1-том, Тошкент, 1970, 131-бет.

⁸¹ Наби Раҳимийнинг ушбу шеъри ва Фафур Фуломнинг юқориди-ги асарларини тўла равишда аруз вазнида битилган деб бўлмайди. Гарчи бу бошланғич бандлар вазнига тушгани билан шеърларнинг кейинги сатрлари аруздан узоқлашиб кетган. Фитратнинг рисоласида кўрилганидек, арузни совет шоирларига боғлаш учун қилинган ҳаракат натижаси бўлса керак.

⁸² Гарчи муаллифи кўрсатилмаган бўлса ҳам, бу парча Усмон Носирнинг «Юрак» шеъридан олингани китобхонларга маълум бўлса керак.

⁸³ Навоийнинг бу ғазали ҳам Фитрат келтирган парча билан солиштириб ўрганишга муҳтож. Қаранг: Алишер Навоий. МАТ, 5-жилд, 182-бет.

⁸⁴ Ушбу парча Фазлийнинг «Девон»идан олинган.

МУНДАРИЖА

Бедил (Бир мажлисда)	5
Мухтасар ислом тарихи	36
Нажот йўли	62
Аруз ҳақида	208
Изоҳлар	283

Адабий-бадиий нашр

АБДУРАУФ ФИТРАТ
ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

V жилд

Илмий рисолалар

Тошкент «Маънавият» 2010

Муҳаррир М. Ражабова
Рассом Г. Шоабдурахимова
Техн. муҳаррир Т. Золотилова
Мусаҳҳиҳ О. Бозорова
Компьютерда тайёрловчи Ш. Соҳибов

Босишга 08.02. 2010 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108/₃₂. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 15,96. Нашр т. 13,86. 5000 нусха. Буюртма №930. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Паҳлавон Маҳмуд 2-берк кўча, 2-уй. Шартнома 04–10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. 100083. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 2010.